

Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий  
Комитети ва  
Ўзбекистон ССР  
Ёзувчилар  
уюшмасининг  
органи



**ЎШЛИК**

{101}

Май

Ойлик  
адабий-  
бадий,  
ижтимоий-  
сиёсий  
журнал

1982 йилдан  
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ,  
Эркин ВОҲИДОВ,  
Хуршид ДАВРОН,  
Владимир ЖОНИБЕКОВ,  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,  
Ҳамид ИСМОИЛОВ,  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ  
(масъул котиб),  
Олим ОТАХОНОВ,  
Азим СУЮН,  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,  
Нурали ҚОБУЛ,  
Абдурашид ҚОДИРОВ,  
Усмон ҚУЧҚОР,  
Ғаффор ҲОТАМОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Тошкент  
«Ёш гвардия»

**Ғалаба байрамингиз  
муборак!**



**Тинчлик ниҳоллари**

А. Жумаев фотозтуди.



Пиримқул Қодиров,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# ҲИНДИСТОН сабоқлари

*Тарих саҳифаларида маънавий сабоқлар қанча кўп бўлса, улкан мамлакатларга қилинган сафарлар ҳам ҳаётингизга шунча кўп янги тушунчалар, тасаввурлар ва тозарилар олиб киради. Ажойиботларга қон бўлган Ҳиндистоннинг улуғ ва ноёб мамлакат эканига аввалги икки сафарим чоғидаёқ имон келтирган эдим. Ўтган қиш учинчи марта Ҳиндистонга бориб, ҳали кўрмаган кўп жойларни кўрдиму энг аввало унинг гуллаб-яшнаб турган табиатига ва шу табиатга чин фарзанддек меҳру оқибат кўрсатиб яшаётган халқига ҳавасим келди.*



## Табиат ва ҳукумат

Москвада совук минус 26 даражага чиккан декабрь ўрталарида Юрий Иванович Суворцев билан Шереметьево аэропортига йўл олдик. Ўзбек китобхони Юрий Ивановични яхши билади — жумхуриятимизга кўп марта келган, катта анжуманларда сўзлаган нутқлари телевизорлар орқали кўрсатилган. У СССР Ёзувчилари уюшмасининг котиби бўлишидан ташқари, машхур адабиётшунос ва таржимондир. «Улуғбек хазинаси» ва «Юлдузли тунлар» Ю. И. Суворцев таржимасида Москвада қайта-қайта нашр этилди ва хорижий тилларга ўғирилди. Унинг навбатдаги ижодий режаси — «Авлодлар дово»ни таржима қилиш эди. Романнинг асосий воқеалари Ҳиндистонда бўлиб ўтгани учун Ю. И. Суворцев мен билан бирга бориб, романда тасвирланган шаҳарлар, дарёлар, водийлар, тарихий обидаларни, энг муҳими, минг йиллардан бери дунёни ўзига жалб этиб келаётган ҳинд халқини ва бу мамлакатнинг табиатини ўз кўзи билан кўришни режалаштирган эди. Бу режа йил охирида амалга ошадиган бўлди. Бизга таржимон қилиб тайинланган Наталья Изосимова билан «Советский писатель» нашриётининг вакили шоир Эдуард Балашов бир ҳафта олдин жўнаб кетишган экан. Улар билан Дехлида топишиб, тўрт кишилиқ ёзувчилар делегациясига айландик. СССР

билан Ҳиндистон ҳукумати орасида тузилган маданий алоқалар шартномасига биноан ижодий мақсадларни кўзлаб келганимиз учун бизни яхши кутиб олдилар, қулай меҳмонхоналарга жойлаштириб, барча йўл харажатларимизни кўтардилар, қадимда «явмул харж» деб аталадиган кундалиқ сарфларга хинд пули — рупийлар ҳам бердилар.

Сафаримиз арафасида Ҳиндистоннинг ҳукумат бошлиғи ўзгарган, Раджив Ганди ўрнига Пратап Синх сайловда ғолиб чиққан, мамлакат Асосий қонунига биноан, барча нозирлар, шу жумладан, бизга мезбонлик қилган маданият соҳасининг мутасаддилари ҳам янгиланиши кутилмоқда эди. Шунга карамай, мезбонларнинг муносабатида бирон совуқлик, муваққатлик ёки бошқача ўзгаришлар сезмадик. Дехлида биз билан учрашган совет элчихонаси вакиллари ҳам «муносабатларимиз аввалгидай яхши давом этмоқда, чунки бизнинг Ҳиндистон билан алоқаларимиз доимий бир дўстлик ва ҳамкорлик асосига қурилган» дейишди.

Аслида, демократик йўл билан сайланадиган ҳукумат азалдан бор бўлган мамлакатни ва унинг халқини табиий бир мавжудотдек, иқлимдек қабул қилади. Иқлим инсоннинг иродасига бўйсунмайди. Аммо ўтмишда «Халқ менинг иродамга бўйсунсин!» деган мутлак ҳокимлар табиатни ва иқлимни ўзига итоат этдиришга интилувчи зўравонлардек зулм ўтказган, беҳад кўп фожеаларга сабаб бўлган эдилар. Тарихий тараққиёт жараёналари бундай зўравонликни табиий асосга эга

бўлмаган ичи пуч сунъий нарсасдек улоктириб ташлади. Халкнинг иродасини табиий мавжудоддек қабул қиладиган ва парламент жорий этган қонунларни барчага баробар иқлим ўрнида кўриб иш юритадиган ҳукуматлар ҳуқуқий давлат сирасига қирадилар. Ҳиндистонда мана шундай табиий асосга эга бўлган демократик давлатни М. Ганди ва Ж. Нерулар тузиб кетган эдилар. Индира ва Раджив Гандилар ота-боболарининг шу анъанасини тадрижий давом этдирдилар. Кўпчилик ишониб овоз берган янги ҳукумат бошлиғи ҳам ҳуқуқий давлат тартиботини яна тадрижий тарзда давом этдиради, деган ишонч бор.

Хуллас, ҳукумат бошлиғи алмашинган нозик бир пайтда ҳам ҳуқуқий давлат талабларига яхши риоя қилган ва биз каби меҳмонларга аввалгидай илик муносабатда бўлган мезбонларимиздан ўзимча мамнун бўлганимда кўнглимдан бир фикр ўтди: табиатга хос барқарорлик ва тадрижийликни ўзига сингдирган давлат халққа табиат каби яқин ва зарур бўлади. Қайта қуриш жараёни бизда ҳам ана шундай ҳуқуқий давлатни камолотга етказиши керак.

## Иқлим ва ҳаёт тарзи

Гарчи ёз ойларида Ҳиндистон иссиқларига тоқат қилиш четдан борган одам учун беҳад қийин бўлса ҳам, бунга асрлар давомида мослашган халқ учун иссиқ иқлим — улуғ бир неъматдир. Чунки йил бўйи бутун борлик ям-яшил баҳор либосини тарқ этмайди. Биз борган киш ойларида ҳам Ҳинд уммони бўйидаги Мадрас, Майсор, Банголлар атрофларида юз хил ажойиб гуллар муаттар хид таратиб очилиб турарди. Айни шу вақтда дала-ларда сарғайиб пишган шолининг иккинчи ҳосилини ўриб янчаётган, шамолда совуриб, донини ажратаётган, ёки боғларда пишган банан ва хурмоларни узиб, бозор расталарига олиб бораётган деҳқонлар... Табиат куз ёмгирларидан кейинги қуёшли кунларда тиник ва беғубор бўлиб яшнаб турибди. Одамлар енгил ёзги кийимларда, оёқларида шиппак.

Улуғвор долға тўлкинлардан кўпириб ётган уммон бўйлаб минг қақиримдан ортик йўл босдик. Ҳамма жойда илик, фаровон ва майин табиий муҳит. Унинг бағрида яшаётган одамлар егулик ва кийгулик ҳамма нарсани меҳнат қилиб топишлари учун имконият бор.

Ҳиндистон тарихини ўрганар эканман, бир нарсага ҳайрон қоламан: минг йиллар давомида шухрат ва бойлик изловчи фотиҳлар бу мамлакатга гоҳ шимолдан, гоҳ ғарбдан, гоҳ жануб ва шарқдан бостириб келганлар. Аммо шу минг йиллар давомида Ҳиндистоннинг ўзи ёки унинг подшо ва саркардалари на шимолга, на ғарбга, на жануб ва шарқ мамлакатлари устига кўшин тортиб, фотиҳлик қиличини ўйнатиб борган эмаслар. Бунинг кўп сабабларидан бири шуки, Ҳиндистоннинг ўзи бой, табиати сахий, халқи қаноатли ва меҳнатсевар. Бу халқ барча эҳтиёжларини ўз ватанида қондира олади, шунинг учун баднафс, шухратпараст лашкарбошилар халқ оммасини бошқа мамлакатларга бостириб боришга кўндиролган эмас. Бунинг яна бир сабаби — турли элларни тинч-тотув яшашга, бағри кенг бўлишга, биродарларча муроса қилишга ўргатувчи энг қадимий ахлоқ низомлари Ҳиндистонда минг йиллар давомида ўз кучини йўқотмай келади. Уч минг йил олдин яратилган «Ману қонунлари», «Ахтарваеда» ва «Гита» — шулар Ҳиндистондандир. Бу азалий бағрикенглик туфайли Ҳиндистон на сора динининг илк асосчиси Мусо пайғамбарга ўз маънавий тажрибасини инъом қилгани

тарихий ривоятларда битилган. Бундан уч ярим минг йил олдин номи муқаддас китобларда қайд этилган Ҳинд тангриси Брахма Яхудийларнинг муқаддас «Тавро» тига Авраам номи билан ўтади. Кейинчалик бу тангрини мусулмонлар Иброҳим пайғамбар номи билан улуғлаб, «Қуръон» сураларига киритадилар. Мана шу анъанавий бағрикенглик туфайли Ҳиндистонликлар VIII асрда ислом динини ихтиёрий равишда қабул қилдилар. Ўрта Осиёда Қутайба қилган зўравонлик ва хунрезликларни Ҳиндистонга борган араблар қилмайдилар. Шу билан исломнинг Ҳиндистонда соғлом бир муросали асосда ривожланишига имкон яратадилар. Ҳозир Ҳиндистон ярим оролида, Покистон ва Бангладешни қўшиб ҳисоблаганда, уч юз миллиондан ортик мусулмон яшайди. Дунёнинг бошқа ҳеч қайси қитъасида мусулмонлар бунчалик кўп эмас.

Тўғри, зўравонликдан манфаатдор бўлган тор кўнгили таъмағирлар гоҳ Қашмирда, гоҳ Панжобда Ҳиндлар билан муслимлар орасига низо уруғини сочадилар. Бу ёвуз уруғлар гоҳо беғубор одамларнинг қонига зомин бўлаётгани ҳақида матбуот ташвишли хабарлар келтириб туради. Лекин биз саёхат қилган жанубий ўлкаларда, Деҳли ва Агра атрофларида Ҳиндлар билан муслимлар бир-бирларининг ҳурматларини жойига қўйиб, осуда ва иноқ яшаётганларига гувоҳ бўлдик. Буни исбот этадиган далилларни куйида Мирзо Ҳумоюн ва Акбар макбаралари ҳақида сўз юритганда яна келтирмоқчиман.

Ўзбекистон каби Ҳиндистонда ҳам кўпчилик аҳоли қишлоқларда яшайди. Ҳинд қишлоқларида ҳам кулбалар шаклини олган кўримсиз уйлар кўп. Фақат Ҳинд уйларининг томлари бамбук барглари билан ёпилган. Катта кўча бўйларида шинам қилиб қурилган ғиштин бинолар ҳам оз эмас. Лекин иқлим илик ва ўғри кам бўлгани учундир, икки қаватли, темир панжарали деразаларни учратмайсиз. Қишлоқларида қулфланадиган эшиклар йўқ. Умуман, кулфу қалитларни биз фақат шаҳарларда, ўзимиз турган меҳмонхоналарда кўрдик. Қишлоқларда ва шаҳарларнинг оддий меҳнаткашлари турадиган маҳалла-қўйларида одамлар кулфу қалитсиз, темир панжараларсиз очик-сочик яшайдилар.

Бир вақтлар ўзимизнинг Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларимизда ҳам қулфланадиган жойлар жуда оз бўларди. Ҳатто бозор расталарида қимматбаҳо буюмлар сотиладиган дўконлар кечаси фақат чий билан бекитиб кетиларди. Мен бу яхши одатни ўша жойларда соғинч билан эсладим.

Маҳалла-қўй бўлиб яшаш одатлари Ҳиндистонда жуда яхши сақланиб қолган. Бир оиладай иноқ яшайдиган маҳалла-қўйга ўғри ёки шумоёқ кишилар оралайди, чунки биронтаси ёмонлик қилса кўлдан қочиб қутулолмайдиган қўндай қўлга тушади. Қишлоқ жамоалари ва шаҳар маҳаллаларида «панчаят» деб аталадиган беш кишидан иборат хайъат ва раҳбарият бор. Энг эътиборли одамлардан ташкил топган шу панчаят маъмурий ишларга ҳам, тўйга ҳам, азага ҳам мутасадди бўлиб туради. Улар моҳият эътибори билан бизнинг энг яхши маҳалларимизда фаолият кўрсатиб келаётган маҳалла кенгашларини эслатади.

Шарқда асрлар синовидан ўтиб келаётган маҳалла-қўй бўлиб тинч-тотув яшаш анъаналарини маънавий қадрият сифатида эъзозлашимиз ва ривожлантиришимиз керак. Тошкентимиз бир қанча чет эл шаҳарлари билан биродарлашган. Шу биродарликни муайян мазмун билан тўлдирши учун Тошкентдаги энг яхши маҳалла ўтағасилари Ҳиндистондаги биродарлашган шаҳарларнинг маҳалла панчаятлари билан борди-келди қилсалар, тажриба алмашсалар, буни матбуотимиз

радио-телевидение орқали тарғиб этса жуда яхши бўларди.

## Иқтисод ва техника

Хиндистонда аҳоли жуда зич жойлашган. Худди бизнинг Фарғона водийсидаги каби қишлоқлар қишлоқларга уланиб кетган. Мамлакатнинг аҳолиси 817 миллиондан ортиқ. Ер майдони эса бизнинг мамлакатимиздагига қараганда тўрт-беш баробар кам. Шунга қарамай Хиндистон ўзини ўзи боқади, четдан дон ва бошқа озик-овқат сотиб олмайди. Бозор ва магазинларида егуликлар, кийим ва буюмлар истаганингизча топилади. Пули борга ҳамма нарса тўқин. Нисбатан олганда, нархлар ҳам инсоф билан қўйилган. Дейлик, бизнинг валюта ҳисобидаги 1 сўмимизга 24 рупий алмаштириб берилди. Шу 24 рупийга бозордан икки кило яхши қўй гўшти олишингиз мумкин. Иккита банан билан тушлик қилиб кетадиган одамлар бор. Иккита банан эса 1 рупий туради...

Тўғри, иш тополмай тиланчилик қилиб юрган, моянаси пастлигидан камбағалона яшайдиган оилалар ва бошқа ижтимоий муаммолар Хиндистонда ҳам оз эмас. Лекин ишсизлар, камбағаллар ёки тиланчилар бизда йўқми?

Энг муҳим мезон — мамлакат табиатини ва халқининг ахлоқини яхши саклай билиш билан боғлиқ.

Махатма Ганди ва Жавахарлал Нерудан бошланган хинд анъанаси — фан-техника инқилобининг табиатни бузадиган айрим томонларидан мамлакатни эҳтиёт қилишга қаратилган. Дейлик, жазирама иссиқда ер ҳайдаш оғир. Ерни кўп бузмайдиган резинка ғилдираклик кичик ҳайдов тракторлари бор. Улар деҳқоннинг оғирини енгил қилади. Шунинг учун давлат бундай тракторларга йўлни кенг очиб қўйибди. Аммо тупрокни шиббалаб қотириб ташлайдиган занжиртиш оғир тракторлар, ерни ағдар-тўнтар қилиб юборадиган экскаваторлар, бульдозерлар ва шуларга ўхшаш қурилиш техникалари Хиндистонда деярли қўлланилмайди. Уларни ишлаб чиқарадиган завод қуришга руҳсат берилмаган. Четдан келтириб сотишни истаган фирмаларга жуда катта бож солиқлар солинади, фойда ўрнига зарар кўришни эса ҳеч қайси фирма истамайди. Оғир юкларни кўтарадиган кранлар бор. Улар ерни кўп бузмайди. Аммо экскаватор, бульдозерлар йўқ. Уларнинг ишини ҳам одамлар қилади. «Эҳтимол, бу унча тўғри эмасдир, — дейишди хинд мезонларимиз. — Лекин бизда ишчи кучи кўп. Қўл меҳнати арзон. Одамларни иш билан таъминлаш учун ҳам қурилиш техникасини кам ишлатамиз. Энг муҳими, қурилиш техникасидан табиатимиз ортиқча зарар кўрмайди».

Бу ҳақда мунозара қилиш мумкин. Бизда Катта Фарғона канали қўл меҳнати билан қурилгани кўпчиликка маълум. Техника ёрдамида қурилган Аму-Бухоро, ёки Қарши каналларини Катта Фарғона канали билан солиштирсангиз, инсон қўли чиндан ҳам гул эканига амин бўласиз. Чунки Катта Фарғона каналининг хар иккала қирғоғида табиат яхши сақланган, юзлаб чақирим соҳилнинг ҳаммаси дарахтзор, боғ. Аммо Мирзачўлда, Қарши чўлида қурилган каналларимизнинг қирғоқларида бундай обод манзиллар жуда кам.

Албатта, бунинг учун қурилиш техникаси айбдор эмас. Гап техникадан меъёрида ва ўз ўрнида оқилол фойдаланиш ҳақида борапти. Кўчаларни ортиқ даражада қавлаб ташлашлар ва ойлари давомида бузилган ерни тузатмай ташлаб қўйишлар ҳаммамизни безор қилади. Агар ернинг ёки кўчанинг ҳақиқий эгаси бўлса эди, уни қавлаб ташлаб қўйишга йўл қўймак эди.

Бошқа бир нарсани олинг. Бир кишининг ярим кунлик қўл меҳнати билан битадиган ишга ҳам «Белорусь» ёки ундан каттароқ ерқавлагич машина келади. «Нега?» десангиз, баъзилар «бизда ҳамма иш механизациялашган, ёшлар кетмон билан ер қавлашни истамайди» дейишади.

Бирок игна билан битадиган ишга жуводиз ишлатилса нозик мато бузилади. Шунга ўхшаб, икки метр жойи қавланиши керак бўлса, «Белорусь» ёки экскаватор бирпасда юз-икки юз метрик жойни ағдар-тўнтар қилиб кетади. Уни текислаш учун чақириладиган бульдозер йўлида учраган бирор нарсани бузиб, йикитиб ўтади. Яна бунга қанча ёнилғи сарфланади, техника харажати ортади. Ахир мунча бузғунчиликка кетган пулни иккита ёлланма ишчига берсалар, ҳам ўн баробар арзонга иш битириш мумкин бўлади, ҳам табиат беҳуда бузилмайди, ҳам кўнгилдагидек чиройли натижага эришилади.

Ахир қўл билан қилинган иш пухта, гўзал, умрбоқий бўлади. Самарқанд, Бухоро обидалари буни кўрсатиб турибди. Техника ишлатишда бирёклама кетаётган одамларга яна битта мисол келтирай. Сўзана ёки дўппининг каштасини «попоп» машинада ҳам тикиш мумкин. Лекин биз асл дўппи кийгимизда келганда чеварлар қўлида тикилганини оламиз. Қўлда тикилган асл дўппи «попоп» машинаникидан беш-олти баробар қиммат бўлса ҳам, чеварникини афзал кўрамыз.

Ҳаётнинг жуда кўп соҳаларида техникага бирёклама берилиб, қўл меҳнатини менсимаган одамлар кетмонни ҳам бекорга «пuffedассикка» чиқариб йўқотиб юбормоқчи бўлдилар. Ҳатто баъзи шоирларимиз «кетмонга» кофия қилиб, «кет мандан, рўдапо!» деб, аждодларимиз кашф қилган бу ажойиб меҳнат қуролига ҳақоратомуз сифатлар бердилар. Лекин кетмондан кулганларнинг ўзлари кулгули ахволга тушиб қолди. Чунки кетмонсиз чопик йўқ, кетмонсиз ўтоқ йўқ. Кетмонсиз экин суғориб бўлмайди.

Пахтаниннг оғир меҳнати ва яқка зироатчилик иллоти учун кетмонни айбдор қилиб қутулиб кетмоқчи бўлганларга қарши Қашқадарё вилоятининг Ульянов ноҳиясида катта йўлнинг чорраҳасида бир ҳайкал ўрнатилган. «Сувчи» деб аталадиган бу ҳайкалнинг қўлидаги улкан кетмонни яқин ўтмишининг баъзи раҳбарларини ғазабга келтиради. Ҳайкални олиб ташлаш ҳақида буйруқ ҳам берилади. Лекин ҳаётга ақл кўзи билан қарай олган ҳалол одамлар ҳайкал атрофидаги дала-ларда, боғларда ишлаётган деҳқонларга қарайдилар. Улардан бирортасининг иши кетмонсиз битмаслигини кўрадилар. «Ҳаётда бор нарса нега ҳайкалда бўлмаслиги керак?» дейишиб, чорраҳадаги кетмон тасвирини ўз ўрнида қолдирадилар.

Техникага бемеъёр ружу қилган баъзи одамлар трактор ёки машина каби насидан тушмасликка тиришадилар. Озгина пиёда юрсалар бир жойлари кемтилиб қоладигандек бўладилар. Баъзи қурилиш бошлиқлари катта самосвал ёки КАМАЗ машиналарини юксиз қурук ҳайдаб юриб майда-чуйда шахсий ишларини битирадилар. «Мана шу менинг персонал «Волгам!»» деб мактаниб ҳам қўядилар. Бу ҳаммаси давлат ва халқ маблағини ноинсофларча исроф қилишдан ташқари, иложи бўлса ҳожатга ҳам техника миниб боришга ўрганган одамларнинг соғлиғини емиради. Нуқул тарктордан тушмайдиган, яна уни мудом енгил машинадай чопдирадиган тракторчилар муттасил силкинишлар оқибатида ичлари эзилиб, қоринлари нок шаклига қирадию бедаво касалларга чалинади. Нуқул машинада юриб, беш кадам пиёда кадам ташлашга эринадиганлар бора-бора оёқдан қоладилар. Чунки инсон ҳам

табиат фарзандидир. Агар одам бутунлай табиатдан узилиб қолса-ю, қўл-оёғи ерга тегиб турмаса соғлиғи тез ишдан чиқади.

Мен Ҳиндистонда сафарда юриб булар ҳақида ўйланганимнинг сабаби шуки, бир вақтлар, бизда ҳам кимёвий дорилар кам, техника меъёрида ишлатилган пайтларда одамларимиз табиатга жуда яқин ва ундан она бағрида яшагандай яйраб яшар эдилар. Ҳозирги сарик касалликлари йўқ эди. Ҳиндистон халқининг аксарияти хозир ҳам сарик нималигини билмайди. Тўғри, у ерда безгак, ичбуруғ, хатто вабо учраб туради. Лекин бу касалларга чалинганларни мамлакат аҳолисининг умумий сонига қиёс қилсангиз, ярим фойизга ҳам бормайдилар. Бизда сарик касалга чалинганлар сонини жумхурият аҳолиси сонига қиёс қилганингизда ҳиндлар биздан кўра соғломроқ ҳаёт кечираётганига ишонч ҳосил қиласиз. Бунинг қўп сабабларидан бири шуки, кимёвий ўғитлар уларда жуда қиммат, шунинг учун тежаб-тергаб, ниҳоятда кам ишлатишади. Техника воситаларига муносабат ҳам худди шундай. Қўл меҳнатига ҳурмат баланд. Ҳунарпеша касиблар беҳад кўп. Ерга, дарахтга, тошга, умуман табиий мавжудотга қўл-оёғи тегиб меҳнат қиладиган одамлар кўпчиликни ташкил қиладилар. Шунинг учун мамлакат одамларида табиий бир соғломлик яхши сақланган.

Ахир биз ҳам табиат бағрида ишлаб юрган пайтларимизда соғломроқ эмасмикимиз? Табиат — она. Ундан ёмонлик кутмайсиз. Болалик пайтларимизда дуч келган ариқ бўйига кўкрак қўйиб, кийик каби сув ичардик. Доим ерда ўтирардик. Чунки ерларда қурилиш чикитлари, кимёвий дори қолдиқлари, пластмасса парчалари ва машина ёғлари бўлмас эди.

## Эгалик масъулияти

Ҳиндистон ҳам саноати тараққий этган индустриал мамлакатга айланган. Шаҳарларида машиналар ва қурилишлар жуда кўп. Лекин қурилиш чикитларини кўрмайсиз, чунки цемент, ғишт ва бошқа материаллар тежаб-тергаб сарфланади. Ҳамма одамлар тежамкорликка ўргатилган. Кимки истрофгарчиликка йўл қўйдими, бунинг пулини чўнтагидан тўлайди. Чунки ҳар бир қарич ер, ҳар бир кило цемент, ҳар бир сўм пул — эгалик. Кўпгина корхоналар, қурилишлар ва йўллар давлатники. Лекин улардаги ҳисоб-китоб ва шахсий манфаатдорлик худди хусусий мулк эгаларидагига ўхшаш иктисодий жавобгарлик асосига қурилган.

Фикримнинг исботи учун битта мисол келтирай: Ҳайдаробод шаҳрида бир соатча бўш вақт бўлиб қолди. Кўчага айланиб чиқдим. Катта кўчанинг четига пиёдарав йўлак қурилаётган экан. Антарма-машина, яъни самосвал турибди. Йўл қурувчиларга хос сарик рангли кийим кийган уч-тўрт ишчи ортиқча тош-тупроқ ва қурилиш чикитларини тоғорага ўхшаган нарсаларга солиб бошларига қўядилар-да, борти очик турган самосвалга элтиб тўкадилар. Офтобда чиниккан чайир ишчилар бир пасда йўлак бўладиган жойни текислаб, ортиқча чикитларини антарма-машинага ортиб бердилар. Агар бунинг ўрнига ерқавлагич техника қақирилса, озгина юк ортгунча кўп жойни бузиб қўярди. Уни текислаш учун яна бульдозер қақиршига тўғри келарди. Бунга қанча вақт, ёнилғи, пул кетишини ўйланг!

Ҳайдарободлик қурувчиларнинг бошлиғи билан гаплашиб қолдим.

— Агар,— дейди,— бу жойни мен кавлаб ташлаб қўйсам, ернинг эгасига ҳар куни ўз чўнтагимдан бир талай жарима тўлайман.

Мен ҳайрон бўлдим:

— Қурилиш давлатники эмасми?

— Давлатники. Лекин давлат менга харажатини ҳисоблаб пул берган. Йўл қурилишини ижарага олганман.

Биздаги ижара пудрати эсимга тушди:

— Демак, сиз давлат берган пул учун жавобгарсиз?

— Ҳа, шартнома тузиб қарз олганман. Бу пулнинг бир қисми чўнтагимда, қолгани банкадаги ҳисобимда. Агар иккита ишчи белқурак билан битирадиган ишга ер қавлагич техника қақирсам... Бизда ёнилғи ҳам, техника ҳам қиммат — беш-олти баробар ортиқ ҳақ тўлашимга тўғри келади. Ундан кўра мана бу ишчиларни ёллаш арзонга тушади. Мен буларга мойнани ҳар беш кунда беҳато тўлайман. Кассир ҳам, бухгалтер ҳам ўзим. Чунки давлат қарз пулни менга ишониб берган. Иш ҳақини беҳато оладиган қурувчилар ишни ҳам беҳато бажаришади.

Қаранг, давлат бирор сўмини эгасиз қилиб қўймайди. Кимга қанча маблағ берилса, бу одам шу маблағни эгалик ҳисси билан сарфлайди ва пировард натижа учун жавоб беради. Бизнинг эски маъмурий-буйруқ-бозлик системамизда эса бериладиган маблағга юзта идора хўжайин, юзта бухгалтер ва ревизор назоратчи бўлар, «палон пулни фақат палон моддага сарфлайсан, бошқа нарсага сарфлашга ҳақкинг йўқ!» дейишиб, ҳар бир сўмини қолинга солиб ташлашар, натижада эгалик ҳисси ҳам, эгалик масъулияти ҳам йўқолар эди. Миллион ва миллиардлар оғизда халқники, давлатники деб айтилар, аслида улар расмиятчилар ўртасида сарсон бўлиб, ҳўжасизлик қумларига сингиб, исроф бўлиб кетарди.

Жамиятимизда ҳар бир кадрнинг ва ҳар бир сўмнинг эгаси бўлиши керак, деган эътиқод энди қайта шаклланыпти. Чунки эгалик туйғуси илгаридан бор. Дехқон ўз томорқасининг ҳақиқий эгаси бўлгани учун унга пухта ўйлаб экин экади ва колхоз-совхозлардан уч-тўрт баробар ортиқ даромад олади. Шахсий хўжалиқнинг чорваси ҳам колхоз-совхозникидан яхшироқ боқилади, кўпроқ сут, гўшт беради. Чунки бу чорва — эгалик. Эгасизлик эса илгари қарғиш сўз ҳисобланарди. Эсимда бор, кекса одамлар бирорта молдан ранжиса: Эгасиз қолгир! Бесоҳиб бўлгир! — деб қарғар эди. Чунки эгасиз қолган мол оч, қаровсиз, ташландик аҳволга тушади, уни бўри еб кетиши осонлашади.

Яна Ҳиндистонга қайтайлик. Ҳинд машиналарига тушиб, бир кунда 500—600 қақирим йўл босган қурилиш бўлди. Аҳоли зич бўлгани учун қатнов жуда кучли: снгил машиналар орасида минглаб велосипедлар. «Велорикша» деб аталадиган қирақашлар, «Мото-такси» номини олган усти соябонли кичик таксилар... Уларнинг орасида тоғдай улкан кўринадиган «Татра» номли баланд юк машиналари. Бизнинг КАМАЗлар улардан қудратлироқ. Лекин ҳиндлар кичкина «Велорикша»сидан тортиб, улкан юк машиналаригача ҳаммасини тозалаб, чиройли бўёқларга бўяшади ва одамни ўзига тортадиган қилиб безаб минишади. Чунки мототаксининг ҳам, «Татра»нинг ҳам эгаси бор, улар ўз техникалари ёрдамида пул топиб, рўзгор тебратади. Бошқа минглаб машина ва мото эгалари ҳам ўзларига иш топширадиган миждоз излашади. Бизда такси ёки ёлланадиган юк машинаси талаш бўлса, уларда, аксинча, машина ёллайдиган миждоз талаш. «Мана, менинг машинам яхши, юкингизни менга топширинг, хурсанд бўласиз!» деган сўзлар билан улар миждоз учун қурашадилар, мусобақа қиладилар. Бу мусобақада ютиб чиқиш учун ўз мототаксилари ёки юк машиналари озода тутадилар, бўяб, безаб, жозибали қилиб минадилар. Бундан миждоз ҳам мамнун бўлади, машина эгаси ҳам ютади, кўчаларда уларнинг товусдай ранг-

баранг товланиб юрганини кўрган биз каби сайёҳлар ҳам хурсанд бўлади.

Қаранг, алоҳида шахс манфаати жамият манфаати билан уйғун келиши учун хўжасизликка йўл бермайдиган эгаллик масъулияти ҳар бир одамда мумкин қадар яхши тараққий этиши керак экан.

## Инсон эрки ва давлат назорати

Эгаллик ҳисси билан эрк бир-бирига зид эмас. Сиз ўз шахсий мулкнингизга эркин муносабатда бўласиз, уни қанчалик авайласангиз, шунчалик равақ топдиришга интиласиз, бу йўлда қўлингиздан келган барча ташаббусни кўрсатасиз. Ишингиз қанчалик самарали бўлса, қанча кўп даромад олсангиз, давлат бундан шунчалик манфаатдор. Чунки сиз давлат хазинасига каттагина улуш — даромад солиғи тўлайсиз.

Ҳиндистон ҳукумати ўз мамлакати ва давлатининг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишини қатор мисолларда кўрдик. Ҳозир «Форд» энгил машиналари ёки япон радиотехникаси дунё бозорларини эгаллаб олганлиги кўпчиликка маълум. Лекин Ҳиндистонда улар деярлик йўқ, чунки нархи ҳаддан ташқари қиммат — давлат уларга атайлаб бож солиғини шундай баланд қилиб қўйганки, олган ҳам, сотган ҳам зарар кўради.

Иктисодий иш услуби — фойда ва зарарга асосланса ур-сур қилиб, чайқовчиларни қувиб юришга ҳожат қолмайди. Дейлик, япон магнитофонининг кассетасига харидор кўп. Ҳинд мутахассислари японларникидан қолишмайдиган кассеталар яратдилар. Уларни ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳам тез пайдо бўлади — чунки талаб катта, даромади зўр. Қарабсизки, бир-икки йил ўтмай Ҳинд кассеталари барча радио магазинларида қўпайиб кетади. Улар япон кассеталаридан арзонроқ сотилади. Шунинг учун, масалан, мен ҳам Ҳинд кассеталаридан олдим. 90 минутлик Ҳинд кассетаси 17 рупий. Бизда буни 17 сўмга ҳам тополмайсиз. Холбуки, юқорида айтганимдай, бизнинг бир сўмлик валюта пулимизга 24 рупий алмаштириб берилди.

Энгил машиналар, мотоцикллар ва бошқа турли хил техника воситалари ҳам тараққий этган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва Ҳинд шароитига оқилона тадбир этиш натижасида яратилади, сўнг халқ талабини қондирадиган даражада кўп ишлаб чиқарилади. Ҳинд энгил машиналари орасида энг кўп тарқалгани «Амбассадор» деб аталади. Нархи чет эл машиналариникидан хийла арзон, ўзи унча ҳашаматли бўлмаса ҳам, мамлакат шароитига жуда мослашган, кўпга кетадиган пишик-пухта қилиб ишланган. Биз шу «Амбассадор» машиналарида минглаб чакирим йўл босдик. Бирор жойда бузилиб тўхтаб қолганини, рули ё тормози, ёки бирон ғилдираги панд берганини кўрмадик. Мана шунга ўхшаш сифатли Ҳинд энгил машиналарини магазинлардан истаганингизча сотиб олишингиз мумкин. Талаб қанча кўп бўлса, саноат шунча «жон» деб ишлаб чиқаради. Чунки ҳамма иш иктисодий мустақиллик ва ташаббус асосига, кўп ва хўб маҳсулот бериб, яхши даромад олиш ва шу тўғрисида яхши яшаш негизига қурилган. Давлат сиёсати эса барча шахару қишлоқларда Ҳинд халқининг ўзи ишлаб чиқарадиган саноат ва қишлоқ хўжалик молларига етакчи ўринни беради. Шу тарзда мамлакат иктисодий жиҳатдан мустақил яшайди, меҳнатқаш халқ иш билан таъминланади, бозорларда мол сероб, ишлаб чиқаришдаги мусобақа — рақобат истеъмол буюмларининг со-

нини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Биз шу вақтгача бундай нарсаларни «фақат буржуйларга хос капиталистик йўл» деб қоралаб келдик. Холбуки, халқнинг талаб ва эҳтиёжига қараб озиқ-овқат, кийим, буюм ишлаб чиқариш — буржуазия ва капитализмдан минг йиллар олдин ҳам бўлган, улардан кейинги социалистик тузумда ҳам бўлиши кераклигини энди астойдил англаяпмиз. Ахир табиатга, иқлимга сиёсий тус бериб бўлмайди-ку! Озиқ-овқат, кийим-кечак ишлаб чиқариш, уни олиш ва сотиш — барча инсон зотиغا хос табиий эҳтиёж экан, бунга нуқул синфий ёки сиёсий тус бериш — одамларни тўғри йўлдан адаштириб, охир оқибатда уларни яхши кийимга ва сифатли озиқ-овқатга зор қилиб қўйишнинг сабабчиси эмасми?

Ҳиндистонда ҳам давлат назорати жуда қучли. Фақат давлат назорати саноат ёки қишлоқ хўжалигининг қундалик ишига аралашавермайди, қайси экинчи қачон экиш, қачон ўриш муҳлатларини белгилаш, қайси қурилиш материални қимга бериш каби майда-чуйда ташвишларни ўз зиммасига олмайди. Чунки майда-чуйда нарсалар билан андармон бўлганда умум-давлат микёсидаги катта ишларни кўздан қочириш осонлашади. Сўнгги ўн йилликларда Ҳиндистон давлати амалга оширган энг катта тадбирлардан бири — мамлакат халқининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини ички имкониятлар ҳисобига қондириш соҳасида бўлди. 800 миллионлик халқни четдан буғдой сотиб олиб боқишга ҳеч бир хазина бардош беролмайди. Энг тўғри йўл — халқнинг ўзини-ўзи боқишига имкон яратиш эди.

Ҳинд олимлари узок изланишлардан сўнг жанубий Америкада ўсадиган янги бир буғдой навининг Ҳиндистон иқлимига жуда мос келишини аниқлайдилар. Давлат шу буғдойнинг уруғидан озроқ сотиб олиб: аста-секин кўпайтиради. Ўн йил давомида янги нав бутун Ҳиндистонда буғдойнинг ҳосилини икки баробарга оширади. Шу билан улкан халқнинг буғдойга бўлган эҳтиёжи қондирилади, четдан валютага дон сотиб олиш ташвиши йўқолади. Мана, катта микёсидаги тадбиркорликнинг самараси!

Яна бир мисол. Ҳиндистонда азим дарахтлар ва уларнинг турлари жуда кўп. Шулардан бири оқ қайнарларни эслатадиган, новдалари майин эгилган, бўйи эса йигирма-ўттиз метрга борадиган ажойиб дарахт эътиборимизни тортди.

Бир ўрмон олдида тўхтаганимизда, бундай дарахтларни йигирма йил аввал келганимда кўрмаганимни йўлбошловчимизга айтдим.

— Тўғри, бу дарахт бизда сўнгги ўн-ўн беш йил ичида кўпайди, — деди мезбонимиз. — Эвкалипт деб эшитганмисиз? Австралияда кўп ўсади. Олимларимиз сновдан ўтказиб, эвкалипт бизнинг иқлимимизда ҳам яхши ўсишини аниқлашибди. Тез бўйга тортар экан, ёғочи биносозликка жуда керак. Илдизи балчикни йўқотаркан. Барги билан гулидан дорилар тайёрланаркан.

Эвкалипт дорилар бизда ҳам борлигини эсладим. Ўзи ҳам жуда чиройли дарахт экан. Танаси оппоқ, барглари зумраддай тоза. Қаранг, ҳам мамлакатнинг хуснига хусн кўшади, ҳам қурилиш материали, ҳам доривор, ҳам тупрокнинг таркибини яхшилайди.

Бунга ўхшаш яхши дарахтларни йўқотиб юборган қалтафаҳмларга нисбатан уларни ҳатто Австралиядан, Жанубий Америкадан олиб келиб кўпайтираётган Ҳиндистонлик дўстларимизнинг доно ишлари қай даражада ибратли!

Давлатнинг табиатга бундай муносабати ўз фуқароларининг табиий эҳтиёжлари билан астойдил ҳисоблашиб иш олиб боришида яққол кўзга ташланади. Бир

товуқка ҳам дон керак, ҳам сув деганларидек, хар куни керак бўлиб турадиган егуликлар ва рўзғор эҳтиёжларини кондирадиган дўконлар, расталар, хилма-хил савдо шохобчаларининг кўплиги ва қулайлиги Ҳиндистондаги давлат тартиботининг муҳим фазилатларидан бири, десак хато бўлмайди. «Бозоришаб» дейиладиган тунги бозорлар ҳам, денгиз бўйларида «Чиғонок бозори», деб аталадиган жойлар ҳам беҳад гавжум. Албатта, бозорда алдамчилар ҳам, товламачилар ҳам бўлади. Лекин асосий кўпчилик — ўзи ясаган буюмларини бозорга олиб чиққан хунарманд касиблару далада етиштирган ноз-неъматларни харидорга етказиб бераётган деҳқонлар. Улар бир-бири билан мусобақа қилиб, маъмурчилик яратади. Шунинг учун егулик ёки буюм талаш эмас, аксинча, харидор талаш. «Меникини олинг!» деб кетингиздан юришади. Садафлар, маржонлар кўп бўлгани учун жуда арзон. Давлат сотувчидан қонун бўйича даромад солиғи олади, бошқа ишига аралашмайди.

Бир вақтлар бизда ҳам расталар, бозор ва бозорчалар, ҳатто бозоришаблар кўп бўлар эди. Ҳар бир маҳаллада энг зарур нарсаларни кечаю кундуз сотиб кун кўрадиган, ўз маҳалладошларига инсоф билан ҳалол муносабат қиладиган, шу тўғриси хурмат-этибор қозонган баққоллар бор эди. Бу ҳаммаси одамларни асаббузар навбатлардан ҳалос қилар, вақтни тежашга, майший турмушни яхшилашга ёрдам беради.

Ҳамма ёқдан «ёт унсур» ва «халқ душмани» излаган бераҳм маъмуриятчилар халқни мана шу қулайликлардан маҳрум қилишди. Аммо ўзлари учун махсус ёпик магазину буфетлар очдиришиб, ҳамма нарсанинг сарасини арзон нархларда осонгина олиб туришди.

Ҳозир бу инсофсизликка барҳам берилмоқда. Лекин бозордан ўринсиз чўчиш ҳали ҳам бор. Гўё бозор кўпайса савдони бошқариш мумкин бўлмайди, далада ишловчи камаяди, анархия бошланади... Аммо жуда кўп мамлакатлар қатори Ҳиндистоннинг тажрибаси ҳам шуни кўрсатадики, агар давлат ташкилотлари одамларнинг табиий эҳтиёжларига қараб иш юритса, савдони ҳам, бозорни ҳам бемалол назорат қилиб туриш мумкин.

## Маиший хизмат

Ҳинд дўстларимиз ғарб давлатларининг табиатни вайрон қиладиган улкан қурилиш техникаларини ўз мамлакатларига йўлатмасликлари юқорида ёзилган эди. Бунинг ўрнига ҳиндлар ғарбнинг «сервис» деб аталадиган илғор маиший хизмат усулларини қабул қилганлар.

Ҳар бир ҳинд шахрида «маркет» ёки «супермаркет» деб аталадиган магазинлар борки, улар асосан давлат ихтиёрида. Маркетларда нон, қанд, ёғ, сут, гўшт, пишлоқ, пиширилган товукдан тортиб хилма-хил мевалар, ширинликлар, гурунч, ун ва бошқа юзлаб хил озиқ-овқатлар 100 граммдан то 2-3 килограммгача бўлган вазнларда озода, қулай ўрамаларда, давлат белгилаб берган нархларда сотилади.

Қизиғи шундаки, олма, помидор каби мева ва сабзавотлар бозорда маркет-магазиндагидан арзонроқ. Чунки бозорга деҳқон мева ва сабзавотини тўғри даладан келтириб сотади. Бозорда уларни ўраш, асраш каби нарсаларга кетадиган харажатлар ва бошқа қулайликлар йўқ. Давлат магазини эса «Сервис» деб аталадиган катта қулайликлар яратади ва ўз хизмат ҳақини сотадиган нарсасининг устига қўшади. Бир юмалок чой олсангиз ҳам, уни бепул чиройли қоғоз халтачага солиб беради.

Бозорда озодалик кам. Магазиндан олган нарсангиз озода, сифати баланд, егуликлар яхши хилланган ва тоза сакланган бўлади, навбат йўқ. Саранжом. Бир оила учун беш-олти кунлик барча егуликларни маркет-магазиндан 20—30 минутда харид қилиб чиқишингиз мумкин. Шунинг учун магазинда нарх баландроқ бўлса ҳам, кўпчилик оилалар ҳамма егуликларни озода маркетлардан олади.

Биз ҳам бутун сафаримиз давомида мана шунака маркет-магазинларидан егуликлар олдик.

Қиёс учун биздаги бозорлар, улардаги мева нарсаларининг магазиндагидан бир неча баробар баланд юриши эсингизга тушади. Сабаби маълум: тақчиллик. Оз бўлгандан кейин қимматлашаверади. Бизда мева, сабзавотни давлат дўконларида бозордагидан арзонроқ сотишга буйруқ берилади. Буёқда мева ўзи тақчил. Нархи бозордагидан пастми, демак, думи узун навбатлар пайдо бўлади ва чайқовчига йўл очилади. Ёки давлат дўқонида сотиладиган арзон меванинг сифати шу даражада паст бўладики, уни ҳеч ким олмайди, қиммат бўлса ҳам бозорга боради.

Ҳиндистонда бирор нарсанинг бозори чаққон бўлди-ми, дарҳол шу нарсани тезроқ ишлаб чиқарадиган ва яхши даромадлар оладиган катта-кичик корхоналар пайдо бўлади, улар орасида мусобақа бошланади. Тақчил нарса кўпайибгина қолмай, яхши мусобақа жараёнида сараланади. Ана шу сараси давлат магазинларида бозордагидан қимматроқ нархда сотилади. Харидор эса тўпалон бозорда алданиб қолмаслик учун кўпроқ давлат магазинига боради. Магазин ўз молининг сифатига қафолат берадиган ишончли жой бўлгани учун хизматига қўшимча ҳақ олиб, нархни баландроқ қўяди. Шунга қарамай, ҳатто биз ҳам дурустроқ соғғаларни давлат магазинларидан сотиб олишни афзал кўрдик.

Қаранг, давлат магазини хусусий савдодан кўра устунроқ мавқеъни эгаллашига тўқин-сочинлик ва эркин мусобақа (балки буни монополияга қарши турган рақобат деб аташ тўғрисида) қанчалик катта имкон яратади.

Хуллас, иқтисод табиий илдизлардан озик олиб ривожланса, инсон билан табиатнинг иноқ яшашига ҳалакит бермас экан. Нарх-навоми маъмурий-буйруқбозлик усули билан зўравонларча пасайтириш ёки кўтариш эса иқтисодни табиий заминидан узиб олиб, бегона тупроққа кўникмаган ниҳол аҳволига солиб кўяркан. Ўша ниҳол бора-бора бегона ерга мослашади албатта, гуллайтиди, озроқ мева беради, лекин тўқин-сочинлики таъмин этолмайди. Уларга кўз тикиб яшаган одамлар мудом тақчиллик азобини тартади. Ҳозир биз ҳам ишлаб чиқаришдаги монополиядан шахсий ташаббуслар мусобақасига ўтпмиз, иқтисодни эркин савдо ва социалистик бозор муносабатлари асосида қайта қуряпмиз, талабга қараб мол чиқаришга ўрганияпмиз. Бу бизнинг табиатга бўлган муносабатимизни ҳам ўзгартириши ва яхшилаши шубҳасиз. Чунки ишлаб чиқаришдаги ҳўжасизлик табиатни ҳам эгаси йўқ беҳисоб, ҳимоясиз нарсага айлантириб қўяркан. Ҳозир бизда бутун-бутун корхоналар, магазинлар, совхозлар ижарага берилаётгани ва эгалик бўлаётгани жуда тўғри. Умуман на ер, на чўл, на тоғ, на сахро — ҳеч нарсани «халқники, давлатники» деган умумий гап билан эгасиз қолдириш мумкин эмаслигини Ҳиндистонда юрганда қайта-қайта ҳаёлдан ўтказдим.

## Тарих, дин ва ахлоқ

Жамна дарёсидаги бир эски кўприкдан ўтаётганимиз-

да машинамизни тўхтатиб, озгина ҳақ олишди. Бу менга галати туюлди. Шунда йўлбошчимиз тушунтирдик, бу кўприкнинг эгалари бор, улар йўловчилардан олган пулларига ўтган асрларда қурилган шу тарихий кўприкни таъмирлаб, аслидай яхши сақлашади. Шунда мен кўприк учун олинган ҳақ ҳалол эканини тушундим.

Ҳинд уммони бўйидаги Махабали Пурам, Ҳача Пурам деган қадимий ибодатхоналарга бордик. Бу ерда ҳам озгина ҳақ тўлайсиз ва пойабзални ечиб ичкарига кирасиз. Минг йил олдин тарашланган тош хайкаллар ва ғаройиб саждаҳоқлар томчилардан тўпланиб кўл бўлган маблағлар ҳисобига ораста сақланади, нураган жойлари дарҳол таъмирланади.

Айниқса, Дехлидаги Мирзо Хумоюн макбарасига, Аградаги Тожмаҳалга, Искандардаги Акбар боғига, Фотихпур — Секридаги Пойтахт-Музейга ҳар куни юз минглаб одам пул тўлаб кириди. Бутун дунёдан келувчи туристлар ҳам давлатга катта даромадлар келтиради. Бу даромадлар умумий «қозонга» тушиб йўқ бўлиб кетмайди, балки шу тарихий обидаларни аслидай гўзал ва обод қилиб сақлашга сарфланади.

Йигирма йил давомида Дехли ва Аграларга уч марта борган бўлсам, ҳар сафар Мирзо Хумоюн ва Акбар макбараларининг нураган жойини таъмирлаётган уста санггарошларни, катта боғ ховлиларида эса майсазорларга зеб бериб, дарахтларни парвариш қилиб юрган ўнлаб боғбонларни кўраман. Айниқса, бу йил Тожмаҳал ва Акбар боғи кўзимга аввалгидан ободроқ кўринди. Чунки Ҳиндистоннинг ўлмас фарзанди Индира Ганди умрининг охириги йилларида бу обидаларга алоҳида эътибор берган экан.

Искандардаги Акбар боғи бундан тўрт юз йил олдин барпо этилгани тарихдан маълум. Акбар ўзининг Дини илоҳийсини кашф қилган кезларда фақат инсонга эмас, табиатдаги жониворларга ҳам раҳм-шафқат кўрсатишга интилади. Унинг маҳсус фармони билан ов қилиш манъ этилади, Искандардаги боғда Акбар кўлга ўргатилган кийикларни асрайди. Буни яхши биладиган Индира Гандининг ташаббуси билан орадан тўрт аср ўтгач, Искандардаги Акбар боғига «антилопа» деб аталадиган кизғиш рангли гўзал кийиклар олиб келинади. Атрофи баланд деворлар билан ўралган дарахтзор ўтлоқда, Акбар макбарасини ўраб олган икки юз гектарлик улкан боғда кийиклар худди тоғ ўрмонларида юргандай осойишта ўтлаб юришибди. Мен ўттизтача кийик санадим, аммо ҳаммасининг ҳисобига етолмадим. Боғбонлар кийиклар орасидан ўтиб бориб, дарахтларга ишлов беришяпти. Кийиклар ҳеч кимдан ҳуркмайди!

Бу менга табиат билан инсон орасидаги меҳру оқибатнинг тимсолидек туюлди. Акбар макбарасига кирганимизда унинг мармар қабри устига олтиндай товланиб турган тўқ қизил рангли нафис баркут ёпиб қўйилганини кўрдик. Мезбонлар: «Бу баркутни Индира Ганди такдим қилган» дейишди.

Улуғ ҳинд қизининг Акбарга қилган ноёб совғаси тасодифий эмас. Германиянинг Франкфурт шаҳрида чиқадиغان газета И. Ганди билан қилган бир суҳбатда «Сиз Ҳиндистоннинг қайси ҳарбий ғалабаларидан ифтихор қиласиз?» деган саволни беради. И. Ганди ўз жавобда Акбарнинг ғалабаларидан ифтихор қилишини айтади, унинг узокни кўраолган доно ва бағри кенг сиймо бўлганини таъкидлайди. Бу суҳбат Индира Гандининг Москвада, рус тилида «Прогресс» нашриётида босилиб чиққан китобида бор.

Қарангки, Акбар билан Индира Ганди бошқа-бошқа давр, бошқа диний эътиқод вакиллари бўлсалар ҳам, уларнинг руҳлари асрлар довоми оша энг баланд маънавият чўққисига кўтарилганда бир-бирлари билан

учрашади. Бу чўққи — улуғ сиймоларга хос муқаддас имону эътиқоддир.

Дин инсондаги ҳалол ва муқаддас туйғуларни илоҳий қучлар ва тангрилар паноҳида асраб-авайлашга интилганда биз бу интилишга теран ҳурмат билан қарашимиз керак. Чунки имону эътиқод муқаддас поклик ва фидойиликни талаб қилади. Биз ватанни муқаддас деб биламиз. Лекин ватан — маъмур тушунча эмас. Унинг табиати, тарихи, озодлиги, мустикаллиги, истикболи — ҳаммаси биз учун муқаддасдир.

Энг маънавий қашшоқ одамлар — муқаддас туйғулардан маҳрум бўлган шахслардир. Дилида муқаддас туйғуси қолмаган имонсиз одам ҳар қандай ёвузликдан қайтмайди.

Кўпнинг йиллик тарихи давомида бунинг ҳаммасини тажрибадан ўтказган Ҳиндистон ўз халқининг дилидаги муқаддас туйғуларни ҳам илму фан, ҳам дину имон кучи билан мумкин қадар асраб-авайлаб сақлаётганини жуда кўп мисолларда кўрдик.

Майсорнинг қадимий ибодатхонасида Ҳинд тангри-си Шиванинг хайкали олдида ибодат қилаётган одамларнинг юз-кўзларидаги поклик ва имону эътиқод кучи ёдимда қолди. Шива хайкали минг йиллик манго дарахти соясида ўрнатилган. Ибодатга келганлар шу манго дарахтини ҳам муқаддас деб биладилар, уни парвариш-лаб, асраб-авайлайдилар. Тирноққа зор оналар манго дарахти шохига ранг-баранг ипак қатимларини боғлаб кетар эканлар. Ниятлари ушалгандан сўнг келиб ўз ипак қатимларини ечиб олаётган бахтли ёш оналарни ҳам кўрдик. Ахир фарзанд ҳам табиат маҳсули эмасми? Шу табиат тимсоли бўлган минг йиллик манго дарахти ёш аёлга ўз муқаддас меваси билан мадад берган бўлса не ажаб!

Мадрасда баланд тепалик устида турган муҳташам католик черковини кўрдик. Буни португаллар ва инглизлар қурган эканлар. Черковда ибодат бўлаётганини узокдан кўриб, «инглизлар хали ҳам бор экан-да» деб ўйладим.

Лекин яқин борганда ва черковга кирганда руҳонийлар ҳам, ибодат қилаётганлар ҳам қорачадан келган ҳиндлар эканини кўрдик. Айниқса, мамлакат жанубида католик динини астойдил қабул қилган, черковларда чин ихлос билан ибодат қилаётган юз минглаб ҳиндлар борлигини эшитдик.

Шаҳару кишлоқларда, уй ва кўчаларда биз кўрган аҳолининг ҳаммаси бир халқ, бир ирққа мансуб бўлган ҳиндлар эди. Фақат ибодатхона, черков ёки маҷитга борганда уларнинг қайсиси қандай динга мансублигини пайқайсиз.

Ҳиндистоннинг ҳамма жойида турли диний эътиқод вакиллари Акбарни доим эҳтиром билан тилга олганлари гувоҳ бўлди. Чунки бутун мамлакатда кенг тарқалган ишончу эътиқодлар тенглиги ва барча динларга баробар ҳурмат Акбар даврида теран илдиз отганлигини ва шу маънавий илдизлар ҳозиргача яхши мева бериб келаётганини жуда кўп одам билади.

Тарих ва динга тўғри муносабат халқни қуруқ сиёсат-бозликдан, мафкурабозликдан, тўрт томондан ғоявий душман излаб, ҳадик ва кўрқув ичида яшашдан асрар экан. Энг муҳими, тарих билан диннинг одоб ва ахлоқни маҳкам тутишга ёрдам берадиган томонларидан қандай оқилона фойдаланиш мумкинлиги Ҳиндистонда кўзга яққол ташланиб туради. Албатта, ахлоқи бузуклар ҳамма юртда ҳам бор, аммо мамлакат бўйлаб саёҳат қилганимизда кўрган юз минглаб одамларингиз улар ҳақида эмас, халқ тўғрисида сизга маълум бир тасаввур беради.

Дехли, Бангалор, Мадрас — ҳар бирида олти-етти



миллиондан ортик аҳоли, шунга яраша беҳисоб машина ва мото. Кўчалар тўла одам, лекин бир-бирини итарган. туртган, бири-бирига кўлини паҳса қилиб бақирган одамларни кўрадим. Шарқона одоб, камсукумлик, бир-бирига йўл бериш, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳаёни маҳкам тутиб, овозини кўтармай сўзлашиш — кўпчиликка хос одат тусига кирган. Машинаю, велосипедлар кўчага сийғмай кетади, бири-бирига кўндаланг келиб қолади. Шунда ҳам кўплари кўли билан «майли, сиз ўтақолинг» дегандай ишора қилиб, йўл беради. Қийинчилик бежанжал бартараф бўлади.

Одамларнинг асаби бутунлиги, ҳаёли ва босиқ-вазминлиги яна бир сабаб — Ҳиндистон халқи орасида ичкиликбозликнинг йўқлигидир. Албатта, юкори табаканинг пулдор бойваччалари ресторанларда ароғу коньяклар ичиб кайфу сафо қилади. Лекин бундай ичадиганлар ҳали халқнинг ярим фойизини ҳам ташкил этмайди. Қолган тўксон тўққиз ярим фойиз аҳоли арок нималигини билмайди. Бу фақат мамлакатнинг иссиқ иклимига боғлиқ эмас, балки минг йиллардан бери анъана бўлиб келаётган яшаш тарзи ва ахлоқ мезонларининг яхши сақланаётгани туфайлидир.

Мирзо Бобур ҳам Ҳиндистонга келиб ичишни ташлагани, хумда куч йиғиб ётган майларга туз солдириб, уларни сиркага айлантиргани тарихдан маълум. Бобур хатарли жанг арафасида ичкилик олатини синдириб, кўпчилик олдида ичишдан тавба қилган, таъсирли бир шеър ёзган, ундан ибрат олган уч юз беку навкар ўша кунгидея май ичишни ташлаган экан. Эртаси кун жангда ғалабага эришилгандан кейин буни халқуми тозаликнинг шарофати деб билган Бобур бутун мамлакатда ичкилик тайёрлашни ҳам, сотишни ҳам, ичишни ҳам маън этадиган махсус қонун чиқаради.

Ҳинд халқининг азалий ахлоқ мезонларига мос тушган бу қонун ҳам жамиятни ичкиликбозлик иллатларидан омон сақлаш ишига қўшилган яхши тарихий ҳисса деб баҳоланиши мумкин.

Ханузгача шу яхши анъана давом этиб келаётгани бизни ўз машиналарида узоқ-узоқ жойларга олиб бориб келган ҳинд шофёрларининг нечоғлиқ асаби бутун ва ҳушёр йигитлар эканлигида ҳам кўринди.

Бангалордан Майсорга бир кунда бориб келдик, яъни 550 қақирим йўл босдик. Йўлда учраган пасту баланд тоғлар ва адирлар шимолий Кавказни, Бештов, Темиртов атрофларини эслатади. Бурилишлар кўп, йўл тор. Қайтишда қоронғи тушиб қолди. Қатнов кучли. Катта юк машиналари ўткир чирокларини ёқиб ўтишади. Беш юз эллик қақирим масофада, тоғ йўли ва тун тушганига қарамай, биронта авария кўрмадик. Дехлидан Агра ва Фотихпур Секригача уч юз қақирим. Машинада бориб келдик. Қайтишда яна қоронғи тушиб қолди. Сийрак туман бор эди. Йўллар тор, лекин бу сафар ҳам шунча узоқ йўлда бирорта ҳалокат кўрмадим. Бу — одамлардаги имон ва ахлоқнинг мустаҳкамлигидан, халқдаги ҳушёрлик, арок ичмасликнинг шарофатидан, деб ўйладим.

Йигитлар билан қизлар, эрлар билан аёллар орасидаги муносабатлар ҳам одоб-ахлоқнинг яхши сақланганини кўрсатиб туради. Дехли — пойтахт, унда бутун дунёдан келган одамларни кўрасиз. Сари кийган назокатли ҳинд аёллари уларнинг орасида кўзга тез ташланади. Банкка пул алмаштириш учун кириб кетган ҳамроҳларни кутиб, Дехлининг серкатнов жойида анча вақт туриб қолдим. Йўлқадан етти-саккиз одам ўтса, шундан фақат бир-иккитаси аёл, қолган олти-еттитаси эркаклар. Сабаби шуки, ҳинд аёллари оғир ишларда кўп ишлатилмайди, болажон бўлишади, уй бекалари кўпчиликини ташкил қилади. Кўча ишини

кўпроқ эрлар қилади. Бу шарқона одат бир вақтлар бизда ҳам кучли эди. Шу эсимга тушдию, аёлларни оғир ишлардан озод қилиш — энг юксак одамийликка киришини ўйладим.

Ҳиндистонда менга ёққан яна бир шарқона одат шуки, кўча-кўйда нотаниш эркакнинг ўтиб бораётган қиз-жувонларга гап қотиши ёмон одобсизлик саналади.

Самолёт кутиб турганимизда бизнинг ўзбек қизларига жуда ўхшаб кетадиган бир жувонни кўрдим. Таржимон қизимиз орқали унинг қаерлик эканини сўраб билгим келди. Шунда мезбонимиз, нотаниш аёлга савол бериб, кимлигини сўраш атрофдагиларга одобсизлик бўлиб кўриниши мумкинлигини айтди. Мен бундан ўзимча суюниб қўйдим.

Юкорида ҳиндларнинг маҳалла-кўй бўлиб, бир-бирларининг ҳожатини чиқариб яшашга одатланганларини айтган эдим. Бу одат ғарбдан келган «Сервис» билан қандай яхши пайванд бўлиши мумкинлигини Ҳайдаробод аэропортида кўрдик.

Қиш ойларида Ҳиндистонда ҳам гоҳо туман тушар экан. Шу сабабли эрталаб соат 8 да Дехлига учадиган самолётимиз тўрт соатга кечикди. Ҳайдаробод ҳам уч миллион аҳолиси бор катта шаҳар. Шунга яраша аэропортида ҳам одам кўп. Бизнинг самолётимиз уч юз киши оладиган аэробус экан, талай йўловчи аэропортга йиғилиб келди. Лекин бари бир текилинч сезилмади. Чунки ахборот яхши йўлга қўйилган. Кўп йўловчилар уйларидаги шахсий компьютерлар ёрдамида рейсларнинг қанчага кечикаётганини дақиқа сайин аниқ билиб ўтиришади. Компьютери йўқлар аэропортга келиб қолган бўлса, ҳаммага кўринадиган баланд жойларга эълон берувчи зангори экранлар қўйиб қўйилган. Қайси рейс қачон учишини ёки қанчага кечикаётганини йирик-йирик ҳарфлар воситасида экранларга нур билан эзиб эълон қилишади.

Ҳаммага етарли микдорда креслолар қўйилган. Шуларда ўтириб, зангори экранни қузата бошладик.

Эълонлар оралиғида қиска-қиска мультфильмлар ёки ғалати рекламалар бериб туришади, бу, албатта, йўловчиларни зериктирмаслик учун.

Эрталаб нонушта қилмай чиққан эдик. Қорин оча бошлади. Шу пайт зангори экранда эълон берилди: «Ҳайдарободдан Дехлига учмоқчи бўлган, лекин обҳаво ноқулайлиги сабабли кечиктирилган 756-рейснинг йўловчилари самолётда ейишлари керак бўлган нонушталарини ҳозир аэропорт ошхонасида тановул қилишлари мумкин. Буни хоҳлаганлар иккинчи қаватнинг ўнг қанотидаги залга марҳамат қилсинлар». Эълон тақрорланди.

Айтилган жойга бордик. Худди самолётдаги каби кичик патнисчаларда аъло даражали икки хил нонушта. Бир хили ўткир мурчлар солинган ҳиндча таомлар, иккинчиси товук гўшти, апельсин шарбати каби бизга мос овқат. Охирида сутлик-сутсиз кофе ёки ҳинд чойи.

Икки юздан ортик йўловчи худди маҳалла-кўйда эрталабки ошга келган одамлардек текилинч қилмай, одоб сақлаб нонушта қилишди. Бу орада самолёт учадиган вақт ҳам яқинлашди. Қаранг, «Аир Индия» компанияси шу кичик ташаббус билан, аввало, ўзининг ишини енгиллатди — икки юзта нонуштани самолётга ортиб чиқишга, яна шунча юкни ҳавода кўтариб учишга ҳожат қолмади. Компания шу билан анча куч ва маблағ тежайди. Айниқса биз, йўловчилар учун бекор зерикиб самолёт кутгандан кўра вақтида нонушта қилиб кайфимизни сал кўтариб олганимиз яхши бўлди.

Энди бунга бизнинг аэропортларда самолёт кечикканда йўловчиларнинг қандай қийинчиликларга дуч

келишини киёсланг! Аэрофлот одамларга қулайлик яратмаган сари ўзи ҳам кийналади. Чунки бесаранжом издиҳом аэрофлот хизматчиларига ҳам тинчлик бермайди.

Холбуки, икки томоннинг ҳам мушқулини осон қилладиган юқоридагидек инсоний муносабат, маҳалла-қўйлар маъракасидаги каби ҳамжихатлик, ёки янгичасига «Сервис» деб аталадиган ҳожатбарорлик бизнинг аэропортларда ҳам жорий этилиши ҳеч гап эмас. Фақат бунга астойдил интилиш, кунт қилиш ва ўрғаниш керак.

Шу фикрнинг давоми тарзида кечки дам олиш соатларида улкан боғларда аҳолининг сайру томошаси қандай ташкил қилинишига оид бир лавҳани келтирмоқчиман.

Дехлидан минглаб чақирим жанубда, чет ўлка ҳисобланган Майсорда машхур бир томошабоғ бор экан.

Улкан дарё тўғонининг этагида барпо этилган бу боғда юздан ортик хилма-хил фавворалар бор экан. Анвои чаманзорлар, гуллаб турган гўзал дарахтлар орасидан ўтган чиройли хиёбон ва йўлқалар ниҳоятда ораста. Улар худди шу бугун қуриб битирилгандай янги. Холбуки, Майсор боғи олтимиш йил бурун бунёд этилганини айтишди...

Фавворалар нур ёрдамида ранг-баранг тусга кириб товланади.

Энг зўр фаввора «Раққоса» деб аталар экан. Нур ва сув ўйини сахнадаги санъаткор раққосани эслатиши рост. Қоронғи тушганда минглаб томошабинлар амфитеатр шаклида ўрнатилган курсиларда ўтириб, фавворанинг «раксини» тамоша қилар эканлар. Одамларнинг серзавқлигини қарангки, фаввора рақси авжга чиққан пайтда худди тирик санъаткорни олқишлагандай «О-оо!» деб офарин айтишади.

Нур ўйини яхши кўриниши учун тамошани қоронғи тушганда бошлашар экан. Йўлбошловчимиз билан беш киши эдик. Боғ йўлқаларини беш-олти минг кишилик тамошабин тўлдирган. Тўрт томон ясан-тусан одамлар, қўплари ёшлар. Бирпас ўлтириб тамоша қилгим келди. Курсилардан бирида ағрайиб ўлтириб, ҳамроҳларимни йўқотиб қўйдим.

Одам кўплигидан уларни қайта тополмадим. «Машиналаримиз қолган жойга қайтганда учрашаримиз» деб ўйладим-да, бир ўзим кўп минг кишилик издиҳом орасида айланиб юрдим. Шунда мени фавворалар рақсидан ҳам ортиқроқ қойил қилган нарса — сайр қилиб юрган издиҳомнинг одобу ахлоқи бўлди.

Минглаб йигитлар орасида бирор мастини, ширакайф бўлиб қизларга шилқимлик қилганини кўрмадим. Холбуки, боғ сайрида назокатли гўзал қизларнинг кўплиги ақлни шоширар эди. Йигит-қизларнинг жуфт-жуфт бўлиб юрганлари ҳам жуда кўп. Саккиз-ўн яшар болаларни олиб келган эр-хотинлар ҳам бор.

Издиҳом қанчалик кўп бўлмасин, тикилинч ёки ур-сур йўк. Чунки ҳамма тартиб сақлайди, худди бир маҳалланинг одамларидай одоб билан муомала қилади. Бу ерда ҳам маҳалла-қўй одоби ва ахлоқи ҳукмрон.

Боғ ва фаввора томошаси ҳафтада икки кун уч соатдан бўлар экан, унга дурустгина ҳақ тўлаб кириларкан. 80—100 чақирим йўл босиб, машиналарда келишар экан. Мақсад — боғ ва фавворалардан завқ олиш бўлгандан, ҳамма келганлар бир-бирларига иложи бори-ча яхши муомалада бўлишлари табиий.

Тарихий анъаналар яхши сақланса ва халқда имону эътиқод бутун бўлса одамларнинг табиатга ҳам, бир-бирларига ҳам меҳру оқибати кучли бўлар экан. Шунинг натижасида одобу ахлоқ ҳам доимо табиий ва

тарихий илдишлардан озикланиб, мустаҳкамланиб борар экан. Ҳиндистон сафаридан ва Майсор боғидан бир хулосам шу бўлди.

## Тиллар ва китоблар

Тоғларнинг буюклиги узокдан кўринади деганларидек, бизнинг мамлакатимиз қўлга киритган ютуқлар ҳам Ҳиндистон ҳаётида кўзга яққолроқ ташланади. Фазога учиб чиққан қудратли мамлакатимиз, халқимиз енгиб ўтган улкан мушқулотлар ва ҳозир амалга оширилаётган қайта қуриш Ҳиндистонда ҳам жуда машхур. Ҳинд телевидениеси ўзининг кундалик ахборотларида мамлакатимиз ҳаётида юз берган йирик воқеаларни кўрсатиб туради. СССР халқ депутатлари Иккинчи съездини, М. С. Горбачев сўзлаган пайтларни биз Ҳиндистонда юрганда кўрдик.

Улардаги ибратли ишларга бизнинг ҳавасимиз келгани каби, мезбонларимиз ҳам бизда амалга оширилган яхши ўзгаришларга ҳавас билан қарашади.

Ҳиндистонда ҳам тиллар кўп. Барча халқ ягона ҳинд миллати саналса-да, гужарат тилини Бенгалиядагилар тушунолмайди. Панжоби ва ҳиндистон тиллари ҳам ҳар бири ўзича мустақил. Биз жанубий ўлкаларга борганимизда, Мадрасда кенг тарқалган тамил тили бангалор ва Майсордаги каннада тилига ўхшамаслигини айтишди. Ҳайдарободда яна бир мустақил миллий тил — телегу кенг тарқалган экан. Юқорида номлари айтилган тилларнинг ҳар бирида 30 миллион, 40 миллион, гоҳо бундан ҳам ортик аҳоли сўзлашади.

Давлат мақоми фақат ҳиндистони билан инглиз тилига берилган. Бошқа тилларда сўзлашувчиларни бу ҳол қаноатлантирмайди. Чунки улар тамил, телегу ёки каннада тилларида ҳам китоблар, газета ва журналлар кўпроқ чиқишини истадилар. Бу жиҳатдан Совет жумҳуриятларидаги миллий тилларга давлат мақоми берилганлигини улар ўзлари учун улкан ибрат деб биладилар.

Мадрас ва Бангалорда тамил, каннада қавмига мансуб профессорлар суҳбатига бўлди. Улар: «Бизда ҳали саводсизлар жуда кўп, — дейишди. — Ўз она тилида ўқиб-ёза оладиган тамиллар, телегулар аҳолининг 15—20 фойизини ташкил қилади, холос. Қолган 80—85 фойиз аҳоли китоб ўқиёлмайди. Шунинг учун китобларимизнинг, журналларимизнинг тиражи жуда оз. Аҳолимиз 40 миллион, аммо китоб тиражи икки мингдан ошмайди».

Дехлига қайтганимизда китоб магазинларига кирдик. «Оксфордбук» деган машхур китоб магазини тарихий китоблар билан савдо қилишни билардим. 1983 йилда Дехлига борганимда шу магазиндан Абулфазл «Акбарнома»нинг ҳар учала жилдини инглизча таржимасида олиб кетган эдим. Нашр жуда яхши, танқидий матн аъло даражада тайёрланган. Лекин жуда қиммат. Уч жилдлик «Акбарнома»ни беш юз рупийга олдим. Шу беш юз рупийга бизда беш юз сўм турадиган чарм камзул олиш мумкин эди. Бироқ менга камзулдан кўра китоб зарурроқ бўлгани учун, қимматлига қарамай олиб келган эдим. «Авлодлар довоми» романини ёзганимда жуда иш берди.

Ўшанда «Ойини Акбари» («Акбар низомлари») деб аталган китобга пулим етмади (315 рупий экан). Кейин унинг форсчасини шарқшунослик институтидан топдим. Акбар давридаги нарх-наволар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳақидаги қомусий маълумотларни форсчадан ўзим таржима қилиб ишладим.

Орадан салкам етти йил ўтгандан сўнг Дехлидаги «Оксфордбук» магазинига яна кирсам, «Акбарнома»нинг ўша инглизча наشري хали ҳам турибди. Қиммат бўлгани учун кам сотилар экан. «Бир йилда кўп билан беш юз-олти юз нусха кетади» деди магазин мудири.

Бу гал магазинда Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома»си ва Жаҳонгирнинг «Тузуки Жаҳонгири» китоблари ҳам яхши инглизча нашрларда сотилмоқда экан. «Хумоюннома» ўзимизда бор бўлганлиги учун олмадим, «Тузуки Жаҳонгири» дан битта олдим. Бир жилд бўлгани учун нархи 140 рупий экан.

Лекин нарх китобнинг ички мазмунига қараб ҳам қўйилса керак. Чунки шу китоб магазинида «Бобурнома»нинг бир эмас, иккита инглизча наشري сотувда бор экан. Муковасида Бобурнинг энг яхши суратлари берилган, ҳажми «Тузуки Жаҳонгири»дан катта эмас, аммо «Бобурнома»га қарийб икки баробар ортик — 215 рупий нарх қўйилган. Ичимда Мирзо Бобур учун фахрланиб қўйдим, чунки унинг инглизча нашрлари икки аср давомда ўн мартадан ортик чоп этилган. Шунга қарамай «Бобурнома»нинг кадр-қиммати ҳамон юксак экани, унинг хар нусхасини 215 рупийга сотиб олувчи ҳинд китобхонлари бор экан. Акс ҳолда китоб магазини бундай баланд нарх қўймаган бўлар эди.

Сўнгги сатрларни ёзар эканман, яқинда «Юлдузча» нашриёти «Бобурнома»ни 200 минг нусхада босиб чиқаргани эсимга тушди. Муковаси жуда яхши, коғози ҳам ҳинд нашрлариникидан қолишмайди. Фақат нархи арзон 2 сўм 30 тийин.

Ҳинд ноширлари билан учрашганимизда матбаа ишининг сифати, китобларнинг нархи ва тиражи тўғрисида мулоҳаза юритдик. Дехлидаги энг катта нашриётлар бирлашмасининг раиси жаноб Гулоб Вазирони:

— Сизларда саводхонлар кўп, китоб яхши ўқилади, — деди. — Юз минг, икки юз минг адад тез тарқалиши биз учун афсонага ўхшаб кўринади. Чунки бизда энг яхши роман ҳам аввал минг нусха босилади, яхши кетса яна икки минг... Агар янги роман беш йилда беш минг нусха сотилса, биз буни муваффақият деб ҳисоблаймиз. Тираж оз бўлгани учун энг сифатли коғоз берамиз, энг яхши муковалар ишлатамиз, матбуотда реклама қиламиз. Бунинг ҳаммаси — пул. Шунинг учун бизда китоб қиммат. Баланд нарх қўймасак, тираж оз бўлгани учун, нашриёт фойда ололмайди. Зарарга иш қилиш эса бизда одат эмас.

Сухбат пайтида Москвадаги «Радуга» нашриёти чиқарган китоблар ҳам тилга олинди. «Бобур» романимизнинг «Радуга» чиқарган ҳиндча наشري Янги Дехли марказидаги китоб магазинларидан бирида сотилган экан. Аъло навли коғозда, энг яхши муковада чиқарилган бўлса ҳам, нархи баланд эмас — 28 рупий.

— Нарх жуда паст қўйилган, — деди Жоши номли ношир. — Муаллифни билмайдиган ҳинд китобхони аъло навли коғозда босилган китобнинг нархи пастлигига қарайди-да: «Мазмуни заифми?», «Ўтмай қолган бўлса керак, шунинг учун арзонлаштирилганми?» деб ўйлайди. Аслида бундай эмас, албатта. Лекин «Бобур» романининг қизиқиб ўқилишини, унинг юз минглаб тиражда турли тилларда яхши тарқалганини ҳинд китобхонига етказиб берадиган биронта реклама чиқарилгани йўқ. Сизларда реклама ёмон йўлга қўйилган. Агар шу романни мен, дейлик, инглизча нашр қилмоқчи бўлсам, аввал рекламасига зўр бераман. Ахир реклама қилса арзийдиган фактлар бор-ку! Бу роман рус тилида беш марта нашр этилбди, ўзбек тилида тўрт марта. Яна коғозча, ҳинду, урду, бенгали тиллари... Жами тиражи миллиондан ошибди. Шунга

қарамай сотувда йўқ, қайта чиқарилса китобхонлар яна олади, шундайми?

— Шундай.

— Бу фактларни инглиз тилида ўқийдиган китобхонларга айтиб берсангиз, роман Ғарбада «бестселлер» деб аталадиган мароқли асарлар каби қизиқиш уйғотиши мумкин. Ана ўшандан сўнг мен бу романни энг яхши коғозда чиқариб, нархини 80—100 рупий қўйсам ҳам, пулдор китобхон иккиланмай олади.

Шу пайт Юрий Иванович ҳинд ноширига лукма ташлади:

— Пулдор китобхон кўп эмас-да, мистер Жоши. Шунинг учун сиз нархи баланд китобнинг тиражини оз чиқарсангиз керак?

— Беш минг чиқарсам шунинг даромади менга етди...

— Қаноатли бўлиш яхши, мистер Жоши, — дедим мен. — Лекин бизнинг Ўзбекистонни оладиган бўлсак, янги роман ўзбекчада олтмиш минг нусха чиқади. Оз чикса аҳоли «Магазинлардан нега бадий китоблар топилмай қолди?» деб шикоят қилади. Бизнинг ноширлар китобни фақат пулдорларга эмас, бутун халққа арзон қилиб сотади. Оддий халқ эса пулдорлардан юз баробар кўп. Шунинг учун тиражларимиз юз минг-икки юз минг.

— Ноширларингиз арзон китоб чиқариб даромад олишадими?

— Тиражи кўп бўлгани учун яхши даромад олишди. Битта мисол: бизнинг романларимизни ўзбек тилида чиқарадиган Тошкент бадий адабий нашриёти 1989 йилда тўрт ярим миллион сўм даромад олди.

— О-о-о! — дейишди ҳинд ноширлари. Чунки улар учун бундай даромадлар ҳам, тиражлар ҳам афсона бўлиб кўринади.

Ўзимиздаги бу афсонавий афзалиятни кадрлашимиз ва ривожлантиришимиз керак. Албатта, муковалар хароблиги, яхши китобни сариқ «кепак» коғозда чоп этиш — биздаги матбаачиликнинг чидаб бўлмас қусурларидир. Бу нуқсонлардан тезроқ қутулишимиз, яхши мукова ва сифатли коғоз учун кетадиган 20—30 тийин қўшимча ҳақни китобларимиз нархига қўшишимиз керак.

Лекин кейинги пайтларда китоб савдосини ҳам коммерцияга айлантириш ҳаракати пайдо бўляпти. Дейлик, А. Ахматованинг олдин бир сўм турадиган шеърый тўпламига сал кам уч сўм нарх қўйиш, В. Дудинцевнинг «Ок либослар» романини беш сўмга сотиш, менимча, адолатдан эмас. Агар биз ҳам чет эллардагига ўхшаб, китобларнинг нархини ошириб бораверсак, халқнинг кўпчилик қисмини китоб харидидан бездириб қўйишимиз мумкин. Чунки кўпчилик меҳнатқашларимизнинг даромади оз. Айниқса, Ўзбекистон аҳолисининг жон бошига оладиган даромади бутун иттифок аҳолисининг даромадидан икки баробар паст.

Сафардаги ўйларимни якунлаб айтмоқчиманки, халқлар ва мамлакатлар бир-бирларининг энг яхши тажрибаларига қизиқиш билан қарасалар, уларни ўрганиб, саралаб, маъқул бўлганини қабул қилсалар, бундан ҳар икки томон ҳам, бутун башарият ҳам ютган бўларди. Денгизлар дарёлар сувидан пайдо бўлгани каби, умуминсоний кадриятлар алоҳида халқлар ва мамлакатларнинг маънавий тажрибасидан таркиб топади. Биз денгизни қанчалик кадрласак, унга обиҳаёт келтириб турган алоҳида дарёларни ҳам шунчалик кадрлашга бурчлимиз. Мазкур саҳифалар ана шу бурчни баҳоли қудрат бажариш нияти билан ёзилди.

## Азиз муштарийлар!

Гарчи журналимиз саккиз ёшга кириб, сут тишлари кечагина тўкилиб, ҳақиқий гишлари эндигина чиқа бошлаган бўлсада, анча-мунча истеъдодларни кашф этдиким, улар бугунги кунда ҳақли равишда адабиётимизнинг навкирон авлоди дея фахр ила тан олинмокда. Бу истеъдодлар ҳамон «Ёшлик» билан қўллашиб, меҳнату машаққат билан беллашиб, эл билан диллашиб вояга етмокда. Бирок бадиият умонида янги тўлкинлар, ижод майдонида ҳарир экинлар мангу барқарордир ва адабиёт шу фазли ила устивордир.

Хўш, ҳақиқий истеъдод ким ўзи, ижодда бокийликнинг сирини нимада? Ўз даврида англамаган, тан олинмаган даҳоларнинг замонлар ўтиб рўёбга чиқишига боис не, ўз даврида буюк ҳисобланганларнинг замонлар ўтиши билан ижоднинг тўфонли йўлларида қолиб кетишларига сабаб нима?

Ҳазрат Навоий қуйидаги мисраларни гўё ана шу сирру синоати интиҳосиз ижодга мурожаат қилиб айтган каби туюлади-лар:

*Халқ раддидин не ғам топғонга  
лутфингдин қабул,  
Эл қабулидин не суд оники қаҳринг  
қилса рад.*

Биз журналимизнинг баҳор ила ёз оралиғидаги ушбу сонини асосан адабиётга эндигина кириб келаётган, кўнглида жиндай ҳадик ила иштибоҳ, бирок эртанинг умидию эл дардидан огоҳ бўлган ёшларга бағишладик. Илк танишув сизга ҳам, бу ёшларга ҳам кутлуғ бўлсин!

## Лайло Шарипова



Бухоро вилоятининг Шофиркон ноҳиясида туғилган. Шаҳрисабзда бўлиб ўтган ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси. Ҳозир Бухоро Давлат педагогика институтининг V курсида таҳсил олмокда.

## Мен оҳанглар қушиман

### Кечикма, Қуёш

Кулсам, нега кулдинг дейдилар,  
Қовоғимни соламан дарҳол.  
Куйсам, нега куйдинг дейдилар,  
Мен қоламан лоқайд, бемажол.  
Гуллар билан суҳбат қураман,  
Гулларимни кетарлар узиб.  
Юлдузларга боқиб тураман,  
Кимдир чиқар юлдузни тўсиб.  
Тонг отади, кўзимда ҳайрат,  
Борлиқ оппоқ бўлиб кетади.  
Бир шум шарпа, бир қора ният  
Тонгларимни қара этади.  
Айланмокда музга бу таним,  
Жоним ўтда, юрагим — талош.  
Мадад бергил, асра, суйганим,  
Мен тош бўлиб қолмайин, Қуёш!  
Қиздир, ёнсин ловуллаб бу жон,  
Қўшиғимга тор келсин олам.  
Кулгуларни тутмадим пинҳон,  
Яширмасман кўз ёшимни ҳам...

\* \* \*

Кўзларим олди туман, қуёш бўлармикансиз,  
Кўнглим ҳилол, сизнинг ҳам кўнглингиз ҳилолмикан?  
Мен оҳанглар қулиман, сиз дош берармикансиз,  
Дилим зилол. Сиздаги юрак мажнунтолмикан?  
Билмадим, бил-о-лмадим...

Томиримда оққан қон қизил эмас, заъфарон,  
Даштда қолган лолани қуёш ўтда ёқаркан.  
Дарё тўлкинларидай денгиз томон оқарман,  
Сабо бўлармикансиз елгувчи даштлар томон...  
Билмадим, бил-о-лмадим...

# Севгим йўлга бошлайди

\* \* \*

Шамоллар тоғлардан тушаркан ўйнаб  
Мажнунтол қошида сақлайди сукут.  
Зангори япроқлар сўйлар пичирлаб:  
«Сени унутган у, кўй, сен ҳам унут...»

Тунлари намозшомгулнинг қошида  
Дардларим минг карра таратганда бўй,  
Чумоли ўлтириб бардош тошида:  
«Излагин, дер менга, — эзилишни кўй...»

Ошиқар ёрдамга баҳорий чечак,  
Қизғалдоқ қирмизи рўмол ўрайди.  
Изингдан майсалар чериклар тортиб,  
Менинг гуноҳимни сендан сўрайди.

\* \* \*

Тоғу тошдан сочилган нола  
Юрагимни забт этди келиб.  
Кўкрагимда очилган лола  
Ёғду сочар кўзлари кулиб.

Севгим мени йўлга бошлайди,  
Бу ҳис бахтдан ўзгани билмас.  
Қалбим менинг ғамни ютган сув,  
Эски йўлдан юргани қўймас.

## Хайём йўлида

Бу ҳаёт тутқазди менга ҳам бода,  
Пиёлам ичида кулар бир чехра.  
Оромим тарқатма, кетгил, шаббода,  
Кел, эй гулюз шароб, мени сеҳрла.

Рақс тушгин қонимда, нур бер кўзимга,  
Муҳаббат сеҳрини жонимга жойла.  
Сен фақат соз чалгил менинг сўзимга,  
Адашган чоғларим йўлимни пойла...

\* \* \*

Елғизлик келиси туяман дейди,  
Хотира — кўксимни куйдирган тумор.  
Замин абрлардан кўйлақлар кийди,  
Тиловат қилади субҳидам баҳор.

Бу дунё мингларни қақшатган дунё,  
Кўксимни куйдирди оташ-аламлар.  
Севгим, изларингни топа олмадим,  
Оёғим остида яшил гиламлар.

## Минҳожиддин Ҳожиматов

1965 йили Андижон шаҳрида туғилган. 1986 йилда Совет Армияси сафида хизматни тугатиб қайтган. Шу кунда ТошДУ журналистика факультетининг 5-курсда таҳсил олмоқда.



Тунлари қидириб юлдуз ёқаман,  
Кетаман, самога етаклайди из.  
Маъводан севинч-ла ерга боқаман:  
Атиргул остида соч тарар бир қиз...

## Ҳамал

Майсаларнинг ғуборин ювар  
Ғарибларга аталган найсон.  
Юракларда чучмома унар,  
Чорлар бизни кумушбадан тонг.  
Дов-дарахтлар яшил байроғин  
Кўз-кўз қилиб ёза бошлайди.  
Кўҳна Турон кўксида қуёш  
Уйғонишга элни чорлайди.

## Яссавий

Ўтар дунё экан бу, бир кун албат ўтаро,  
Юзи қаро балолар қаро бўлиб кетаро,  
Даҳри дуннинг қонунин бузолмагай ҳеч бир зот,  
Жаҳонгирми ё гадо, бир тупроқда ётаро.

Қарғиш топган қавмининг етти пушти хор бўлар,  
Элин ташлаб кетғонлар бир мунисга зор бўлар,  
Риё аҳли сайд бўлар, кенг замин ҳам тор бўлар,  
Эрк деб ёнмаган ғофил ном нишонсиз кетаро.

Эл деб ёнган оқиллар севган элин шер қилур,  
Элин сотган нокаслар элин қаро ер қилур,  
Супирар келган йўлин, қул қилар ёлғиз ўғлин,  
Қулликдан боши чиқмай, забун бўлиб кетаро.

Эрк деганга эрк келур, кўрк деганга кўрк келур,  
Бошига ҳумодай тож, озод-бахту бўрк келур,  
Минорлардан эшитдим — бир садойи турк келур,  
Англамаган ғофиллар умри елдек ўтаро.

Элга айтар сўзим шул, қаддин эгмасин дейман,  
Ғулом излаб занжирлар элга тегмасин дейман,  
Қабрим чўқар, забунман, қабрим чўкмасин  
дейман.

Оқил эрсанг, омад ёр халқ изингдин кетаро.



## Рустам Эргашев



Гўзаллики ҳар ким ҳар хил тушунади. Оқил кишиларнинг гўзаллик ҳақида ўз тушунчаси бўлганидек, бадбин кимсаларнинг ҳам гўзаллик борасида ўз ўлчовлари бор. Мана-ман деган улуғ мусавирларнинг аёл кишини яланғоч алфозда тасвирловчи бебаҳо асарлари кўп. Баъзи тоифа одамлар ўша улуғ асарлардаги баркамол тасвирдан завқланишади, яъни бу санъат асарларига ошиқ кўзи билан боқиб, то умрларининг сўнгигача роҳатланиб юришади, яна бир тоифа кимсалар эса суратдаги жонгонга ҳирс билан боқиб беҳаё тиржайганча «лаззат» оладилар: бу эса эшакка гул тақдим қилишдай гап, чунки эшак гулнинг гўзаллигини кавшаб туриб тушунади.

Айни дам қаршимда ястаниб ўтирган уй соҳиби шунинг ўзгираси эди: мен эсам унга бир даста гул совға қилишим даркор... Бу кас йўғон гавдали, юмалоқ қоринли, хатосиз терилган тишлари соф тилладан. Кўрсаткич бармоғида енгил автонинг калити фазиллаб айланади. Карнайдай оғзидан тупук сачратиб ўзининг санъатни беҳад қадрлаши тўғрисида гап сотади:

— Ука, биз санъатни қадрлаймиз, хизмат ҳақингизни ҳам тузуккина тўлаймиз. Суратни деворга ишлайсиз, тахминан, мана бундай ҳажмда (у деворни қучоқлаб чамалай бошлади); сўлим табиат, тиниқ кўл, яланғоч ҳолда сувга тушаётган жонгон, аммо унинг бўйбаста росмана одамникидай бўлиши лозим — кўрган одамки бориб қучоқлаб олсин... Агар суврат

кўнгилдагидай чиқса, «лой»ини икки баравар оласиз!

Хонага шошилмай разм соламан, тасаввуримда сувга тушаётган жонгонни гавдалантиришга ҳаракат қиламан. Шууримда Беллолининг «Чўмилаётган аёл»и сузади. Соҳиб эса ҳамон қулоқнинг додини бериш билан овора.

— Уй битгунча нақ юз минг кетди. Яқинда уй тўйи қиламан. Ҳамма казо-казолар келишади, яна улфатлар олдида уялиб қолмай, ука!

Соҳибнинг кўнглига қараб, паст овозда:

— Аёлниинг сувдаги ҳолатини ишласак, қандай бўларкин? — дедим журъатсизлик билан.

— Йўқ, йўқ, — деди у таклифимни рад қилиб, — биласизми, менга

яланғоч аёл сурати керак; сувда жонгоннинг офатижон жойлари кўринмай қолади. Сиз шундай қилинг: эндигина сувга оёқ кўйган пайкар, нозик оёқлар, хипча бел, яна нима дейди, ҳа, топдим, олма мисол сийналар... ум-м! — шу айтганларим яққол кўриниб туриши лозим. Мендан ҳам ажойиб рассом чиқарди-ю, афсуски, бўлак иш кўп-да!

Менинг энсам қотди. Зўр-базўр ўзимни босиб:

— Эртага беш-олти хил кўришни қоралаб келаман, маъқул бўлганини чизамиз, — дедим.

— Балли, — деди у бошини орқага ташлаб оромкурсига чўкар экан. У шу тобда ҳали чизилмаган суратдан лаззатланаётган эди, чамамда.

Қоғозга баъзи тақчил бўёқларнинг номларини битиб, унга узатдим, балки шу баҳона бўлиб суврат чизилмас. Негадир унинг мамнуният уфуринг турган башараси кўнглимни айнитаётган эди.

Саркаш фикрлар исқанжасида бемажол уйга қайтдим. Қўлимга қалам олиб, ул-бул ишлагандай бўлдим-у, лекин жонсиз, кўзини чарчатишдан бўлакка ярамайдиган кундалик тасвирлардан ўзга ҳеч вақо чиқаролмадим. Мени қобилиятсиз деб эълон қилганларга тан бердим, дарҳақиқат, қобилиятсизга ўхшайман.

Устахонани очиб, бор бойлигимга назар ташлайман: ҳар хил ҳажмдаги суратлар ўнгу терс ҳолда, айқаш-уйқаш бўлиб чанг босиб ётибди. Мени элга танитиши керак бўлган йирик асарим «Ҳосил» эса бир бурчакда пўпанак аралаш мунгли боқади. Бу сурат мусавирлар анжуманида менга қўшилиб ер билан яксон бўлган эди. Эмишки, деҳқон, яъни «Ҳосил» қаҳрамонларидан бири, кулаётгандек туюлса ҳам, тузукроқ разм солинса, йиғлаётганлиги аниқ эмиш, устига устак, ҳаддан ташқари ориқ, яна шимига ҳам ямоқ солинган экан. «Ҳали ёшсиз-у, реализмга ёт қарашларга ёпишиб олгансиз-а, ишингизда жамиятимизга ёт деталлар анча-мунча!», деди машҳур рассомлардан бири. Унинг «оқ йўл»идан сўнгина умримда эшитмаган олқишларга сазовор бўлдим. «Ахир бу одам ўз тоғам бўлади,

## ДЕВОРДАҲИ СУРАТИ



Ҳикоя

шундоқ планин бажарган куни чизганман!», дедим ўзимни оқлаб. «Наҳотки, шундай одамнинг биронта бутун шими бўлмаса-я, таажжуб», деди машҳур рассом. Суратни энгим билан артиб, ундан яна кимнидир ахтара бошладим. Ҳа, мана, сал четроқда тасвирланган аёл. У бошига катта тугунни кўйиб, қоматини ғоз тутганча пахтазордан чиқиб келмоқда. Дўмпайган қорни тагидан тортиб этак боғлаб олган, қўлидаги беҳини иштаҳа билан тишлаб келмоқда. Бу «аёл» учун яқиндагина Москва Бадий академиясини тугаллаб қайтган чумчуқдай қиздан дакки едим. У мени феодал деб атади: «Наҳот ҳомиладор аёлга ҳам шундай тугун ортса киши, ўзингиз аёллик заҳмати нима эканлигини билганингизда бундай шафқатсиз бўлмас эдингиз! Пахтани кўтаришга наҳот бирон эркак топилмаган бўлса!», деди у намоишкорона.

«Ҳосил»нинг яна бир камчилиги — эгаллар бўйлаб мактаб болаларининг қаторлашиб туришгани бўлди. «Совет давлатида болалар эксплуатация қилинмайди», деди таниқли рассомлардан бири. Яна бири эса шундай деди: «Ие, уларнинг мўриларидан тутун чиқяпти-ку, бу қанақаси бўлди?» «Билмадим», дедим доддираб. Гур этиб кулги кўтарилди. «Билмасангиз, нима қилиб юрипсиз?», деди таниқли рассом. Шу билан мен ҳақимдаги муҳокамага якун ясалди.

Эртасига қораламаларни олиб соҳибниқига йўл оларканман, яна фариштага дуҳ келдим. Кеңирасиз, сизни огоҳлантирмай, фаришта ҳақида сўз очдим. Фаришта деганим бу менинг янги ҳужрам жойлашган томонда истиқомат қилувчи бир малак. Ул санам шундай гўзалки, унинг сеҳрли нигоҳидан ҳар қандай ваҳший ҳам ўзини йўқотса керак. Унинг қомати самбитдай расою сарвдай нозик, гул ёноқлари қизилликдан берию оқишлиқдан нари, лаблари гилос рангидан очроқ ва тиниқ, энг хунук аъзо ҳисобланган бурун ҳам бу фариштанинг юзида ўзини бахтли ҳисоблайди. Мақтовнинг тоза ҳадисини олган экан деб ўйламанг, шуни унутмаслик керакки, гўзалликни ҳеч ким мусавирчалик фарқлаётмайди. Рассом халқи оддий одамлар назардан қочирган нозик нуқталарни ҳам кўра олади. Ул фаришта билан аҳён-аҳёнда йўлимиз бир тушади, эринмай кузатаман, ҳатто юришидан ҳам завқ оламан. Шундай эркин юрадики, унинг олдида ўзимнинг бесўнақай

туядай одим олишимдан уялиб кетаман ва бир оз узоқроқдан баҳра олишни мақбул топаман. Автобусда эса кўпчилик орасида ҳам бамайлихотир унинг гул юзига термуламан, термулган сарим гўзалликнинг яширин қирраларини кашф эта бошлайман.

Хуллас, кайфиятим чоғ ҳолда соҳибниқига кириб бордим. Соҳиб мени хушнуд қарши олар экан, каттагина телевизор қўтисига ишора қилди:

— Марҳамат, кечаги айтганларингиз.

Кўзим қинидан чиққудай бўлиб кетди. Қути ҳар хил хорижий бўёқларга тўла эди. Мен унга қораламаларни узатдим. У суратларни кўздан кечирар экан, сувга тушаётган гўзалнинг атрофда ҳеч зоғ йўқмикин, дея аланглаётган ҳолатини танлади. Сув бўйида хавотир аралаш аланглаётган гўзал, у сувга тушаётгандек эмас, балки ҳозиргина сувдан чиққандек таассурот қолдирарди.

— Мана буниси, оғайни, фақат кўкраклари аниқроқ кўриниб турсин, қараганда одамнинг юрагини ўртайдиган жойи ҳам шунда!

Мен рози бўлдим. Мақсадим — тезроқ суратни ишлаб, келишилган пулни олиш.

— Қизлар келишди,— деди у менга мағрур назар ташлаб.

— Айтинг, бири кирсин,— дедим чизишга ҳозирлик кўрар эканман.

У хонлардай уч марта қарсақ урди: хонага эркакча энгил-бош кийган сочлари калта қиз кириб келди.

— Ечин,— деб амр қилди соҳиб. Қиз ечинди, мен унга қаерда туриш кераклигини кўрсатдим. Оёқлари келишган, елкалари қуймадай, кўкраклари бежирим, лекин унга яна нимадир етишмаётгандай... ҳа, у тамомила яланғоч бўлиб олган эди. Мен ундан сўнги — аёлларга хос либосини кийиб олишини сўрадим.

У гапимдан доддираб, энгил-елани кийиниб олди.

— Ундаймас, буни ечинг, фақат сўнги либосингизни кийинг!

У ҳамон доддиради, афтидан, гапимни тушунмаётган эди. Шунда орага уй соҳибни аралашди:

— Менга яланғоч аёл сурати лозим, ахир улфатларимиз билан ўтирганимизда унга қараб завқланишимиз керак-ку!

Мен бу гулхўрнинг гапига эътибор бермадим.

— Буни чизолмайман,— дедим унинг эътирозини қайириб.

У яна қарсақ урди, яна бир қиз кириб келди. Мен ундан ҳам ечинини сўрадим. Аммо у ҳам сўнги либосигача ечиниб, тиржайиб тураверди. Шир яланғоч бу қиз ҳам менинг: «Сўнги либосингизни ечманг!», деган хитобимга дастлаб кирган қизга ўхшаш жавоб берди. Начора, бунисини ҳам чиқариб юборишга тўғри келди.

Уй соҳибни қарсақ уради, кимдир киради: сўнги либосини тополмайди — мен чиқариб юбораман. Шу тарзда ўндан ортиқ қизни кўрдик — маъқули йўқ.

Соҳиб жиғибийрон бўла бошлади.

— Мен энг чиройли қизларни тегиб келган эдим-ку,— деди сўкиниб,— сўнги либосинг нима? Мен тушунолмапман! Яна қайтариб айтаман: менга яланғоч аёл сурати керак, сен бўлсан, сўнги либос, сўнги либос, дейсан.

Бу гулхўрнинг фаҳми етмаслигини билсам ҳам тушунтиришга уриниб кўрдим:

— Мен сизга айтсам, сўнги либос бу — ҳаё, ҲАЁ! Сиз етаклаб келган бетавфиқларда ўша ҳаё йўқ, СЎНГИ ЛИБОС йўқ!

Соҳиб менга бироз анграйиб тикилиб турди-да, «хаёлпараст, тентак», деди аччиқ билан.

Икки кун деворга ишлов бериш билан ўтди. Ниҳоят, ўзим билмаган ҳолда суратни ишлаб бошладим. Тасвир ҳофизамда ўзининг барча яширин қирралари билан намоён бўла бошлади. Орадан бир ой ўтди, сурат тугаллана бошлади ва шундагина англадимки, мен деворга ўзим маҳлиё бўлиб юрган санамнинг сиймосини ишлаётган эканман. Ижод сеҳри билан бу қилмишимнинг оқибатини англаб етмаган эдим. Фаришта сувга тушаётган, аллақандай шарпани илғагандек атрофга жонсарак аланглаб турар эди. Унинг сарв қоматига дарахтлар майин шабадада тебраниб мадҳия айтишади. У хилқат эса ўзини дов-дарахт тугул, ҳатто оёғини ўпаётган майсалардан ҳам яширишга уринади. Энг асосийси, унинг эгнида мен излаган сўнги либос — ҳаё мавжуд эди. Тўғрироғи, эгнида эмас, балки поклик ва самимийлик барқ уриб турган кўзларида. У зинодан сўнг пок сувни булғагани чиққан фоҳиша эмас, бу бедаво оламнинг турфа хил нопоклари ҳаром қилган сувни поклашни ниёт этган фаришта эди!

Суратни кўриб соҳибнинг эси оғди. У тасвирнинг бу даражада юксак бўлишини кутмаган эди. Ҳар қалай, мени ўртамиёна мусавирлар-

дан деб биларди. Лекин у ҳисоб-китобни эркакча қилди. Келишилган пулни икки ҳисса қилиб қўйнимга тикаркан, қойил, ҳеч ишонмагандим, дея таъкидлади.

Орадан бир ҳафта ўтгандан сўнгина каттакон йўқотиш бўлганини англадим. Энг алам қиладигани шу эдики, мен ўзимнинг бор бойлигим — энг муваффақиятли чиққан ишимни бир лаънати гулхўрга тортиқ қилган эдим. Ул фаришта ўрнига истаган фоҳишанинг суратини чизиб беришим мумкин эди-ку! Мен эса бир мўминнинг фарзандини яланғоч ҳолда унга бағишлаб ўтирибман-а! Виждон азоби жондан ўтиб юракка етгач, бор дарду аламимни бир рассом дўстимга тўқдим:

— Унинг кўзлари шундай беғуборки, у ҳеч қачон қабих гулхўрларнинг ҳирс тўла нигоҳларига бардош беролмайди. Ахир, уни яратган менман, у мени ҳар дақиқа лаънатлаётган бўлиши керак.

Дўстим ишонмади:

— Қўявер, тузуқина пул ишлабсан-ку, бу маблағ билан бирон йил катта асар устида ишлашинг мумкин, — деди менинг кўнглимни кўтариб. Сўнгра менинг минғир-минғирларимга чек қўйиш мақсадида бирга соҳибниқига йўл олди. — Ях-

ши, битта яримта қуясан!

Бизни соҳибнинг ўзи қарши олди. У ўлғудай маст эди, мени таниб итдай ялай бошлади: «Мана, ўша қўли гул йигит!», деб таништирди улфатларига. Сурат чизилган хонада беш-олтита киши юмалаб ётарди. Биз тўғри бориб суратнинг қарши-сида тўхтадик. Фариштага боқиб дўстимнинг чеҳраси ёришди, «Великолепно!» деди елкамга қоқиб.

Гўзалим кўзимга йиғлаётгандек бўлиб кўринди, мижжаларида тер ялтирайди, кўзларида чидаб бўлмас таъна.

Шу дам маст бўлиб қолган каслардан бири менга илтижо қила бошлади:

— Айт-чи, унинг висолига қандай қилиб етса бўлади? Балки ёнига менинг ҳам суратимни чизиб қўясан-а?! Эшит, ука, пулга кўмиб ташлайман.

Бундай аҳмоқгарчиликка асло чидаш мумкин эмас эди. Бу орада ҳалиги кимса суратга қараб эмаклай бошлади. Бу йиғлаулик манзарани совуққонлик билан кузатар эканман, миямда даҳшатли фикр туғилаётганини фаҳмладим. Унинг шафқатсизлигидан илигим қалт-қалт титрай бошлади, лекин бошқа умидли чора кўзга ташланмас эди. Соҳибга қараб:



— Рухсат берсалар, бир оз тузатиш киритсам, — дедим ва дўстимнинг халтасидан бўёқларни олиб ишга киришдим.

— Тегма, нодон, — деди дўстим мақсадимни тушуниб. Уни силтаб ташлаб ишимни давом эттираведим. Энг аввало фариштанинг кўзларидаги ҳаёни сидириб ташлаб, фаҳшона ишвани акслантирдим. Чеҳрасига самимийлик ўрнига макрли табассум баш этдим. Кўкраги бўёқ чаплаб, катталаштирдим — гўзалим ғойиб бўлди, унинг ўрнида фаҳш маликаси ибосиз тиржайиб, ишратга чорлаб турарди. Ишимни кузатиб турган соҳиб чунтагимга юзталиқни тикар экан: «Мана бу бошқа гап, кўкраги кичиклигини аввал айтган эдим-а!», деди мағрур.

Гулхўрлар менинг шарафимга қадаҳ кўтариб, ҳамду санолар айтишди. Боя «висол» излаган эшак эса суратга сажда қилганча чалворини ечишга уннаб ётарди.

Ишимдан норозиланганча дастурхондаги қадаҳларни биринкетин сипқориб ётган дўстимни даст кўтардим-да, худонинг гулхўр махлуқларига қўл силтадим: «Хайр, гулхўр афандилар!»

## Эркин Абдурахмон



### Ҳикоя

Автобус ойнасидан ташқарига тикилганча хаёлга чўмиб кетаётгандим. Хаёлимдан кечаётган фикрларнинг на боши-ю, на охирини биламан. Гўё томирларимда ҳам қон эмас, тизгинсиз ўй-хаёлларим оқаётгандек...

Шу дам нимадир бўлдию ўзим сезмаган ҳолда атрофга алангладим ва... шундоққина ёнгинамда бегонадек бўлиб турган уни кўрдим!.. Бегонадек ҳис этганимданми, узоқ тикилиб тура олмадим унга. Кейин сезсам, унга нигоҳим

тушгани замон хаёлимдан турфа хил ўйлар кечган экан.

У автобусга кўтарилаётиб мени кўргани аниқ, чунки мен шундоққина эшикнинг чап ёнидаги узун — бир неча кишилик ўриндиқда ўтирдим. Бунинг устига, унга нигоҳим тушгани ҳамон бошини бўлак томонга бурганини ҳам сезган эдим. Демак, нигоҳи нигоҳим билан тўқнаш келишини истамаган...

Бир пайтлар энг яқин, энг содиқ дўстим эди у. Бирга қўл ушлашиб боғчага борардик, биргалашиб боғ-

чадан қайтардик, у боғчага борман куни мен ҳам бормасдим. Менда у яшарди, гўё мен у билангина тирик эдим. Бир куни келиб у билан орамиз узилиши мумкинлиги хаёлимнинг кўчасида ҳам йўқ эди... Болалик ташвишлари катталар нигоҳида қанчалар беғубор, тинч ва осойишта кўринмасин, ундан айрилган дамларим азоби шу кунгача хотирамдан ўчмайди. Кечагидек эсимда, уйлари яқинида очилган янги боғча уни мендан, мени эса ундан айиргани. Катталар учун



бу бир қувончли янгилик эди. Энди улар фарзандларини бир неча чақирим наридаги боғчага эмас, уйларининг ёнгинасидаги янги боғчага элтишлари мумкин... Фақат шунда мен катталар болалардан қанчалар фарқ қилишини ҳис этган, катталар умрбод катта, болалар умрбод бола бўлишади, деб ўйлагандим.

Унинг ортидан эргашганларим, ота-онамга мени ҳам унинг боғчасига ўтказинлар деб хархаша қилганим, неча кунгача ўзимнинг боғчамдан қочиб, унинг ёнига кетиб қолаверганим худди кечагидек кўз ўнгимда.

Жабрдийда мурғак юрагимга фақат у шифо бўла оларди. Биз тез-тез бир-биримиз билан учрашиш имкониятига эга бўлиб турардик. Оналаримиз бир жойда ишларди ва уни кўриш орзусига мен онам туфайли эришардим. Онамнинг у билан учрашишимиз ҳақидаги хабарини қанчалик бегоҳат кутишимни билсангиз эди! Ойиси уни ишхонасига олиб келиши ҳақидаги хабарни бир кун бурун эшитар, бу бир кеча менга минг кечадек бўлиб туюлар, учрашувларимиз эса яшиндек бир лаҳзада ўтиб кетарди. Фақат у билан қачон сўнги бор учрашганим, унга айтган сўзим ёдимда йўқ, у билан қачон орамиз узилганини ҳам эслаёлмайман.

Ён томонимдаги автобус ойнасидан оҳиста унинг аксини изладим. Мени унинг қиёфаси қанчалик ўзгаргани қизиқтирарди. Ёнгинамда, шундоққина қўлим етгулик жойда турган одамга нигоҳ ташлай олмаслигимни ўйлаганим сари баттар ўртанарди дилим.

Ташқарида эса қуёш чарақларди. Дераза ойнасига тушаётган худди мана шу қуёш нурлари менга унинг аксини кузатиш имконини берганди, лекин ойнадаги хира, кўзга илинмас даражадаги акс истагимни тўла қондирилмасди. Бунинг устига, унинг аксини кўриш имкониятига эга бўлганим ҳамон

дилимда бўлак истаклар ҳам куртак ёзганди. Мен энди у билан суҳбатлашгим, ўша беғубор, покиза дамларимизни ёдга олгим келарди. Бориб-бориб, хаёлимни буткул шу истак қамрагани сари, уни соғинганимни ҳис этдим. Вужудимни яна ўша болалик чоғларим азоблаган туйғулар қамраётганини бутун шуурим билан сезиб турардим.

Шу пайт ёнимдаги йўловчилардан бири аста тушиш учун қўзғалдию бўш қолган ўринга у ўтириб, мени ноқулай аҳволдан халос этди. У ҳам худди елкасидан тоғ ағдарилганга ўхшарди. Энди нигоҳларимиз учрашиши хавфи йўқолган, орамизда бир киши ўтирар, бизни бир-биримиздан тўсиб турарди.

Йўловчилар сийраклашиб, олдинги ўриндиқлар бўшай бошлаганида унинг ўша ўриндиқлардан бирига ўтиб ўтиришини истадим. Ўзгалар хаёлини уқиш қудратига эга бўлмасам-да, негадир унда ҳам шундай фикр кечгандай туюлди, балки мен шуни истаганимдан, эҳтимол, унда ҳам мендан узоқлашиш истаги сезилганидан хаёлимда шундай фикрлар кечгандир.

Шу вақт фавқулудда ҳодиса юз берди. Ўртамизда ўтирган киши аста туриб эшик томон йўналди, унинг кетидан кетма-кет орқа ўриндиқда ўтирганлар ҳам ўринларидан қўзғалишди, автобус орқасида фақат иккимизгина қолдик. Бундай ҳолда киши бир-бирини пайқамаслиги ҳеч мумкин эмасди. У ҳам, мен ҳам буни жуда яхши тушунардик. Мен ҳамон ташқаридан кўзимни узмасдим, гўё атрофимдаги ўзгаришларга бефарқдек, гўё уларни сезмаётгандек, ташқаридаги манзара мени ўзига мафтун этгандек...

Шу вақт... Икки йигит келиб ўтиришга ҳозирланишди. Улардан аввалроқ ҳам кимлардир бўш ўриндиқларга ўтиришганди шекилли, бўш жой фақат унинг икки ёнида қолганди. Йигитлардан бири унинг

ўнг томонига ўтирди, иккинчиси эса ундан мен томонга сурилишни илтимос қилди. У нима деб жавоб қайтаргани, йигитнинг унга жавобан айтган сўзларини эшитолмадим, лекин ўша йигит бизнинг орамиздан жой олди ва уни мендан, мени эса ундан тўсиб қўйди.

Унинг бу ҳаракатлари сабабини тушунмаслиқни истардим, лекин ўзимни хиёнаткор деб сезмасликка ҳам илож тополмасдим. Гўё мен унга хиёнат қилганман-у, у мендан ҳазар қилаётгандек эди. Уни негадир ўзимга ўхшатдим, шу билан бирга ойнадаги аксимдан уялгандек ҳам бўлдим (ҳар қалай, ўзимдан у каби ҳазар қилолмасдим) ва ўз аксимни унга ўхшатдим. Ойнага қарайверишдан чарчагандим, лекин ҳамон ўзга томонга қарашга ботинолмасдим. Кўзимни юмдим-да, бошимни ойнага суядим.

Вақт бунчалик судралаётгани юрагимни эзарди. Биз бир ноҳияда, лекин ноҳиянинг икки бурчагида, бир автобус йўлида яшардик. Мен ундан олдинроқдаги бекатда қоламан, шу сабаб истасам-истамасам унинг қошидан, бунинг устига оёғидан ҳатлаб ўтишга мажбур эдим. Тушадиган бекатим яқинлашгани сари юрагим безовта дукилларди. Ҳаяжонланаётганининг сабабини эса сира тушунолмасдим.

Бекатга келгач, кўзимни бир нуқтага тикканча унинг олдидан ўтишга шайландим. Бу мазкур тасодифнинг энг олий нуқтаси эди! Мен худди дераза ойнасига тушган аксимни тан олмагандек бақрайганча унинг олдидан ўтдим ва автобуснинг олдинги эшиги томон йўналдим. Иккита билетга пул узатиб, бирини энг охириги ўриндиқдаги кимсага (унга) узатиб юборишларини илтимос қилдим. Бу унинг меҳри, эътибори илинжида айтолмаган сўнги сўзим эди.

Эҳтимол, менга хосиятли кўринган бу учрашув унга ҳеч бўлмаса болалигини (ўзлигини) эслатар...



#### Эркин Абдурахмон

1965 йили Тошкент шаҳрида туғилган. ТошДУ Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг кечки бўлими битирувчи курс талабаси. «Ёш гвардия» нашриётида хизмат қилади. Бадий асари билан матбуотда илк бор қатнашиши.

Хосият Рустамова



Наманган вилоятининг Чуст ноҳиясида туғилган. Ҳозир Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетининг 2-курсида таҳсил олмоқда.

\* \* \*

Сувга шўнғиб кетди юрагим,  
тўлқинлар бош чайқар  
бепарво.  
Мен учиб кетаман самога  
қуш бўлиб.  
Юрагим ухлайди дарёда  
туш кўриб...  
Мен учиб кетаман, Айрилиқ  
Қувониб йиғлар...

Юрагимнинг  
рўлоли

\* \* \*

Суратингни яшириб олдим  
Азобларда куйган юракка.  
Севмайман деб такрорлаб, толдим  
Умр бўйи суйган юракка.  
Мен неча бор севмайман десам,  
Юрагимда севгинг ортади.  
Билиб қўйгин, абад юракда  
Севилган суратинг ётади.

Самарқандда тун

I  
Юракнинг тубида уйғоқ бир армон,  
Англамоқ истайман тунлари бедор.  
Уйларим юлдузлар юртида сарсон,  
Маънос жимир-жимир аро минг сир бор.

Оқшомлар Самарқанд титраб уйғонар,  
Юрагин ҳовучлар сукут ичра тун.  
Орқага қайтади кўҳна таворих,  
Бир лаҳза орқага қайтар қонли кун.

II

Шамол сукунатни қучиб бўзлайди:  
Не учун Самарқанд ҳайқирмагай, айт?  
Бу замин — софликнинг сўнги таянчи,  
Уни булғамагин, ниятингдан қайт.

Унда уйғонсин-ай, жаҳонгир Темур,  
Уйғонсин Бобур ҳам улуғ Алишер.  
Дунё шундай экан, мангулик мисол  
Боқий қолар экан фақат олий шеър.

III

Кетганлар оҳидан уйғонгил, қалбим,  
Уларнинг олдида таъзим бажо қил.  
Қасоскор гуноҳлар кўз очар бугун,  
Таъқибидан асло қочолмассан, бил.

Бу юртнинг тупроғи шу қадар буюк,  
Аммо бағрин ўртар дарду аламлар.  
Сукунат қўйнида титраган бу кеч  
Самарқандни мангу тарк этинг, ғамлар.

1967 йил Самарқанд вилоятининг  
Хатирчи ноҳиясида туғилган. Алишер  
Навоий номидаги Самарқанд Давлат  
дорилфунунининг II курс талабаси.

Фаррух Ҳамид



IV

Самарқанд, бир лаҳза тўхтагин, ахир,  
Фарзандларинг йиғлаб қолмасин ортда.  
Ғаму андуҳларни хуржунга солиб  
Сен қайга отландинг энди бу юртдан?

Болангман, наҳотки танимайдирсан,  
Томиримда оғрир қонларинг ёна.  
Қара, қоп-қорадир ҳали сочларим,  
Йироқ кетма мени бўзлатиб, она...

\* \* \*

Тунлар уйқу соғинар кўзлар,  
Мен-чи, бедор илҳом излайман.  
Хаёлимни бузар ўтмиш ғам,  
Мен-чи, ҳасратларни сизлайман.  
Улим ҳиди келган бу уйқу  
Мени секин йиқитмоқ истар.  
Ўтмиш кунни англаш ўрнига  
Уйқу мени қулликка қистар.  
Улим билан ҳамтовоқ бўлган  
Уйқу мени йиқитар охир.

Ҳисларимни, хаёлларимни  
Калтак олиб қувлар хавотир.  
Шунда мени кимдир туртади,  
Кўз очаман, бу — Усмон Носир:  
Илҳомимни сенга бераман,  
Қани, қўлга қаламингни ол.  
— Мени тирик тутгувчи тиргак  
Сени огоҳ этмоқ умиди...  
Мени уйқу тортқилар яна,  
Юрагимга бир зулмат ботар.  
Кўзларимни юмаман, лекин  
Усмон Носир мени уйғотар...

\* \* \*  
 Шеърим, туннинг сепкилли қизи,  
 Чанқоқ қалбга сувингдан ичир.  
 Юзга боқиб сўз айтмоқ қийин,  
 Туғилдинг-у, мен севдим, кечир.  
 Мисли дайди ўқсан, хаёлим,  
 Арғумчоқ соласан самога.  
 Тонглар сени тутолмам, бироқ  
 Тунлари ҳам учгунг сабога.

Ташналикда йиғлаган висол,  
 Бедор қайғу уйингга совчи.  
 Қору тупроқ ва майса мисол  
 Борми, шеърим, бизни боғловчи.

Тункапалак, кўзингни очай,  
 Ожиз қалбнинг дардига етдим.  
 Энди мен ҳам дил кўзи билан  
 Тун қизини топгани кетдим.

\* \* \*  
 Юрагимнинг рўмолини беринг, она,  
 Ҳаратайин ялтиратиб ғам бошига.  
 Емғирларнинг рўмолчасин берай, она,  
 Сездирмасдан аста тутинг кўз ёшига.

Юрагимнинг рўмолини беринг, она,  
 Сандиқ тўла мунг бошига ўратайин.  
 Қайғуларнинг қирчиллама қизларига  
 Бир боргина жилмайишни ўргатайин.

\* \* \*  
 Саволлар сочимда суради хаёл,  
 Кўзимда армоннинг исирғалари.  
 Руҳимда рақс тушар қўшиқчи аёл,  
 Сирқирар дармоннинг қовурғалари.

Дилимга из солар ҳижрон қуроли,  
 Бойўғли туйнукдан йўлга боқади.  
 Туннинг кўзларидан заргар чигиртка  
 Армон — узук ясаб менга тақади.

Термулиб яшайман қўлимга маъюс,  
 Узукчам, кўзлари ялтироққинам.  
 Қарашга қўрқади, у кўзлар қўрқоқ,  
 Юрагим — сўзлари қалтироққинам...

Саволлар, сочимда суравер хаёл,  
 Армонлар, йўлимга яна қайтавер.  
 Руҳимда рақс тушган қўшиқчи аёл,  
 Сен ўша қўшиқни айтгин, айтавер.

Умидвор  
 дарахт

## Ҳақиқат тонги отганда

Жамолиддин  
 Муслим



Наманган шаҳрида туғилган. А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг 4-курс талабаси.

1  
 Четлаб ўтди шамоллар.  
 Наҳот ишонмади  
 уйғонишимга?

2  
 Мен энди ўсаман,  
 Ниҳоят топдим  
 Илдиэларимни.

3  
 Ҳеч нарса тиламайман сендан, фалак,  
 тиниқ осмон  
 ва эркдан ўзга.

4  
 Ортда қолди куз —  
 Кўз ёшларим япроқ каби  
 тўкилган кунлар.

\* \* \*  
 Кўришамиз паноҳсизлар қуёши ботганда,  
 Минглаб жангу жадаллар ила  
 Отмаган Ҳақиқат тонгги отганда...

\* \* \*  
 Бу маскан — ажиб шифохонадир,  
 Ўз қавмин талаган итни даволар.  
 Аждодлар шунчалик одил ҳамхона...

### Улуғлар ҳаётдан

Келиб шу сўқмоқ йўлдан  
 кетавердик,  
 кетавердик...  
 Хокка айланиб  
 Топганимиз —  
 Саҳрои Кабир...

Келиб шу сўқмоқ йўлдан  
 кетавердик,  
 кетавердик...  
 Уннга қарадик зулумот,  
 Сўлга қарадик зулумот,  
 Наҳот дедик,  
 Ҳайхот дедик.  
 Юрак — бепоён денгизимизга  
 Чўктирдик  
 Каттакон тош — Сабрни.

Келиб шу сўқмоқ йўлдан,  
 кетавердик,  
 кетавердик...  
 Дилимизда алам,  
 Ҳамроҳимиз қалам,  
 Зиёрат қилиб ўтдик —  
 Ҳақиқат аталмиш  
 Буюк қабрни.

Келиб шу сўқмоқ йўлдан  
 Кетавердик...  
 Кетавердик...

Биз кўп ўйлардик,  
 Биз кўп билардик  
 Келажак ҳақида.  
 Тушларимизда  
 кўрар эдик  
 Ўрик гулидай  
 Оппоқ қабрни.


### Қарсак

Мен бу — жонли қўғирчоқ билан  
 ўйнай олмадим.  
 Шу боис мудом  
 бўғзимдадир унинг қўллари...

\* \* \*  
 Ҳориган қари тулпор — заминим,  
 Қисилиб борар нафас йўллари.  
 Мен эса эгардан тушмоқни билмас —  
 Бошсиз чавандоз...

Бу ёруғ дунёнинг бир чеккасида Авазбой деган қишлоқ борлигини ким билар экан? Гардуни дун аро қишлоқлар шу қадар кўпки, қай бири қайси ёқда экани ҳам эсингдан чиқиб кетади, қургур Рошидондамиди ё Олтиариқдамиди деб чалкашиб ўтираверасан. Яхшики, унинг номи бир тузуккина, сўраб-суриштирганда уялмайсан, мабодо, Қорин ёки Каллахўр бўлганида худо урарди. Бировдан Қорин қайда деб сўра-чи, киндигини кўрсатади-да, орқасига қараб мазах қилиб кулади.

Менинг болалигим Авазбой қишлоғининг тупроқкўчаларида кечган, Эҳсонали аканинг ўғли ҳақидаги гап ҳам ўша вақтдан қолган. Раҳматли бобом шу ҳақда гап очилса, ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига, деб такоррлашни хуш кўрардилар... Ким қандай истаса, шундай гапирарверсин-у, аммо Эҳсонали аканинг янги хизматдан қайтган ўғлига ўхшаб немисча калима айтмасин экан — гап-сўзга қолиб, эл-юрт ичида майна бўларкан. Йўқ, гап унинг армиядан тили ўзгариб келганида ҳам эмас. Болафақир Тошкентга ўқишга бориб, киролмай қайтдию... Узи тузук бола эди, мактабда ҳаммадан яхши ўқирди, муаллимлари Эҳсонали акага: «Шунингизни ўқитинг, олим бўладиган сиёғи бор», деб айтишарди. Отасининг айтишича, унинг билмаган нарсаси йўқ эди-ёв: осмонда нечта юлдуз борлигидан тортиб, то Африқодаги қурбақа туққан хотингача биларди. Эҳсонали ака, агар армиядан эсон-омон қайтиб келса, албатта ўқитаман, деб юрарди. Хуллас, шу бола ўқишдан йиқилиб қайтди. Бу билан осмон узилиб ерга тушгани йўқ, айтарли ҳеч нарса ўзгармади, бироқ... Ҳа, майли, гапни чоллардан бошлай қолайлик. Маҳалла чоллари гўшт дўкони олдидаги тахта супада у ёқбу ёқдан гаплашиб ўтирганларида, мўйловини дикрайтириб Суярбой келиб қолди. Энди сахту сумбат роса бир эшшакка юк деваяринг, худди яллаци хотин ўтгандек, кўчани ажабтовур ис тутди, билмаган одам магазинчи атир тўла қутини туртиниб ағдариб юборибди-да, деб ўйларди. Аскар бола ярақлаган тупфлисига чанг ўтирмаслиги учун эҳтиётлик билан, худди кўлмакдан сакраётганга ўхшаб юриб



Ҳикоя

## Исажон Султонов



1967 йилда Фарғона вилояти, Рошидон мавзесидаги Авазбой қишлоғида туғилган. ТошДУ журналистика факультетининг 5-курс толиби. Ҳикоялари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.

— Айтдим, бу Эҳсонбойнинг ўғли кўринмай қолди деб.— Жўра бува қаноат ҳосил қилиб, бош силкиди.— Ишқилиб, соғ-омон бориб келдингизми? Қаерларда бўлдингиз?

— Ну, ямон эмас,— деди аскар.— Кўрдук, қайтдук... Хизмат Германияда ўтди. Хайденбург шаҳарчасининг Хохерзондерштрассе деган жойида...

— А, кўп яхши,— деди Жўра бува.— Йўл бўлсин?

— Риштонга кетаётувдим... Кеч қолмасдан бораилук, узр...

Суярбой шундай деб, ғирт немисча кўшиқни хиргойи қилганча узоқлашди: «Вас кас-тет ес, их кауфе дize...»

Миркомил ота кулгидан ўзини зўрға тийиб, Эҳсонали акага қаради:

— Бу қисталоқ ўғил немисча гапиряпти-ю, Эҳсонали?

— Қайдам,— деб елка қисди ота.— Энди, бегона юртда ўзбекчани эсдан чиқаргандир-да.

— Ана, Расулбойнинг ўғлиям денгизда уч йил сузиб келди, эсдан чиқармабди-ку,— деди Жўра бува.

— Қизиқмисиз? Милёнта немиснинг ичида битта ўзи бўлгандан кейин нима қиларди? Эсдан чиқаради-да.

— Ўрисча гапирсаям майли, немисча-ку?

келди-да, чолларга салом берди.

— Э, Суярбой,— деди Жўра бува соқолини селкилатганча аскар билар икки қўллаб кўришиб.— Ҳа, қаёқлардан сўраймиз?

Аскар бола худди оғзига қайноқ картошка солиб олгандай, ғалати талаффузда (кейинчалик бунни эслаб бутун қишлоқ кулади) жавоб берди:

— Ҳа, армия... Ушоқларда юрдук...

— Тил ўрганиб келса ёмонми?— деди Эҳсонали ака туриб-туриб.— Бир хиллар ўрисчаниям билмайди. Бизни ўғил англизчаниям гапиреди.

— Англизчани билсаям лекин немисча гапирмасин,— деди бир қўли йўқ Сухбат ака тутақиб.— Ҳамма хоҳлаган тилида гапираверса, тушунадиган одам қоладими? Бўладиган бола б...дан маълум деганларидай, тил билганига яраша бирор ерда ўқиса экан?

— Уша хизмат қилган жойидан хат опкеган,— деди Эҳсонали ака.— Камандири ёзиб берган.

— Нима деб ёзиб берибди?— дея қизиқсинди Жўра бува.

— Маши болани калласи ишлайди, ўзи тил билади, ўқитсаларинг ҳам ўқитасанлар, ўқитмасаларинг ҳам, деган.

— Мени неварамда унақадан учтаси бор, лекин ўқишга киролмаган,— деди Миркомил бува.— Унақа хатлар бир пулга қиммат. Сиз ғам чекманг, Эҳсонали, иш қаҳатми? Тракторчилик қилар, ё фермада ишлар?

— Йўқ, у катта ўқишда ўқийди,— деди Эҳсонали ака.— Юрадимми мойга ботиб? Биттаси куёвингиз Эшимбойми, бетига ҳам саларка суркаб юради.

— Эшимвой бетига саларка суркамайди,— дея ачиғи чиқди Миркомил бувагинг.— Трактири бузилса эт-бетини кўради, шунда қўлига юқади. Сиз тузукроқ искаб кўрмабсиз.

— Мен искабтопармидим искагани?

— Мана, ўғлингизни кўрамиз-да. Уқисин, олим бўлсин, келиб юрт сўрасин, шунда биз ҳам Эҳсоналига раҳмат, шунақа болани катта қилди деб хурсанд бўлайлик.

— Киради,— деди Эҳсонали ака.— Тошканда тоғаси бор, шу ёрдам беради...

— Омадини берсин,— деди Жўра бува. Шу билан аскар бола ҳақидаги гап тугади, Миркомил бува суҳбатни бозорда молнинг қиммат бўлганига буриб юборди. Эмишки, Орифжон ака мушукдай новосни етти юз сўмга сотибди. Узоқ йиллардан бери нарх бунақа қимматламаган эди. Кунжара топиш ўлимдан оғир, кепак ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ, совхоз сило-сидан бермайди... Хуллас, майда-чуйда гаплар. Эҳсон ака ўзини гап-сўзга қулоқ солиб ўтиргандай кўрсатгани билан ичини ит тирмалаб, ўйлар эди: «Оббо, ишқилиб, Суяр ўқишга кирсин-да. Муаллимлари мақтаганлари билан билиб бўладими, муштдайлигидан даладан чиқ-

маган бўлса... ўрнида мен бўлсам... — Бирдан ўзи ҳақда ўйлаб кетди:— Ҳа,энди, ўзимиз ҳам гўр эмас эдик, отам бечора уравериб ҳар куни битта ҳасса синдирарди. Ҳе ўқиса ўқисин шу бола. Немисча гапирадими, чулчутчами, ишқилиб биз кўрган кунларни кўрмасин, озода уй-жой тутиб, рангли тилвизурларни кўриб, хотинчасини ўйна-тиб юрсин. Бизнинг кун кун бўптими — муштдайлигимдан ишладим, рўзғор ҳам отамдан қолган бўйича турипти, ўша иккита мол, ўша чолдевор ҳалиям ўша, шунча ишлаб орттирганим қўл қадоғию бел оғриғи... Уқигани тузук, кастум-шим кийиб, пўрим бўлиб юради, менга ўхшаб битта этикни далага ҳам, тўйга ҳам кийиб зориқмайди. Армиядан жуда саришта бўлиб келди, ҳар куни тишини ювади. Одамлар гапираверади-да. Узи бу қишлоқда тоза юрсанг ҳам бир бало, юрмасанг ҳам... Уқисин, ўқисин...»

...Шом маҳали, чоллар тарқаб, Эҳсонали ака отасидан қолган ўша чолдеворга яқинлашганида, ариқ бўйидаги чимга эски бир тўшакни тўшаб, чордана қуриб ўтирган Мирза Маннонга кўзи тушди. Мирза Маннон сергўшт бармоғи билан ўнг қулоғининг орқасини қашиб, Эҳсонали акага қараб ишшайди ва бу билан оламда шунақанги бемаъни ишшайиш мавжудлигини намоиш қилди.

Эҳсонали ака Мирза Маннонни кўрибоқ: «Э, падариқусур», деди ичиди, кўрмаганга олиб деворга қараган кўйи ўтиб кетаётганди, Мирза Маннон:

— Э... Эҳсонбой,— деди мингиллаб.

— Деворларни оқлаш керак, иккита ёмғир ёғдию олачипор бўлиб кетди,— деди Эҳсонали ака, ҳозир унинг: «Қани, бу ёққа ўтиринг, суҳбатингизни соғиндик», дейишини кутиб.

— Қани, бу ёққа ўтиринг, суҳбатингизни соғиндик,— деди Мирза Маннон.

— Сотволдидан бир қоп оҳак олиб келсам етармикин?— деди Эҳсонали ака эшитмаганга олиб.— Ё етмасмикин?

— Агар бир қоп опкелсангиз етар, ўлибдими?— деди Мирза Маннон ҳам.— Қани, ўтирсинлар. Буруннинг қонидай қуюқ бир пиёла чойимиз бор эди.

«Э, падарлаънати,— деди Эҳсонали ака кўнгли айниб,— чойни ҳам расво қилди...»

Мирза Маннон ўрнашиброқ чордона қуриб унга пиёлада чой узатди. Сўнг кўзини қаттиқ қадаб:

— Бу, ўғилча ўқишга киряпти, деб эшитдим?— деди.

— Ҳа, киряпти.

— Бай-бай-бай,кўп яхши иш бўпти-да. Уғилчанинг калласи қалай, тузукми ишқилиб?

— Жа зўр бўлмасаям, ишқилиб, тузук.

— Яхши, яхши... Хў-ўп, қайси ўқишга киряпти?

Сўраб-суриштириш одати Мирза Маннонга бригадирлигидан қолган эди.

— Каттасига, Тошканга.

— Ия, шунақами? Ҳа, тузук... Аммо кунингиз етармикин? Мана, бизнинг Уғилтой...— Шундай деб, қайсидир ўқишни битириб келиб, ҳозир совун сотадиган дўконда ишлаётган ўғли ҳақидаги чўпчагини бошлаган эди, Эҳсонали аканинг кўнгли беҳузур бўлиб, тағин деворга қаради.

— Ҳа энди, бир куни оқлармиз-да, қочиб кетаяптими. Сотволдининг феъли юришиб турган бўлса, икки қоп ҳам беради,— деб қўйди. Мирза Маннонни «ўчириш» учун шунинг ўзи кифоя эди, у гапирётган чоғида биров луқма ташласа дарров гапини йўқотиб, эсидан чиқариб қўярди.

— Оббо, чалкашиб кетдим... Ҳазрат Айюб Алайҳиссалом қавмларига айтган эканларки, илм одамзотни худога яқинлаштирадиган бир кўприк, деб. Ана, амир-ободлик Назиржоннинг ўғли ҳам ўшақда юрипти, илм ўрганяпти. аммо ўзи кўп яхши бола-да.— Мирза Маннон мингиллаверди, Эҳсонали аканинг хаёли ўзининг ўғлига кўчди: бетаъсир, ҳозир қай гўрда магнитофонини кўтариб юрган экан? Мундоқ кетини ерга қўйиб «хў-ўп, ота, буви, хизматни ҳам қилдик, аммо Германия...» деб жовур-жувур қилиб гаплашиб ўтирса-да ўғил дегани. Ҳўқиздай сумбатига қараб ҳавас қилиб: «Ана, бизнинг ўғил, аммо роса кучга тўлди-да, куну тун ишласа ҳам чарчмайди», деб ён-верингдагиларга мақтаниб қўйсанг.

—...шу кастумни ҳам роса кийдингиз-а?

— Нима дедингиз?— дея эшитмай сўради у.

— Шу кастумни дейман, ўн йил кийдингизми?

— Ҳа-а... Роса кийдик, соб бўлди.

— Тузук, бирор ўн йилга чидар яна? Аммо, Эҳсонали, сиз кийимни яхши киясиз, болаларингиз ҳам акаларидан қолганини ямаб-ясаб эплашади. Бизникиларга тўзим берсин-да, кун ора янгиси, кунора

янги... Яхшики, Давлатбой тузук топиб турибди, бўлмаса етарди дейсизми?

— Етмайди, Маннонвой.

— Ҳа энди, етишиям мумкин-у, аммо бу бошқа масала,— деди Мирза Маннон.— Қисталоқни ўқишга киритишга уч минг сарфловдим, орадан беш йил ўтиб, мана, энди пул топяпти. Дарвоқе, сиз ҳам унча-мунча йиғиб қўйгандирсиз?

— Бор бирор икки юз-уч юз...

Мирза Маннон ҳе-ҳелаб кулди.

— Икки юз денг... Ҳеҳ-хеҳ...

Хомсиз-да, Эҳсонали, хомсиз. Институтнинг домласи икки юз сўмни бировга бериб, пашша ҳайдатади. Болани ўқишга киритиш... Уҳ-хў, уч мингдан ками йўқ. Мен Давлатни...

— Барибир киритаман,— деди Эҳсонали ака, паст овозда бўлсаям, Мирза Манноннинг оғзига урай деб.— Шу бола ўқимаса, отимни бошқа кўяман. Бир иложини қилмасам, буям менга ўхшаб ғўзага сув тараб умри ўтаверади, Маннонвой. Камбағалга ҳам офтоб чиқсин-да ахир.

— Ҳеҳ... офтоб пулга чиқади,— деди Мирза Маннон.— Майли, худо ол қўлим деворса кириб кетар. Яна бир пиёла?

— Э, бўлди, раҳмат,— деди Эҳсонали ака.

— Бир пиёлагина...

— Узингиз биласиз. Машу Давлатбой ўқишга кираман деган-да... — Мирза Маннон бурнига қўнган пашшани ҳовучи билан тутди-да, эзгилаб, кафтини очиб қаради: — Улдими? Ҳа, ўлибди. Давлатбой, ота, ўқийман, пулдан борми, деб қолди, биргаддигимда топган ақчани олиб, кўлига тутқазиб...

— Ҳа-а,— деди Эҳсонали ака.— Қани, қўшни, уйга кирайлик?

— А, йўқ, биз шу ерда, ўтган кетган билан бир чимдим гурунглашиб кўнгилни ёзмасак...

— Унда хайр, Маннонбой.

— Майли...

Мирза Манноннинг хайрлашувдан сўнг ҳам гапираверадиган одати борлиги учун Эҳсонали ака тез юриб ҳовлисига кириб олди. Бу ҳовли қишлоқдаги аксарият ҳовлилардан фарқ қилмас эди: томорқа ёнида ўсган бир туп эшак олмагача етган ёғоч валиш (темирига пул қайда?), ҳар ер-ҳар ери шўрлашиб, оқаринқираб қолган сахн, палаклари захдан кўкариб кетган ерга ёпишиб, сарғая бошлаган бодринг жўяклари, қўшсинчли пастак уй...

— Хў-ўв, одам борми ўзи бу

уйда? Ё баринг қирилиб кетганмисан?

Жўхориюя шитирлаб, Лазокат хола чиқиб келди, этагидаги памилдориларни айвонга тўқди-да:

— Ҳа, нима дейсиз?— деб сўради.

— Астафидулло, нима бу устингдаги?— дея ҳайрон бўлиб қаради унга Эҳсонали ака.— Қоп кириб олганмисан?

— Узингизнинг эски кастумингиз-да,— деди Лазокат хола.— Турпоқ илашмасин девдим. Ҳа, тинчликми?

— Битта чой қўй, гап бор,— деди Эҳсонали ака.

Лазокат хола пилдираб ошхона томон йўналди. Зум ўтмай қайтиб, эрининг ёнига чўқди.

— Маслаҳат-да,— деди Эҳсонали ака.— Уғлингни уйлантираман деб юрипсан-а?

— Э, қайда,— деди Лазокат хола.— Уғил уйлантириш осон дейсизми? Ҳали биттаям кўрпа қавиганим йўқ.

— Қувлик қилма,— дея пўписа қилди у.— Суярингни ўқишга жўнатсакмикан?

— Вой, аҳволимизни қаранг. Пулни қаердан оласиз?

— Э, калласи ишламаган,— деди Эҳсонали ака.— Кириб олса бўлди, давлатнинг ўзи ўқитаверади. Бунақа одампарвар ҳукумат оламда йўқ, нодон.

— Унда... юраверадими сўпайиб?

— Кириб олса, бирга ўқийдиган катталарнинг қазларидан биттасини етаклаб келаверади. Сен нима деяпсан, боланг жуда шум. Чамадонидеги сариқ қизларнинг расмини кўрдингми? Немиснинг қизини бошини айлантириб кепти десанг-чи?

— Қўйинг-э, гапирманг шуни,— деди Лазокат хола.— Немис деса кўзимни олдига уруш келади.

— Немиснинг ҳам яхши-ёмони бор-да, худди Риза ўғри минан Қобил оқсоқолга ўхшаган... Хўш, розимисан?

— Мен қайдан билай?— деди хола.— Сиз отасиз, нима қилсангиз қилаверинг.

— Мен билсам, гап тамом,— деди Эҳсонали ака.— Келса, айт, думалаб ётавермай олдимга чиқсин, гап бор.

— Хўп,— деди хола.

Эҳсонали ака сўрига ўтириб, мамнун кулимсираб қўйди — ҳе, ҳали ўқишга кирсин шу бола. Кириб олсин. Беш йил нима, ғир этиб ўтади-кетида, ҳозир замон ўқиғаники... У ёғига ишлаб, тузук-тузук

пул топиб турса, ана, молхонани бузиб ўрнига иморат солиш керак, манов эскисини боғлаб бир таъмир қилиш керак... Турғунбой ҳам ўнни битиряпти, ўқийман деб қолса борми... Шояд ишлар юришиб, рўзғор сал ўнганса?

Суяр қош қорайганда магнитофонини кўтариб кириб келди.

— Қани, бери келинг-чи, Уғилтой. Манов тақир-туқирингиз нима-си?

— Бу «Наутилиус Помпилиус», рок-группа,— деди Уғилтой.

— Ҳимм... Учиринг-чи. Ҳа, балли. Урнашиброқ ўтириб олинг. Суяр отасининг айтганини бажо келтириб, сўрининг бир четига ўтирди.

— Бу, яна Урусияга кетаман деб юрипсизми?

Уғил жонланди.

— Ну, энди, хизматдошлар, ота. Коля, Гена, Тамирлан... Кўриб келай.

— Кўзингизни йилтилатманг, той. Мен сизга Урусиянинг каттасини топиб қўйдим.

Суяр ҳайрон бўлди.

— Гап бундай, той. Мен сизга бир ярим минг бераман. Тошканга борасиз. Узим қўшилиб жўнай десам, ғўзага сув қўйганмиз, ташлаб кетсам Исахон акангиз замбаракнинг оғзига қўйиб отади. Қисқаси, борасиз. Уша гапим гап, Қўлиқ деган жойида тоғангиз бор, новвойчилик қилади. Шуни топасиз, домлалардан танишлари бўлса, гап-лашсин. Қўлига пулни берасиз, хулласи, ўқишга кириб қайтасиз. Менинг вазифам сизни ўқитиш, у ёғи ўзингизга тан: эплаёлсангиз — шу, эплаёлмасангиз — хў олмани тагида янги кетмоним турипти, елкага олиб далага жўнайсиз. Нима дейсиз?

Уғил оғзининг таноби қочиб жилмайди.

— Зўр-ў, ота. Борамиз-да, юрармидук бу қишлоқда.

— Кўпам Мирза Маннонга ўхшаб ишшаверманг. Раз борсангиз, ана сизга иш — иккала новвосни ҳам яхшилаб емлайсиз. Бозоргача беш кун бор, ҳарна семиргани. Оғилхонада ярим қоп кепак бор, терт қоргани етади. Тўрттала қўй ҳам эсингиздан чиқмасин, бозор куни барини сотамиз. Кейин кечқурун Тошканга жўнайсиз. Аммо кўзингизга қаранг, ўқишга кирмасангиз, хотин ҳам йўқ. Бу ёғи — ўзингизнинг каллангиз ҳам балодай ишлайди, хизмат кўрган йигитсиз. Бўптими, той?

«Той» ҳануз оғзининг танобини йиғштириб ололмасди.

— Ана шунақа. Энди боравенинг, аммо манов чулчутчангизни бошқа эшитмай.

Уғил «хўп» деб ўрнидан туриб, уйга кириб кетди.

...Шу. Якшанба кuni пулни белига тугиб, жўнади «той» Тошкан деган шаҳри азимга. Эсон-омон етиб олдимга шаҳарга, етиб олган бўлса тоғасини топдимга ёки фавворалар теварагига оғзини очиб, анграйиб, ўтган-кетганни томоша қилиб юрибдимга, бундан хабаримиз йўқ. Шаҳар катта, ёзда қишлоқдан ўқишга кираман деб келганлар сон мингта, уларга орангизда авазбойлик Суярни биладиган борми деб кўринг-чи, бари елка қисиб, бунақа жой қайси мамлакатда бор эди, дея бир-бирлари билан бахслашиб кетадилар... Қани энди бирови билса экан. Жўғрофияни сув қилиб ичиб юборган бўлсаям энсасини қашиб ўйлангиз қолади. Шунақа кичик қишлоқ-да бу Авазбой деганлари. Бир ёзувчининг қаҳрамони: «Э, Сибирни нима қиласиз, Сибирь узоқ...», деганидай, шаҳарни нима қиласиз, шаҳар узоқ, серчангу серодам, шу ўзимизнинг қишлоқ ҳақда гаплашганимиз тузук.

Эҳсонали аканинг кўнгли кўтарилиб қолди. Раҳматли отасидан қолган чолдевор ҳам кўзига яхши кўринади. Уғли эмас, худди ўзи ўқишга кираётгандек кайфи чоғ, даҳанага борсам, ўқариққа келсам ҳаёл суради. Кечқурун валиш остидаги сўрига чалқанчасига ётиб олади-да, оғзида — носвой, олдида каналнинг ширин сувига дамланган аччиқ юз ўнинчи чой, ўзича бир нималарни хомчўт қилади. Тошканинг одами зўр, дейди, манов ўн икки сўмлик тиринкага қайрилиб ҳам қарамайди, устида Мардон раис қиядиган икки юз ўттиз беш сўмлик, бе, ундан ҳам қиммат кастум-шим, ернинг тагидан юрадиган пойизларга чиқиб олиб у ёқдан бу ёққа қатнагани қатнаган. Бизни одам умри тугагандагина ерни тагига қиради, шаҳарлик жуда устомон, тириклигидеёқ кириб олган — истаса чиқади, истамаса йўқ. Хотинлари ҳам сенга ўхшаб манавинақа қора духоба камзул кийишмайди, либосининг бари асл, ишонмасанг, ана, тилвизурга қара... Шаҳарнинг бари қизлари ана шу гапирётган қиздақа чиройли, у ерда одам сену менга ўхшаб дарров қаримайди, ҳа энди, турпоққа буланиб кетмон чопмаганда кейин шу-да. Уйларини кўр-япсанми, уйларини, ўғлинг ўқишга

кириб қолса машинақа иморатларнинг энг тепасида яшайди, шунақа баландки, булутга қўлингни чўзиб ушлаб олаверасан. Булут дегани ҳам чигитсиз пахтага ўхшайдиган майин, қўлингда турмайдиган бўлади. Сен келин, келин деб ташвишланаётувдинг, нима, шу қишлоқнингдаги офтобда кўйиб, жингир-тоби чиқиб кетган қиздан келин қиласанми? Суярбойинг ўқишини битирса, тилвизурдаги қизга ўхшаган биттасини етаклаб келиб: «Ота, буви, мана кўринглар, сизларга ёқса тўй қиламиз, бўлмаса жавобини бериб юбораман», дейди. Энди бир паризодки, Авазбойинг кўрмаган ҳали. Сотти шабкўринг доим менинг овсиним чиройли деб кеккайиб юрарди, ана унинг дум қисини кўрсанг, ҳеҳ-хеҳ-хе! Боланг келиб, манов уйларни тузатиб, одам қилади, шундан кейингина тўйни бошлаймиз, шаҳарлик қиз бунақа уйингга ўтирармиди? Кейин би-ир иморат қурайликки, кўрганнинг ҳам, эшитганнинг ҳам оғзи очилсин... Э хотин, гапираверсам гап кўп, барибир сенинг ақлинг етмайди. Баъзан ўзим ҳам чалкашиб кетаману!..

Эҳсонали ака телевизордан Тошкентни кўрсатишадими, Австралия-ними ёки Аддис-Абебаними, барибир шу сингари гапларини такрорлайверади, негаки умрида Тошкентга бормаган, ҳатто Ушни ҳам кўрган эмас. Ўтган йили чойхонада пича ичиб кайф қилгач, «Оббо, қис-талоғ-эй, бундай ўйлаб қарасам, оламда мен кўрмаган жой қолмабди, бу ёғи Чодак, у ёғи Езёвон, Шоҳимардон, Анжан, Арслонбоб... Дунё ҳам роса кенг экан-да», деб ҳайратланганда, маҳалла уни кўп вақт майна қилиб юрди. Қайдам, ишқилиб ҳали унинг умри узоқ, энди ҳамма гап ўғилда қоляпти — агар... ўқишга кириб олса борми?..

Аммо, Лазокат хола бир томондан ишни анча-мунча пишиқтириб қўйган, яъни Холиёр махсумнинг хотини Рисолатга коса тагида ним-коса қилиб, «Сизда бор бир чўри, бизда бор бир бўри...», қабилида гап қилган экан. Эргашвой ўғлини уйлантирган кuni ҳовлиқа-ҳовлиқа шуни суюнчилаб келди — Рисолат гап орасида кўнгандай бўлибди.

— Кейин тагин битта гап бор, — деди у кичкина қорача юзига табассум қалқиб. — Қиз тушмагур ҳам ундан-бундан Суяр ҳақида суриштириб юрганмиш.

— Нимасини суриштиради? — деб сўради Эҳсонали ака беписанд.

— Вой, нимасини бўларди? Қаёққа ўқишга кираётганини, яхши кўр-

гани бор-ўқлигини... Товба, қиз бола нимани суриштирарди? Даладаги кетмончи қизларга Суярни яхши кўраман деб айтибди.

— Жа... эрсираб турган экан-да, — дея энсаси қотди Эҳсонали аканинг. — Нега аввал менга бир оғиз айтмайсан, товукфаҳм? Бу топган келининг бўлмайди, Рисолатинг семиз. Холиёр така уйланган вақтида кўтаролмай чўккалаб қолиб, шарманда бўлувди.

— Ҳеч-да, — деб эътироз билдирди хола. — Янгалар келиннинг кўйлагини икки томондан оёқлари билан босиб туришган эди.

— Аммо барибир кулгига қолди-ку? — деди Эҳсонали ака. — Сен нега уни така дейишларини биласанми? Келинни кўтараман деб худди такага ўхшаб меъраб юборган.

— Э, боринг-е, лоф қилмай.

— Ҳа, энди, меърамагандир-у, аммо кучаниб, «хинқ» этганлиги роств.

— Рисолат семиз бўлса, нима қипти? Суяр унга эмас, қизига уйланиди-ку?

— Ҳой, одам! — Эҳсонали аканинг ранги жўхориюядек кўкариб кетди. — Қиз онасига тортмай катта холасига тортадимми? Уша бўчангга айтиб қўй, тушиб қолган ўғлим йўқ. Сен ҳам мундай ақлингни йиғ, дуч келганга оғиз солаверма, нақ уйингга жўнатвораман-а.

— Вой, хў-ўп, — деди шўрлик хола ён бериб. — Мен бир нима қилдимми? Сиз нима десангиз — шуда.

— Шунақа бўлсин. — Эҳсонали ака мўйловини бир бураб, хотинига орқа ўғирди ва лом-мим демай ётаверди. Бир текис нафас олаётган бўлса-да, уни ухлапти деб бўлмасди: кўзлари катта-катта очик, ҳозирги гаплари Холиёр такага етиб борса, қандай ғазабга минишини ўйлаб, ҳузур қилар эди.

Ҳали тонг ёришмаган, аммо сезилар-сезилмас тўқ кўк тусга кира бошлаган само сарҳадида ҳализамон субҳ юз кўрсатиши аён бўлган паллада қишлоқнинг мудроқ кўчалари узра азон товуши елиб ўтди:

— Ҳай-ю алас-сола-ҳ, Ҳай-ю алас-сола-оҳ...

Бу овоз катта йўлдан қишлоқ томон тушиб келаётган йигитга ҳам етиб келди ва каналдан эсаётган нам, салқин шабадага қўшилиб тун қаърига сингиб кетди.

Азон товуши Эҳсонали акани ҳам уйғотиб юборди, у ўрнидан турмай, муздай ҳаводан кўнишганча теварагига разм солди, ҳали замон

тонг ёришажагини ўйлаб: «Э, худо, яна иш... Қачон тугар экан», деб ўйлади. Шу хаёли шуурида йўқолиб улгурмай, эшик нола қилиб очилди ва «той» кириб келди.

— Ия?— деб юборди Эҳсонали ака.— Ҳа, ўғилтой?

Аскар боланинг юзидан ҳеч нима ўқиб бўлмасди. «Ҳах,— деди Эҳсонали ака ичида,— бу бола ўзимга тортди, нима иш қилса ҳам билдирмайди...» Уғил жомадонини ерга қўймасдан отасига салом берди-да, уйга кириб кетди. Отанинг юраги бир увишди, зум ўтмай бир нима қаттиқ тарақлаганда, икки увишди, тўнини елкасига ташлашга ҳам сабри чидамай, ўғилтойнинг ёнига кириб борди. Суяр каравотида ётганча сигарет чекар эди.

— Ҳа, той?— деб сўради у бевоситалики билдирмай.— Негача машингиз паст?

— Бўлмаду,— деди ўғилтой.— Йиқилдук.

— Ия, қанақасига йиқиласиз?— Эҳсонали ака қулоқларига ишонмади.

— Йиқилдук-да.

— Нимасидан йиқилдингиз, қани, бир четдан айтинг-чи,— деди у дарди дунёси қоронғи бўлиб.

— Нимасини айтаман, берган пулингиз урвоқ ҳам бўлмас экан. Домла кўнмаду, кейин йиқитду.

— Ҳим-м, пул қани?

— Ана, хонтахта устида,— дея тугик рўмолчага ишора қилди ўғил. Эҳсонали ака уни қўлига олдию юраги учинчи марта увишиб кетди — пулнинг чўғи анча кам, нари борса беш юз сўмча чиқар эди.

Шундан сўнг нима бўлгани аён эмас. Ўзи бу Авазбойнинг одами қизиқ, бир гапни эшитса қўшиб-чатийверади. Юқори маҳалла дегани бор, гапни шунга чиқарган. Эмишки, шу юқори маҳаллаликлар

ҳам Суярбойнинг калтак зарбига чидаёлмай молдек бўкирганини эшитишибди. Бу ростми-йўқми — билмаймиз, аммо Эҳсоналининг ўғли ўқишдан йиқилганлиги ҳақидаги гап роса бир ҳафтагача одамларнинг оғзидан тушмади. Миш-мишлар шунақанги урчиб кетдики, асти қўяверасиз, ишонай десангиз бари ёлғонга ўхшайди, ишонмай десангиз, худди ростга ўхшатиб гапиршади, ахйри бор-э дейсиз. Ишқилиб, боши-кети йўқ, дардисар.

Миш-мишлар эса мана бунақа: Эҳсоналининг армиядан немисча гапириб келган ўғли катта ўқишга бориб имтиҳонга кирса, домла уйларида сугир борми, новосми деб савол берганмиш. Уғил ўйлай-ўйлай: «Ҳа, ана, сугир бор, нимаиди?» деса, у қовоғини солиб: «Бўлмади, баҳойингиз икки», деб чиқариб юборибди. Агар у новос бор деб жавоб берганда ўтиб кетар экан, чунки, Маҳмудалининг айтишича, домланинг бу саволи сугирнинг пулини берасанми ё новоснингми дегани экан, новос ҳамша сугирдан қиммат бўлиб келганлиги барчага аён — шундай қилиб, бечора бола йиқилиб чиққанмиш.

...Суярбой ўқишдан йиқилиб келибдию отаси нима бўлди деса, немисчалаб гапирибди. Эҳсонали ака: «Ҳе, ўша немисчангням», деб қулоғининг тагига қарсиллатиб қўйиб юборибди, кейин беҳидан хивчин қирқиб, роса савалабди, ҳозир бола бечора ўрнидан туролмай ётганмиш...

...Холиёр махсумнинг қизи Суяр ўқишга кетган вақт шуни яхши кўраман деб айтган экан. Рисолатхон аста гап кавлаштиради, Эҳсонали ака қайириб ташлабди. Энди, ўғли ўқишдан йиқилгач, ке, шу қиз ҳам тузуккина деб қайта оғиз сол-


са, бу гап ахйри қизнинг ўзига етиб борибди-ю, лабини буриб: «Ўлсин, немисча гапирадиган болага тегаманми?», деган эмиш.

Суяр қайтгандан сўнг тарқалган миш-мишлар бу. Боя айтганимиздек, ишониш ҳам, ишонмаслик ҳам ўзингизга ҳавола. Аммо Авазбойда рост гаплар ҳам оғиздан-оғизга ўтиб юрибди. Дўкон олдидаги чоллар буларнинг барини ўз кўзлари билан эшитганлар.

Эҳсонали бел оғриғи зўрайиб кетиб, касалхонага тушди. Ҳозир бемалол дераза олдида келиб ўтира олади, агар аскар кийимини кўриб қолса, дарров тескари қараб олади. Далада унинг ўрнига ўғли Суяр ишлапти. Чоллар уни кеча кўришган: ўзбекча салом бериб, кетмонини елкасига қўйганча уйи томонга ўтиб кетган. Ундан аввалгидай атир ҳиди анқимайди, ўша ўзимизнинг дори ва тер иси келади.

Шундай қилиб, ҳикоя ҳам поёнига етди, аммо айтилмаган яна битта гап қолди: Самад шофёрнинг катта ўғли янаги йил Тошканга: катта йўшга бормоқчи. Айтишларича, Самад ўғли учун беш минг сўм тайёрлаб қўйганмиш. Худо ол қулим деса, кириб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

Энди қишлоқ янаги йил ёзигача тинчиб қолади. Гап-сўзлар ҳам эски кўринишда, бир зайлда давом этаверади. Бозорда новоснинг нархи янада қимматлашади, кунжара анқонинг уруғи бўлиб қолади. Самад шопирнинг новвослари эса жуда етилиб турипти, ҳар новвосларки, кўзига қон тўлиб оламни бузаман дейди, агар олдига бориб қолсангиз, ер тепиниб тинмай пишқиради. Самад шопир уларни кунига емляпти, агар шу зайлда боқилаверса, новвослар то ёзгача филдай бўлиб кетса ҳам ажаб эмас.





Боқий Мирзо



1954 йилда Чортоқ шаҳрида туғилган. 1975 йили Қўқон Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Шеърлари республика газета ва журналларида, «Ёшлик» альманахида нашр қилинган. Мучум қишлоғидаги 50-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

\* \* \*

Йиллар — ўзлигини қайтариб бермиш,  
Дунё ҳайратинга ишқ изҳор қилар.  
Бошингдан тўкилган эртаклардан кеч,  
Имон таҳқирлардан энди ор қилар.

Алишер қалами тебратилмоқда,  
Ҳали мезон эмас шоир қаричи.  
Мен сенга эслатиб қўяман фақат:  
Музейдадир Мангуберди қиличи...

\* \* \*

Нурдан озиқланган имон олдида  
Кўндаланг бўлса ҳам минг битта савол,  
Ҳақлик талашмасдан даққилар билан  
Жимгина яшашинг мумкин бемалол.

Безовта бўлмагин, ўзни бос, турли  
Чоралар ахтаргин қалб санчиғига.  
Сўнг аста кўникиб қоласан, юмшоқ  
Эски араванинг ўриндиғига...

\* \* \*

Букун оғир ўйларга толдим,  
Бошим эгилганин сезмайин қолдим.  
Онам чорлаб, мендан ҳол сўрар хаста,  
Унинг армонига дардим пайваста.  
Минбарларда менга тош отар кимдир.  
Аммо мен ишонган ҳақиқат жимдир...

# Орзуларин Йўқотмасин Эл

## Бугун

Умид — тирик,  
Ҳали қон иссиқ,  
Қуёш биздан юз ўгирмаган.  
Сезилмоқда ҳатто гул иси,  
Ҳали хазон боғни қирмаган.

Бошимиздан тўкилар ёғду,  
Оқаётир орзули нафас.  
Ва юлдузлар уйғонар экан  
Тонгни ўйлаш кулгили эмас.

\* \* \*

Фурсат гадо —  
қўллари чўзиқ,  
Юракларнинг кўрини сўрар.  
Гоҳ шамширдай чалғисин ушлаб  
Умидларнинг мевасин ўрар.

Фурсат бойдир —  
кенжа ворисдай,  
Бесаволдир унинг сўзлари.  
Қўлида биз берган садақа,  
Мангу очиқ қолган кўзлари...

\* \* \*

Фасллар ўзича сийлайди уни.  
Гоҳида йиғлатиб, гоҳо кулдирар.  
Заминдор қуёшнинг устивор меҳри  
Бағрига оромбахш наволар берар.

Фақат вужудида сирқирар бир ғам:  
Эзгу аъмол билан ўтса ҳам кун,  
Олисга югурган телба шамоллар  
Қулдай эгилишга ўргатди уни...

\* \* \*

Орзуларин йўқотмасин эл,  
Гирдобига ютмасин оч сел.  
Едга михлаб босган изини  
Таний берсин ҳар кун ўзини.  
Қурашмасдан ўлган халойиқ  
Барча таҳқир, таъқибга лойиқ.



## ФАРИДА (А)НИК ИКРОРИ



Мавлуда Иброҳимова

1985 йили ТошДУ журналистика факультетини тугатган. «Кино» журнали редакциясида хизмат қилади. Асарлари матбуотда кенг ёритилган. «Чўпон» нашриётида «Илмус сайёрасига ғалати сафар» қиссаси чиқиш арафасида.



### Фантастик ҳикоя

Уйга келсам онам хурсанд, елиб-югуриб дастурхон тузаяпти. Худди келинлардек ясаниб олган. Бошида ялтироқ симли рўмол, эгнида биттаю битта, одатда, меҳмон-мезбонга киявчи кўйлаги. Ҳеч оғзи тинмайди денг. Меҳри товланиб термулишларини айтмайсизми менга?! Ора-сира йиғламсираб кўядими-ей... Онамни илгари бу тахлит кўрмаганим учун дарров дилимга шубҳа оралади. Демак, бугун нимадир бўлган ёки бўлади!

— Ойи, нима гап ўзи? — дея ҳайрон бўлиб сўрадим мен.

Онам саволимга жавоб бермади.

— Бўла қол, анави пушти гулли кўйлагинг бор-ку, ўшани кийиб ол, — деди.

Менга шу гапнинг ўзи кифоя эди. Онам одатда совчилар келишадиган бўлса шу кўйлагингни кий, деб тихирлик қиларди. Ҳамма меҳрибончилик, йиғи-сиғи шунга экан-да! Яна бозори юришмаган «мол»дай сарғайиб кўрғазмага чиқарканмиз-да, дея ҳафсалам пир бўлиб ўйладим мен. Дунёнинг менга нисбатан қилган «адолатсизлик»ларини эслаб, жиғибийрон бўлиб кийинаянман-у, ойнага қарагани юрак бетламайди. Чунки аксимни кўришим билан ҳўрлигим келаверади. Намунча бедаво қилиб яратмаса мени табиат... Ҳаммадан онамга қийин. Совчи келди дегунча юраги зириллайди. Менингу, ҳеч қанақа ҳуқуқим йўқ, ичимдан тўфондай отилиб чиқаётган аламни қулт этиб ютиб, меҳмонларнинг олди-га илжайиб киришим керак.

Майли, келажигимни деб бу камситишларга ҳам чидаб берарман, лекин шунча масхарабозликдан кейин ҳам уларга ёқмасам-чи, унда нима бўлади? Уша «савдо»га келадиганлар менинг азобларимни ўйлашарми-кан?

Авзоимни пайқаб онам уришиб берди:

— Кириб салом берсанг бўлгани, шунга шунча мотамми? Сал қовоғингни очсанг-чи!

Совчилар ўтирган уйга бошимни эгиб, майда қадам ташлаб кириб бордим. Тўрда ялпайиб ўтирган совчи хотинларнинг юзи мени кўриб беҳос лимон тишлагандай бужмайди. Эгниларида ялтир-юлтур кўйлак, савлатлироқ кўринайлик деб бор зеби-гардонларини палапартити тақиб олишган. Икковлашиб шунақанги тикилишдики, назаримда, ички аъзоларимга текширувдан ўтди. Кўйиб берса улар от бозоридаги каби оғзимни очиб, елкаларимга уриб кўришдан ҳам тойишмасди. Биламан уларнинг ниятини. Бунақалар келин эмас, қаққон-чаққон иш қиладиган хизматкор излашади. Мана, Нигора нима бўлди. Дугонамнинг сўлгин чеҳрасини, ҳамиша сувдан чиқмай шишиб юрадиган қўлларини ёдга олдим. Назаримда, келинлик либоси ҳам Нигорани бўғаётгандек, эркин нафас олишига халақит бераётгандек туюларди. Орадан бир йил ўтмай эри бошқасини топдию ҳайё-ҳуйт деб кетди-ворди. Кўрган қийинчиликлари ҳам, камситишларга чидагани ҳам бир тийин бўлди.

Шўрлик анчагача ўзига келолмай юрди. Ҳатто мен, энг қалин дугонаси ҳам у билан суҳбатлашишдан чўчирдим. Назаримда, у ўз бахтсизлигида ҳаммани айбларди. Унинг ярасига вақтдан бўлак ҳеч нима малҳам бўлолмасди. Бир йилгача ҳеч қаёққа чиқмай, уйда қамалиб ўтирди. Ҳатто қўшнилари Нигора ақлдан озибди деган гап ҳам тарқатишди. Шунинг учунми, Нигора қандайдир хўжалик ҳисобидаги клиникага ишга кирди. Ҳамшираликни бошладию ўзгарди-қолди. Нуқул одам аъзолари ҳақида гапиришни одат этди. Валиева деган докторлари антиқа сунъий аъзо яратганмиш. Бутун дунё врачлари унга қойил қолишибди. Бу сунъий аъзони табиийсидан ҳеч ажратиб бўлмасмиш-да! Уша дўхтирнинг кўзи ға-

лати, қарашга қўрқаман, дейди Нигора. Операция қилиб истаган одамни истаган қиёфага, ҳатто бошқа жинсга ўтказиш ҳам қўлидан келармиш. Бир куни Нигорани чамадон кўтарганча кўчада кетаётганини кўриб қолдим:

— Ҳа, йўл бўлсин? — дедим ортидан.

— Вой, Фаридахон, Валиева билан бирга Москвага кетяпман, кўярда-қўймай мени обкетяпти. Бир айланиб келасиз, дейди.

У хайрлашиб кетди. Шу кетганча дом-дараксиз йўқолди. Уйидагилардан сўрасам, Нигора икки йилга кетган, дейишди.

Шу бўлдию Нигора ҳам, унинг Валиева деган жодугар дўхтири ҳам хотирамдан ўчди.

Энди ўзининг савдоларим бошланганди. Касбим бўйича ишга жойлашолмай роса қийналдим. Қаерга бош суқмай, бир хил жавоб эшитаман: «Синглим, бизга ўғил бола керак!» Умрим бино бўлиб ўғил бўлмаганимга ҳозиргидай афсусланган эмасман. Ҳатто айримлар:

— Ёшгина экансиз, ҳали эрга тегарсиз, иккита-учтасини туғарсиз, ҳали декрет, ҳали больничний, кети узилмай қолар! Кейин сиз учун ўзим ишлайманми?! — дейшарди.

Ҳамма кунларим бирдек, зерикарли ўтарди. Одам бир нимага алахсиса дардларини унутаркан. Мен-чи, туну кун ҳар балони ўйлайвераман, ўйлайвераман. Бошим шанғиллагунча хаёл сураман. Очиғи, бунақада ақлдан озиш мумкин!

Аммо кутилмаганда ишларим юришиб кетди. Қаёқдан қуёш чиқди, билолмадим. Кичкинагина ўзига хон, ўзига бек идоралардан экан. Айиқдай қўпол, тепакал директор лоқайд диплом варақлайди-ю, кўйлагимнинг бурмасидан кўз узмайди. Мен содда бир нима илакишган шекилли, деб ўйлаб, кўйлагимни қоқиб-қоқиб кўяман.

— Эртадан ишга тушаверинг! — деди у.

Буни эшитиб хурсанд бўлганимни кўринг. Бунча бефаросат бўлмасам-а. Уйга қанот чиқариб учдим. Сингилларим шод, онам ийлаган. Отам бўлса нуқул: «Дунёда директорингдек меҳр-оқибатли одамлар ҳам бор, қизим. Илоё ишингнинг ривожини берсин!», дерди.

Ишга тушиб кетдим. Обид Солиҳович мени кўрди дегунча ширин жилмаяр, «Ишлар қалай, Фаридахон?», дея сўрашини кўймасди. Уша куни кечгача лаб-лунжимни йиғиштиролмай юрар, мен учун идорада ундан бўлак яхши одам йўқдек туюларди. Ора-чора хонасига кириб суҳбатлашардим. Аммо хонадан чиққач, юрагим нохуш бир нимани сезгандай ғалати увушарди.

Кунлардан бирида Обид Солиҳович хонасига чақиртириб, деди:

— Бўлим бошлиғи лавозими бўшади. Шу жойга сизни мўлжаллаяпман. Ўзингиз нима дейсиз?

Кутилмаган таклифдан эсанкираб қолдим.

— Эплай олармикимман? — дедим бўшашибгина.

— Албатта удалайсиз! — дея қўлларимни маҳкам қисиб таъкидлади у. — Келишиб ишласак, ҳаммасини қойиллатамиз! — дея еб қўйгудек менга тикилди. Бирдан кўнглим ғашланди. Соддалигим курсин, ҳозир ким бировга бекордан бекорга яхшилик қиларкан? Мушук ҳам текинга офтобга чиқмайди-ку! Аммо бўлим бошлиғи бўлсам нақд 250 сўм оламан. Сингилларимга совға қилишим мумкин. Онамнинг кўйлақлари эскилигидан бўздек оқариб кетган. Кўчада одамлардан уялман. Отам бечора рўзгор тебратаман деб қувлиқда кийган пальтосида юрибди. Янги пальто фалон пул бўлса... Сингилларимнинг кундалик ҳархашаси қулоғимдан кетмайди:

— Ҳар куни нон-чой! Боқолмасангиз нега шунча туқ-

қансиз? — деб таъна қилишади онамга.

Уша лавозимга ўтишга ўтдим-у, аммо бундан хурсанд бўлмадим. Мен ўзимни қарздор ҳис қилар, Обид Солиҳович ўшанда нимага шаъма қилганини сезиб турардим. Шунинг учун ҳам унинг кўзига кўринмай юрдим. Бир куни эрталаб барибир коридорда Обид Солиҳовичга дуч келиб қолдим. Қўлимдан маҳкам ушлаб олганча:

— Ҳа, Фаридахон, мендан қочиб юрибсиз. Биз нима гуноҳ қилгандик, — деди. Мен эса унинг сўзларини эшитмадим ҳам. Жонҳолатда ҳеч ким йўқмикан дегандек атрофга алангладим. У ҳам безовта бўлаётганимни сезди шекилли, қўлимни қўйиб юборди ва:

— Бугун бешдан кейин олдимга кириңг, иш юзасидан суҳбатлашамиз! — деди жиддий оҳангда.

Кечгача хастадек жим бир нуқтага тикилиб ўтирдим. Ҳеч ким билан гаплашмадим. Кеч киргани сайин юрагим орқага тортар, бўлажак воқеа кўз олдимга келиб, асабийлашардим. Ахийри соат бешга бонг урди. Мен дафттарларимни кўтарганча унинг хонасига йўл олдим.

— Мумкинми? — дедим титраб-қақшаб. Зўрға қикди овозим.

— Келинг, келинг, — дея хушчақчақ қаршилади у. — Сизга доим мумкин, Фаридахон! Утиринг!

Ўзи ҳам ёнимга келиб ўтирди.

— Жуда соғинтириб юбордингиз-ку! Кўринмайсиз? Ишларингиз қалай ўзи?

— Яхши раҳмат, — дея жавобни қисқа қилдим мен. Сўнг бармоқларимга тикилганча миқ этмай ўтиравердим.

— Ҳа, қўлчаларингиз чиройли. — У кафтимни қўлига олиб яқинроқ сурилди. Мен стулнинг чеккасига қочдим.

— Ҳалиги... ишларни олиб келгандим, кўрмайсизми? — дея чалғитмоқчи бўлдим уни.

— Сиз бор жойда иш ҳақида гаплашиб бўлармиди. Бутун хаёлларим тўзғиб кетади-ю! Гап билан одамни шошириб қўясиз, — деди-да, сўзлари қандай таъсир қилганини билмоқчидай менга қаттиқ тикилди. Сўнг кутилмаганда чанг солди. Унинг бадбўй нафасини жуда яқиндан ҳис қилдим. Қўрқиб кетганимдан овозим ҳам чиқмас, нима бўлаётганига тушунмай, унинг қучоғида чорасиз типирчилардим. Агар кучим етмаса-чи, унда нима бўлади? Мени баттар даҳшат қоплади. Ожиз қўлларим билан жонҳолатда унинг сонларидан бор кучим билан торта бошладим. Ҳартугул, бу усулим наф берди. У вой-войлаганча бошини ушлади. Пайтдан фойдаланиб юлқиниб унинг қучоғидан чиқдим.

— Уялмайсизми! — дедим алам билан.

— Яхши кўраман, — деди у титроқ товушда. Яхши кўргани учун эмас, айна пайтдаги ҳаракатини нимадир деб изоҳлаши лозимлиги учунгина айтди бу гапни.

— Хотинингиз-чи? — дея ачитиб сўрадим мен.

— Уни ҳам яхши кўраман!

— Нечта юрак бор ўзи сизда! — деб қичқирдим ғазаб билан.

— Юрак битта, Фаридахон, лекин унинг тўртта қоринчаси бор, шуни биласизми?

Бу сўзларни киприк қоқмай, ўта хотиржамлик билан айтди у. Бу сурбетона хотиржамлик мени баттар гангитиб қўйди. Нима деб жавоб беришни билмай, эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетдим.

Биринчи қилган ишим — юзимни икки-уч қайта совуллаб ювиб, оғзимни чайиб ташладим. Уйга бориб тиш пастаси билан ҳам ювдим, оғзимни куйдирадиган даражадаги қайноқ сувга уф-уфлаб чайдим. Кейин — мазам йўқ деб уйдагиларга ҳам жаҳл қилиб ётиб олдим. Айна пайтда мени шу қабиҳ дунёга келтирган, ожиза

қилиб яратган онамдан ҳам хафа эдим. Шунақанги тўлиб йиғладимки, ўпкам дард-алам омборига ўхшарди. Ичимдан гирдобдай отилаётган ўкирикнинг сўниги йўқ эди. О, муҳаббат! Мен уни кутаётгандим. У бир жодудай, сеҳрдай зор-интизор бўлиб кутаётгандим. Умидларим, орзуларим, ширин хаёлларим эди у. Қани ўша китобларда таърифланган муҳаббат, қалб изҳори; Қани ўша эзгу, инсоний туйғу, қани? Наҳот шу бўлса, ҳайҳот!

Мен уни изладим. Излаяпман. Лекин муҳаббатни ниқоб қилиб кўнгилхушлик қиладиганларни кечиролмайман. Агар Обид Солиҳович мени ҳаққоний севганида, уни айбламасдим. Ахир бу оташ ёш танламайди, сиздан ижозат сўрамайди, қалбингизга бостириб киредию кўр, қар қилади-қўяди.

Ундай одамларда муҳаббат нима қилсин. Ҳаммасидан алам қиладигани у менинг инсон эканимни, худди уники каби ҳақ-ҳуқуқларим борлигини унутгани эди. Унинг оиласи, фарзандлари бор. Ахир ҳаётдан шу неъматларни талаб қилишга менинг ҳам ҳаққим бор-ку!

Туни билан ўзим билан ўзим олишиб чиқдим. Гоҳ йиғлаб, гоҳ койиниб тонг оттирдим. Ҳаётимда бунчалик оғир, бунчалик маъносиз кун бўлган эмас. Менга ҳаётим тугагандай туюлди. Уйда сингилларим ҳам ўпкалаб қараётганга ўхшашади. Уларнинг ҳам дарди ичида. «Йўлни бўшатиш, опажон», деб юзимга айтишолмайди. Ишхонада бўлса мана бу аҳвол. Нима қилсам экан? Энди нима қиламан-а. Ишдан кетишим шарт. Лекин шу ишга ҳам ўзи зўрға етишувдим-ку! Ишсиз қолсам оймларнинг фиғони фалакка чиқади. Ўзи шундоқ ҳам рўзгорни учма-уч қилиб: бизга бир умр «мол» йиғаетган онам зориллаб қолмайдими?!

Шуларни ўйлаб кўчада тентираб юрдим. Ишхонага боришга ҳеч оёғим тортмади. Узимча анҳор бўйини айландим. Умид билан сувга тикилдим. Назаримда, ўзимни анҳорга ташласам қалбим ором топадигандай, қарама-қарши, мени қийнаб-қиймаловчи саволлардан қутуладигандай эдим. «Қандай яхши бўларди, ҳамма мендан қутуларди,— дея ўйладим мен.— Ўзим ҳам бу азоблардан халос бўлардим». Беихтиёр кўзларимга ёш қуюлди. Сувга яқинлаша бордим. Бутун вужудим ўзимга қарши ғалаён кўтарганди. Қандайдир ички қайсарлик билан сувга тик қараб боравердим. Мен ҳеч нимани ҳис қилмасдим, ҳатто ўлим даҳшатини ҳам. Қайтаги ундан бениҳоя лаззат оладиганга ўхшардим. Шу пайт кимдир мени орқадан «Фарида!» деб чақирди. Келиб қўлимдан маҳкам ушлади. Мен унинг юзига ҳам қарамай:

— Қўйиб юборинг мени! Истамайман, истамайман! — дея уввос солиб йиғлаб қаршилик кўрсата бошладим. Кучи етмаётганини кўриб бояги одамнинг шериғи етиб келди. Иккалови зора оғриқдан ўзига келса дебми, ғазабданми, билмадим, қўлимни оғритиб орқага қайиришди. Мен ҳатто вой ҳам демадим. Бўридай оч ҳисларим оройиш топгандай бўлди. Мени қандайдир қора машинага тортиб киргизишди. Кейин нима бўлганини эслаёлмайман. Кўзимни очиб қарасам қандайдир палатада ётибман, ён-атрофимда уч-тўртта қиз, тепамада мендан кўз узмай Нигора ўтирибди. Кўзим хира тортганми, билмайман, уни зўрға танидим. Назаримда, у ўзгариб қолганга ўхшарди. Юзи дағаллашган, ияги туртиб чиққанми, нима бало! Кўз қараши ҳам ғалати. Ўзгариб қолган. Ёки менга шунақа туюлаётганмикан. Қўлларини қопаган юнг-чи! Терилган нафис қошлари қани? Балки қош термаётгандир энди?

— Ҳа, Фарида, ўзингга келдингми? Бизни жуда қўрқитиб юбординг-ку! — деди хушчақчақ оҳангда у. Епирай, овози ҳам ўзиники эмас, ғалати, ўспирин бола-

ларникига ўхшаш. Ёки томоғи оғриётганмикин? Жуда қўрқиб кетдим. Узимнинг ҳам аҳволимни унутиб:

— Сизга нима бўлди, Нигора? — деб бақириб юборибман.

Нигора кулди. Овози баттар дўриллаб чиқди.

— Сал томоғим оғрияпти! — деди у секингина. Алдаётгани шундоқ билиниб турарди.

— Шунинг учун касалхонада ётибсизми?

— Ҳм, ҳа!..— деди у дудуқланиб. Лекин нима бўлганини очик-ойдин тушунтириб ўтирмади. «Мен ҳозир», деганча чиқиб кетди. Орадан бироз ўтгач, қайтиб келиб мени доктор Валиева чақираётганини айтди.

Бизни эллик ёшлар чамасидаги хунуқкина аёл очик чеҳра билан қарши олди.

— Қалай, тузукмисиз, синглим? Ҳеч ерингиз оғримаяптими? Қани, бир эшитиб кўрайлик-чи!

Валиеванинг майин овози мени батамом ҳайратда қолдирди. Най товушидек нафис, соф, эркалаб аллаловчи, дилларга ором бағишловчи бу овоз наҳот шу дўрдоқ лаблардан учаётган бўлса? Бу аёлни кўрмаган одам унинг овозини эшитиб бир паричеҳра бўлса керак деб ўйлаши турган гап. Зеро, жозиба фақат овоз сеҳридагина эмасди. Кўп азият чеккан, дардли юрак нидоси эди бу.

Доктор асбобларини бир чеккага қўйди-да, менга меҳр билан тикилди.

— Бу ерга чақиримдан асосий мақсад, сизни қуруқ кўрикдан ўтказиш эмас,— деди у жиддий қиёфада.— Анчадан буюн сунъий аъзолар билан шуғулланаман. Кейинги йилларда мени бир жинсни иккинчи жинсга айлантириш масаласи қизиқтириб қолди. Аввал шунчаки, ўзим учун ишлаб юрдим. Кейин ўз кашфиётимнинг кўпчилигига фойдаси тегиши мумкинлигини ўйлаб қолдим. Ахир қанча-қанча масала ҳал бўлади, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий; қатор асаб, юрак хасталиқларига чек қўйилади. Ўзини ёқаётган аёллар, руҳий инқирозга учраган қизлар камми? Сизнинг фикрингизни билмоқчиман, бошқа жинсга ўтишга рози бўлармидингиз? Олдиндан айтиб қўйай, бир неча марта мураккаб операция ўтказилади, даволаниш муддати бир йилгача чўзилиб кетиши мумкин.

Орага оғир сукунат чўкди. Валиева мендан жавоб кутмоқда эди. Мен эса саволга ҳам яхши тушунмагандим. Ўйлай-ўйлай ахийри:

— Ўғил болага айлантирмоқчимисиз мени? — деб сўрадим ботинмайгина. Валиевага қараш ўрнига бошимни баттар эгиб олдим.

— Алдамаяпсизми? — дея ишонқирамай қайта сўрадим ундан. Фақат вақтни чўзиш учунгина шундай қилдим.

Валиева узундан-узоқ қилиб тушунтириб ўтирмади. Фақат Нигорага имо қилди:

— Мана, Нигора ҳам сиз учун жонли мисол...

Мен ялт этиб Нигорага қардим. Унга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқдим. Ҳақиқатдан ҳам зўр. Нигора ўсмир боланинг ўзгинаси! «Қандай яхши бўларди-я,— дея хаёлдан ўтказдим мен,— бир умр ўғил кўришни орзу қилган онамнинг юраги ёриларди-да!»

— Розиман! — дедим ахийри ўйлай-ўйлай.

Айни пайтда мен отамни, онамни, сингилларимни унутгандим. Ҳаётимда бир марта одамларга ўхшаб яшагим келди.

Аммо операциядан кейин аҳволим оғирлашди. Аланга оташ бўлиб ёнаман, аъзойи баданим қақшайди. Докторлар қўрқманг, ўзи шунақа бўлади, деб тайинлашганди. Аммо барибир хавфсирайман, бирдан ўлиб қолсам-а, деб ўйлайман нуқул.

Ўзим чўғ устида ётгандай безовтаман-у, дугонала-

римни кўриб ҳавасим ортади. Кўримсизгина, хунуккина қизлар кўз ўнгимда ўзгариларди. Айниқса, оҳангаронлик Каримани кўриб ёқа ушлайсиз. Девдай, оёқ-қўллари бесўнақай, кўполгина қиз эди. Тишлари беўхисов, қийшиқ. Қулса қўрқардингиз. Энди-чи, йигитмиан йигит бўлибди-да! Ойнага қараб коптокдек дўппайган мушакларини намойиш қилгани-қилган. Бу ҳам етмагандек, «ҳазиллашиб» мени каравот-паравотим билан кўтаради-да, секин жойига қўяди.

— Энди кетмонни уйнатиб юбораман! — деб мақтанарди шўрлик. «Қизлар» масхаралашса, менинг бошимдай келадиган муштини дўлайтириб дўқ урарди.

Бир куни йиғи-сиғи қилганча ойим келиб қолди.

— Вой болам, гулдай болам-а! — деб айюҳаннос солса бўладими! Узим гапиролмайман. Онам бўлса оқ халатли одамни кўрди дегунча юмма талайди.

— Эй, худойим! Мен сизларга ўғил керак, дебмидим. Энди нима қиламан-а?

Онам йиғлайвериб ҳамманинг жонига теккан шекилли, ахийри мени реанимацияга ётқизиб қўйишди. Ҳар куни ўн хил укол. Вой, во-ей, ҳамма ёғим илма-тешик бўлиб кетди.

Кўп ўтмай яна мени палатага қайтиришди. Дугоналарим бу пайтга келиб чайиргина йигитга айлинибди. Ҳаммадан ҳам Нигора менга ёқди. У ўзига Алишер деб исм қўйиб олибди. Уткир нигоҳли, қора мўйлаби ўзига бирам ярашганки...

Хуллас, Валиевнинг клиникасида роппа-роса бир йил ётдим. Инсон тўла шаклланиши учун йиллар керак бўларкан. Валиева эса тиббиёт ёрдамида бу фурсатни бир йилга камайтирганди.

Юрак ютиб ойнага қараганимда, менга қотмагина, ёқимтой йигит синчковлик билан тикилиб турарди. Бу ўзим эканимни англадим-у, юрагим қалқиб кетди.

Дугоналарим эса...

Хулқимиз ўзгарганини бетартиб хонадан ҳам билса бўларди. Авваллари жуда саришта эдик. Энди-чи? Уйдан келтирилган идишлар ювқусиз, тумбочка устида қалашиб ётар, санитар қиз чойшаб алмаштиравериб чарчади, шўрлик. Азиз деганимиз бор (у Азиза исми букри қиз эди). У ҳеч касалхонанинг овқатига қаноат қилмасди. Ҳадеганда кўчадан товоғини тўлдириб ҳали ош, ҳали кабоб кўтариб келар, ҳаммамиз очарчиликда қолгандай ўшанга ёпишардик. Оҳангаронлик Карима бўлса... аниқроғи, Карим чекишни ҳам бошлаб юборди. Дераза раҳига ўрнашиб ўтириб олади-да, ўтган-кетган қизга гап отади.

Узим ҳам ундан қолишмайман. Ойим келса меҳрим товланиб, елкаларига қоқиб қўяман.

— Нега ҳадеб йиғлайверасиз-а, — дейман жилмайиб, — йигит киши уйнинг файзи. Ёрдамчи бўламан сизларга.

Ойим бўлса овозимдан ҳам чўчийди. Мўйлабимга ҳадиксираб қараб қўяди-да, яна йиғлашга тушади.

— Вой, Фаридагинам-а! Нима қилиб қўйдинг-а, болам?

— Фарида эмас, Фарид! — деб тўғрилайман уни.

— Исминг ўриччами, нима бало? — Кўнгли тўлмайди унинг. — Сен бола бунақа мўйлов билан мелисага тушмасанг эди.

Ҳаммамиз уйни соғингандик. Агар Обид Солиҳовични кўриб қолсам, нималар дейишимни хумордан чиққунча такрорлардим. «Яхши ҳам ёшинг катта, — дейман унга, — бўлмасам нақ...!»

Катта ҳамширанинг нуқул бизни койишида ҳам жон бор эди. Алишер ҳамшираларни авраган чоғи, спирт олиб келибди. Биз албатта, баҳамжиҳат бўлиб, унинг исини «йўқотишга» шошилдик. Мен ўйланиб турган-

дим, Карим кесатиб:

— Ичмаган эркак эркакми? — деди. Шундан кейин бош қўшишга тўғри келди.

Айниқса, янги келганларни томоша қилиш бизнинг сеvimли машғулотиимиз эди. Улар Валиевадан ёрдам сўраб, ҳар чеккадан оқиб келишарди. Авваллари хунук қизлар шунчалик кўплигини хаёлимга ҳам келтирмасдим. Валиева уларнинг ҳар бирига бахт ваъда қилган чоғи, қийшиқ-қинғир қизлар анқайганча қабулхонада навбат кутишарди. Биз эса уларнинг қаршисига ўтириб оламиз-да, атайин им қоқамиз. Пайт пойлаб тегажоқлик қиламиз. Улар бўлса бизга ўқрайиб қарашади-ю, терс ўғирлиб пиқир-пиқир кулишади. Биз ҳам ишшайпмиз.

Касалхонадан чиқадиган кунимиз ҳаммамизга янги паспорт беришди. Мен ўзимда йўқ хурсандман. Уйдигилар янги костюм-шим кўтариб келишибди. Шу куни отам маҳаллага ош берди. Биров ишонса, биров ишонмас, эркаклар мен билан қучоқлашиб кўришар, онам худди ўғли армиядан қайтгандай, ўзида йўқ мамнун, елиб-югуриб чарчамасди.

Бироқ сингилларим билан кўп уришадиган бўлиб қолдим. Иш буюрсам оғриниб, қилишмайди. Мана бўлмаса сенларга деб, битта иккитасини роса пўкилламиз. Ҳоқимликни қўлга олгандан кейин бир оғиз сўз айтсам, ҳаммаси зирр югурадиган бўлди. Иш буюриш қандай яхши-я! Узимни шунақанги енгил ҳис қилардимки, мен учун ҳеч қанақа муаммо йўқдек. Севги ҳақидаги фикрларим ҳам бутунлай ўзгарган, негаки, қизлар бобида анча омадим юришганди. Узим ҳам баланд бўйли, елкалари кенг, келишган йигитга айлангандим-да. Қизларга гап отиб шунақанги завқланардимки, теримга сизмай кетардим. Узимнинг сўзларимдан ўзим илҳомланиб, булбул бўлиб сайрардим. Тўнг муомала қилишса ёмон жаҳлим чиқарди. Айниқса, уларнинг «башаранг қурсин» жон-жонимдан ўтиб кетарди. Ҳе, муомалани билмасанг, умуман оғзини очма, ҳақорат қилиш шартми!

Онам мени уйлантириш тараддудига тушди. Саруполарни тахлаб, «Бу келинга», деса оғзимнинг таноби қолади.

— Ие, бу нима экан, ишқилиб яхши нарсами? — деб қўяман ўзимни гўлликка солиб.

Кейин уйимизга бека бўлиб кирадиган ўша нозик баданни эслаб, юрагим ёқимли қалқиб қўяди.

Бироқ онамнинг уйма-уй тентирашлари бекор кетди.

Эшикдан киришлари билан унашилган экан ёки янгича касалхонада ётган эмиш дейдилар. Нима бало, қиз зотига ўт тушганми! Бизга қолганда энди шу ҳам «дефицит» бўлдим, тавба. Энди нима қиламан!

Ҳақиқатан ҳамма аёллар ёппасига бошқа жинсга ўтишни хоҳлаб қолишибди. Ёқмай қолсин. Шаҳарда шунақанги жиққа-мушт бошландики, асти-қўяверасиз. Ҳаммаёқ ифлос, алғов-далғов. Болалар чирқиллаган, кийимлари кир-чир! Эркакларнинг соқоли ўсган, кийимлари дазмолсиз, гармондай бужмайган шимлар. Ҳар қадамда муштлашув! Биров-бирова бехосдан урилиб кетса ҳам тасира-тусур бошланади. Арзимаган нарсага сўкиниб бир-бирини ҳақорат қилишади. Хуллас-калом, шаҳардан файз кетди.

Мен ҳам ёввойилашиб, жуда тўнг, қўпол бўлиб кетаётганимни ич-ичимдан ҳис қиламан. Охирги пайтда тарвузим қўлтиғимдан тушиб, соқолимни ҳам олмай қўйгандим. Қизларсиз йигит бўлишинг нима кераги бор. Йигит бўлдинг нима-ю, бошқа бўлдинг нима! Бу ҳолга биз ҳам томошабин бўлиб қараб туролмасдик.

Касалхоналарга бориб зўрлик билан қизларни у ердан ҳайдаб чиқара бошладик. Бу орада қизларни, хо-

тинларни ўғирлашдек ярамас одат пайдо бўлди. Бу нарса жамиятнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий, иқтисодий томонларига ҳам салбий таъсир кўрсата бошлади.

Кўп ўтмай доктор Валиевани «қамалипти» деб эшитдик. Касалхоналар ёпилди. Мен ўзимда йўқ хурсанд чапагимни чалиб, дўппимни осмонга отиб юргандим, яна галати қарор чиқиб қолди. Ҳамма бошқа жинсга ўтганлар қайта операция қилинаришиш. Чунки қизлар билан йигитлар сони орасидаги фарқ ниҳоятда катта эмиш. Менинг нафасим ичимга тушиб кетди. Уйдан кўчага чиқмай қўйдим. Бир куни почтальон ҳэ, йўқ-бе йўқ, уйимизга шапалоқдек қоғоз ташлаб кетибди: «Ўртоқ Палончиев, марказий касалхонага учрашишингизни сўраймиз. Докторга кўринмаганлар жиноий жавобгарликка тортилади»: Уқидиму ғазабим қайнаб кетди. «Ўзимни ўлдирсам ўлдираман, лекин икки дунёда ҳам қиз бола бўлмайман, тамом! Қамаса, қамаб юбора қолсин». Отам уҳ тортган, онам йиғлаган. Ўзим жаҳл билиш кийимларимни йиғиштира бошладим. Шу пайт Алишер

(Нигора) кўнғироқ қилиб қолди. Ҳамма бизнинг йигитлар ўшанақа қоғоз олишибди. Энди бирга Сибирга қочишаётган экан.

— Сенга ҳам билет олайлики? — деб сўради у. Мен рози бўлдим. Нимаси ёмон, бир-икки йил пул ишлаб, тўполон тинчигач, қайтиб келамиз. Уйдагиларни хотиржам қилдим у вокзалга йўл олдим. Ўзимизнинг йигитларни узоқдан танидим. Қийқириб қучоқлаша кетдик, ҳазил-ҳузул, кулги, ана аскиябозлигу мана аскиябозлик!

Ҳозир темир йўл қуряпмиз. Қиши совуқ, лекин биз чидаймиз. Бу томонларда қизларнинг кўплигини айтмайсизми! Бирам омадимиз чопдики! Яна ҳаммаси сутга чайилгандай оқ, офатижон! Атрофимизда гирдиқаплак бўлишади. Уйланмасанг ҳам сени яхши кўрамиз дейишади! Йигит бўлиш қандай яхши-я! Ишқилиб, бошқа жинсга ўтиш балоси бу ерга ҳам етиб келмаса бўлгани!

Очиғи, мен уларни бир умр бошимда кўтариб юришга тайёрман.



Фантастик ҳикоя

Қисқа вақт ичида рўй берган иккинчи «бахтсиз ҳодиса»дан сўнг шаҳардан шошилиш чакиртирилган тажрибали врач оғир аҳволда ётган бахтиқаро жувонни обдан текширгач, кутилмаганда карантин эълон қилдида, шифохонани ёпиб қўйди.

Нохуш хабарлар шамол тезлигида тарқалади. Юқиши мумкин бўлган даҳшатли касаллик ҳақидаги миш-мишлар бир зумда бутун вилоятга тарқалди. Врач Ёқуб Одилов пойтахтдан нуфузли мутахассислар келаётганини рўқач қилиб, карантинни бекор қилиш ҳақидаги илтимос ва талабларни қатъиян рад этди. Номаялум инфекция аниқланганлиги ҳақидаги шум хабар ақл бовар қилмас тафсилотларга тўлиб, эл оғзига тушганидан сўнг кўпчилик ноҳия шифохонасини четлаб, баъзилар далага ҳам чиқмай қўйди.

Карантиннинг иккинчи куни қоп-қора «Волга»да шифохонага тўсатдан вилоят партия қўмитаси бўлим бошлиғи ташриф буюрди. Ёши элликни қоралаган, жазирама иссиқ бўлишига қарамай костюм кийиб, галстук такқан ўрта бўйли, тепакал Асқад Азларов салобат билан бош врач хонасига кириб борди. Телефон дастагини чангаллаб, кимгадир гап уқдираётган бош врач бир зум эсанкираб қолди-да, трубкани ташлаб, қўлини кўксига қўйиб салом берди. Азларовнинг қошқовоғини кўриб ичидан зил кетса ҳам, сир бой бермай уни тўрға ўтказди. Қўл учида кўришиб, диванга оғир чўккан Азларов бош врачни оғиз очишга ҳам қўймай мақсадга ўтиб қўя қолди.

— Сўфиев, сиздан умидимиз шумиди? Бутун жумҳуриятга шарманда қилдингиз-ку! Падарига лаънат,

## Ҳасан ва Ҳусан Турсуновлар



карантинга бало борми? Шу битта келгинди врачни жиловлаб қўйиш қўлингиздан келмаса, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?..

Ҳўжайин фамилияси билан атаб тенбеҳни бошласа эътироз билдириш бефойда эканлигини билган бош врач ёш боладек кўзини ердан узолмай қолди.

Азларов бир оз ҳовуридан тушиб, пиёладаги совуган чойдан ҳўплади.

— Асқад Азларович, врач эмас, бало экан. Гап уқтириб бўлмайди. Қаердан ҳам чақирган эканмиз. Ҳар галгидек номини чиқармай қўяқолса бўларди-ку? Жувоннинг ҳам жони қаттиқ экан, ҳалигача ўлмади-я.

Сўфиев одам эмас, ҳайвон ҳақида гап кетаётгандек лоқайд қўл силтади.

— Бу келгинди врач илмини рўқач қилиб, нуқул инфекция бор дейди. Бизам жа-а бесаводмас, ҳеч қандай инфекция йўқлигини биламиз. Баччағар, юқади дейди-я! Ҳи-ҳи! Юқармиш. Инфекция ўтса, сизам шу аёлнинг ишини қиласиз дейди. Эси борми ўзи?..

Негадир Азларовнинг юраги шув-в этиб кетди. Ногаҳон кўз олдига ҳисобсиз... Азларов даҳшатли хаёлларни қувиб, ўзини қўлга олди. «Йўқ-йўқ! Бўлиши мумкин эмас. Ҳаммаси бемаъни гап, қишлоқ нималигини билмаган, кўрмаган пўримнинг бир қилиғи. Топган гапини қара, инфекция эмиш. Тиббиётда буям ўзимиздан ўтадиган ҳовлиқмага ўхшайди».

— ...Министрликка телефон қилиб, адабини бериб қўйсангиз бўлармиди?— Азларов тинмай жавраётган бош врачнинг сўнгги гапларинигина англади.

— Бас қилинг! Менга ақл ўргатманг, нима қилишни

Ўзим биламан. Ваҳимачи табибни бу ёққа чақиринг.

— Хўп бўлади, Асқар Азларович.

Ёши ўттиз бешларга чиққан, барваста, хушсурат, кўз қарашлари тешиб юборгудек ўткир Ёқуб Одилов бош врач хонасига кириб келганида Азларов беморнинг касаллик тарихини варақлаб ўтирарди.

— Ассалому алайкум.— Вилоят миқёсидаги бошлиқнинг салобати босиб, Одилов бир зум тараддулланиб қолди.

— Ваалейкум...— Азларов нигоҳи билан қаршисидаги оромкурсини кўрсатди. Кутилган жанжалкаш, тажанг профессор ўрнида ёш болани кўриб, унинг қони қайнаб кетди. «Ҳали шу бола билан пачакилашиб ўтиришибдимми-а? Мана шу мишиқини деб келиб юрибманми-а?»

— Ука, бу бизларни маломатга қўйиб, нима ишлар қилясиз?— деб сўради Азларов.— Пахта терими кетаётган долзарб пайт карантинга бало борми?

Бундай муомалани кутмаган Одилов Азларовга қаттиқ тикилди.

— Мен бурчимни бажаряпман, холос.

— Ука, энди гапни айланторманг. Буёғини сўрасангиз, камина ҳам асли врачман. Оқ халат кийиб ишлаш насиб қилмаган бўлса-да, табобатдан хабаримиз бор. Бахтсиз жувонни инфекциядан касал деб ваҳима кўтаришга сизга ким ҳуқуқ берди?— Азларов овозини баландалатди.— Нима, йўқ юқма касалдан кўрқиб: уйидан чиқмай ётиб олганларнинг ўрнига пахтани сиз терасизми? Жумҳуриятимизда бундай воқеа камми? Келиб-келиб бизда бу юқма касалга айланиб қолдимми?

— Бу тахминий фикр,— деди бош врач.— Кимларгадир юқиш хавфи бор экан, холос.

— Тавба, касал ҳам одам танларканми?— деди Азларов кулиб ва яна қошларини чимирди.— Ука, қишлоқ ҳаётини билмайсиз. Бу юқма касаллик эмас. Унинг асл сабаби оилани планлаштирмаслик ва совет граждандарига бой-феодалларча муносабатдир. Қолаверса, бу вилоятдаги биринчи воқеа эмас. Шу вақтгача бундай телбаликнинг бирор кимсага юққанини эшитмаганман. Ахир одамлар СПИД деб ҳаммаёққа жар солиб юрибди, ука.

— СПИД эмас, ундан ҳам баттар. Балки ҳали табобат тарихида кўрилмаган, лекин реал, даҳшатли хатар. Аммо диагнозда ўзимнинг ҳам шубҳам йўқ эмас. Гап шундаки...

— Ҳа, ана, ўлманг,— деди Азларов унинг гапини бўлиб,— хатосини тан олган врачларни ҳурмат қиламан.

— Лекин...

— Ҳеч қандай «лекин» йўқ!— Азларов ўрнидан туриши билан бош врач унинг елкасига оқ халат ташлади.— Карантин бекор қилинади. Мен шахсан беморнинг олдига кириб, инфекция йўқлигини исботлаб бераман. Айтдим-ку, илгари врач бўлганман, аввал ўзимда синаб кўраман.

Одилов қаршилиқ кўрсатиш бефойда эканлигини сезиб, елка қисди.

— Мен сизни огоҳлантирдим.

— Жавобгарликни бўйнимга оламан.— Азларов унга яқинлашиб, секин гапирди:— Ука, бундай дард бизга юқмайди. Унинг асл сабаби — етишмовчилик. Ҳа-а, ишонаверинг.

Реанимация хонасига кирган Азларов қўланса ҳиддан бурнини жийирди. Оғир аҳволда ётган аёлни кўриб эти жимирлаб кетди. Умри бино бўлиб бундай даҳшатли манзарани кўрмаган, яраларидан оққан қон ва яна аллақандай суюқликларга беланиб ётган инсон боласига қараб бўлмасди. Азларов беҳол инграб

ётган беморга нима деярини билмай, каловланиб қолди. Туйқус ўлим азобида ётган жувон кўзларини очиб, унга тикилди. Бу ўтли нигоҳ кўринмас симлар орқали ўтиб, Азларовнинг онгига ўрнашгандек бўлди. Унинг кўзига дунё қоронғу, ҳаёт бемаъни кўриниб кетди. Қаёққадири учгиси келиб, юраги қинидан чиққудек потирлай бошлади.

— Бўлди, энди кетинг...— Одиловнинг овози уни ўзига келтирди. Миясидаги равон ишлаётган аллақайси нуқталар уни гирдобдан тортиб чиқара бошлади.

— Ҳа, ҳа,— деди у хириллаб ва галстугини бўшатди.— Кетамиз. Шўрлик, азобда қолибди.— Азларов жонсиз оёқларини судраб босиб, зўрға ташқарига чиқди.

— Асқар Азларович, мазангиз қочдимми?— деб сўради бош врач уни суяб.

— Сўфиев, бизда ҳам юрак бор. Дўзах азобини тортган одамни кўриб юрагим ачишиб кетди.

— Мана, кўрганингиздек, ҳеч қандай касаллик, юқма инфекция йўқ.— Бош врач реанимация хонасидан чиқишлари билан гап бошлади.— Ука, кечирасиз-у, ваҳима билан бекорга ҳаммани жонсарақ қилиб қўйдингиз.— У тасдиқ излаб Азларовга қаради.

— Ваҳима, миш-мишни тиббиётдан хабарсиз баъзи ходимларингиз тарқатишяпти,— деди Одилов.— Чиндан ҳам мен ўз тажрибамда бундай беморни учратмаганман. Унинг дарди юқумли деган гапда эса жон бор. Бу бахтиқаро ўлим талвасасидаги аёл вақти-вақти билан кучли биопсихологик импульс чиқармоқда. Ишонаверинг, гипноз, суггестиология, биомайдон орқали таъсирдан хабарим бор. Ҳамма гап унинг сирли нигоҳида. Фикримча, бемор ўзини ўлимга бошлаган энг даҳшатли туйғуларни нигоҳи орқали бировга узатиши, яъни юқтириши мумкин. Мен буни тасодифан сезиб қолдим. Сирли касаллик белгилари — ғалати туйғуларни дастлаб ўзимда сездим. Илмим қўл келиб, қийинчилик билан бўлса-да, шууримга ўрнашиб олган балони даф қила олдим. Шундан кейингина карантин эълон қилишдан ўзга чорам қолмади.

— Ҳаммаси бекор гап,— деди Азларов қўл силтаб.— Биомайдон, экстрасенс деган гапларга ишонмайман. Хориждан келган уйдирма булар.

— Кечирасиз-у, биз етмиш йил инкор қилиб келган инсонлардаги бундай ноёб хислатларнинг ҳақиқатдан ҳам мавжудлигини ҳозир кўпчилик тан оляпти.

— Мунозаранинг ўрни эмас. Кўрганингиздек, соппасоғман. Пишмаган илмий ғояларингизни кейинроқ синаб кўрарсиз. Ҳозир эса шов-шув, миш-мишларга бераҳам бериш, карантин, инфекция деган сўзларни умуман ишлатмаслик керак.

Азларов елкасидан халатни олиб, ғолибона қиёфада турган бош врачга берди-да, унинг кузатувида ташқарига чиқди.

...Машина вилоят қўмитасининг дала ҳовлиси томон елдек учиб борарди. Орқа ўриндикда ўтирган Азларов галстугини тортиқлаб ечиб, ғижимлаб чўнтагига тикди. «Ҳаммасининг падарига минг лаънат, пахтасиниям, ишиниям... Яшагим келмаяпти».

Миясига келган ўйдан Азларов сесканиб кетди. Назарида, вужудига нимадир ўрнашиб, уни авраётгандек бўлди. Кўз олди жимирлаб, онгида яна аёлнинг нигоҳи ярқ этиб, бошида оғриқ турди. У чаккаларини қаттиқ сиқиб, миясига ўрнашиб олган балони чиқариб ташламоқчи бўлди-ю, эплаёлмади.

«Тамом! Ҳаётнинг маъноси йўқ энди! Ҳаммаси тугади. Энди яшашни истамайман!— Азларовнинг яна фикри равшанлашиб, миясининг бошқа чеккасида янграган нидога қулоқ тутди.— Яхши ҳаёт кечириб менчалик

бўлар. Лавозим, данғиллама уй, машина, пул, обрў — ҳаммаси бор. Яна нима керак? Мен чарчаганман, қаттиқ чарчаганман».

Дала ҳовлига келиб Азларовнинг хаёли чалғиди. Шофёри билан бильярд ўйнаб, ҳовузда роҳат қилиб чўмилди. Дам олиш хонасига кириб муздек коньякдан икки пиёласини босиб-босиб ичди. Оромкурсида ястанганча газеталарни кўздан кечириб бошлади-ю, бирдан пешонаси тиришди. «Хайронман, одамларга нима етишмайди ўзи, а? Тинчгина ишини қилиб юраверса бўлмай-дими?»


Ногаҳон азобда ётган аёл кўз олдига келди-ю, онгига ўрнашиб олган қутқу яна тилга кирди. «Хаётнинг қизиғи

қолмади. Мен ўлишим керак. У ерда осойишталик». Азларов сўнги бор ҳушини жамлаб, қаршилиқ кўрсатди: «Йўқ-йўқ, ўлишни истамайман. Наҳотки, менга юққан бўлса? Ишонмайман, бўлиши мумкин эмас».

Оз ўтмай миясидаги унга бўйсуниб турган мурватлар ҳам ичкилик таъсирида шайтон измига ўтди. Азларов сапчиб туриб ташқарига отилди. Шу дамда у ўзлигини йўқотган, қаергадир шошилар, нима қилаётганини ўзи билмасди. У машина юкхонасидан бензин тўла канистриани олиб, шу жойнинг ўзида қулқиллатиб устидан кўйди. Пайпаслаб гугуртни топди-да, қақиб юборди...

Бўғиқ, ғайриинсоний қичқирқоқ тун оғушидаги дала-ҳовлини ларзага келтирди.

## Тил сандиғи



Халқ қудратли яратувчидир. Халқнинг ижодкорлиги, бетакрор санъати биринчи навбатда унинг тилида намоён бўлади. Тилимиздаги ҳар бир сўз халқимиз тарихининг кичик бир бўлагидир. Шу боис ҳам улар биз учун муқаддас ва қадрли бўлмоғи керак. Афсуски, узоқ йиллар мобайнида тилимиз тақдирига юзаки қараб келинди. Ўзбек тилидаги турли соҳаларга оид сўз ва атамаларни тўплаш, улар устида тадқиқот олиб бориш ишларида эътиборсизликларга йўл қўйилди.

Халқимиз ичидаги (оғзаки сўзлашув услубига, шеваларга ва касб-ҳунарга оид) ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган тил бойликларини тўплаш ва келажак учун сақлаб қолиш ҳар биримизнинг бизни тарбиялаб вояга етказган халқ олдидаги фарзандлик бурчимиздир. Биз халқ томоша санъати вакиллари (дорвозлар, қўғирчоқбозлар, масхарабозлар, қизиқчилар, карнайчилар, сурнайчилар ва бошқалар) тилидан ёзиб олган юзлаб лексик бирликлар тилимиз имкониятлари беқиёс эканлигига яна бир исботдир.

**абдол тили** — халқ санъаткорларининг яширин тили. Бу «тил» юзлаб сўз ва сўз бирикмаларини қамраб олади. Масалан, сўкиган — шофёр, пайпоқ махсум — томоша пайтида тушган пулдан яшириб қолувчи шахс, галстук — ўқитувчи.

**арусак** — эски ўзбек тилида қўғирчоқ, келин,

**бозоршаб томоша** —

**Бува қовоқ** —

**«Чодир жамол»** —

**оёқ хатар** —

**«Чавки»** —

**«Фонус хаёл»** —

**пишқир** —  
**кўчагарлик** —

**рикоби** —  
**бордон** —

**«Чодир хаёл»** —

**дапкаш** —  
**луъбат, луъбатак** —  
**бисмил** —

**шўтқарре** —  
**шалахмас** —

**қулоқчўп** —

**мулоиб** —  
**салотагир** —

гўзал маъноларида ишлатилган. ўтмишда рамазон оғи давомида ифтордан то сахарликкача давом этадиган халқнинг кечки сайр-томошалари.

масхарабознинг қовоқ (қади кийиб ўйин кўрсатиши).

қўлга кийиб ўйналадиган қўғирчоқ ўйин тури.

дорвознинг чиғирқоқда ўйнаб туриб пастга отилиши ва оёғининг учи билан ипга илиниб қолиши.

халққа бепул томоша кўрсатиш. Кимнинг томошаси эканлигига қараб дорвозлар чавкиси, масхарабозлар чавкиси, қўғирчоқбозлар чавкиси деб юритилган.

қўғирчоқ ўйиннинг соя ёрдамида кўрсатиладиган қадимий тури.

машқ, репетиция.

халқ санъаткорларининг юрт кезиб юриши.

сарой артисти.

қизиқчиларнинг томошага тайёргарлик кўриши учун тикланадиган қамиш қапаси.

қўғирчоқбозларнинг махсус чодир тикиб кўрсатадиган ва ўнлаб персонажлар иштирок этадиган томошаси.

қўғирчоқбознинг Хоразмдаги атамаси. қўғирчоқ.

қўғирчоқбоз устанинг қўғирчоқлар томоғига пичоқ тортиб қўйиши. Гўё шу билан нариги дунёда қўғирчоқ ундан жон талаб қилмас эмиш.

қизиқчи (Қашқадарё шевасида).

қизиқчи, ҳазилкаш (Қашқадарё шевасида).

чиғирқоқни мустақамлаш учун хариға маҳкамланадиган ёғоч.

қизиқчи, найрангбоз.

дор ўйини программасини бошқариб боровчи кекса дорвоз.

**Абдулҳай Собиров,**  
**Андижон Тиллар педагогика институтининг**  
**ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.**



# НИГОХ

Жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида таълим ва ўқитиш жараёнларини қайта қуриш, қотиб қолган қарашлардан воз кечиш, эркин фикрни жиловлаб турувчи, кўникилган қолипларни синдириш суст кечмоқда: Айниқса, адабиёт дарсликларини янги давр талабаларидан келиб чиқиб янгитдан ёзиш, қайта яратиш иши ачинарли аҳволда. Афсуски, мана шу ачинарли аҳвол, аянч оқибатлар Катта Авлодни безовта қилмаяпти. Яхшиямки, бугунги ёшлар-

нинг, талаба ва ўқувчиларнинг фикр-лаш тарзида оз бўлса-да ўзгариш содир бўлди. Улар ўзлари кўриб, билиб турган ҳақиқатларни жиндай эҳтиросга берилиб, жиндай шаккоклик билан баралла айтишмоқда. Уйлаймизки, ҳурматли журналхонлар «Дарсликлар талабалар нигоҳида» номли янги рубрикамиз остида берилган Тошкент Давлат дорилфунуни филология факультети талабаларининг таассуротлари билан танишгач бунга амин бўлишадди. Жон-

куяр ёшларимиз фикрларидаги бироз тарқоқликни, ноизчилликни тажриба етишмаслиги билан изоҳлаб, улардаги куюнчакликни таъкидлаб ўтмоқчимиз. Жумҳуриятдаги барча олий ўқув юрти талабалари, қолаверса, адабий жамоатчилик ва мутахассис олимлар тил-адабиёт дарсликлари ҳусусидаги истақ ва мулоҳазаларини ёзиб юборишадиган умиддамиз. Зеро, редакциямиз бу хайрли ишни давом эттириш ниятида.

## ДАРСЛИКЛАР ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА



Бобомурод Эралиев  
IV курс



Кейинги йилларда таълим-тарбия ишларидаги айрим ўзгаришларга қарамадан, факультетимизда ҳамон кўп чалқашликлару камчиликлар ўша-ўша қолиб келаётди. Чунки тасаввуфга муносабат ўзбек классик адабиёти кафедрасида ижобий тус олганига унча кўп бўлгани йўқ. Бирок ундан махсус курс кўйилиши талабалар сазой-ҳаракати туфайлигина амалга оширилди. Аксинча, буни кафедрадагилар ўзaro келишиб, аллақачонлар талаб-таклифларсиз йўлга кўйсалар бўларди. Ушбу кафедрага тааллуқли ва факультет ҳам аралашса арзийдиган яна бир хайрли иш XV—XVI асрлар ўзбек адабиёти тарихини ўқитиш масаласидир. Чунки бор-йўғи 6 ой ичида Навоий, Бобур, М. Солиҳ ва Хожалар ҳаёти ва ижоди бош-пиша ўтиб кўя қолинади. Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун камида 1 йил вақт берилишини, «Хамса»ни ўрганиш учун эса олти ой мударат ёки махсус курс кўйилишини кечиртирмаслик зарур. Ахир, биз қачонгача ёш авлодни Навоийнинг тушунмасликда айблаймиз! Қани, айтинг-чи, қайси қалал талаба олти ойда ҳам «Чор девон»ни ўқиб, ҳам «Хамса»ни бир-бир варақлаб чиқа оларкин, бир томонда бошқа адабётлар қалашиб турганда. Ҳеч бўлмаса улўғ бобомизнинг шоҳ асари «Хамса»ни мукамалроқ ўрганишга талаба учун вақт берайлик. Ҳатто баъзи бир талабалар «Хамса»нинг юзини кўрмай битириб кетишадди. Аслида бу асарни ўтиш ҳам бир қолипга

тушиб қолган. Дарсларда аввал «Хамса»нинг яратилиш тарихи, баёни ва мазмуни билан таништирилади-ю, вақт қолса бир неча намуналар келтириш билан кифояланилади. Аҳвол шу таҳдид давом этса бўлғуси ўқитувчилар мактабга борагач, «Лайли ва Мажнун», «Фарход ва Ширин» дostonларида севиб мухаббат, халқлар дўстлиги қуйланган дейишдан нари ўтишмади...

Таржима с ҳаси биз талабаларни кўп ўйлантиради. Бу соҳага оид дарсликлар, қўлланмаларни кўпроқ яратиш ва нашр эттириш вақти етди. Чунки дарсликлар жуда оз. Мен биргина «Таржима назарияси асослари» (Ғ. Саломов) ўқув қўлланмасинингина биламан. У ҳам кўпроқ ўрус-ўзбек тили доирасидаги тадқиқот ишлари билан чекланиб қолган. Яна шуниси таажубланарлики, кечки бўлим талабалари таржима назариясидан маъруза тинглашади-ю, бизлар — кундузги бўлим талабалари шундай соҳа бор эканидан ҳам беҳабаримиз. Яна талабалар тил ўрганиш учун чет элларга жўнатиб турилса, ишларимиз янада юришиб кетарди деб ўйлайман. Чунки бизга АҚШдан ўзбек тилини ўрганиш учун талабалар анчадан бўён келишаётди. Бизнинг талабалар ҳам Англия, Туркия, АҚШ ва Олманияга бориб ўқишса нимаси ёмон. Балки бу фикрларим хомхаёлдир. Нима қилай, булар шу факультетда 4 йил ўқиб, ортирган орзу-хаёлларим-да...



## Ф. ҚАРИМОВ V курс

Бундан беш-ўн йил бурун ёзилган илмий асарлардан, адабий-танқидий китоблардан биз фақат факт ахтарамиз, чунки бу фактлардан чиқарилган хулоса фикрлар давр сиёсати қурбони бўлган ёки биз ёшларни қаноатлантирмайди. Беш-ўн йил бурун турғунлик даври эди, деб таскинланайлик ҳам. Лекин қайта қуриш бошлангач, ордан икки йил ўтгач нашр қилинган Ф. Каримовнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» ва К. Азизов, О. Қаюмовларнинг «Чет эл адабиёти тарихи» дарсликлари ҳам эскича қолпада ёзилган.

«Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги XIX асрнинг иккинчи ярмидан то инқилобгача бўлган тарихимиздаги энг зиддиятли даврни қамраб олган. Дарслик билан танишиб чиқиб, ўйланиб қоласиз: биз ҳақиқатан ўзбек адабиёти тарихини ўрганишимизни ёки бу даврдаги бир оқимни баҳоли қудрат талқин қилишимизни? Дарсликда реакционлик тамғаси босилган диний-мистик адабиёт, сарой-клерикал ва жадид адабиёти вакиллари ўрганишга арзизмайдими? Улар дарсликда халқимизни ботқоқда-хурофотда тутиш ёки жаҳолатга тортиш учун умрларини адабиётга бағишлаб ижод қилишгандек талқин этилади.

Демократик адабиёт деган атамани адабиётнинг биргина жамиятга бўлган муносабатидангина олганмиз, бу мени таажублантиради. Умуман, биз ёмон бир касалликка чалиниб қолганмиз. Жамиятни табақалаганимиздек, адабиётдан ҳам айрим табақалар манфаати учун хизмат қиладиган табақаларни ахтардик.

Нима учун «диний-мистик», «сарой-клерикал адабиёти»нинг бадий тафаккуримизга кўрсатадиган ижобий таъсири ҳақида тил тишлаб турибмиз? Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши деган мақолни ҳар бир адабиётшунос олим жуда яхши билади. Лекин Адо, Мухий, Ҳазиний, Сарёмийлар ҳақида юз марта эшитиб, уларнинг асарларини, девонларини бир марта ҳам кўрмаганлигимизни наҳот билишмайди? Чунки биз ёшлар шундай бир аламли аҳволда қолдикки, чет эл адабиёти қолиб, ҳатто ўз классикларимизнинг асарларини ҳам «таржима»да — ҳозирги графикага ўгиришиб беришгандагина ўқйдик.

Ф. Каримов таҳрири остида ўрта мактабларнинг VIII—IX синфлари учун 1950 йил нашр қилинган «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида жадид адабиётга қуйидагича фикр билдирилган: «Миллий буржуазия ёзувчилари бу билан (илм-маданият тарғиб қилиш билан — У. С.) буржуазиянинг ювош малайларини тайёрлашнинггина мақсад қилиб қўйган: эдилар, ҳолос».

«Мохияти эътибори билан контрреволюцион ҳисобланган жадид адабиёти фикрий жиҳатдан қашшоқ (?) адабиётдир. Бу адабиётнинг йирик вакиллари бўлмаганидек, йирик намуналари ҳам йўқдир» (321-бет) ва ҳоказо. Бу фикрлар қай даражада ҳақ ёки ноҳақлигини бугунги ўқувчилар аниқлашар. Лекин мен 1987 йилда нашр қилинган «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида мохиятан юқоридаги фикрлар такрорини ҳеч ҳазм қилолмайман: «Жадидларда бу мотив (маърифат → У. С.) саводли савдогарлар тайёрлаш (?) мақсадига бўйсундирилган. Афсуски, бу мотив узок вақт жадидларнинг ижобий томони ва жадид адабиётнинг фазилати сифатида талқин этиб келинди».

Наҳотки, маърифатни тарғиб қилиш ижобий ҳодиса бўлмаса? Халқимизнинг маърифатини, сиёсий онгини юксалтирмай қилган инқилобимиз жамиятни қайси қўчага, қимнинг кўчасига бошлаб қирганлигини бугун кўриб турибмиз-ку! Бу йўлдаги ютуқлардан ташқари порахўрлик, аъмолга ишончсизликлардан наҳот кўзимизни юмсақ? Жадидлар таълимоти амалга ошиб, сўнг инқилоб қилганимизда, эҳтимол бу қўйга тушмасмидик.

Бу кўсурлар билан биз ҳурматли домламитиз Ф. Каримовни айбламоқчи эмасмиз. Бизни бошқа нарса ўйлантиради. Жадид адабиётга 50-йиллардаги ва ундан олдинги даврдаги муносабат нима учун ўзгармай қолган? Муносабатнинг ўзгармаганлиги фикрларнинг, тафаккурнинг қотиб қолганлиги, бир доира қизиб қўйиб, шунинг ичида ақланишнинг натижаси эмасмикан? Партиямиз амалга оширган инқилобни жадидлар дастлаб ёққанлиги учун, наҳот бизнинг уларга муносабатимиз 70 йилда ҳам ўзгармайди? Эсликда илмий ҳақиқатдан қилиб чиқиб, шу адабиётшуносларнинг ўз Партия муносабатини белгилаб беришлари керак эди. Бахтга қарши бундай бўлмади, аксинча, Сталин сиёсати қолипига мослашишлар давом этди.

Ҳозирги даврда ҳам ёшлар орасида ҳорижий адабиётга янгича муносабат сезилмайди, аксинча думбулларча фикрлаш давом этмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ўзбек тилида XIX—XX аср хорижий адабиёт тарихини яроқли дарсликнинг йўқлигидир. 1987 йил К. Азизов, О. Қаюмовларнинг XVIII—XX асрларни қамраган «Чет эл адабиёти тарихи» дарслиги нашр этилди. Бахтга қарши, бу дарслик ҳам пуч, ёшларни янгича фикрлашга қорламайди. Дарсликда «ўлимга маҳкум буржуазия», «дин билан гуманизм (У бир-бири билан сира қелиша олмас)»лиги ҳақида, «христиан таълимотининг ғайриинсонийлик (!) мохиятининг қичи ташланиши», «инсон ҳаётида диннинг машғум ролини бўлтириб қўйиш», «буржуа жамиятида қишнинг кадр-қиммати, сезги ва севгилари оёк ости қилиниши» ҳақида фикр юртилади. Ва бу хулосалар қанчалик рост ёки нотўғрилигини бугунги ўқувчилар яхши билишади.

Хорижий адабиёт дарсликлари ҳозиргача сиёсат қурбони бўлиб келди.

Шунинг учун XX аср жаҳон авангард адабиёти ҳақида жуда ёқор ва чекланган доирада фикрладик: «Модернизм мазмунни инкор қилиб, фақат шаклни деса, Навоий мазмунни биринчи уринга қўйган; Модернизм ёш авлоднинг бузишни қасб қилиб олган бўлса, Навоий асарлари катта тарбиявий аҳамиятга эга; Модернизм ғайриинсонийликни тарғиб қилса, Навоийнинг бутун ижоди, фаолияти, ҳаёти инсонийликка бағишланган...»

Буни келтириш билан Навоий ижодига тил теккизмқочи эмасмиз. Умуман, бу ердаги қиёслаш тўғрими?

XX аср адабиёти шундай мураккаб ҳодисаки, уни олди-қочди гаплар билан тушунтириб бўлмайди.

Илғор адабий методлар — импрессионизм, символизм, экспрессионизм, сюрреализмга муносабатлар ижобий томонга ўзгараётир. Еш қаламқашлар орасида ўзбек адабиётини ҳам XX аср адабиётининг бир парчаси тарзида тушуниш ва талқин қилиш шаклланаётган экан, бу методларни чуқур ва ҳар томонлама, эркин мушохадага асосланиб ўрганишимиз зарур. Бунинг учун бизга муқамал, етук қўлланмалар лозимдир.



## Юсуф Зиёдов V курс

Ҳар қандай халқнинг маънавий дунёси, маърифати ўша халқ эъли вакилларининг маънавияти, маърифати билан узвий боғлиқдир. Факультетимиз талабаларининг умумий билим савияларидан қелиб чиқиб гапирадиган бўлсам, биз бугунги кунда том маънодаги маърифатга муҳтожмиз.

Мумтоз адабиётимизнинг нодир ташбеҳларга бой бўлган намуналарини таҳлил қилишни, ҳатто тушунишни қўя турмай, ҳозирги кунларда яратилаётган асарларни ҳам эстетик мезонда туриб баҳолашга нўнокмиз.

Дарсликларда 20-30-йиллар адабиёти ҳалигача бир томонлама талқин қилиниб келинмоқда. Адабиётшуносларнинг асосий вазифаларидан бири ўша йиллар адабиётини ҳаққоний таҳлил қилиб беришдан иборат бўлмоғи лозим эди... Амалда-чи... Ҳамон филолог талабалар учун инқилобдан кейинги ўзбек совет адабиётга бағишланган

бирорта махсус қўланма яратилмаган. 70-йилларда А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан чиқарилган 4 жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобидан дарслик сифатда фойдаланамиз. Китобнинг савияси ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун иккинчи жилддан ўрин олган «Социализмнинг узил-кесил ғалаба қозониш даври адабиёти» (1930—1941 йиллар) бобини кўздан кечирайлик. (Дарвоқе, боблар ўртасида савия жиҳатидан тафовут унчалик катта эмас). Бобнинг биринчи жумласиданок Советлар мамлакатининг 30-йилларда жаҳонда мисли кўрилмаган тарихий ютуқларга эришганлиги, Ўзбекистонда ҳам денинча миллий сиёсатнинг тантанаси, қишлоқ хўжалигидаги мислсиз ўзгаришлар, ниҳоят, маданият, санъат, адабиётнинг гурқираб ўсганлиги фахр билан тилга олинади. Инкилобгача ўзбек халқининг маданий савиясининг «пастиги», «маърифатсизлиги» 30-йиллардаги «цивилизация» билан таққосланади. «Олий мактаблар тармоғи кенгайди. Инкилобгача Ўзбекистон территориясида атиги биттагина техникум бўлган. Олий мактаб йўқ (?) эди. 1928 йилда 2 та олий ўқув юрти ишлаган, 1938 йилга келиб техникумлар сони 105, олий ўқув юртлари 29 тага етди». Энди таққосланг: «Бундан 100 йил аввал Тошкентда 512 маҳалла, 349 маҳит, 26 мадраса, деярли ҳар бир маҳит хузурида биттадан мактаб, деярли ҳар бир маҳаллада қизлар мактаби бўлган...» (А. Иброҳимов. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 19 январь, 1990 йил).

Бундай китобларни ўқиганда инкилоб ҳам гўёки хитой деворига ўхшаб кетади. Унинг нариги томони тубсиз жарлик, зулмат: фақатгина ёвузлик ва даҳшатдан иборат бўлган бир бўшлиқ. Беринги томони эса ҳар қандай қарама-қаршиликлардан холи бўлган жаннатий макон. «Бунда булбул китоб ўқийди, бунда қуртлар ипак тўқийди, бунда ари келтиради бол, бунда қушлар топади иқбол». Хатто оддий диалектик қонунлар ҳам беринги томонда ўз хусусиятларини йўқотади гўё. Чунки табиат ҳодисалари ҳам ҳеч қандай қаршиликсиз социализмнинг гоявий принциплари асосида «ривожлантирилади». «Гафур Гулом бу йилларда чинакам реалист шоирга айланди. Унинг чуқур партиявийлик руҳи билан суғорилган лирикаси янги ҳаётнинг шаҳдам қадамлар билан голибона олға босишини, кийинчиликлардан чўчимайдиган бақувват иродали совет кишини туйғуларини ифодалайди». (30-бет).

Ҳаёт нақадар мурувватли, нақадар саҳий. Агар ўзбек тили дугат бойлигида яна ҳар қанча кўтаринки сўзлар бўлганида ҳам муаллиф юқоридаги жумласига эринмасдан ҳаммасини тиркаб чиққан бўлармиди. Шунинг баробарида ҳаёт нақадар бешафкат, нақадар хўдбин. Ахир, мислсиз кўтаринки руҳдаги сўзлардан 30-йилларда қатли оми қилинган ижодкорларга ҳам озгина бўлса-да «ниҳом» қилинса бўлмасмиди?.. «Беш йилликлар даврида техник қайта қурилиш, капиталистик мамлакатларни қувиб етиш ва улардан ўзиб кетиш темаси, табиатни энгиш мотиви Хамид Олимжон шеърларида бақувват жаранглайди. Хамид Олимжоннинг «Ўлим ёвга», «Пойга», «Ўлка», «Дарё кечаси», «Чирчик бўйларида» тўпلامларидаги шеърлари мамлакатни индустриллаштириш, техникани тараққий эттириш орқали табиатни социалистик қурилишга бўйсундириш гоясини ёрқин ифодалайди» (31-бет). Табиатни техник воситалар ёрдамида социализм гояларига бўйсундириш принциплари асосида бадний адабиёт таҳлил қилинмоқда. Хўш, адабиётшунос, мунаққид бўлишни орзу қилган бугунги ёшлар ўзига қараган замин изласини? Ушбу жилдликларданми? Ёки ҳамон Белетский, Добролюбов, Чернишевскийларданми? Ижодини адабий танқид билан бошлаб, озгина вақт ўтар-ўтмас бошқа жанрларга «ўзини ураётган» ёшларни айблаш жуда ям тўғри бўлармикин? Мўрт пойдеворга қурилган деворнинг ҳам узок тўрмаслиги аён-ку.

Биз фикр юритаётган китоб адабиёт тўғриси кийган сиёсатга ўхшайди. Бирок ўзбек филологияси факультетини битираяпмиз-у, биздан ҳамон яхши сиёсатчилар ҳам, адабиётчилар ҳам чикмаслиги аниқ.

Биз, талабалар, инкилобдан кейинги давр адабиётини ва минг йиллик адабий-бадий таваққуримиз тарихини ҳаққоний таҳлил қилиб берадиган қўланмаларга муҳтожмиз. Ҳозирча эса мен «Панж ганж» нима, деган саволга «Беш гишт» деб жавоб берувчи ёки Навоий ижодидаги «Ленин образини» сўзлаб беринг, дея илгизди кўзларини қадаб турувчи тенгдошларимнинг савиясидан таажубланмайман!..



Бизга Алишер Навоийни «атеист» деб ўқитишганди. Лекин у ўз даврининг имонли, эътиқодли кишини сифатида бир неча марта ҳаж сафарига чиққанлигини ва ҳар доим мамлакатда авж олган теурийларнинг ўзаро урушларига Навоийни бу йўлдан қайтарганлигини биз бугун билдик. Бизга мактабда Фуркат чет элга саёхатга борган деб ўқитишди. Лекин биз бугун у ватанидан қувиб юборилганини ва бу ишда «Маҳаллий амалдор»ларнинггина эмас, балки рус мустамлакачиларининг ҳам қўли борлигини билдик. Бундай алдаб «ўқитишлар» ҳозир ҳам давом этапти. Бугунги кунда олий даргоҳларнинг филология факультетларида таълим олаётган талабалар орасида Навоий, Бобур, Фуркат ғазалларини таҳлил қила оладиганлари кам бўлгани ҳолда кеча мактабни битирган ўқувчидан «Навоий лирикаси», «Бобур лирикаси» бўйича ишро ёзиш талаб қилинади. Хатто айрим ўқувчилар бу ишларни «Б» баҳога ёзишди.

8-синф «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида Фуркат ижоди ўқувчиларга кўпроқ унинг «Суворов ҳақида» достони, «Виставка хусусида», «Рус аскарлари таърифида» каби асарлари орқали таништирилади. Шу билан унинг буюк талант эгаси эканлигини исботламоқчи бўлсак, бу ишимиз алдовдан бошқа нарса эмас. Чунки Фуркатнинг ушбу асарлари «адабиёт — сўз санъати» деган мезон билан баҳоланадиган бўлса, адабиётимиз тарихида шоирнинг лирик ғазалларичалик аҳамият касб этмайди. Уларни мактабда ўргатишдан мақсад ўрта Осиёнинг Россияга «қўшиб» олинганлигини ва бу «қўшиб» олиншига миллат эълоларининг «яхши муносабатда бўлишган»нинг таъқидлаш, ёш авлод онига янада каттиқроқ сингдиришдан иборатдир.

Тўғри, дарслиқда Фуркатнинг лирикаси ҳақида фикр юритилган. Жумладан, шоирнинг ушбу машҳур байти ҳам «таҳлил» қилинган:

**Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғмен  
Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур.**


Қизини шундақ, бу байтдаги фикр фақат Фуркат яшаган давр учунгина характерли ходиса сифатида талқин қилинади. Агар бу қарашга қўшилинадиган бўлсак, унда байтдаги маъно қўламини чегаралаган бўлаемиз.

Навоий асарларида «шайх-зоҳидларнинг қораланиши»ни, «Назир отанинг ғазабланган»лигини, шоирларнинг нечта мукофот олганлигини ўқитиш — адабиёт ўқитиш эмас. Ҳа, 30-йиллардаги Назир оталарнинг ғазабланганини ўқиб воёга етганлар 1987 йилнинг қорли кунларида ҳам пенсионер чолларни пахта теришга мажбур этишди. Ва, бунини телевизор орқали борақларда қалтираб ўтирган талабаларга «ўрناق» қилиб кўрсатишди.

Кўп йиллар давомида халқимиз ўтмишини қоралаш бўйича «мусобакалар» бўлди. Голиблар рағбатлантирилди. Адабиёт дарслиқларида ҳам бу «мусобака»нинг таъсири акс этди. IX-синф адабиёт дарслигида Ойбекнинг «Қултўғ қон» романидаги Абдишукур образи ҳақида шундай дейилади: «...Езувчи бу образ орқали буржуа интеллигенцияси — жадидаларнинг бойлар малайи эканини, 1916 йилги миллий озодлик кўзғолони

вактидаги халкка қарши ҳаракатларини равшан кўрсатган». Лекин ўша «бойлар малайи» бўлган Абдишукурнинг шундай фикрлари борки, ногўғри дейишга кишининг тили бормаёди. Масалан: у бир суҳбатда чоризм ҳақида шундай дейди: «...Мақкаий мукаррамани, Мадинаий мунавварани ҳам улар тўпга тутишдан тоймайдилар». Энди 30-йилларда кўплаб мадрасаю, мачитларнинг йўқ қилинганини эсга олинг! Мирза-каримбой ва унинг ўғиллари билан суҳбатда айтган мана бу сўзларига эътибор беринг: «Эски мактабларда болаларимизнинг умри зое бўлади. Янги мактаблар очиб, қуръони карим ва бошқа диний дарслар билан бирга, жўғрофия, тарих, ҳисоб каби илмларни ҳам таълим берайлик». Шундай фикрларни илгари сурган шахсни «бойлар малайи» дейиш тўғрими?

Хуллас, адабиёт ўқитувчиси таълим жараёнида дарсликка бўйсунмай кўйиши керак. Шундагина ўқитувчи ўз ўқувчисини дарслик «қули» бўлишдан асраб қолади. Шундагина ўқувчиларимиз бир ёклама эмас, тарихий ҳақиқатлар руҳида тарбияланган бўлишади.



## Баходир Каримов IV курс

Она тилининг софлиги, равнаки ва кадр-қиммати учун қайғуриш ҳар бир кишининг инсонлик бурчи ҳисобланади. Унинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, умуман, тил ҳодисаларини ўрганиш, уларнинг илмий қонуниятларини аниқлаш эса тилшунос олимлар зиммасига тушади. Бирок, улар ҳозиргача амалга оширган ишлар кўнгилдагидай эмас. Бугунги кунда талабаларга тавсия қилинган дарслик ва қўлланмаларнинг кўпчилигида тилдаги бир ҳодисанинг турлича назарий талқини — шахсий мулоҳазаларнинг устунлиги кўзга ташланади. Бундай ҳолат ўқитувчини ҳам, талабани ҳам қийнаб қўяди, энг хавфлиси — чалғитади. Дарсликларнинг назарий моҳиятига чуқурроқ киришдан ўзимизни тийиб, илмий термин ва тил ҳодисаларининг турлича таснифи мисолида фикримизни далиллашга ҳаракат қилайлик.

Тил фанидан сабоқ олган кишига маълумки, тилшуносликнинг лексикология бўлимида «термин» сўзи муайян бир соҳага оид тушунчанинг аниқ атамаси сифатида тавсифланади. «Термин» сўзи «чек», «чегара белгиси» каби лугавий маънони англатади. Тилда, илм-фанда атамаларнинг синонимлашуви, шева ёки лаҳжага хос белгиларнинг мавжуд бўлиши ижобий саналмайди. Таассуфки, айрим илмий мақолалардагина эмас, балки ўзбек тилига оид дарсликларда, ҳатто битта дарсликнинг ўзида ҳам кўпинча илмий-назарий аниқлик етишмайди. Масалан, «мавҳум от» тушунчаси «фикрий от», «абстракт от» атамалари билан, феълнинг икки бир категорияси ҳам «нисбат», ҳам «даража», майлининг айни бир кўриниши «дарак майли», «ижро майли», «хабар майли», «аниқлик майли» тарзида тўрт атама билан, равишнинг маъно жиҳатидан турларига оид «ҳолат» термини «тарз» термини билан аралаш қўлланганини ёки отлардаги форма ясаллиши ҳодисаси дарсликларда «отларда модал форма ясаллиши», «субъектив баҳо инфодаловчи формалар», «отларнинг функционал формалари» каби бир-биридан фарқланувчи сарлавҳалар остида берилганлигини кўрсатиш мумкин. Турли йилларда нашр қилинган асарларни кузатганда олимларимиз тилшунос, тилшунослик, сўз ясаллиши, бир маънолик, кўп маънолик, қўшимча, унумли ясовчи, унумсиз ясовчи каби миллий атамалар ўрнига кўпинча лингвист, лингвистика, дериватология, моносемия, полисемия, аффикс, регуляри аффикс, нерегуляри аффикс каби русча терминлардан фойдаланишганини кўрамыз.

Олий ўқув юртиларига мўлжалланган «Ўзбек тили грамматикаси» (I том, Морфология, Т, 1975) китобининг «Сўз ясаллиши» бўлимида ясовчи қўшимчалар сўз ясадаги махсулдорлигига қараб иккига — «унумли ва унумсиз аффикслар»га ажратилади. Бу терминлар мустақил сўз туркумларидаги сўз яса-


лигига нисбатан айнан қўйилганлиги рақибларимизнинг ҳаракатларидан аниқ рақибларимизнинг гувоҳи бўлишимизга қўшимча қўйишга қўшимча нисбатан «продуктив» ва «нопродуктив ясовчи» сифатидаги сўз ясаллишига «актив (махсулдор) аффикслар» ва «пассив (кам ясовчилар)» равиш сўз туркумига нисбатан унумли ва унумсиз аффикс» терминларни ташкил қилинган. Шунини унутмаслик керакки, терминлар қўллаш доirasининг агаралаб қўйилиши дарсликларнинг мукаммалроқ бўлишига жиддий аҳамият эҳтиёжидир.

Замон талабига мос дарслик дорилфунун талабалари учун зарур қадар унумли маъруза бўлиб қолмоқда. «Морфология» ва «Умуман олганда» софлигимиз йўқ. «Синтаксис» филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маъруф ўзининг «Тил макеи» ва «Тил макеи» («Ешли» 1989 йил) номли мақоласида таъйинлагани каби «...Тийиб 30-40-йиллардан яратилган дарслик асосида ўқитилади». Бу муаммоларни бундан ташқари, талабалар назарий қондаларни тутишдан ташқари, амалий ишлаб чиқаришга ҳам бир вақт бир вақт, сўз ёки товушни илмий таҳлил қилишда қўшимча аниқлик ва аниқлик келтиришда қийналинади.

Кейинги кўнунларда баъзи кўнунчак олимларимизнинг назарий асосларини рус тили назарий асосларига нисбатан баъзи ҳолларда таржима қилишга қўшимча қўшимча мажбуран қийинлаштирилиб, унумлироқ ва йўл қўйилаётганлигини таъкидлаш керак. Бу гапларнинг катор терминлардаги мантикий аниқлик орқалиги нисбатан мумкин. Қайтми даража ва тарз тили «озвратни» ва «Кўзатиш даража» «понуидительний» «лог» терминларининг нольойик таржимаси бўлса, «эргашган гап», «эргашган кўшма гап», «эргашган кўшма гап» «словоподчиненни» «предложение»га, «боғланган кўшма гап» «словоподчиненни» «предложение» атамаларига таклид эканлиги, ўзбекиона мантик бузилганлиги кўриниб турибди. Тилимиздаги гаплар ёки сўз бирикмаларига эмас, балки терминлар ҳам мантик ва грамматик қонун-қондаларга бўйсунган бўлиши шарт. Баъзи сакталик ва таклидлар бир томондан ўз олимларимизнинг эргашувчанлигига, иккинчи томондан ўзбек тилининг дастлабки тадқиқотчилари бўлган рус олимлари фаолиятига боғлиқдир. Менингча, туркий ва ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб, грамматик қурилиши жиҳатидан тубдан фарқланувчи икки тилининг назарий асослари бир-бирига шу қадар мос келиши мантикка зид.

Дарсликлараро давом этаётган назарий муаммолар баҳси ўқувчини ганийтиб қўяди. Агар талабанинг ўзи сергаб бўлмаса, тавсия қилинган адабиётлардаги чалкашликлар умуминига фарқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳозирча тил дарсларини маърузачи домласиз тасаввур қилиш қийин. Биз — талабалар учун ўқитувчининг хилма-хил илмий қарашларининг синтези бўлган маърузаси асосий йўналиш ва билим манбаи ҳисобланади. Албатта, унда ўқитувчи қайсибир муаллифни ёқлайди, қимнидир инкор этади, қимгадир қисман қўшилибди ёки умуман, китобда битилмаган янги фикрни айтди. Матбуотдаги давра суҳбатларининг бирида филология фанлари доктори, профессор А. Алиев: «...дарслик ва қўлланмалар яратишга мутахассис олимлар билан бирга тажрибали ўқитувчиларни ҳам жалб қилиш зарур», деган фикрни айтди. Ҳақиқатан ҳам дорилфунун учун қўлланма ва дарсликлар талабалар билан бевосита мулоқотда бўладиган малакали ўқитувчилар томонидан тузилиши максдад мувофиқдир.

Хуллас, ҳали бизда тилимиз билан боғлиқ муаммолар кўп. Уларнинг бир учи икки марта алифбомизнинг алмашганига бориб тақалса, иккинчи томони миллийлиқни миллатчилик тарзида тушунилган даврларга бориб боғланади. Ўзбек тилининг бугунги аҳволи тилчи-танқидчига истаганча материал бериши мумкин. Бирок танқиднинг мевалари кўзга ташланмаса, ундан фойда йўқ. Оддий бир мисол. «Орфография ва пунктуация қондалари» лойиҳаси юзасидан юзлаб мақолалар ёзилди, телевиденида кўрсатувлар, радиода эшиттиришлар уюштирилди. Лекин эътиборга лойик бирор амалий иш қилинмади. Шу жиҳати билан «Муштур»нинг «назари»га ҳам тушиди. Тўғриси, алифбони қайта кўриб чиқмай, олимларимиз зарурлигини исботлаб берган белгиларни қабул қилмай туриб, сўз, бўғин кўчириш, қўшимча қўйиш хусусида гап бўлиши гайритабиийдир. Гапирaversа гап кўп: биз давр талабига жавоб берадиган, атамалари ҳодиса моҳиятига мос келадиган, илмий ишланган дарсликлар яратилишига умидворимиз!..



## НИГОХ



Жумҳуриятимизнинг энг улкан маърифат масканларидан бири саналган Тошкент Давлат дорилфунуни бу йил ўзининг 70 йиллик муборак ёшини нишонлаш арафасида турибди. Бу давр мобайнида дорилфунунни битириб чиққан неча юз минглаб мутахассислар халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида қизғин фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Ушбу илм даргоҳининг номи на фақат иттифоқимизда, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир. Жумладан, Лотин Америкаси, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва бошқа кўпгина хорижий мамлакатларнинг илм толиблари шу даргоҳда таҳсил олмоқда.

Айни кунларда дорилфунунда қутлуғ санани муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик бормоқда. Шу муносабат билан сураткашимиз А. Жумаевнинг дорилфунун талабалари ҳаётидан олиб қайтган айрим фотолар ҳаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.



# Дорилфунди

Тошду  
70



НИГОХ

РАССОМ

# КИЗЛАРИ

# ЎШАНК



Азиз Саид



1961 йил Навоий вилоятининг Қизилтепа ноҳиясида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини битирган. «Чилтор» шеърлар тўпламининг муаллифи. СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

## Шашмақом

1

Ғамранг кўлда қоғоз қайиқча,  
Эшкаги йўқ ёз саёҳатчи.  
Саробранг кун ичар соҳилда  
Сўнги умид шўр ҳамда аччиқ.

Суруви йўқ кекса чўпон — йўл  
Гулхан ёқар изларни йиғиб.  
Қуриган вақт пўстлоғин тирнаб  
Шамол ёзар: тош ҳамда йиғи.

Соҳиби йўқ сандиқ эса қулф,  
Тақиллатар кимдир ичидан.  
Осмон ҳам йўқ, ер ҳам йўқ энди,  
Хатто кўлнинг суви ичилган.

2

Ҳамёнини очар сахий тун,  
Бозор эса гунг ва кимсасиз.  
қалдирғочнинг уяси — юрак.

Қирриқ сарроф — шамол уйғониб  
Савдосини бошлайди сассиз.  
бойўғлининг ўғли — ваҳима.

Билакузук ва най дўконда  
Бозингардан гаровга қолган.  
ярқиллаган қиличми, қинми?

## Саёр тортиган Қамалак

Демак қадим базми жамшидда  
Ҳамма нарса бошма-бош бўлган.  
балиқларнинг осмони нима?

Сарроф энди бирга ўн қўшиб  
Алмашмоқда савобга гуноҳ.  
калтакесак сайради — булбул.

Тарозини мумлаганини  
Билмади тун, йўқ бирор гувоҳ.  
қалдирғочнинг уяси — илон,  
калтакесак сайради яна.



3

Сув қайнади, сўнгра тугади,  
Қумғон эса увилламоқда.  
Қудуқ бунча бўлмаса чуқур.

Соҳибфурсат лалиси бўм-бўш,  
Макрғиёҳ томизар шарбат.  
Кўршапалак бунчалар учқур.

Дастурхонни очади осмон,  
Мусичанинг қаноти ва ел.  
Жарликларнинг тиши қамашур.

Ер остида қурт ва қумурсқа  
Гул томирин тўғраб беради.  
Тулпор қайтар кўзлари сўқир.

Ўғир эса донга тўлади,  
Тош кулади: элакка насиб.  
Ҳаққуш яна оловни чўқир.



4

— Зинаси йўқ нарвондан  
Қайга чиқиб кетяпсан?

— Жим,  
жим,  
жим.

— Фалакда ҳеч ким йўқми,  
Нега қайтиб тушяпсан?

— Жим,  
жим,  
жим.

5

Сир ғорига қўйилган тош — ой  
сурилганга ўхшайди.  
Ялтир-юлтир юлдузми, изми,  
кирилганга ўхшайди.  
Тун кўйлаги йиртиқ, қароқчи  
тирилганга ўхшайди.  
Сабр тортган қора камалак  
узилганга ўхшайди.  
Уфқда қон, қатлми ё зиёфат  
тузилганга ўхшайди.  
Муз ўпмоқда кўзимизни, йўл  
бурилганга ўхшайди.

6

Ҳ-э-э-э, чўлпи тўқиб жийдадан  
Тун қозонин қовладим.  
Чақмоқ чақиб қайтадан  
Қанотимни тобладим.  
Кўзида ранг қайнатган  
Мусаввирни чорладим:  
Чорчўпи йўқ мато бу  
четига нур тақилган,  
ўртасига гул билан  
қоп-қора миҳ қоқилган.  
Ҳ-э-э-э, гардиши йўқ дойрани  
Чалдим, дилим қабарди.  
Дор устида адашдим  
Тошга уриб табарди.  
Жон қушини чақирдим,  
Айтди кулиб хабарди:  
меҳмони йўқ супа бу  
тўртта шами ёқилган,  
тақсимчада жуфт мева  
данаклари чақилган...



## Зоҳир Аваз

1967 йили Хоразм вилоятининг Гурлан районида туғилган. 1989 йилда Тошкент фармацевтика институтини тугаллаган.



Тол...

Оддий тол эмас,  
Остонада ётган болтани  
Етимлигидан буён  
Кузатиб келаётган тол.  
Унинг жавлон ургиси,  
Юлдузларга япроқ сургиси  
Келади гоҳо.  
Илдизлари эса тупроқни  
Парчалайди, аммо тол толар,  
Юлдузга ҳам етолмас, лекин  
Япроқлари болтани кўмиб  
Ғамларини унутар бир дам.

Қайдан билсин тонг лаззатини  
Уни уйқу билан қаршилаган дил  
Унга балки тушлар кифоя,  
Ғам-андух, ҳақорат — бариси бир гўр,  
Худди ҳушдагининг такрори каби...

## Ғақат мен эмас

Хаёл ҳукмрон эмас,  
Соҳир эмас юрак  
Истаган нарсани бунёд этгувчи.  
Беш бармоқ тенг эмас,  
Кўнгиллар гулмас —  
Барчага латофат тухфа қилгувчи.  
Биргина мен эмас,  
Биргина менмас —  
Бахтларнинг изидан қувлаб юргувчи.  
Ғоҳида аламдан чекиб азият,  
Ажиб истиқболдан умид қилгувчи  
Ғақат мен эмас...

## Гирдоб

Худди сувда юзишгандек  
Қумда сузиб боришяпти  
Қайиқ тўла одамлар.  
Худди қайиқ чўккан каби  
Манзилни кўришмас ҳеч  
Қанча тикилсалар ҳам...

Муҳаммад Вали



## Яна иншо ҳақида

Мана, талабалikka даъвогарлар учун ҳақиқий маънода ҳам, кўча маънода ҳам қайноқ ой ҳисобланмиш саратон (июль) тобора яқинлашмоқда. Эҳтимол, фарзандининг талаба бўлиши йўлида унча-мунча нарсдан тап тортмайдиган ота-оналар аллақачон маълум кишилар билан «олди-бердини» бошлаб ҳам юборишгандир. Эҳтимол, ўз орзуларига етишни учун студент бўлишни аниқ мақсад қилган йигит-қизлар аллақачон ғайрат билан имтиҳонларга тайёрланишаётгандир. Бу бизнинг бир тахминимиз, холос. Эҳтимолки, абитуриентлик порохини (порох ҳидини туймаган солдатдек!) туймаган 11-синф ўқувчилари романтик хаёллар қанотида ҳозирча парвоз қилишаётгандир. Аммо бир марта абитуриент бўлиб оғзи куйганлар ҳозирданоқ ўша қайноқ ва ташвишли кунлар дардида яшашмоқда. Буну ушбу мақоланинг ёзилишига туртки бўлган, эътиборингизга ҳавола этилаётган куйидаги мактуб ҳам тасдиқлайди. Мактуб муаллифи Дилфуза Рўзиева Сурхондарё вилоятининг Ангор ноҳиясидаги «Толлимаржон» совхозида яшайди. Ҳам Дилфузанинг истагини инobatга олиб, ҳам мақола мавзусига бевоcита дахлдор бўлгани учун мактубни тўлалигича ва асл ҳолида (яъни хатолари билан) келтирамиз:

«Ҳурматли редакция.

Менинг сизларга хат ёзишдан мақсадим шунки, мен 1989 йил 6 июль куни М. Т. Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтининг филология факультетининг она тили ва адабиёт бўлимига ҳужжатларимни топширдим. 18 июль куни она тили ва адабиёт фани бўйича иншо ёздик. Иншо А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести асосида эди. Мен ёзган иншодан «4» баҳо оlishимга ишонар эдим. Лекин менга «2» баҳо қўйишди. Мен иншодан олган баҳомдан норози бўлиб, 22 июль куни ректор номига ариза ёзиб, иншомни кўрсатишларини талаб қилдим. Уша куну иншомни кўрдим, ўқидим 3 та хатоси бор экан. Ўқитувчилар жуда кўп сўзларнинг тағига қизиб ташлаган ва стилистик хато ҳисоблашган. М: Қаландаровда куч-ғайрат кўп. Фақат унга коммунистик онглилик етишмайди. Ёки, А. Қаҳҳорнинг айниқса, «Кўйшнор чироклари», «Оғриқ тишлар», «Шоҳи сўзана» каби йирик асарларини китобхоналар севиб ўқишади. Айтинг-чи, мана шу

тузилган жумлалар стилистик хато ҳисобланадими. Ана шундай қилиб иншони қип-қизил қилиб ташлаган. Умуман, улар иншони нотўғри баҳоладилар. Баъзи кишилар пул бўлмаса институтларга кириш қийин дейишар эди, лекин мен ишонмасдим. Энди эса бунга ўзим ишонч ҳосил қилдим. Мен шунчалар ишонч ҳосил қилдимки, бепул ҳатто техникумга ҳам кириб бўлмайди. Ахир бунақа воқеалар қачонгача давом этади. Наҳотки билимли ўқувчилар ўз орзуларига эриша олмаса. Бизга ўхшаган оддий ўқитувчининг болалари фалон сўм пулни қаредан олади?! Тўғри газета ва журналларда, телевизорларда ўқувчилар қабул қиламиз, уларга бундай имтиёзлар яратилди, институтларга, техникумларга, университетларга фақат билимли кишилар саралаб олинади деб кўп гапиришади, лекин аслида, ҳаётда эса пули борлар саралаб олинади. Мен бу билан ҳамма пул билан ўқишга киради демоқчи эмасман. Мен бир билим билан кирадиганлар 100 тадан 1 та ёки кўп бўлса 2—3 тани ташкил қилади деб ўйлайман.

Мен мана бу йил институтга кира олмайман, кўриниб турибдики минг тайёрман ҳам келаётган йил ҳам институтга кира олмайман. Чунки келаётган йил ҳам ўша фалон сўм пулни мен топа олмайман. Энди ишлаб пул топиб келаётган йил техникумга бормоқчиман. Аслида мен она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлишни жуда-жуда хоҳлаган эдим. Мен ана шу орзумга етиша олмайман, сабаби чўнтак қуруқ.

Ҳурматли «Ешлук» редакциясининг ижодий ходимлари, сизлардан илтимос, менга маслаҳат беришлар. Ўз орзумга эришни учун нима қилай. Янада қаттиқроқ тайёрланам, яна шу факультетга бормам йўқилиб яна 1 йил қолма кетаман. Сизлардан илтимос, хатини журналнингизда чоп эттиринг. Ҳозирги пайтда бундай воқеалар жуда кўплаб учраб турибди».

Кўриниб турибдики, мактубда анчагина хато мавжуд. Устига-устак, хусниҳат даражаси ҳам жуда паст. Менинча, Дилфуза бу аҳволга жиддий эътибор бериши лозим. Бўлмаса, ўша фалон сўмсиз иши битмайди.

Энди Дилфуза ёзиб юборган 3 та жумлага келсак, уларнинг кейинги икkitасида ҳақиқатан ҳам ғализлик бор. «Фақат», «айниқса» сўзлари ўз ўрнида

ишлатилмаган. «Унга» сўзи «унда» шаклида бўлса мантқан тўғри бўлади. Хуллас, хатоларнинг салмоғи анчагина. Бунда Дилфузанинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам теппа-тенг айблари бор, десак бўлади. Лекин умидсизликка тушмаслик керак. Бу хатоларнинг ҳаммасини меҳнат билан йўқотса бўлади. Муҳими, иштиёқ ва ирода бўлса бас! Дилфузанинг мактубини тўлиқ келтиришимизнинг бошқа боиси ҳам бор. Ундаги аламзадаликни, тақдирга тан беришнинг нишонларини сезган бўлсангиз керак. Бу аҳволни фақат унга нисбат бериш соддалик бўлурди.

Умуман, мактабда яхши ўқиган, келажакда яхши мутахассис бўлиши мумкин бўлган ўқувчиларнинг ўз орзулари йўлида сабот билан, бироқ натижасиз уринишлари ва охир-оқибат ҳақиқатга ишончни йўқотиб, йўл силтаб кетишлари, ўзларини ҳаёт оқимига ташлаб қўйишлари мени кўп ўйлантиради. Яхшига кун йўқ, деган гапнинг маъноси тобора чуқурлашиб бораётгани яққолроқ сезилмоқда. Ҳозир одамлар шуну тушуниб қолишдики, студент бўлиш учун фақат зўр бўлиш керак: ё калла, ё чўнтак, ё таниш-билиш ёки имтиёз. Шўнинг учун ҳам ҳозирги студентлар билим ва дунёқараш жиҳатидан деярли икки гурппага ажралиб қолишган, улар орасидаги тафовут ниҳоятда сезиларли.

Биларимиз тақдирда яна бир қалтис воқият ҳукм сурмоқда. Наҳотки, Дилфуза ва бошқа минглаб Дилфузалар ҳаққимиз онгидаги сокинликни бузувчи эмас, балки сақловчи, давом эттирувчи кишилар бўлиб қолавериниша?! Кўнглини шубҳа ўртади. Қанақа муаммолар хусусида ўйламанг, барибир, ҳамма йўллар Римга олиб боради деган машҳур атамага ўхшаб, фикрингиз битта оғриқли нуқтага келиб тақалаверади. Уша битта оғриқли нуқта таъсирда бутун тана оғриқдан қақшамоқда. Оғриқ нуқтасини тузатиш қийин. Лекин тузатмаса бўлмайди. Тузатиш керак. Дардни даволашнинг минг хил йўли бор, аммо биттаси ҳал қилувчи бўлади, дейишади. Ўзбек халқи онгидаги турғунлик унинг учун энг оғир касаллик. Бу касалликнинг даволашнинг узоққа чўзиладиган, бироқ ҳал қилувчи ягона воситаси мавжуд: келинлар, жилла қурса ўқувчининг эркин фикр юритишига йўл очайлик. У кўпроқ иншо ёзсин. Иншода ўзини ёзсин. Ўқувчи ўз-ўзини тарбиялаши керак, у бунга қодир. Ҳақиқий тарбиячилар етиштириш, ҳақиқий дарсликлар яратиш оғир кечаётган ҳозирги ҳаёт тарзимизда бундан бошқа чора йўқ. Ирмоқлар ўзига йўл топиб дарё ҳосил қилади. Фақат ирмоқларнинг йўли тўсилмаса бас. Турғунликдаги онги даволадан кўра болаликдан эркин онени тарбиялаш осонроқ кечади. Лекин бу ниятни амалга ошириш учун тўсиқ бўладиган ўта

салбий ҳолат мавжудки, уни йўқотиш осон кечмайди. Ҳақиқий иншо ёзишга монелик қиладиган ушбу салбий ҳолат тўғрисида гапириш учун вақт етди деб ўйлайман. Зеро, унда минглаб Дилфузаларнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам айблари йўқ... Бизнинг олдимизда айни кунларда ҳал қилиниши зарур бўлган, яъни халқ тафаккурининг ривожланишига тушов бўлиб турган иншога боғлиқ иккита муаммо турибди: бевосита иншо теварагидаги ҳамада иншо орқали ўқишга кириш масалалари. Келинг, мана шу масалалар хусусида фикрлашиб кўрайлик.

Маълумки, ижодий эркинлик истеъдодли қалам соҳибларининг ўз иқтидорини рўй-рост намоён этиш гаровидир. Талант қанчалик кучли бўлмасин, агар маълум қолипга солинса, тайёр қодаларга мувофиқ иш тутса пировард натижада таназзулга юз тутади. Бунга узокқа бормасдан социалистик реализм деб аталмиш метод асосида ижод қилган ёзувчиларнинг қисматларини мисол келтириш мумкин. Арқонни узун ташлаб, гапни айлантираётганимизнинг сабаби бор, албатта. Иншо ҳам ижод. Иншо — кўнгли изҳори. Яъни унда ўқувчининг мавзуга шахсий муносабати акс этмаса бўлмайди. Бир сўз билан айтаганда, иншо тафаккур ифодасидир. Кўнгли нозик нарса. Кўнглига буюриб бўлмайди. У яхши маслаҳатни ҳам хоҳласа қабул қилади, хоҳламанса йўқ. Муносабат эса одилликни ҳис қилгандагина, агар суяга қотиб улгурмаган бўлса, ўзига хавф таҳдид солмаётганини сезгандагина бутунлай ўзини ошкор қилади. Кўнгли ҳам, муносабат ҳам, ижод ҳам тафаккурга боғлиқ ҳодисадир.

Юқоридаги ҳолларнинг акси юз берса улар ҳали гунчалигидаёқ хазон бўлишади. Демак, тафаккур ўтмаслашиб, емирилади. Жумҳуриятимиз мактаб ўқувчилари онгида худди шундай салбий жараён бошланганидан буён узок муҳдат ўтди ва ҳозир бу жараён оммавий тус олиб, кейинчалик ўнлаганса оқибатлар юзага келтирадиган даражада хавф тугдирмоқда. Чунки ҳақиқий иншо ёзадиган ўқувчилар 3—4 фоизнигина ташкил этади десам, унданлар хато қилмаган бўламан. Сабаби биз шу вақтгача ўқувчиларга иншо ёзиш қандай ҳодиса эканлиги хусусида эмас, балки иншо қандай ёзиши кераклиги тўғрисида маълумот бериб келдик. Ва бу афсуски, ҳозирда ҳам давом этмоқда. Бизда ўқувчининг иншо ёзиши, яъни эркин ижод қилиши маълум қолипга солиб қўйилган. Қолиплар эса жуда мустаҳкам. Бу соҳадаги ишимизни сифатида ҳатто японияликлар ҳам тан беришса керак, деб баъзан ўйлаб қоламан. Ўқувчилар алмисоқдан қолган, эҳтимолики, атайлабдан тузилган схемаларга асосан, шу схемалар доирасида фикрлашга мажбурдир. Мажбурий равишда, доимо қатъият билан сингдирилган ушбу схема асосида фикрловчи ўқувчилар айни дамда ўзбек халқи ўзасини

Ўзбек халқини босди, ўзига бўйсундирди. Хур-

фикрлиликнинг илдизи деярли қирқиб бўлинди. Тўғри, ҳозир хоҳлаган мактабга бориб истаганингизча аълочи ўқувчиларни топишингиз мумкин. Аълочи ўқувчи ким? Уни нима учун аълочи дейишади? Аълочи ўқувчи темани яхши эслаб қолади ёки ёддан айтади. Хотираси мустаҳкам, шу, холос. Ундан ортиқча нарса талаб қилиб бўлмайди. Зеро, у бунга қодир ҳам эмас.

Кўпчилик зиёлилар ҳозир халқимизнинг оғир қарвонлигидан зорланишмоқда, уни саводсизликда айблашмоқда. Саводсизликка газета-журналларда халқ дарди ифодаланган мақолаларни ўқимасликини, иқтисодий қашшоқликни рўқач қилишмоқда. Инкор этмайман, бу фикрларда ҳам ҳақиқат излари мавжуд. Бироқ уларни асосий сабаб сифатида кўрсатиш қийин. Бунинг боиси шундаки, ўқувчининг қорни қанчалик тўқ бўлмасин, ўқитувчи нимани ўргатади шуни бажаради. Ўқувчи ниблага ўқийди. Халқнинг келажуга қандай бўлиши шу ниҳолларни ўқиб тортганидан ва натижалар воситасида ўстиришга боғлиқ. Ўқувчининг учун мен ҳамма сабаб мактабда, ўқувчи фантазиясини, ижодий тафаккурини ривожлантиришда муҳим омил бўлган иншо ёзиш жараёнини рамкага солинганлигида деб айтман. Бизда иншо темаларини дақққонусдан қолган уч гуруппага ажратиб тартиби, дақққонусдан қолган иншо планни тузиш ва ёзиш каби қондалар амалда. Ўқувчилар шу кўрсатма ва қондалар асосида яшашга ва ишлашга ўргатилади. Камдан-кам ўқувчиларгагина қондалар қобигини ёриб чиқиш насиб этмоқда. Халқ шуурини тизинлашнинг ақл етмас, кўз илғамас, умуман, хаёлга келмайдиган усуллардан бири эмасмикан бу! Менинча, шундай дейиш учун етарли асос бор. Билибми, билмайми қилинган бу ишнинг натижаси ўта аянчли. Ўқувчилар у ёқда турсин, деярли 90 фоиз ўқитувчилар ҳам иншо билан баённинг фарқига боришмайди. Яънида Маъруф исми ёзишга ўқитувчининг менга қуйидаги воқеани айтиб берди. Айтишича, «иншолик» қандайдир баъли ўқитувчилардан иншо билан баённинг фарқини сўраган. Устозлар эса «баён темани ўқиб, эсда қолганини ёзиш, иншо...» деганларича бошларини қайиш, тўхтаб қолмишди. Кейин йигитнинг ўқувчилардан қандай иншо олиши мактаб илмий мудури раҳбарлигида муҳокама қилинибди. У ичи гапга тўлиб тургани сезилса-да, қолган воқеаларни айтишни истамади. Узининг тасдиқлашича, ифвогар номини олишдан чўчиди. Ҳа, ниҳоятда аянчли воқеа. Бундай ҳодисалар онда-сонда содир бўлишига ҳеч ким кафолат беролмайди. Кўпинча эса бундай шармандали ҳолатларга арзimas нарса деб қарашиди. Биз арзimas нарса деб қараган боғча ва мактабдаги таълим-тарбиянинг ёмонлиги, ижтимоий фанларни ўқитишда эски андозаларга амал қилиниши, айниқса, иншоини махсус темаларга ажратиш, махсус планлар тузиш, иншо муҳими, бу ишни ўқувчилардан талаб қилиш, уларни шундай қилишга қодатлантириш халқимизнинг бошқа жум-

ҳурият халқлари каби қайта қуриш ва демократия талабларидан эркин фойдаланишига монелик қилмаяптими? Бу ҳолага ҳозир эътибор бермасак, кейинчалик, кескин қилиб айтганда, бутун бир авлоднинг манқуртлашувига олиб келмасмикин? Болтиқбўйи халқларининг барча ютуқларининг илдизи биз арзimas нарса деб қараётган ишларга аввалдан жиддий эътибор бериб, аҳволни яхшилаб олишганида эмасми? Таасуфки, бу саволларга «шундай», «бўлиши мумкин» дея жавоб беришдан ўзга чорамиз йўқ. Буни ҳаёт кўрсатмоқда. М. Шолохов инсон ҳаёт қонунларига бўйинтоблик қилолмайди, деданда тўла ҳақ эди. Эсимиз борида этагимизни йиғиштириб олишимиз керакка ўқийди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб мен қуйидаги хулосаларни таклиф қиламан.

1. Иншо темаларининг уч гуруппага ажратилиши мантиққа тўғри келмайди. Ўқитувчи ҳар қандай иншода эркин фикрлаши лозим. Ҳозирги ҳолатда эса у эркин фикрлашни фақат эркин темага хос деб тушунади.

2. Иншо планни тузишнинг амалдаги асоси тарбиявий ва маънавий жиҳатдан ўзини оқламайди. У шаклланаётган тафаккурни маълум қолиплар асосида иш юритишга кўнктириб қўяди. Ўқувчи иншо планини хоҳлаган тарзда тузиши ва умуман, планли иншо ёзиш ёки ёзмалиги ихтирий бўлиши лозим.

3. Ҳаммага маълум фикрлар асосида ёзилган, теманинг баёни бўлган, шахсий муносабат сезилмаган иншолар баҳрланмаслигига ўқувчиларни кўнктирайлик. Токи ўқувчилар онгидаги фақат хулосада ўз фикрини ёзиш мумкин деган қотиб қолган тасаввурлар бутунлай йўқолсин.

4. Иншо аввало, тафаккурнинг темага мувофиқ тарзда ифодаланишига, сўнгги саводчилигига қараб баҳоланиши шарт (ҳозиргидек теманинг қанчалик тўлиқ баён этилганига қараб эмас!) Зеро, темага муносабат тафаккурда пишиб етилса, қоғозга ҳам пишиқ ҳолатда тушади, хато кам бўлади. Бу илмда алакачон исботланган.


5. Ҳозир ондаги турғунликнинг таъсири шу даражада сезилмоқдаки, энди ўқувчилар иншодан кўра баён ёзишни маъқул кўришмоқда. Шу боис, бошланғич синфларни мустасно қилганда, дарс планларидан баён ёзиш соатларини чиқариш пайти келди.

Ҳозирча эса пул воситасида ўқишга кириш қачонгача давом этиши хусусидаги Дилфузанинг сўрови ҳали минглаб марта такрорланади. Ва номаълум вақтгача уларга жавобан сукут сақлаб, елка қисичига тўғри келади. Ҳозирча умидсизлик тўғрисида давом этади. Бироқ «умидсизликда ҳам умид қилиш қобилиятига эга бўлган кишиларгина бошқаларга нисбатан юлдузларга яқин турадилар». Мен умид қиламан, қачондир бу иллатлар йўқолади. Қачонки, унда ҳамма ўқувчилар ҳақиқий иншо ёзишни ўрганган бўлишади.

Оймомо Обидова



Қирғизистон ССРнинг Уш шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетини тамомлаб айна пайтда «Совет Ўзбекистони» журнали редакциясида ишламоқда.



Энди юрак ютиб талпинмоқ мумкин. Мумкин оғиз жуфтлаб ненидир сўраш. Энди жон ҳовучлаб яшамоқ гуноҳ, Асло мумкин эмас ўлмоқ бекураш.

Шамоллар ҳам келади қайтиб, Сим-сим эзиб, ҳазин ингратар Рухиятим кўҳна дард найини. Мен хўрсиниб қараб қоламан оғир ҳислар талвасасида. Қисқа умрим, келажигим арафасида — ночор ичиб ўн тўққиз йиллик ўтмиш майини. Жилла қурса қор билан, баҳор учун ёки бағри минг тилим ташна ер учун,


Ташлаб кетди тушим. Кеча  
Зулмат йириб қабоғин  
Дарчамдан им қоқиб кирар  
Бедор ётган кулбамга.  
Илон каби ўйнатиб  
Қўлидаги тароғин,  
Деворда акс — сочим ўриб,  
Осилади елкамга.  
Даричамдан мўралар нур,  
Кўзгуга айланар ром.  
Пардаларга осилиб  
Кичраяр тун бўёғи.  
Қув нигоҳдан сизиб тушар  
Сукут — оний интиқом.  
Юлдузларга боқар маҳтал  
Ярим ойнинг ўроғи.  
Ромга манглай тирайди тун,  
Вужудин ёрар титроқ.  
Қабоғида тутиб турган  
Ой сирлари сўкилар.  
Биллурсадаф — само жоми —  
Ёғдулар минг чироқ.  
Азоб тўла ҳовучимга  
Соғинчим дув тўкилар...

Туз ва тупроқ тўлди кўзимга,  
Севинч чақирмай қўйди.  
Тақиллатмай қўйди эшикни  
кучли ул қўллар,  
Ёмғирни соғинди сарғайган боғим...

Не қилай,  
Оппоқ хаёлдан туғилган бўлсам —  
самога учгим келса,  
Заминга михланиб турса оёғим,  
не қилай?

Гул эдим-ку, гул,  
лабларимдан ўпич олганда булбул,  
Мени эрк билмасди,  
кўзга илмасди...  
Узилди бир ғунча —  
азоби шунча...  
Бу қайғулар қайдан?  
Билмадим, қайдам...

Тўлқин Шодмон




Шамол ўтса, қайтиши тайин.  
Бу тезоб ҳаётдан мен ўтсам агар,  
Қайтоламанми?..  
Жилла қурса, бирорта дилга  
ҳазин ва оғир  
Шамол олиб келган ёмғир остида,  
қизғалдоқзор том пештоқида  
бир қушча каби  
Қайтоламанми?..

Кўп нарсани кўрдим бу  
алмисоқдан қолган дунёда.  
Ҳали улгуролмаганларим  
пистирмада турган бўридай  
кутиб ётишипти олдинда.  
Тасодифий ҳамлалардан  
зададил оҳу  
кетаётир юрагин ушлаб.



Баҳорнинг қўшиғи — майсазор саси,  
Саратон аъмоли манглайдаги тер.  
Куз — йўлингни кўмган хазон галаси,  
Қиш — оппоқ ҳайратга банди бўлган ер.

1968 йил Сурхондарё вилоятининг Денов ноҳиясида туғилган. Урта Осие педиатрия тиббиёти институти III-курс талабаси. Шеърлари «Ешлик»да илк бор эълон қилинаётир.



# «ГАР ТИЛАР БЎЛСАНГ МУРОД»

Нимагадир Заҳириддин Муҳаммад Вобурнинг бир байти ўқтин-ўқтин хаёлимда такрорланаверади:

**Ғафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод.  
Ким етар мақсадга: ҳар ким — бўлса у бедорроқ.**

Шу байтни баланд овоз билан айтгим келади. Мен айтсам, ҳамма дўстларим жўр бўлса, кейин бутун тенгдошларимиз, ундан кейин эса бизнинг ортимиздан келаётган барча укаларимиз биз билан бирга такрорласа.

Бизнинг овозимиз касалманд Оролнинг, нимжонлашаётган ака-укалар — Сайхун ва Жайхуннинг қулоғига етиб борса, шодлигидан кўз ёшини тўкиб, кўз ёшлари билан ўзларини тўлдирармиди?! Янгиқўдон кимё заводининг қулоғига етиб борса, темирга инсоф бериб, водий аҳлига заҳар улашаётган оғули томирларига ўз қўли билан тиг тортармиди?! Балки... Ҳа, барибир инсонмиз — келажақ йилларнинг қадамларига яхши умид билан кўз тутгимиз келади...

Бизнинг тенгдошларимиз, комсомол сафида турган ёшларнинг орасида энг «ёши улуғ»лари бўлса керак. Рисоладагидек ўн тўрт ёшимизда комсомол сафига кирган бўлсак, ўн тўрт йилдан бери шу сафдамиз — рисоладагидек аъзолик бадалини тўлаб юрибмиз. Шу ўн тўрт йил ичида ўзимиздан катталар босиб ўтган изга содиқлигимизча қолдик. Очиғини айтганда, эгаллашимиз зарур бўлган катта ва чинакам билимни халқимизнинг ўтмишини, маданиятини, дунёда тенгсиз Шарқ фалсафасини ва адабиётини етарли даражада ўргана олмадик. Кўр-кўрона ғарб маданиятига эргашдик, билиб-билмай тақдир қилдик. Ажнабийча кийимлар, ажнабий ёрлиқлар билан ўзимизни маданиятли ҳис қилдик. Чинакам маданият ўзимизнинг кўҳна Шарқимизда ҳам бўлганини ҳис эта олмадик. Утмишини эса фақат сўкиш билан эсладик. «Билимсиз ва қашшоқ эдик» деган девордан нарига ўтишга қўрбимиз ва имкониятимиз етмади. Бу ҳақда ўйлашга вақтимиз ҳам етмади, шекилли. Чунки аксариятимизда эътиқод дейишга аргизулик эътиқодимиз йўқ эди. Лекин бу учун бизнинг тенгдошларни айблаш ўринсиз бўлар. Шунинг учунки, биз ўзимиздан катталар босиб ўтган йўлга содиқлигимизча қолдик. Яна бунинг бирқанча жуда катта ташқи сабаблари борки, уларни имконимиз даражасида таҳлил этишга уриниб кўрайлик.

Менимча, комсомоллик йиллари инсон маънавиятига пойдевор ясайди. Бизнинг бутун умрлик маънавий оламимиз шу пойдеворнинг устига қурилади. Кейинги чорак асрни биздан ёши улуғ, ақли улуғ кишилар «турғунлик даври», деб атамоқдалар. Маънавий ва моддий инқирозлар даври, деб атамоқдалар. Бизнинг олтин болалигимиз, ўқувчилигимиз ва ўсмирлигимиз ана шу қоронғу йилларнинг қўлмақ ҳовузига ташлаб юборилди. Гўё Абдулла Орифнинг «Тилла балиқча» шеъри бизнинг ўсмирлигимизга бағишлаб ёзилгандай:

**Тухумдан чиқдию келтириб уни  
Шу лойча ҳовузга томон отдилар.  
Ташландиқ ушоқ еб ўтади кунни,  
Хору хас, хазонлар устин ёпдилар.  
Дунёда кўргани шу тор ҳовузча,  
Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.  
Менга алам қилар: тилла балиқча  
Бир қўлмақ ҳовуз деб билар дунёни...**

Бошланғич мактаб ёшиданоқ кузнинг икки-уч ойини ғўза билан ёнма-ён ўтказишга одатландик. Биз — ёш болаларнинг туманда, қирова ва ниҳоят, қорда пахта териб, кўрак узиб

юришимиз ҳеч кимни даҳшатга солмай қўйган эди. Заҳ ва заҳарга тўла пахтазорда ялангоёқ ва юпун, эрмакка чигит чайнаб, тушликка нон-чой ичиб юришимиз ҳеч кимни ҳайратга солмагандек, катталар ҳам ягона ҳоқими мутлақ — пахтанинг орқасидан нимаики жабр кўрса, чидашга одатланиб қолган эдилар. Чидашдан бўлак иложлари ҳам йўқ эди, шекилли. Чунки барча омиллар зўр бериб сабрдан бошқа йўлларни беркитиб ташлашга қаратилган ва йиллар оша шу мақсадга эришилган эди. Лекин барибир турғунлик йилларининг калтаги жисмонан ва ақлан бирмунча қомирроқ катта ёшларга нисбатан, кўпроқ болаларнинг бошида синди, десак, янглишмасак керак.

Ўйлаб кўрсак, биз комсомоллик йилларида анча нарсани «қойиллатиб» ташлаган эканмиз. Шу қойиллатиш эвазига тенгдошларимизнинг анчаси аллақачон сарик, ревматизм, ангина, ошқозон-ичак касалликлари юзасидан катта «стаж»га эга. Уларнинг бу «қаҳрамонлиги»ни энди ҳеч ким орден ёки катта пул мукофоти билан тақдирламайди. Чунки орден ва пуллари уларнинг болалиғи ва ўсмирлигини мажруҳ этган хоин «амакилари» аллақачон жойлаб бўлишган.

Бизнингча: «қайта қуриш Октябрь инқилобининг давомидир» деб баҳолаётганлари бежиз эмас. Чунки элнинг кўзини туман сингари қоплаб ётган парда чок-чокидан йиртилмоқда. Ҳаммамиз баҳоли қудрат жаҳиятимизнинг дардларини англаб этишга уринмоқдамиз, чинакам ҳақиқатлар юзага чиқмоқда.

Шу ёруғ кунларнинг комсомоллари бўлган тенгқурлар ва укаларнинг маънавий оламига кўз ташлагинг келади. Улар бу кунларнинг кадрини, моҳиятини тўғри ҳис этмоқдаларми? Ёки аксинча, биздан кўп томонлама ўзиб кетган жаҳон ёшларининг фақат салбий томонларини қувиб етиш пайида эмасмилар? Оталар, акалар, огоҳ бўлинг: ёнингизда юртнинг эртанги кунини ҳал этувчи ўсмир улғаймоқда!

Ўсмир, огоҳ бўл: сен жаҳоннинг келажагисан! Бутун Ватан бўйлаб қутлуғ иш бошланмоқда. Сен ҳам онгингдаги пучак хаёлларни қайта қуришга уриниб кўр. Чунки энди сен соғлом ва сергак қон бўлиб жаҳиятнинг томирларига янги ҳаёт бағишлашга масъулсан. Ўзингни англаб ет: сен кимсан? Халқининг тарихини биласанми? Аввало, ичи тоза, эътиқоди бутун одам бўла оласанми? Тамаки ёки ароқнинг жодугар тузоғига илиниб қолмадингми? Мақсаднинг фақат олифта кийимлару учар матолар эмасми? Гижинглаган машиналар илинжида кечаю кундуз осонроқ пулдор бўлишни ўйлаётганинг йўқми? Ажнабий ёрлиқлардан, олди-қочди ва беҳаё видеолардан кўнгил узиб, маърифат сари қадам босишга ироданг етадими? Сен илмга интилсанг ва ҳақиқатни англаб етсангинга, қайта қуриш амалга ошади. Бизнинг ҳаётимизни яхшилаб бериш учун осмондан фаришталар тушмайдилар. Бировнинг томорқасидаги сассиқ алафларни биров тозалаб бермайди: уларни дунёвий илм ва ақл билан ўзимиз қуритишимиз керак. Биз бунинг учун илмга интилишимиз, турғунлик йиллари «совға» қилган лоҳасликдан, ғафлатдан қутулишимиз шарт. Биз илмга етмасак, келажақ кунларимизнинг ёруғ бўлишига, фаровонлигимизнинг ортишига, ҳавонинг заҳарланмаслигига, ернинг яроқсизланмаслигига, Оролнинг, Жайхун ва Сайхуннинг ўлмаслигига ва бошқа фожиалардан омон қолишимизга ҳеч ким қафолат беролмайди...

Шухрат НЕЪМАТ



## «Аёллар жисмидир ёнаётган дарахт» мақоласини ўқиб...

Жумҳуриятимизгази чет элларга етиб борди, бироқ қишлоқларимиз газлаштирилмаган. Давлатга бир кило пахтани 60 тийинга сотиб, эвазига ўша бир килодан тайёрланган 15—20 сўмлик кўйлак ёки матон оламиз. Шимолда қаттиқ совуқда ишлаганларга кўйимча ҳақ тўлайдилар, бизда эса 40—45 даража иссиқда ишлаган пахтакорди (айниқса ҳомилали аёлга) бир сўм ҳам кўйимча ҳақ тўланмайди. Ана шунақа турмуш тарзимиз.

Холмурод Уринбоев,  
Зомин ноҳияси, «Шарк тонги» газетаси ходими

Биз, Қозон шаҳрида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар, Мақсуда Эргашеванинг мақоласини ўқиб дилмиз изтиробга тулди. Ўз-ўзига қасд қилишнинг келиб чиқишига халқимизнинг кўпроқ бадиий, одобнома китоблар ўқи-маслиги ва ўз ҳуқуқларидан тўғри фойдалана олмасликлари сабаб бўлади, деб биламиз.

А. Ахатов,  
У. Юсупов,  
Қозон шаҳри.

Муаллифнинг фикрларига юз фоиз қўйилмаган, колхозчи гўшт, сабзавот, мева маҳсулотларини етказиб беради-ю, ўзи қуруқ қолади. Менинг таклифим — ҳар бир колхозда дўкон очилиб, ўзи етиштирган маҳсулотнинг бир қисми ўша ерда колхозчига сотилсин.

Анорхол Рўзиева,  
Яккабоғ ноҳияси.

Иқтисодий етишмовчиликлардан пичоқ бўғизга келиб тақалади, яна фарзандларингни ўйлаб, тиштишга қўйиб чидайсан: шулар улгайса бир гап бўлар. Икки ўғилдирки, ўн беш ярим йиллик муҳнат фаолиятим билан пенсияга чиққа олмайман. Меҳр-муҳаббат, инсоф, диёнат борми, ҳақиқат қасда қолди?!

Энахон Зайниддинова,  
Мархамат ноҳияси.

Энди 47 га кирдим, ўтирган ердан аранг тураман, регимга туз тўпланади, санатория нима — биламайман. Икки қизимга яра тошади. Қасалликнинг кўпайиши иқтисодий етишмовчилик, кучсиз овқатланиш, дориланган сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилишдан деб биламан. Айнан шу иқтисодий танглик ўз жонига қасд қилишга олиб келади. Қишлоқларда одамларни иш билан таъминлаш, маданий оқар-

тув ишларини тубдан яхшилаш зарур.

Ж. Турдиева,  
Фарғона вилояти.

Туя ҳаммомни орзу қилганидек, қишлоқ аёллари ҳаммомни орзу қилиб ўтиб кетаяпти, газ тўғрисида гапирмасиям бўлади.

Махпират Холматова,  
Қува ноҳияси, Киров колхози.

Аёллар-ку, иродаси бўшлиқ қилибди, лекин эркаклар-чи? Ўз жонларига қасд қилишга уялмайдиларми? Менимча, улар ўзлари яшаб турган қишлоқлари, ноҳиялари аҳолини, меҳнат қилиш шароитларини яхшилаш учун курашишлари, интилишлари керак эди.

Нодира Гадоева,  
Гузур ноҳияси.

## «Ёшлик»ни йўқлаб...

Маълум ҳудудга қўйилган ном ўша ер аҳолиси учун ардоқли бўлиши лозим. Бу номларни тилга олганда ёш авлод мозийни, боболаримиз хизматларини эслаб турсин. Жойларнинг номини ўзгартириш шунчаки ёш эмас, халқнинг ўзлигини англаган ёшд аселамаганлигини белгиловчи ҳодисадир.

Бухоронинг ҳар бир қаричида бир буюк зотнинг оёқ изи бор. Шаҳаримизнинг ҳар бир тоғи — тарих, ҳар бир гиёҳи — шеър. Аммо биз мозийни унутиб қўяяптиз. Бу ҳақ гап. Бутун Бухорони кўзиб чиқинг. Бирор бани Бухорий номига қўйилган кўчани топмайсиз. Ноҳияларда ҳам худди шу аҳвол. Баъзи номлар эса бир вилоятнинг йўқлаб жойларига қўйилганига нима дейсиз?! Биргина Свердлов номи ноҳияга, ўша ноҳиядаги колхоз ва мактабга ҳам қўйилган. Бу ҳам кераксиз тифот, ҳам кулгундай туюлади менга. Холбуки, ана шу ноҳияда таваллуд топган машҳур халқ озодлик ҳаракати йўлбоииси Торобий номини лоақал бирор колхозга қўя олмаймиз. Бундай ачинарли мисоллар эса вилоятимизда беҳисоб. Шаҳардаги номларга диққат қилинг: Советская, Туркменская, Мусоргская кўчаси... Утмишда ном қўйиш энг эътиборли ҳодиса бўлган. Биз эса 3-микрорайон, 4-микрорайон, деб юрибмиз.

Бухорои шариф — буюклар мас-

кани. Мен уларнинг барчасини санай олмайман. Фақат «Бухорий» тахалусли санъат ва адабиёт вакилларининг номларини зикр этаман: шоирлар Ҳайрат Бухорий, Шавкат Бухорий, Ҳоди Бухорий, Киромий Бухорий, Мир Солиҳ ибн Мир Тоҳир ал — Бухорий, Мирзо Муҳаммад ибн Амир Бухорий. «Умдат ул-мусаввир» иновининг соҳиби Жаҳонگیر Бухорий, Бедил, Румий каби файласуф шоирлар ижодини тарғиб қилган ҳаттоғлар: Муҳаммад Носир ибн Мирзо Мирак Бухорий, Мулло Асомиддин бинни Мулло Мустақим Бухорий, Мирзо Муҳаммад Фулод ибн Муҳаммад Алим Бухорий, Саид Аҳмадхўжа Бухорий, тазкирачи Қори Раҳматуллоҳ бинни Ашур Муҳаммад ал-Бухорий, адабиётшунос Сайфий ал-Бухорий, мушаккашунос-бастакор Абул Ҳасан Шавкабий Бухорий... Санайверсано адо бўлмайди. Биз уларнинг эътиборидан-ку, беҳабармиз, ҳеч бўлмаса номларини абадийлаштирайлик.

Мен Бухорийлар ҳақида озгина тўхталдим. Ибн Синони тилга олганим йўқ, Наршахий деганим йўқ. Улар-ку, узоқ ўтмишдошларимиз, яқингинада оламдан ўтган академик Иброҳим Мўминов, СССР халқ артистлари Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроевларнинг ҳам номини абадийлаштирмадик-ку. Бу унутмоқлик бизга кичикдай туюлади, аммо.

миллий маданиятимизнинг улкан  
фожиасидир. Хуллас, фожиаларни  
бартараф этиш чоғи келди. Кўзи-  
мизни очайлик...

Л. Шарипова,  
Бухоро Давлат педагогика  
институтининг талабаси

Бир вақтларда газета ва  
журналларда замонавий электро-  
мобиллар ҳақида янги-янги хабар-  
лар пайдо бўлмоқда. Яратилган  
электромобилларнинг деярли ҳам-  
маси аккумулятор батареялари ор-  
қали ҳаракатланади ва узоғи билан  
90-150 км йўл юриб тухтади. Мен-  
да бир тоя бор: автомашинага  
қўйилган электр двигатели аккумуля-  
лятор батареяларидан эмас, балки  
бир цилиндрли автодвигатель ор-  
қали ҳаракатга келтириладиган ге-  
нератордан қувват олса...

Сўнги маркали «Жигули» авто-  
машинасининг двигатели ўртача  
100 км.га 7-8 л. ёқилғи сарфлайди.  
Унинг тўртдан бири 2 л.га тенг,  
яъни бир цилиндрли двигателга ке-  
тадиган ёқилғи миқдори 100  
км.га — 2л; 1000 км.га — 20 литрни  
ташкил қилади. Бу деган сўз ҳо-  
зирги кунда сарфланаётган ёқил-  
ғининг тўртдан уч қисми иқтисод  
қилиниб, нафас олаётган ҳавомиз  
анча тозаланади демакдир.

Сафар Шералиев,  
ҳуқуқшунос, Самарканд  
вилояти

Одамлар совун, сода, қанд, ша-  
карни магазиндан эмас, ўйларда  
очилган кооператив магазиндан қў-  
шишча нархда сотиб олишмоқда.  
Уларнинг ўйида совун ёки сода иш-  
лаб чиқариладиган завод ускунаси  
борми? Бу қаллобликларга қачон  
чек қўйилади?

Зебо Муҳаммедова,  
Ғиждувон ноҳияси

Ўзбек тилига давлат тили ма-  
қолини бериш тўғрисида қабул қи-  
линган қарорни баъзи буйича  
жойларда амалга ошириладиган  
ишлар (шу жумладан эълонлар,  
чақириқлар, атамалар) филолог-  
ларнинг бевосита назорати остида  
амалга оширилмоғи мақсадга му-  
вофиқдир, чунки ўзбек тилининг  
сусайган нуқталарини тиклаймиз  
деб баъзи жойларда сийқалашти-  
ришга йўл қўйилмоқда.

Неъматулла Элмуродов,  
доцент, филология фанлари  
номзоди

Асрор Мўминов,



Жиззах область Ғаллаорол райони-  
нинг Қўйтош қишлоғида 1954 йилда  
туғилган. Тошкент Давлат дорилфуну-  
нини тугатган. Шеърлари жумҳурият  
матбуотида эълон қилинган. Ўзбекис-  
тон Ёзувчилар уюшмасининг адабиётни  
тарғиб қилиш марказида хизмат  
қилади.

## Тунги тилак

Сени аллаласин тун сукунати,  
Ухлагин энг ширин тушларни кўриб.  
Майли, мени ўйлар ва тун зулмати  
Тонгга қадар чиқсин минг бор ўлдириб.

Тонг еллари аста уйғотсин сени,  
Қуёш йўлларингга зарбоф тўшасин.  
Майли, қўрқинчли туш уйғотсин мени,  
Булут соясини менга ташласин...

## Ҳазин ҳикоя

Биз туғилдик қўшни музофотларда,  
Улғайгач, учрашдик олис шаҳарда.  
Қанот қоққанида ишқ баётимиз,  
Баногоҳ бирлашди музофотимиз.  
Бироқ йўлда қолдим изидан юра,  
Хўрсиниб титгайман хотиротларни:  
Афсус, икки дилни улашдан кўра  
Қўшмоқ осон экан музофотларни.

\* \* \*

Ўзи соча олмас милтираган нур,  
Бироқ сени танқид қилади, қуёш.  
Бири кулар булут устидан гур-гур,  
Ўзи тўка олмас бир томчи кўзёш.

\* \* \*

Зотан, бу дунёда азалдан абад  
Энди эмаклаган бола ўзғирдир.  
Бироқ айримларга дунёда фақат  
Ўзи миниб юрган оти учқурдир.



## Ошиқ йигитларга

Эй сиз, Алпомишдан тарқалган бани,  
Буюк Гўрўғлининг насли, йигитлар.  
Қонда боболарнинг журъати қани,  
Нахот кул қолдириб ўчгандир ўтлар?

Камондек эгилиб яшовчилармиз  
Наф деб одамларнинг бадмаошига.  
Уялиб яшайман: арзирмизми биз  
Ўзбек қизларининг камон қошига?

Иғволар тўқиймиз писиб эрта кеч,  
Лой чаплаб ташлаймиз ҳариф юзига.  
Қалбларимиз қора, арзирмизми ҳеч  
Ўзбек қизларининг қора кўзига?

Тарих бизлар учун — эсдан чиққан туш,  
Бефарқмиз элу юрт мусибатига.  
Бемеҳр жонлармиз, арзирмизми, хўш,  
Ўзбек қизларининг муҳаббатига.

## Азроилнинг дегани

Бу дунёда қолмади  
Менга заррачалик иш.  
Одамзотнинг қасдида  
Ортиқ чекмайман ташвиш.

Қай кимсанинг жонини  
Олмоқ учун борсам гар,  
Мендан бурун дўст-ёри  
Пайин қирқиб улгурар.

Кеча битта шўрликни  
Қидирдим роса узоқ.  
Дедилар: кечикибсан  
Нотавон, бўлди тупроқ.

Бекорчиман, яллогўй,  
Ортиқ чекмайман ғамлар,  
Менсиз ҳам эплашаркан  
Одамларни одамлар.

## Фалонийнинг учрашувда айтгани

Мени деб гул терганингиз сизга муборак бўлсин,  
Гулдасталар берганингиз сизга муборак бўлсин.

Конман шеърү ғазалларга, лойиқман ҳайкалларга,  
Мени ўқиб юрганингиз сизга муборак бўлсин.

Каминанинг жойи осмон, пойимни айланг ошён,  
Пойимга бош урганингиз сизга муборак бўлсин.

Мен тирикман — сиз саломат, оғалар ушбу замон  
Мени кўриб турганингиз сизга муборак бўлсин...

Қонда боболарнинг  
журъати қани?



Юсуф Жумаев



## Усмон ака Ражабовга саволларим

Биздек хор бормикан икки дунёда,  
Дил абгор бормикан икки дунёда.

Аҳдида беқарор оламни тутган  
Барқарор бормикан икки дунёда.

Хиёнат кўрдик-ку севганимиздан,  
Вафодор бормикан икки дунёда.

Хўрланган жоҳил йўқ, лек хўрланмаган  
Ҳеч бедор бормикан икки дунёда.

Изимдан тубанлар осмонда, покка  
Эътибор бормикан икки дунёда.

Ҳақ деб бош тикканлар ичра бирорта  
Бахтиёр бормикан икки дунёда.

Бизлар ўтиб кетсак, Ўзбекистонга  
Ғамгусор бормикан икки дунёда?

\* \* \*

Оҳ, ул қизни қандоқ севардим,  
Жонимдан ҳам кўпроқ севардим.

У фалакда бамисли офтоб,  
Мен пойида тупроқ, севардим.

Сочи — ойсиз абрли кеча,  
Еноқлари — қаймоқ, севардим.

Умрим ўтди уни соғиниб,  
Менсимасди бироқ, севардим.

Ҳажри билан ўлмаганимда,  
Ўлгунимча — узоқ севардим.





## Тўхтамурод Рустамов

Тошкент шаҳрида 1969 йил туғилган. Насрий асарлари матбуотда бир неча бор эълон қилинган. «Энг ёруғ тун» номли илк насрий тўплами «Еш гвардия» нашриётида эълон қилинган. «Ешлик» журналида хизмат қилади.



# НИФАРОР ТЕОРЕМАСИ

### Ҳикоя

Ҳаммаси мана шу шўртумшукдан чиқди. Ибоддан. Доғ-дуғи, маза-масаллиғи — барча-барчаси соз, дўсту душманнинг иштаҳасини қитиқлаганча бир чиройли димланиб турган маслаҳатли ошга нуқул биров айтса-айтмаса бурнини тиқиб, итгаям солиб бўлмай-диган қилвергач, шўртумшук бўлмай ким бўлсин ахир бу Ибод афандим?!

Мана, бу сафар ҳам худди шундоқ бўлди: жуда унақа беҳиштникидек эмаса-да, ҳар қалай оғизга олишга ярайдиган овқатга ҳали дам емасидан Ибод тумшугини сукдияю...

Йўқса тинчгина ўтиб кетишаётган эди-я. Манави бозоринг сингур қовоқхонани зиёрат қилиш хаёлларида ҳам йўқ, кайфиятлари ҳам кўнгилхушлик тусайдиган даражада эмас — хуфтон; ҳазилми, ахир, нақд давлат имтиҳони турибди-я кучоқ очиб кутиб, порлоқ 2000-йилда ҳам, келгуси беш йилликда ҳам, ҳеч бўлмаса индинга ҳам эмас, эртага; юқоридагига ўхшаш ҳу зулматли 1913-йилни ёдга солувчи тушунчалар («қовоқхона», «зиёрат»...)га сифиниш эса ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган, ҳа; тонгдан шомга қадар ҳатто итлар ҳам: «Эртага — имтиҳон», деб ақиллаётгандек туюлаётган бундайин кунда-ку асти қўяверасиз, йўлингни мушук кесиб ўтиши бир чеккада турсин, тирикчилик ғамида пирр этган чумчуққа ҳам ширр этаверганидан кейин юрак, бу бошоғрик кун таърифига бўлак изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак, сўнг ким ҳам бунинг изоҳларди, кимнинг ҳолию тоқати бор экан бунга, ахир эртага имтиҳон-ку, имтиҳон-а эртага; бу э р т а н и н г эшик қоқишига ҳам ҳам... ҳозир ўн тўққизу эллик тўрт, демак, бир, икки, уч... у-у, ҳеч қанча қолмабди-ку!..

Жимгина, бир яхши кетишаётган эди-я, унинг дилида ҳатто: «Ҳайрият-э, жилла қурса куннинг ниҳоясини ўзим истагандек ўтказадиган бўлдим-а», деган умид ҳам учкунловди. Шунақа оламшумул, амалга ошиши мушкул нарсани истаган экан-да у: илк марта, яна ўз ихтиёри билан икки соат, атиги икки соатни кунинг кеча, шунда ҳам дадажонисининг ўша руҳ бағишловчи ваъдасидан сўнг, оила аъзолари кўмагида излаб топилган мўқовасини сичқон кемирган дарслик устида ўтказиш...

Мактабдан чиқиб, одатдагидек, илма-тешик тахта девор билан паналанган «оғиркарвон» қурилишни кесиб ўтувчи қисқа йўлдан юришди. Шундоққина қурилишга келиб туташган ташландиқ нон дўконини айланиб ўтиб, одатдагидек суви қайнаган чойнак мисол ғувиллаётган катта, серқатнов кўчага бурилишган эдики, кўзлари кема шаклида қурилган ҳайбатли бино билан «кема» тумшугидаги тилла ҳалда битилган, йилтираб нигоҳни олаётган «Маликаи Қурбақа» деган таниш ёзувга тушди. «Кема» одатдагидек гавжум, юқоридаги ранго-ранг байроқчалар билан безатилган кенг саҳнга олиб чиқувчи чархпалак зиналарда одам қайнамоқда эди. Мусиқани ҳам бор бўйи варанглашиб кўйишибди, кўчага энди бурилишганида базўр чалинаётган эди қулоқларига, «кема»га яқинлашганлари сайин кучайиб, кўчанинг кар қилувчи «ғув-ғув»ини ҳам ямлаб юборди-ку ҳатто.

Мана, яқинлашиб ҳам қолишди улкан «кема» остонасига улар, атиги бир неча одим ва узоқлаша бошлашади ундан, узоқлашганлари сайин мусиқа садоси ҳам пастлаб боради ўз-ўзидан, пастлаб, пастлаб охири сўнади-да, олам узра ҳокимлик яна ўша бемаъно «ғув-ғув» чангалига ўтади... Ҳозир... ҳозир... мана, у

ўтди чархпалак зиналар қошидан гўёки бепарво, ўз хаёллари билан банд; мактабдан чиққанларидан бери ёнида бошини ҳам қилганча чурқ этмай келаётган Севара, унинг Севараси ҳам ўтди; аммамнинг бузоғидек ҳаммадан кейинда судралиб келаётган Ибодни имлаб чақирганча уларнинг кетидан тез-тез қадам ташлаётган Шаҳноза ҳам ошди бу кўз илгамас сарҳаддан; битта ўша мазасини татиб кўрилмаган овқат қидирибми, ёки бир-бирига зарпечакдек қирмашиб кетган юқоридаги паст-баланд қораларга суқи келибми, ортда қолган Ибод, ҳа, ўша тумшугингни ел учиргургина қолди. Ҳозир, ҳозир у ҳам...

— Қаёққа?

Хатто мусиқани ҳам бир лаҳза гаранг қилган бу қичқириқдан сакраб тушди у. Ортига ўгирилди: Ибод, бўлак ким ҳам бўларди. Чопибдилар оёқларини қўлларига олиб, тиллари ерга тегай-тегай деб осилиб қолибди.

— Ҳа, қаёққа? — дея такрорлади Ибод ҳарсиллаб.

— Қаёққа экан?! — деди зарда билан у. — Билмадик! Сиз юрагингизни суғуриб, олдинга ўтиб йўлимизни ёритармикансиз, деб кетаётувдик ўзи!

— Э, қўйсанг-чи, Тўлқин! Бўлди-да, етар энди шунча мотам тутганимиз. Уйлаб кўр ўзинг. Уйга борганимиздан фойда йўқ-ку барибир, нимаям кирарди каллага шу тобда? Яхшиси, бирпас ўтириб, чарчоқни ёзиб...

Вой, қанақа одам ўзи бу, биров ўламан деса, куламан дейди-я! Юракка қил сиғмай турибди-ку, қанақа хурсандчилик тўғрисида гап бўлиши мумкин?!

— Вий, ростданам, нима қиламиз ҳозир уйда? Музқаймоқ еб, музика эшитиб, озгина дам олиб кета қолайлик. Ҳеч бўлмаса анови кинонинг ҳиссаси чиқади-ку. А? Болалар!..

У-ў, бунини у Шаҳнозадан ҳўв Ибод гапга оғиз жуфтлаган чоғдаёқ кутган эди. Бўлмаса-чи, кимсан — Ибод афандим ўртага таклиф киритарканлар-у, Шаҳнозахон оғизларига мум солиб, жим турсинлар эканми? Ҳаммадан бурун бу таклифга у киши овоз бермай, ким овоз берсин тағин?! Ҳайриятки, Ниагара шаршарасими ё Гхўр ботиғими дуч келмади йўлларидан. Акс ҳолда, Ибод афандим сўзсиз: «Келинглар, ташлаимиз ўзимизни пастга», деган таклиф киритган бўлардилар ва шу заҳотиёқ, ўйлаб ҳам ўтирмай: «Вий, ростданам! Қандай яхши-я!», дея сакрардилар бу жаҳаннамга Шаҳнозахон. Чунки, билардилар: қанот боғлаб учиб келади барибир орқаларидан Ибод афандим, ҳавода илиб олади ва улар икковлон парвоз этишади осмону фалакка, булутлар бағрини ситиб жилва қилаётган офтоб томонга; биргалик ҳамда парвоз завқидан масту мустағрик, қанотлар иссиққа нотоб сақич билан бириктирилганини ҳам, бу тўғрида огоҳлантирувчи машҳур афсонани ҳам унутишади...

— Тўлқин, нега жимиб қолдинг? Гапирсанг-чи, нимага келишдик? Севар, ўзинг айт?

Уч жуфт нигоҳ бошини бир тарафга хиёл солинтирганча жим ер чизиб турган Севарага қадалди. Нечоғлик умид, нечоғлик ишонч билан тикилди унга Тўлқин — тилга ўнғайроқ бирор ибора топиш мушкул бунинг таърифига! Албатта, албатта уни ёқлайди-да Севар, «Уйлаб гапиряпсанларми шуни? Йўқ, уйга кетамиз, имтиҳонга тайёрланиш керак ҳали», дейди бирор ким ёки бирор нарсадан норози бўлган пайтлариданги каби чиройли чимирилиб; айнан шундай демаса-да, шунга яқинроқ гап қилади, лекин чимирилиши аниқ — фақат унга, унинг тимқора кўзларигагина мос қалин қошларини камон каби тортиб, сутга чайилгандек оппоқ чехрасига зеб бўлиб тушган ингичка лаб-

ларини хиёл чўччайтириб... Бўлакча бўлиши мумкин ҳам эмас! Ўзидан ҳам яхши билади-ку Тўлқин Севарани — уни сўзсиз тушунувчи дунёдаги ягона одамни! Шундай экан, ҳаммаси Севар айтгандек бўлади, ҳа, ҳа, фақат Севар истагандек!.. Ибод ким бўлибди, Шаҳноза ким бўлиб қолибдики жуда, уларнинг гапларию тумшукларидек бемаза таклифларига қулоқ солиб?.. Мана, Севар... Севар...

— Менга барибир... Майли, розиман.

— Вий-й, Севар! — деди Шаҳноза чапак чалиб. — Қандай яхшисан-а!

— Ура! — дея ғўлдираб ирғишлади кўкка Ибод ҳам. — Олға, инсон қулочи етмаган соҳиллар сари!..

Хаёллари чалқашиб, Севарага анграйиб қараганча худди бўйнига арқон солиб судрашгандек эргаши уларнинг кетидан Тўлқин. Чархпалак зиналардан юқorigа қандай кўтарилишганини ҳам, ўзларининг бахтга қарши бўш турган бурчакдаги ўша доимий жойларига қандай бориб ўтиришганини ҳам билмайди. Фикри равшан тортиб, қулоғи атроф ғала-ғовурини фарқлай бошлаганида Ибод Шаҳнозага рўпарасида ҳадеб бир балоларни чуғурлар, Шаҳноза бундан Ибоднинг пинжиги қариб кетгудек энгашиб пиқир-пиқир кулар, шундоқ ёнгинасида эса юқоридаги суҳбатга мийиғида жилмайганча тақсимчадаги музқаймоғини чўқилаб Севара ўтирарди.

— Тўлқин, ўзинг айтсанг-чи бунга, — деб қолди Ибод худди унинг ўзига келишини пойлаб тургандек. — Сира ишонтиролмаяпман бунини ҳўв узоқ йили колхозга ёрдамлашгани бориб, битта эшақдек ҳўтиқнинг жиннисини чиқарганимизга. Эсингдами? Эҳ, қизиқ бўлганди-а росаям!..

Уҳ, бу Ибод, Ибод!.. Энди эсига тушди: куннинг ҳаром бўлишига ҳам асл сабабчи шу экан, ҳа, худди мана шу Ибод! Ахир йўлни мактабга буриш фикри айнан ундан чиққан эди-ку? Тўғри, бошда эриш туюлмаган эди унга бу таклиф сира ҳам, аксинча, ёқиб тушувди ҳатто, Ибоднинг топқирлигига таҳсинлар ўқигандек ҳам бўлувди ичиди: «Мияннга қойилман!», деб. Аҳмоқ бўлмаса... Демак, асл аҳмоқ унинг ўзи экан-да? Асл аҳмоқ ўзи бўлгач, ҳозир мана бунақанги қовоқ-тумшуги осилиб ўтиришига ҳам... Йўғ-э, унчалик эмасдир-ов. Мана, ўзингизга ҳавола: шанба эмасми, чикқдан каттагача — ҳамма уйда, яшанбада имтиҳон эканлиги ҳам, имтиҳон арафаси муаллимлар одатдагидек «маслаҳат оши» ўтказишлари ҳам маълум барчасига, барибир қўйишмайди уйда бемалол оёқни узатиб чўзилиб ётишинга, минг: «Уқийман, тайёрланман», дея қасам ичган тақдирингда ҳам барибир ҳайдашади: «Мактабни тартиби ўйинчоқ бўлибдими сенга», деб, шу боис келишишган эди ўтган кунини «Маликаи Қурбақа»да, айнан мана шу стол атрофида шанба эрталаб тўртовлон бир ерга йиғилишга, тайинки, мактабга бориб бошни оғритиш учун эмас, албатта; лекин пешоналарига шундай қисмат ёзиб қўйилганлигини ким сезибди, дейсиз?! «Бақаҳову»да кетаётган янги ҳинд фильмига олиб тушишнинг ваъдасини Ибод қилган эди ўша кунини, у ҳам келиб-келиб тушдан кейинги томошага олибди паттани, нима қиларларини билмай гарангсираб қолишди. Соат энди ўн ярим, бир дунё вақт бор ҳали томоша бошланишига. Бирор жойга кириб ўтира турарайлик, дейишса аксига олиб ҳаммаёқ ёпиқ, тушга яқин очилади музқаймоқхоналар ҳам. «Балки борганимиз дурустдир-а мактабга? — деб қолди туйқус Ибод. — Вақтниям ўтказардик, кейин анави ибн Хитобнинг кўзига яхши кўринганимиз ҳам қоларди. Мана кўрсанлар, тўртталамиздан бўлак ҳеч ким келмайди, тушдан кейинги томошага олмагандир ҳамма билетни...

Яхши бўлади ўзимизга эртага имтиҳонда».

Бошқалар нимани ўйлашди — билмайди-ю, лекин Тўлқиннинг ёдига шу тобда лоп этиб дадажонисининг тунов кунни берган ваъдаси тушди: «Агар шу йилги имтиҳонларда ерга қаратмасанг юзимни... Уша орзуим ушалди, деб ҳисоблайвергин!..»

Шу кунни оиладаги каттаю кичик оёққа турғазилди, ваннахона, қазноқ, ошхона, каравоту хонтахталарнинг таги илма-тешик қилиниб, сиртини икки энли чанг қоплаган, саҳифаларига сувараклар «дастхат» қўйиб ташлаган дарсликларнинг барчаси жамланди. Ҳазилми ахир, илк дафъа қўл узатса етгудек жойда турибди Тўлқин ўзининг қитмир орзусидан. Ҳеч бўлмаса шу сафар «таклиф» этишмаса бас муаллимлар дадасини мактабга ва қарабсизки, йилт янги, мойи артилмаган мотоцикл гижинглаб турибди-да унинг тагида! Бунинг учун эса... ҳа, ўша — ўқиш, тайёрланиш... Кошки, бир мартадаёқ миянга ёпишиб, ўрнашиб қолса экан ўқиганинг. Салкам бир соат ўзини мажбурлади кеча, уч ярим саҳифалик бобни ўқиб туширди, хўш, миясида нима қолди? Қайси китобни ўқигани ҳам ёдида йўқ-ку ҳозир. Лекин Ибоднинг гапида жон бор-ов. Ким билсин, эртага имтиҳон саволига миқ этолмаса-да, «маслаҳат ош»ида қатнашганига ҳиммат кўрсатиб, баҳони унга салгина ошириб қўйса ибн Хитоб? А? Таваккал-да!..

Боришди. У-ҳў! «Тўртталамиздан бўлак ҳеч ким...» эмиш! Қаёқда. Тумонат одам. Ҳойнаҳой улар ҳам: «Ўзимиздан бўлак ҳеч ким...», дея ҳаёл қилишган-да, ибн Хитобнинг марҳаматини банд этишни ўйлашган. Ҳа, чилпарчин бўлди сўнги умиди ҳам. Лекин на илож, ортга йўл йўқ энди, аллақачон тўсган уни жамоат жам бўлгани ҳамон мушти билан оғзини бекитганча «ўхў-ўхў» қилиб, синфга кириб келган ибн Хитоб, тўсиб, бошлаб юборган терговни, ҳа, ҳа, терговни, зеро, бўлак сўз топиш мушкул бу мунофиқлик таърифига! Нима эмиш, соғиниб қолганмишлар уларни шунча кундан бери кўрмай, овозларини эшитмай, қўмсаганмишлар уларнинг бири-биридан бурро жавобларини, яна уларнинг ўйлашича, ўтган бир ҳафта вақт етарли эмиш бутун бошли қомусни ёдаки қилишга ҳам, лекин бугун улар ўнг ёнлари билан турганмишлар уйқудан, шу боис битта, бор-йўғи биттадан савол берармишлар уларнинг ҳар бирига, кимки жавоб берса... Битта имтиҳон бўлса шунчалик бўлар-да, э! Кошки бирор инсон қойиллатиб ташлаган бўлса жавобни шу «бор-йўғи битта» саволга ҳам. Мана, ниҳоят ўтиб-ўтиб Тўлқинга ҳам етиб келди тергов навбати.

— Қани, бир Пифагор теоремасини таърифлаб юборинг-чи, — деди ибн Хитоб икки қўлини қорни узра қовуштирганча курсида ястаниб.

— ...  
— Ҳм, тушунарли... Ҳануз ўша-ўша, ҳеч бир ўсиш йўқ. «Ишқи йўқ эшак — дарди йўқ...» Жим! Нима кулги! Бошқаларга ҳам тааллуқли бу гап. Уша Пифагор ҳам сенларга ўхшаган одам бўлгандир ахир. Майли, у ўйлаб топибди-ку, наҳот шу икки қатор нарсани бир-бирига уриштириб айтиб бериш ўлимдек қийин бўлса? Ҳозир дарслик опкелиб тарқатаман, кимки ўқиб жавоб берса — йўли очик, — дедию эшикни устларидан қулфлаб, чиқди-кетди ибн Хитоб.

Шундан сўнг нималар содир бўлди синфда — буни тасвирлаш учун камида ҳинд киночиларига хос иқтидор лозим. Ушбу бетакрор, ажабтовур томошада энг кўп олқишга лойиқ ролни ўйнаган шу Ибод бўлса кераг-ов. Оҳ, унинг минг машаққат ила топилган, эндиликда куйиши аниқ патталарни тавоф этиб, тўккан кўзёшлари! Мана, эндиликда шу одам худди ҳеч нарса бўлмагандек, оғзи қулоғида илжайиб, хи-

ринглатиб ўтирибди қаршисидагиларни. Қойил-э!.. Ҳозиргина оғзини тўлдириб бир балоларни валдираётган эди-я, ногоҳ овозини ўчирди-да, тиккага тикилганча ҳайкалдек қотди. Шаҳноза ҳам сергакланди. Севара ўтирган жойида орқасига ўгирилди. Орқа ўгириб ўтирган эса-да, сизди Тўлқин: оқ кўйлак, капалакнуса бўйинбоғли қўнғизмўйлов йигит пайдо бўлган даврада, ҳозир у: «Ғойиб Шеърхон ҳамда «Така-тум» группаси!», дея эълон қилади тантанавор ва бутун кемани қулоқни қар қилувчи бўғиқ мусиқа садоси қоплайди, зум ўтмай бу мусиқага эшикнинг ғийқиллашига ўхшаш ҳирқироқ овоз ҳам жўр бўлади:

### Тун... Тун... Тун... Тун Оҳиста қўнди бизнинг ҳобгоҳга, ҳе-э-эй!

— Ҳе-э-эй!!! — дея оёққа қалқиб қўшилди Ғойиб Шеърхонга бутун «кема», бир-бирининг елкасига қўлини ташлаганча турган ерида тўлқиндек чайқалар экан.

Ибод, Шаҳноз, Севар ҳам бараварига қўзғалишди ўринларидан, тумшугини столга тираганча бепарво ўтирган Тўлқинга анграиб қарашди.

— Сенга нима бўлди? — деди Ибод кўзлари ғалати олайиб.

— Нима бўпти? — дея жаҳл билан бошини кўтарди Тўлқин унинг саволидан энсаси қотиб.

— Узинг айтвиндиг-ку, Ғойибни «буюкларнинг буюги», деб...

— Қачон? Қаерда?

Тўлқиннинг гап оҳангидан ўзини йўқотди Ибод.

— Қ-қачон бўларди... — деди дудуқланиб. — У-ўтган кунни-чи, х-худди мана шу жойда-да.

Ўтган кунни?! Тўнча-ей! Ўтган кунни айтган бўлса — айтгандир, балки чиндан ҳам буюк бўлгандир ўша кунни Ғойиб. Лекин бугунга келиб ўзгарди-ку вазият, Пифагор эгаллади-ку буюклик меҳробини ўша ўзининг теоремаси билан. Ҳақиқатан ҳам, жуда ғалати-да, ўзлариникидек кўз, қулоқ, бурунли одам бир пешонасини тириштиришда ўйлаб ташлаган нарсани улар шунча ўқиб ҳам ёдаки қила олишмаса. Фақат буюкларнинг буюгигагина хос-ку бу!.. Ким билсин, эртага имтиҳонда битта бўлсаям саволга жавоб бериб, ҳеч бўлма-са «у»нга илинса, шундай буюклик тожини Тўлқиннинг ўзи киярмиди... Ҳа, нима, қўлидан келмас эканми? Тўғри бурчакли учбурчак... ҳалиги... ҳа, гипотенузасининг квадрати ҳалиги... ҳаҳ, отинг қурсин, нима эди... Ишқилиб-да. Мана, марҳамат, ярми бўлсаям қолган ёдида. Агар манави жинбазмга кирмай, уйга бориб тайёрланганида... Уҳ-ў!.. Эҳ-ҳ, ҳаммасига, ҳаммасига мана шу... Ий-э, қани Ибод? Шаҳноза ҳам кўринмайди-ку? Қай гўрга ғойиб бўлишди улар бир зумда?

Тўлқин хаёли чувалашиб, атрофга аланглади. Шунчақасиям бўларкан-да, а, ҳозиргина туришувди-ку иккаласиям қаршиси... Эҳ, ҳа, мана қаерда экан улар! Балли, балли. Тушинглар, тушиб қолинглар-а ўйинга беармон! Ҳа, сакранглар, сакранглар! Кўрамиз, эртага имтиҳонда ҳам шунақа дикирлармикинсизлар ибн Хитоб созини қўлига олганда. Кўрамиз, қанақа...

— Тўлқин... — деган паст овоз бўлди ногоҳ унинг фикрини. Овоз келган тарафга ўгирилди. Севар. Нигоҳи — ерда, қўлидаги қошиқчаси билан ликопидаги эриб сувга айланган музқаймоғини чуқилаяпти ҳануз. — Тўлқин, — дея такрорлади қиз ва кўзларини ердан узиб, унга тикди. — Юр, тушайлик ўйинга.

Эрталабдан бери туз тотмаган эса-да, туйқус бир нарса келиб тикилди Тўлқиннинг томоғига. Тикилдию... бирдан эсига тушди: мана, мана ким айбдор шуларнинг ҳаммасига — Тўлқиннинг буюклик тожидан қуруқ қо-

лишига ҳам, томоғига туйқус бир нарса келиб тикилишига ҳам, эрталабдан бу ёғига туз тотмаганига ҳам! Қўйдек ювош Ибодни айблаб ўтирибди-я, вой, номард!..

— Уйин? — дея ўқрайиб қаради Тўлқин Севарга. — Қанақа ўйин? Музқаймоғингни есанг-чи. — Шундай деб, кўзини қиздан олиб қочди.

Эх, Севар, Севар! Наҳот, бир оғизгина «Йўқ», дейиш шунчалик қийин эди? Ибод, Шаҳнозалар ўз йўлига, лекин сен... Қанақа ишонган эди-я сенга Тўлқин! Не-не орзуларга борган эди-я сен учун. Фақат сени, сени ўйлаб! Ахир, орзуси ушалиб, қўлига мотоцикл тегса кимни учирарди унда, тоққа, қир-адирларга кимни олиб чиқарди? Ахир, сенинг ҳам орзунг эмасмиди табиат қучоғига сафар этиш, қир-адирлар бағрида яйраб ўйнаб, гул-чечаклар бўйдан баҳра олиш? Ахир...

— Яхши қиз, таклиф қилсак бўладими ўйинга?

Уф-ф, намунча бўлишди бугун Тўлқиннинг фикрини?!

Шундоққина тумшуғи тагида Севарага қўлини чўзганча тиржайиб турган пўримга норозиланиб тикилди у. Ҳа, ўзи сен етишмай турувдинг шу тобда!

— Хоним тушмайдилар рақсга! — деб қизнинг ўрнига жавоб берди Тўлқин хиёл увишган оёқларини стол тагига узатаркан.

Ялт этиб қаради унга Севар.

— Ростдан-а? — деди қошларини ғалати учириб. Сўнг ўгирилиб, ҳануз қўлини чўзганча тўрсайиб турган пўримга қафтини тутди: — Марҳамат!

Пўрим йўғламоқдан бери бўлиб, курсига михланиб қолган Тўлқинга ола қараш қилди-да, Севарнинг қўлидан ушлаб, тавозеъ билан даврага бошлади.

Даврага қандай тушишди, рақсни қандай бошлашди улар — орқа ўгириб ўтиргани боис кўролмади бунга Тўлқин. Ўзича тасаввур қилмоқчи бўлди. Лекин қанча уринмасин, Севарнинг ўзидан бўлак одам билан рақс қилиши... тасаввурига ҳам сиғмади. Чидаёлмади, минг сир бой бермасликка ҳаракат қилмасин, барибир қизиқиш ҳисси устун келди. Устига устак, ўт олиб, тобора гуриллаб бораётган алам... Шартта ўрнидан турди-да, столнинг нариги тарафидаги курсига ўтиб ўтирди. Утирдию.. Нимагаям ўтди ўзи, а? Кўзлари оқиб тушгани беҳтар эмасмиди бу шармандаликни кузатгандан кўра?! Вой, намунча тортмаса ўзига Севарни бу сўтак?! Яна тишининг оқини кўрсатиб, тинмай бир балоларни валдираётганига ўласанми? Севар-чи, Севар, парвосига ҳам келтираётгани йўқ пўримнинг талтайгандан талтайиб бораётган... туф, қучоғини, бошини орқага ташлаб қотиб қотиб кулаётгани-чи унинг ҳар оғиз сўзидан сўнг?! Кўзини олиб қочди даврадан Тўлқин. Йўқ, қарамасликка ҳаракат қилиш керак, хаёлни бўлак нарсага чалғитиш... Нима, шундан бўлак ташвиши йўқ эканми унинг. Эртага имтиҳон бунинг устига... Ҳа, анави теоремани такрорлаш лозим, йўқса ўша зўрға ёдлаган ярмиям чиқиб кетмасин эсидан. Ҳм, шундай бошланарди, шекилли: тўғри бурчакли учбурчак... ги-по-те-ну-засининг... нима эди... Ҳой, ҳой, нима қиялпти анави сўтак! Вой кўппаг-эй! Ҳозиргина қўли... Йў-ўқ, барҳам бериш керак бу беҳаёликка. Зудлик билан!

Даст турди ўрнидан Тўлқин. Уйин қилаётганлар сифини ёриб, ўтиб борди-да, шартта Севарни қўлидан тутиб ўзига қаратди.

— Бўлди, тугат ўйинингни. Кетамиз!

Севарнинг қошлари чимирилди, киприклари ғалати пирпиради.

— Қаёққа? — деди бир ҳаракат билан Тўлқиннинг қўлини силтаб ташлар экан. — Нима, мени сенга боғлаб қўйишганмиди? Кетавер!

Шундай деди-да, орқасини ўгирди унга.

— Менга қара, Севар! — Бу гал елкасидан ушлаб ўзига қаратди уни Тўлқин.

— Мана, қарадим! — дея даст ўгирилиб, юзини унинг тумшуғига тиради қиз. — Бўлдими? Қани, гапир-чи энди гапингни.

Юзига Севарнинг қайноқ нафаси урилиб, гангиради Тўлқин. Нафақат айтмоқчи бўлган гапи, ҳатто тили ҳам танглайига чиппа ёпишди.

— Ҳўв, одам, менга қара! — дея Севарни четлаб, орага суқилди пўрим. Чекадаги столда музқаймоқ еб ўтирган иккита аждаҳодек азамат ҳам жойларидан туриб, шу тарафга қараб юришди. — Эзиб ташлайми ҳозир пашшадек?! — дея давом этди пўрим қўлини паҳса қилиб Тўлқин томон чўзаркан.

— Керак эмас! — дея жонҳолатда ўзини отиб, илиб олди Севар ҳаводаёқ унинг қўлини ва давра томон судрай бошлади: — Юр, ўйинга тушайлик! Ҳозир музика тугайди бўлмаса. Юр!..

Пўрим Тўлқинга: «Ҳап, саними!», дегандек ўқрайиб қараб, Севарнинг изидан юрди.

Тўлқин нигоҳи билан қизни даврагача кузатдию ўзини эшикка урди. Тик чархпалак зиналардан қандай тушганини ҳам, кўчага қандай чиққанини ҳам, ҳатто анави пўримнинг иккита девдек шотири изидан қандай тушишганини ҳам сезмади. Бирор нарсани сезгудек аҳволда эмас эди-да, ўзи шу тобда. Кимсан — Севар шундай қилишини биров туш кўрибди, дейсизми?! Умуман, кимнинг режасида бор эди куннинг бундай бемаза хотималаниши, Тўлқиннинг шундайин хўрлик чекиши? Эҳ-ҳ!.. Лекин барибир сезди. Кафтдек теп-текис ерда ҳе йўқ-бе йўқ қаршингиздан Асқартоғ ўсиб чиқаркан, орқа тарафдан эса Кўҳиқоф ўзининг метиндек кўкрагини елкангизга ботираркан-у, сезмас экансизми? Хаёлингиздаги кимсанинг ҳам капалаги учиб кетар!..

— Ҳўв, чекишдан борми? — дея дарров мақсадга кўча қолди Асқартоғ ҳам.

Анча ўзига келган, лекин ҳануз хаёли паришон Тўлқин шимининг орқа чўнтагидан сигарет чиқариб тутди унга, сўнг бўш қўли билан тимирскиланиб гугурт излай бошлади.

Асқартоғ ундан бунчалик хотамтойликни кутмаган эди чоғи, ўзини йўқотди.

— И-и, нима бу? — дея олайиб қаради Тўлқиннинг ўзи томон узатилган қўлига. — Нима чўзясан менга? Ўзи зўрға ташлагандими чекишни кеча. Ол-э, нарёқ-қа! — Шундай деб икки қўлини белига тираганча Тўлқиннинг устига юрди.

Шундагина эслади Тўлқин бу икки нусхага қаерда кўзи тушганини.

— Бошида шундай демайсанми, — деди хаёли равшан тортиб, қўлидаги сигаретни нари итқитаркан. — Топган баҳонангни-ю! Нима, битта одамни икки кишилашиб дўппослашга етаркан-да шу?

— Аҳ-а... иҳ-и... — деб талмовсиради Асқартоғ киприклари пирпираб.

— Бақаҳовуздаги қумлоқ эсингдами? — деб суқилди орага Кўҳиқоф. — Утган шанба-чи, кунга қорнимни тутиб ётганимда оёғимни босиб ўтиб кетувдинг? Эсингдами?

— Аттанг... аттанг... — деди бош чайқаб Тўлқин. — Бунақалигини билганимда... сал юқори олган бўлардим мўлжални ўшанда, минг калтак есам ҳам алам қилмасди...

— Хо-о, шунақами? Мана ҳозир-да! — дея кафтини муштлаб, ҳавога сермади қўлини Кўҳиқоф.

— Уҳ, кўзим...

— Мана яна, мана!

— Их-х... ҳ-ҳали шунақами?..  
 — И-и, қаёқдан ушлаяпсан?! Ҳой, галварс, қараш-санг-чи, мундоқ!  
 — Ҳо-ози-ир...  
 — М-мана! Мана, мўлжалга олиш!..  
 — Их-х... аҳ-ҳ... у-ух-ҳ...  
 — Бўлди. Тайёр!  
 — Қочдик!..

Им-м... Туф... Т-тай... Тай... тайёр-а, тайёр... Қовоғи кўкарди, бурни қон йиғлади — демак, тавбасига таянди, экан-да. Эҳ, нодонлар-а, нодонлар! Билишмайдики, ҳолва бу дўппослаганлари ярим соат аввал у бир қиз боладан еган тарсаки олдида. Тарсакилаш гапми, пичоқсиз сўйди-ку уни Севар! Шишган қовоқ, пачоқланган тумшук — битиб кетадиган яралари-ку бу одамнинг. Лекин сўйилса-чи у, шу дамгача унга манави ҳилват нимқоронғи кўча, юлдузлари мастана милтиллаётган бадқовоқ осмон, бир амаллаб ўрнидан туриб, чўлоқланганча белини ушлаб истаб кетаётгани — ҳўв ўша муюлишдаги бозорча, — барча-барча нарсани англатиб келган жони-жаҳонидан жудо этилса-чи?..

Бозорча кимсасиз эди. Аллақачон йиғиштиришибди бозорни, майда-чуйда пўчоқ, данак, қоғоз парчаларига тўла атроф. Фақат газсув дўкнчаси ёнидаги пештахта ортидагина куймаланяпти бошига дўппи қўндирган, соқол-мўйлови оппоқ аллақандай чол. Пештахтадаги олмаларни эринмай битта-битталаб артиб, орқасидаги чоғроққина қоғоз қутига жойлаяпти. Пештахтанинг олд томонида, шундоққина чолнинг оёғи тагида жунлари ўсиқ бир ит ғужанак бўлиб ётибди.

Тўлқин стаканга газсув олди-да, энгашиб юз-қўлини чайишга тутинди. Бу афт-ангор билан қайтиб борди-а, энди уйга? Аксига олиб, имтиҳон эртага... омад бир кетса, кўшқўллаб кетаверар экан-да! Ишонмас эди аввал одамлар шундай дейишса. Мана, энди бошидан ўтказдио мулла бўлди...

— Ҳой, бола, менга қара! — деган овоз қулоғига чалинди шу дам ортидан.

Тўлқин ўгирилиб, мулойимгина табассум билан унга олма чўзиб турган чолни кўрди.

— Ма, ушла!

Тўлқин оҳиста бориб, чолнинг қўлидан олмани олди.

— Раҳмат...

— Ош бўлсин! — Шундай деб, чол яна ўз ишига тутинди.

Бошда унча назарига илинмаган чол Тўлқиннинг кўзига бошқача кўриниб кетди. Соқол-мўйлови, бошидаги дўпписи, нигоҳи — ҳамма-ҳаммасида гўё бир сир бордек. Етти ёт бегона, устига устак, омадсиз бир йўловчини қақриб, қўлига олма тутқазиши... Қизиқ, жудаям қизиқ... Ногоҳ нигоҳи олмадаги тангадек заҳани илғадио фикри ёришиб кетди. Тўхта-тўхта, анави... Ньютонмиди... ҳа, ўшанинг бошига тушган олма бўлмасин бу тагин? Ҳа. Ўша олма худди, аниқ бу! Мана, бошига тегиб, лат еган ери!.. Бу Ньютоннинг бошига тушган олма бўлса, демак, анави чол... Анави чол... Бувиси айтарди-я доим. Агар... у чиндан ҳам ўша бўлса, аллақачон йўқолган кўздан кучук-пучуги билан. Ҳм, текшириб кўриш керак буни...

Тўлқин кўзларини чирт юмиб, бошини чол турган тарафга ўгирди. Эҳ, ишқилиб шундай бўлсин-да! Секин-аста айирди киприкларини бир-биридан... Қаёқда! Қандай турган бўлса — шундай турибди, бир туки ҳам ғойиб бўлгани йўқ. Ит ҳам ўша-ўша, ғужанак бўлиб уряпти уйқуни. Лекин барибир ишонгиси келмади. Ким билсин, балки ғойиб бўлишга улгурмагандир ҳали? Бал-



Рассом Ҳ. Зиёхонов.

ки унақа кўздан йўқоладиган ҳизр эмасдир? Муҳими, берди-ку олмани, кўздан йўқоладими энди, йўқолмайдими — унинг иши нима? Олмасини егин, боғи билан неча пуллик ишинг бор?

Тўлқин чол берган олмага очкўзлик билан тикилди. Мана, ниҳоят амалга ошади энди унинг орзуси!.. Ҳатто акс этгандек ҳам бўлди олманинг ёқут сиртида қип-қизил, гижинглаган «Хонда», аниқ сезди у. Мана, Тўлқин унга сакраб минди-да, газни босди. Кетди-ку учиб осмонўпар иморатлар, майдону кўчалар оша! Ҳасад ва ҳавасдан диллари кабоб бўлиб, қолиб кетаверишди Ибоду Шаҳнозалар. Бармоғини тишлаганча маъшо тикилиб қолган анави қиз — Севар...

— Вой-до-од, ёрдам берингла-ар!

Ногаҳоний бу қичқириқдан капалаги учиб, атрофга аланглади Тўлқин. Ҳеч зог йўқ. Қайси тарафдан келди ўзи овоз? Тўлқин чолга қаради. Парвосига ҳам келтирмай, ҳануз олмасига алағда эди у. Ҳойнаҳой, эшитмаган, қулоғи оғирроқ, шекилли. Роса нуроний ҳизрлардан экан-да ўзиям. Ити ёшроқ эканми ундан, ҳартуғул эшитибди. Қулоғини динг қилиб, япалоқ тумшуғини олдинга чўзиб турибди. Аксига олиб, овоз ҳам бўлак ёрдамга чорламади. Ит яна бирпас шу тахлит тумшуғини чўзиб, атрофга аланглаб турди-да, бошини оёқлари орасига суқди тағин.

Тўлқиннинг баданида чумоли ўрмалагандек бўлди. Узича овоз келган ёқни тусмоллаб, бозорчадан узоқлашди.

Овоз бундан қанчайин бурунги бир қичқириққа, бу қичқириққа сабабчи ҳодиса эса Тўлқиннинг айни дамдаги аҳволига ҳамоҳанг эди. Айни баҳор чоғи эди ўшанда, кўчаларидаги ўртабўй одамни белигача зўрға кўмадиган ариқ тўлиб оқаётган эди. Шундай кунларнинг бирида дадаси сафардан келтирган янги денгизчилар кўйлагини кийиб, ясаниб кўчага чиқди Тўлқин. Маҳалладош чурвақалар жимжилоқдек қўнғиртоб бир мушукболани думидан тутиб, сувга бўктиришмоқда, қизлар эса одатдагидек ҳовлидаги қум тўшалган майдончада ўзларининг ҳеч тугамас «рўзғор» ташвишлари билан банд. Тайинки, Тўлқин биттасига ҳам қўшилмади уларнинг. Қўшилса, ўйин билан бўлиб ҳеч ким тузукли эътибор бермайди унинг янги, чиройли либосига. Ҳеч ким эътибор бермагач, янгилиги чиройлилиги нима бўларди бу либоснинг? Шу боис ариқ ёқалаб чўзилган йўлдан у ёққа, бу ёққа бориб кела бошлади. Оҳиста, гўё атрофидаги ҳамма-ҳаммага бефарқ. Ҳануз ўша мушукболага ҳалак маҳалладош чурвақалар ёнидан ўтаётиб, жўрттага «ўхў-ўхў»лаб қўяди. Шу тахлит неча марта ўтди — эсида йўқ, бир маҳал ортига қайтаётиб, кўчанинг у бошидан ўзи томон шовилмай юриб келаётган тўрхалта кўтарган таниш кампирга кўзи тушди. Кўзи тушдию қувониб кетди: ҳозир ёнидан ўтаётиб, ҳар галгидек: «Ассалому алайкум!», дейди; кампир, албатта, севиниб кетади, тўхтатиб, пешонасини силайди, «Вуй, намулча чиройлисан-а, бугун!», дейди. Мана, ҳозир... Ҳо-озир...

Кутилмаганда кўлидан тўрхалтасини тушириб юборди кампир, кўзлари косасидан чиққудек бўлиб: «Вой-до-од, ёрдам берингла-ар! Оқиб кетади бировнинг боласи!», деб дод солди. Тўлқин чўчиб ортига ўгирилди. Не кўз билан кўрсинки, ариқда... анави мушукболани боши узра кўтарганча... бўғзигача сувга кўмилиб, бир қиз турибди!.. Биров бормикин, деган илинжда атрофга аланглади. Юз одимча жойда тирақайлаб қочиб бораётган маҳалладош чурвақалару турган ерларида оламни бузиб: «Вой, Сева-ар!», деб бўзлаётган қизлардан ўзга ҳеч ким кўринмади. Нима қиларини билмай қолди: кимга қўшилсин — ҳўнграши еру кўкни тит-

ратаётган анави йиғлоқиларгами, ё... Шуниси маъқул-ов. Ким билсин, қилғилиқни бировлар қилиб, айбни унга тиркашса-я ҳали? Йўқ, жуфтакни ростламаса бўлмайди. Қанча тез «қуён» бўлса, шунча...

«Тўлқин!..», деб қақирди шу дам уни кимдир. Овоз жуда-жуда таниш туюлди. Севар-ку! У билан битта синфда ўқийдиган қизи!.. Кунни кеча уй вазифасини кўчиришга берувди-я. Энди... Ўзини ариққа қандай ташлаганини билмай қолди...

Сўнг... сўнг одамлар йиғилишди, зумда «қизим»лаб Севарнинг ойиси ҳам етиб келди, мушукбола билан қизчани иссиққина жункўрпага ўраб-чирмаб, олиб кетишди...

Тўлқин... Тўлқин, янги эгнига илган либоси шалаббо, бу аҳволда ойисининг кўзига кўринишга кўрқиб, то уйдагилар ўзлари қидириб келиб, олиб кетишмагунча...

Уф-ф, бўлди-да, намулча эслади шунини! Кўзига қараса-чи, ундан кўра! Қаёққа кетяпти ўзи? Атроф қоп-қоронғи бўлса, ой ҳам тиккага келиб қолибди, юлдузларни-ку, бамисоли сарбозорда кўзни ўйнатаётган олмалар дейсиз. Ана, Севарнинг юлдузи. Ундан сал пастроқда — ўзиники... Ҳамма юлдуз танлаган эди-да ўшанда ўзига. Тоғнинг ҳаммаёғини илма-тешик қилиб чиқишган, лолами, қизғалдоқми — барини узиб тугатишган. Учиб, тутай бошлаган гулхан атрофига турнақатор чўзиле-еб... Севар ўзига ойнинг ёнбошидаги юлдузини танлади. Сабабини сўрашганида, «Ойга энг яқин юлдуз бўлганлиги учун!», деб жавоб берди. Тўлқин эса ойдан хиёл пастроқдаги юлдузни танлади... «Нега?», деб қизиқсинди Севар. Тўлқин ундан нигоҳини олиб қочди: «Негаки, сеникига энг яқин юлдуз — шу...»

Жуда-жуда мафтункор кўриниб кетди ой шу дам Тўлқиннинг кўзига. Юлдузлар-ку, асти қўяверасиз. Лаблари ўша сўлим оқшом унга парипайкар зоти ҳаёда этган илк ўпич таъмини туйиб, ширин тамшанди. Қулоғига тун ҳар эслаганида ой ва юлдузлар янада жозибали, янада сеҳрли кўринувчи сўзларни қайта шивирлагандек бўлди: «Тўлқин... Сен... сен... яхши боласан!..»

Худди мана шу сўзлар ҳозир анави... туф, ҳа, ўшанинг қулоғи остида жарангламаётганига ким кафолат бера олади? Ким?.. Севар бунга қодир. Тўлқинга ўша сўзларни айтиб, орадан ҳеч қанча ўтмай юзига туфлагандан ҳам баттар аҳволга солдими, демак, бу ишга ҳам сиғади ҳадди. Айтишувди-я, аёл зоти пиргаям дўст бўлмаган, деб. Бўлди. Тамом ҳаммаси! Унутиш, хотирадан буткул ўчириш қолди фақат. Ҳозир уйга бориб ётади-ю, эртага барини унутиб, бутунлай бўлак одам бўлиб уйғонади. Худди онадан қайта туғилгандек!..

Тўлқин атрофга аланглаб, қаерга келиб қолганини аниқлади-да, йўлни уйлари томон бурди.

Йўлак қоп-қоронғи. Ҳм, тушунарли, аллақачон уриб синдиришибди чироқни, шумтакалар! Кунни кеча ўрна-тишган эди-я, уч киши, ярим соат овора бўлиб, бир-бировларининг елкасини қадоқлаб... Зина қаёқда, девор қаёқда — ҳеч вақони фарқлаб бўлмайди, қоқилиб бошни ёриш ҳам ҳеч гап эмас. «Ўзи битта шу етмай турувди!», дея чирт этказиб туфлади Тўлқин ва чўнтагини кавлаштириб, гугуртини чиқарди. Гугурт донаси пов этиб ўт олиб, торгина йўлак, зинанинг икки-уч пиллапоёси ҳамда... бўёғи кўчган деворга ўйилган «С+Т...» деган ёзув ёришди. Дарҳол торти Тўлқиннинг эътиборини бу ёзув ўзига. Лекин ўқишга улгурмасидан гугурт донаси ўчиб, йўлакни яна қоронғилик чулғади. Тўлқин жонҳолатда қутидан иккинчи донани суғуриб, қақди. «С+Т=...». Тағин охиригача ўқиб улгурмай, йўлакнинг нимочиқ эшигидан ураётган ел гугуртни ўчирди. Тўлқин эшикни жаҳл билан бир те-

пиб ёпди-да, учинчи донани суғурди. Аммо чақишга улгурмади — юқоридан келган тарақ-туруқ оёқ товущидан чўчиб, деворга қапишди.

Оёқ товуши иккинчи қаватда тинди. Қайси бир эшикнинг кўнғироқ тугмаси босилди. Зум ўтмай, эшик шарақлаб очилдида, аёл кишининг ниҳоятда таниш овози жаранглади:

— Вой, қўшнижон, бормисиз? Келинг, киригиз уйга.

— Раҳмат. Узр, бемаҳалда безовта қилганимиз учун. Мабодо, Севара сизларникида эмасми?

— Йўқ-а. Тўлқинингизнинг ўзи қайтгани йўқ ҳали. Хавотир олиб ўтирибмиз биз ҳам, қаёқларда юрибди экан, деб.

— Шу болалар ҳам бало бўлишди улғайиб... Майли, қўшни, борайлик биз. Тўлқин иккови доим бирга дарс тайёрлашарди. Шунга...

Ўзини эшикка урди Тўлқин.

«Тўлқин иккови доим бирга дарс тайёрлашарди»... Йўқ, хоним, узр! Истаган одамнингиз билан рақс қилинг, шивирлашинг, ҳиррингланг, лекин қоронғи тушгунча, шунда ҳам ойижон-дадажонингизнинг оқ фотиҳалари билан! Нима бўлгандаям, эътироф этилмаслиги лозим Тўлқин шарифи исмингиз билан бир ёнда. Айни дақиқадан эътиборан! Аниқроғи, ҳозир у ўша ўйин қилаётган жойингиздан оёғингизни ерга тегизмай етказиб келади, зиён-заҳматсиз, худди шилдироқ қоғозга ўрагандек қилиб ойижон-дадажонингизга ином этади. Ана кейин...

Жинбазм ҳануз авжида эди «кема»да. Қулоқни йиртувчи бўғиқ мусиқа ҳукмрон, ҳануз ўша ҳирқироқ овоз ошиқ-мошиғини занг еган эшикдек ғийқилламоқда:

**Тун... Тун... Тун... Тун**  
**Тенг шериксан бизнинг гуноҳга!..**

Кўзлари олма териб, таниш қоматни қидира кетди рақс тушаётганлар орасидан. Мана, Ибод билан Шаҳноза. Салом берди-ик! Хайрли бўлсин тунингиз! Ўзгарилоғи, тонгингиз. Аллақачон бўлган-ку сўфининг азонга таҳорат қиладиган вақти. Демак, Севар ҳам... Севар ҳам... Ҳа-а, мана қаерда эканлар! Сочининг турмагидан таниб қолди зўрга. Қаранг-а, қисилиб олишибди ҳилватгина бурчакка бир-бирларига ёпишиб, жисмлари шунақанги жипислашиб кетибдики, қоронғида иккаловини битта одам деб гумон қилиш ҳам ҳеч гап эмас. Кутиб туришган экан-да ўзи унинг кетишини. Йўқ! Авф этасизлар! Буюрмайсизлар айбга ҳаловатингизни бузишга жазм қилган бир густоҳни!..

Борди-ю, шартта қизнинг елкасига чанг солиб, ўзига қаратди. Қиз худди ичи узилгандек сесканиб, ўгирилди-да, унга оғриқдан олайган кўзларини тикди.

— Ҳа-а-а? — дея чийиллади «кема»ни уммонга тўнкаргудек қилиб. — Нега ёпишасан менга?

Ҳамма қас тушишдан тўхтаб, шу ёққа ўгирилди. Тўлқин оғзи ланг очилиб, қотиб қолди турган жойида. Севар деб ўйлаган қизи... Сочининг турмаги — Севарникидек, бўйи, қадди-баста — Севарники мисол, фақат... фақат Севар эмас, бутунлай нотаниш, бегона!

— Ҳўв, қанақа одамсан-а ўзи сен? — Кайфи яна бузилган пўримнинг кўзлари қонга тўлди. — Ушланглар мени, йўқса ҳозир эзиб ташлайман пашшадек!..

— Ҳой, ҳой! — деб чопқиллаб етиб келиб орага суқилди Ибод. — Кераги йўқ сираям жанжаллашининг! Юра қол, бу ёққа, Тўлқин. — Шундай деб уни қўлтиғидан олди-да, ташқарига етаклади.

— Севар... Севар... — Тўлқиннинг тилига келган калима шу бўлди.

— Ҳа, Севарми? Аллақачон чиқиб кетувди-ку у. Сенинг изингданоқ. Нима, бирга кетмувдиларингми?

Тўлқин бошини кўтариб, нигоҳини унинг кўзларига тикди. Лекин г у м о н қ и л г а н, балки и с т а г а н нарсасини топмади — чап ёноғидаги кулдиргичи бор бўйи ёйилиб, киприклари пирпираб учиб турарди Ибоднинг ҳар доимгидек.

Тўлқин бир силтаниб унинг қўлтиғидан чиқди-да, жадал юриб кетди тиккага қараб.

— Тўлқин! Тўхтасанг-чи, ҳой! — деганча қолди Ибод...

«Тўлқин... Тўлқин...» Йўқ, ҳеч қанақа Тўлқин эмас у! Тўлқин — одамзодга қўйиладиган исм-ку. Одамзодга-я! У-чи? Ҳаттоки росмана тўлқин ҳам эмас, бўтана, кўпик, балчиқ... Ишқилиб, одам эмас-да. Одам...

Ногоҳ нигоҳи кўчанинг нариги юзидаги нимқоронғи троллейбус бекатида ўтирган таниш қорани илғадию хаёли бўлинди. Юраги ҳаприқиб ура кетди. Ушамикан ёки... Аста кўчани кесиб ўтиб, бекатнинг шундоқкина биқинидаги сада панасига яширинди. Унга орқа ўгирган кўйи, бошини хиёл ёнга ташлаб ўтирарди қиз. Сочининг турмаги — Севарникидек, бўйи, қадди-баста... Худди ўзи!

Учта троллейбус ўтди бекатда тўхтаб. Одам ютди, одам итқитди... Биронтасига қайрилиб боқмади қиз. Қўғирчоқ дейсиз худди, қилт этмайди-я ҳатто! Ниҳоят, деразасининг кўзга ташланарли жойига «Сўнги қатнов» дея муҳр босилган шапалоқдек қоғоз ёпиштирилган троллейбус келиб тўхтадию Севар оҳиста ўрнидан кўзгалди. Қизнинг этаги бир ҳилпираб, троллейбуснинг олдинги эшигида кўздан йўқолгани ҳамон жонҳолатда орқа эшикка урди ўзини Тўлқин.

Троллейбус бўм-бўш эди. Олдиндаги икки кишилик ўрнида Севар ўтирибди. Уртаоқда — ўрта ёшлардаги бир аёл билан эркак. Улар ҳам бир бекат юрмай кўзғалиб, ҳозирланишди тушишга.

Секин оёқ учиди юриб яқинлашди қизга. Анчагача нима қилишини билмай, қаққайиб турди тепасида. Охири кўзини чирт юмдию оҳиста чўкди ёнига. Ўтиргани ҳамон шимининг чўнтагидаги муштдек бир нарса сонига қаттиқ ботганини ҳис қилди. Уф, шу етмай турувди ўзи! Кишибилмас Севарга нигоҳ ташлаб, унинг бутун диққати айни дам деразага михланганлигига ишонч ҳосил қилдию ўрнидан хиёл кўзғалиб, чўнтагидаги ўша сонига ботаётган нарсани чиқарди. Суф-эй, анави хизр ҳадея этган олма экан-ку, у бўлса секин ишлайдиган бомбами деб ўтирибди-я! Боя талатўпда ейишнияма унўтиб, солиб қўйган экан-да чўнтагига.

Бир нафас олмани қўлида ўйнаб, ушлаб ўтирди-да, сўнг секин узалиб, Севарнинг тиззасига қўйди. Қўйдию ток ургандек қўлини тортиб, бошини елкалари ичига олди. Учиб келиб пешонасини ғурра қилишини кутди «бомба»нинг. Жуда бўлмаганда троллейбуснинг йўлагига «портлар»...

— Афанди-ей! — деган овоз жаранглади қулоғи остида кутилган портлаш ўрнига. — Ишондинг-а менга сендан бўлак одам ҳам ёқини мумкинлигига...

Ялт этиб қаради қизга Тўлқин.

Севар, худди ҳайрон бўлишга арзигулик ҳеч нарса демагандек, пешонасини ойнага тираганча лип-лип ўтаётган симёғочларга ўйчан термулиб борарди.



## Қилич Нурмухамедов

ҳеч қачон ўз томонларига оғдира олмайдилар. Бунга имоним комил. Негаки...

Жарроҳ эндигина ишдан қайтиб, дам олаётган эди. Телефони жириглаб қолди. Трубкани олса — безовта бир овоз:

— Алло, кимнинг уйи бу?.. Яхшимисиз, ака, ўзингизми? Уйда бўласизми? Ҳозир етиб бораман...

Бир оздан сўнг боя кўнғироқ қилган киши уйга етиб келди. Таниш йигит экан. Салом-алиқдан сўнг меҳмон муддаога кўчди.

— Ака, биттагина илтимос билан келган эдим.

— Бемалол,— деди одати бўйича жарроҳ.

— Бир касални кўриб қўйсангиз. Яқин жойда. Узим олиб бориб, яна келтириб қўяман...

Р. кийиниб чиқди-да, ҳалиги йигитнинг машинасига ўтирди. Кўп ўтмай машина шаҳарнинг қоқ ўртасидаги бир ҳовли дарвозаси олдига бориб тўхтади. Р. машинадан тушаркан, шеригининг негадир безовта бўлаётганини, ҳаддан ташқари такаллуф кўрсатаётганини кўриб ҳайрон бўлди. Ичкарига кирилгач, масала равшанлашди: бояги йигитнинг укаси маст ҳолатда машина ҳайдаб кетаётди, бир болани уриб кетибди... Боланинг ота-онаси соддароқ кишилар бўлгани учун шофёрнинг акаси, яъни Р.ни келтирган йигит: «Болангиз енгил жароҳатланган. Уйда даволамиз. Таниш дўхтир бор», деб ваъда берган экан.

Р. ҳўсиз болани кўриб, ҳалиги йигитни қақирди-да:

— Менга жароҳат дeмoвдингиз-ку?— деди.

— Нима фарқи бор? Бир акалик қиласиз-да энди...

— Бола оғир жароҳатланган. Зудлик билан касалхонага жўнатиш керак.

— Шу ерда даволаб беринг, жон ака! Беш минг бераман. Касалхонага борса, иш газак олади... Ота-онаси ҳам рози... Қандай дори-дармон бўлса, топиш қўлимдан келади. Шприц, биксларимиз бор.

Бу гаплардан сўнг хирург жиддий қиёфага кирди.

— Бефойда гапларни қўйинг, ука. Болани тезроқ касалхонага жўнатиш лозим.

Сўнг у ота-онани ярадор ўғилнинг ҳақиқий аҳволдан воқиф этди. Содда кишилар эмасми, улар елка қисишди. Онаси:

— Билмасак, бу киши енгил дeгaнларини учун...— деди. ерга қараганча.

— Қўлоғидаги қонни кўриб, ўзим ҳам кўрқиб турган эдим,— деди отаси тарадудланиб.

Йигит ноилж жарроҳни уйига ташлаб келди. Р. эса кейинчалик ҳам боланинг тақдири билан қизиқиб турди. Бола рoппa-рoса бир ярим ой дeгaнда касалхонадан чиқди.

...Ушанда институтни энди битирган пайтларим эди. Дам олиш кунларидан бирида қишлоққа бордим, яқин қариндошим бизникига келди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, ўтган-кетгандан гаплашиб ўтирдик. У тўсатдан мендан сўраб қолди:

— Ревизорликка қанча ўқийдилар?

— Тўрт-беш йил.

Бу жавобимдан сўнг қариндошим менинг медицина институтида ўқиганимни назарда тутиб:

— Эсиз етти йил умринг!— деди бош чайқаб.

— Тинчликми ўзи?— дедим ҳайрон бўлиб.

— Ёғоч бочкадан асал қўйди-я, азамат!

— Ким, нима тўғрисида гапиряпсиз?

У башарамга бироз тикилиб турди-да, дoнa-дoнa қилиб сўзлай кетди:

— Совхозга ревизор келган экан. Уйда ишлатиш учун директоримиздан беш-олтита рабoчий сўрабди. Икки ҳафтадан бери ўшаникда ишлаб ётибмиз. Кеча ремoнтни тугатдик. Ана уй, мана ҳовли! Ертўлада ёғоч бочка тула асал!

Қариндошимнинг гапига кулдим.

— Нимага куласан?— деди у қизишиб.

— Лоф ҳам сал эви билан-да...

## Врач кундалигидан

Кейинги пайтларда биз врачлар қаерда бўлмайлик, нима ҳақда суҳбатлашмайлик, фикри-зикримизни ШИКОЯТ кўпроқ қамрайдиган бўлиб қолди. Ундан ҳадиксираймиз, чўчиймиз. Чунки ҳар қандай шикоят, у тасдиқланадими, йўқми бари бир, врачни бир силкитиб кетади. Менинг назаримда, шикоят — юқумли касалликка, эпидемияга ўхшайди. Эпидемиянинг олдини олиш учун дарҳол карантин эълон қилинади. Шикоятни нима қилса бўларкин?

Тўғри, унинг ҳам олди олинмоқда. Лекин бу чoрa-тaдбиpлар ҳали етарли эмас. Хўш, нега шифокорлардан шикоят қилишмоқда? Шикоятлар асосан нималардан иборат? Барча шикоятлар асослими?

Бу саволлар дафъатан кўпчиликни ўйлантириб қўяди, албатта. Шу боис юқоридаги муаммоларга «диагноз» қўйишга журъат этдим.

## Биринчи бекат

Табобат оламида шикоятлар асосан қўйидаги ҳолларда содир бўлади:

соф виждонли шифокорлар орасида тасодиф оқибатида кириб қолган кимсанинг нафс безлари ҳақалак отиб кетса; врач савёз билими туфайли мудраганида, яъни эътиборсизлик қилганида;

бемор билан қўпол муомала қилган пайтларда;

тиббиёт илмига амал қилмаганида;

ниҳоят, раҳбар врачлар баъзан ғайриқонуний иш юритганларида.

Демак, шикоятнинг асосий ўқ томири — нафс дeгaн бaлo билан туташдир.

Бобокалонларимиз, тегирмонни — сув, йўлни — қийшиқ арава бузади, дейишган. Афсуски, баъзи бировлар ўзларининг қийшиқ арaваларини етаклаб тиббиёт даргоҳига пусибгина кириб келадилар. Улар кўпинча иродасиз медицина ходими орқали ниятларига эришадилар. Аммо виждони пок врачларни



— Улай агар, ҳали бошқалар ҳам айтиб қолишар: бочкадан қошиқлаб-қошиқлаб асал едик,— деди у. Сўнгра қўшиб қўйди:— Етти йил ўқиганинг билан ҳозир сеникида бир алам ҳам асал йўқ...

Кейинги сафар қариндошим бизнига яна келди.

— Иш чатоқ,— деди у мийиғида кулганча.— Занғар реви-зорнинг биздан одам тушган экан. Бизлар уникида нима иш қилган бўлсак, ҳаммасини кимдир ёзиб берибди. Томшувоқ қилиб турганимизни суратга олиб қўйишганимиш. Илтимос, газетада танишларинг бўлса айтиб қўй, рабочий одамда нима гуноҳ, директор бююргани учун бордик-да! Иложи бўлса, суратни чиқармасин газетада. Шарманда қилади одамни... Бу ёғи нима бўларкин, жиян? Наҳотки, бизларга ҳам гап тегса?!

— Нима бўларди, ҳеч бўлмаганда еган асалингизнинг пулини тўлайсиз-да!

— Э, асали сабил қолсин!

Нафс деганда кўплар фақат пулни, порани тушунишади. Аслида нафс деган балонинг кўриниши турли-турли. Бир воқеа ҳеч хаёлимдан кўтарилмайди.

Биз билан бирга ўқиган Мансур исмли врач бор. У студентлик даврида ўзини Максим дейишларини ёқтирарди. Шу боис кейинчалик у батамом Максим бўлиб қолди. У бир куни қизиқ иш қилибди.

Ширалироқ жойда ишлаётган бемори унга:

— Ака, яхшироқ дорилар билан қарашинг, хизматингизни биз ҳам қайтарармиз,— дебди.

— Яхшироқ дори ҳам гапми!— дебди Максим.— Сиз учун ҳатто профессор қачириб бериш ҳам қўлимиздан келади. Профессор сизни отдай қилиб юборади.

Кўп ўтмай Максим қўшни бўлимдан ёши йигирма бешда бўлса ҳам кўринишидан қирқларга борган салобатли йигитни қачириб олиб, унга тушунтирибди:

— Оғайни, ҳозир бир иш қиламиз; мен билан бирга бориб, битта беморни кўрасан, фонендоскоп билан унинг у ер-бу ерини текширган бўласан, «Кўрқманг, мана Максимжон ҳам тўғри даволаётган экан, яна у-бу нарсадан маслаҳат берамиз, қисқаси, отдек бўлиб кетасиз», десанг бас.

Салобатли врач бир зумда беморни кўриқдан ўтказибди, Максимнинг топшириғини кўнгилдагидек бажарибди.

Шанбалик куни ҳалиги бемор касалхона ҳовлисига чиқса, кечаги «профессор» замбил кўтариб юрган экан. Бемор ҳайрон бўлиб, сўнг палатага қайтиб кирибди-да, Максимга қараб:

— Дўхтир, кеча мени кўрган профессор бугун замбил кўтариб юрибди-ку?— дебди.

Максим сир бой бермаслик учун ёзув столдан бош кўтармай жавоб берибди:

— У ҳудди ўша профессорга ўхшаш интернатура муддатини ўтаётган врач. Сизни кўрган ҳақиқий профессор эса кеча самолётда учиб кетди. У катта шаҳардан келган эди, адашманг...

«Профессор» воқеаси сабаб бўлиб, иштаҳаси ҳакалак отиб кетган Максимнинг ўзи ҳам кўп ўтмай касалхонадан «учиб» кетди.

Айтайлик, бир бемор касалхонада икки ҳафта мобайнида даволанадиган бўлсин. Демак, ундан хабар олиш учун яқин кишиси кун ора бир келса ҳам 7—8 марта келади. Ҳар сафар 5 сўм харажат қилса, бемор оиласидан 40—50 сўм миқдорда чиқим бўлади. Соғлигини тиклаш учун область ёки республика марказидаги касалхонага олиб бориш зарур бўлса ёки бемор узоқроқ муддат даволанадиган ҳолларда юқоридаги арифметиканинг ўзгариши табиий.

Мабодо бемор вояга етмаган бола бўлса-чи? Уйда худди шундай ширин болалардан яна 7—8 таси бор, қолхоздан оладиган маоши эса оилани тебратишга зўрга етади.

Оқ халатни доимо тоза кийиб юришни истовчи шифокорлар ана шуларни унутмаслиги керак. Тиббиёт муқаддас даргоҳ. Унинг ҳовлиси озода, саришта: ерга игна тушса ҳам кўзга ташланиб туради.

Қисқаси, нафс, таъмагирлик ҳақида бошқа гапирмасликка қарор қилдим, акс ҳолда Гиппократнинг ҳақиқий издошлари мени кечирмасликлари, ҳеч бўлмаганда, «Бургага ўчакишиб, кўрпага ўт қўйибсан-ку!» дейишлари аниқ. Шундоқ ҳам тиббиёт даргоҳи Максим каби баъзи бир шотирларнинг дастидан бўлганиб ётибди.

Бешинчи курсгача ҳамма фандан «аъло» баҳога ўқиган Г. исмли дўстим бирдан ўзгариб қолди. Сабаб — у яхши кўрадиган қиз севгисини рад этганмиш.

Г. аввалига бир-икки марта дарс қолдирди. Кейинчалик қолдирилган дарслар сони кўпая борди. Охири у бутунлай ўқимай қўйди, паришонхотир бир ҳолга тушди. Барча маслаҳатлар бесамара кетди. Г. бешинчи курсда институтдан четлаштирилди.

Олий ўқув юртидаги студентларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиб мумкин.

Биринчи гуруҳга ўзининг асосий мақсади йўлида астойдил жон куйдирадиган, келажакда етук мутахассис бўлиш ниятида таълим олаётган студентлар кириди.

Иккинчи гуруҳни студентлик деганда кўча-кўйда ясан-тусан қилиб юрадиган, ўқишни иккинчи ва учинчи ўринга қўювчи талабалар ташкил этади.

Учинчи гуруҳ аъзолари — «нима бўлса ҳам олий маълумот ҳақида ҳужжат — диплом олсам бўлгани, сўнгра иш бир гап бўлар» деб кун ўтказадиган, уч баҳо билан курсдан курсга кўчганидан ҳурсанд бўлиб юрадиган студентлардан иборат. Гоҳида бу тоғфани анча ёшга борган, нима сабабдандир олий маълумот қасдида ўқишга отланган кишилар ташкил қилишади.

Группамизда ёши қирқлардан ошиб кетган, бир пайтлар медицина билим юртини битирган икки киши ўқирди. Биз уларни «оғалар» деб атардик. Шу «оғалар»нинг қизиқ бир одати бор эди: бирор студент (албатта, биринчи группа вакили) дарс қилиб ўтирган бўлса, унга қараб: «Э, ука, бу фан иш фаолиятингда у даражада керак бўлмайди, кўзнинг нуруни беҳудда тўкиб ётманг!» деб кеттишарди. Бу гапни улар нима мақсадда айтганларига ҳали-ҳали ақлим етмайди.

Тўртинчи гуруҳга ҳеч нарса билан қизиқмайдиган, ҳатто студент бўлганда ҳам қувонмаган ношудлар мансубдир.

«Ношуд» дейишимдан мақсад, илгариги замонларда болани мактабга олиш олдидан домла уни бир-икки савол билан синаб кўраркан. Саволлар жавобсиз қолса, уни етаклаб келган отаси шундай гап эшитаркан:

— Хафа бўлмайсиз-у, бунингиз — ношуд экан, агар уни мактабга қабул қилсам, умримни эговлайди...

«Ношуд»лар кўпчилик билан бирга юришади, лекин нима мақсадда юрганларини ўзлари ҳам билмайдилар. Х. деган курсдошимиз биринчи курс давомида ўтиладиган ўндан ортқ фан бўйича фақат битта дафтар юритган эди. Дафтарининг битта саҳифасида тарихий саналардан кейин бир-икки химиявий элементлар формуласи, ундан сўнг физикага оид шакллари инсон танасидаги суякларнинг лотинча номларини учратиш мумкин эди.

Агар гап ҳар бир гуруҳнинг тақдир ҳақида кетадиган бўлса, биринчи группа соҳиблари тўғрисида: «Шубҳа йўқ, улар вақти-соати келиб, халқимизнинг оғирини енгил қилади, ёмон кунда ярайди», дейиш мумкин.

Учинчи гуруҳга юқорида етарлича таъриф берилди.

Асосий масала иккинчи ва тўртинчи гуруҳга келиб тақалади. Боя айтганимиздек, қани эди улар биринчи синоздаёқ Х. каби четга чиқалар.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: қайси мединститутда бўлмасин, қабул пайти бир ўринга 4—5, баъзан ўнтагача ариза тушади. Қизиқ, ўнтадан биттаси саралаб олинса-ю, улар орасида аравасини тортолмайдиганлар қалашиб ётса? Ёки аравани ортидан сурувчилар беҳадми?..

Тўғри, мединститутга қабул қилинганларнинг ҳаммаси врач бўлиб етишавермайди. Бу табиий ҳол. Сабаб — абитуриентлар орасидан ноқобил ёшлар ҳам чиқиб қолади. Улар шолнинг курмагидек кўкаради. Курмаклар ҳам шоли билан баб-баравар сув ичиб, қуёшнинг тафтидан тенг баҳра олаверади. Демак, фидойи мутахассис етишиши учун бирталай ғалблар тинмай айланиши керак.

Беихтиёр ҳурматли Ҳаким Зоҳидийнинг бир гапи ёдимга тушди. Бу гапни профессор Зоҳидий одатда биринчи дарсидаёқ, ўзини таништириш пайти айтиб оларди:

— Фақат битта айбим бор, у ҳам бўлса оқни оқ, қорани қора дейман.

Талабчан, қаттиққўл профессор неча ўнлаб курмакларни

шолипоядан юлиб олиб ирғитмади дейсиз! Устоз ҳақида тиббиёт оламида: «Ҳаким Зоҳидийдан уч баҳо олган бўлсанг, анатомияни бешга билар экансан», деган реал ҳикмат қолди.

Устозлар ҳақида гап кетганда бир табаррук инсонни эҳтиром билан эсламасдан иложим йўқ. У киши доҳий Ленин йўлланмаси билан Тошкентга келган олимларимиз қаторида иш бошлаган фармаколог Николай Кампанцевдир. Профессор Кампанцев ўз фанининг билимдони бўлиш билан бирга ниҳоятда камтарин, студентларга нисбатан эса жуда меҳрибон эди. Лекцияларда керакли гапни кўпчилигининг таъбири билан айтганда, «мияга қуйиб» қўярди. Николай Николаевич имтиҳон пайти студентнинг қай даражада илмга эга эканлигини бир савол билан англаб оларди. Мабодо студент яхши билса, унга «тўрт» қўймасдан, аксинча, «Яна бир оз ўқиб келсанг сенинг баҳонг «беш», дер эди. Баъзилар, домла бизга «4» ҳам бўлади, деб эътироз билдирса: «Йўқ, сенинг билиминг «беш»га лойиқ,— дерди.— Фақат фалон-фалон темаларни ҳам бошқаларидек ўзлаштиришинг керак».

Бир куни қизиқ воқеа бўлган: Николай Николаевич бир талабани имтиҳондан қайтарди. Ҳалиги йигит оилавий аҳволининг ёмонлигини, энди стипендиясиз ўқиши гумонлигини айтиб йиғлади. Унинг рангига термилиб турган домланинг ҳам кўзлари намланиб кетди. Иккаласи йиғлашиб олдилар. Студент чиқиб кетаётганида изидан домла ҳам турди. Талаба бу ҳолни кўриб, зора домланинг юраги бўшаган бўлса, деган фикр билан тўхтади. Профессор уни қўлтиғидан олиб йўлида давом этди:

— Ҳўлим, оилавий аҳволининг оғирлигини сезиб турибман. Начора! Сен слесарь бўлиб етишсанг экан, мен қарашиб юборсам... Сенга ҳозир раҳм қилсам келажакда сен кимларнингдир оилавий аҳволини оғирлаштириб юборишинг ҳеч гап эмас... Ундан кўра, йиғламасдан қулоқ сол: маълум темалар бўйича билиминг яхши. Аммо қолганларидан мазанг йўқ, ўшаларни ҳам яхшилаб ўқиб келгин, мен сенга стипендия оладиган баҳо қўяман. Келишдикми? Йиғлама.

Уни кўчага кузатиб қайтган, кўзёшларини артиб, имтиҳон хонасига кирган эди. Албатта, маслаҳатини яхши бажарган студентларга домла тегишли баҳо қўйган. Қани эди ҳамма ҳам ғалвирни Зоҳидий ва Кампанцев каби айлантира олса...

Демак, курмакларни вақти-вақти билан шолилардан ажратиб туриш боғбонларнинг, аниқроғи, домлаларнинг бурчи, вазифаси.

## Учинчи бекат

Бобокалонимиз, бемор тузалишини истасанг — унинг руҳини кўтар, деб бежиз айтмаганлар.

Эндиги гап врачнинг бемор билан бўладиган муомаласи ҳусусида. Шикоятнинг илдизи шу нарса билан ҳам боғланган бўлади.

Врач бемор билан биринчи учрашувдаёқ эътиборни кучайтириши лозим. Эътибор деганда белгиладиган дори-дармон ёки анализларнинг аҳамиятини обдан ўйлаб кўришгина тушунилмайди. Аксарият шикоятлар врачларнинг беморга нисбатан муомаласи ёмонлигидан келиб чиқади.

Ўлилар воқеаси ҳеч эсимдан чиқмайди. Навбатчи хирург сифатида постда турганим. Кечга яқин касалхона дарвозасидан ўттиз чоғлик эркак шитоб билан кириб келди. Олдинда бир йигит, унинг елкасида 10 ёшлар чамасидаги қизча. Бошқалар йигитдан дамба-дам: «Чарчамадингми? деб сўрайди. Оломон бўлимимиз эшигига келиб тўхтади. Қизчанинг исми Тахтбиби экан. Унинг буйраги оғриётгани учун бўлимга жойлаштирдик. Қизча тегишли ёрдамдан сўнг тинчланди. Аммо эшик олдидаги одамлар жилмасдан тураверишди. Устига устак салдан сўнг 20 тача хотин-халаж ҳам уларга қўшилди. Бу ҳолни кўриб:

— Ҳаммаларинг бир қизча деб юрибсизларми?— деб сўрадим.

— Ҳа, одам сизга помидорми?— дейишди улар.

Мен гапимга яраша жавоб олдим.

Врачнинг нафақат ноўрин айтган сўзи, балки шубҳа билан бир қараб қўйиши ҳам беморнинг дилини хуфтон қилиши мумкин.

Тунги пайт навбатчилигимда бир қизчани олиб келишди. Чамаси, у 13—14 ёшларда бўлиб, қаттиқ оғриқ туфайли безов-

таланар, бирга келган ёшроқ хотин эса унга дамба-дам тасалли берар эди. У нуқул қизнинг исмини айтиб юпатишга уринар, бирор марта қизим ёки болам сўзини ишлатмасди.

Мен беморга тегишли ёрдам бердим. У бир оз тинчлангач, касаллик тарихини тўлдирди бошладим. Бу пайт шубҳасиз, қизнинг қачон касал бўлгани, касаллик нимадан бошлангани сўраб олинади. Саволимга тегишли жавоблар бераётган ҳалиги аёлдан сўрадим:

— Сиз қизчанинг кими бўласиз?

— Онасиман.

Беихтиёр аёлга тикилиб қолдим. Чунки у сап-сарик, қиз эса бугдойранг юзли, қошу кўзи қоп-қора, сочлари попуқдек эди. Шубҳамни қизча бирдан англаб олди-да, қўшимча қилиб жавоб берди:

— Бу киши менинг иккинчи онам!

Кейинроқ билсам, қизнинг ҳақиқий онаси бир неча йил аввал вафот этган экан. Мен ўшанда шубҳали бир қараш туфайли қизнинг дардини янгилаб юборганим учун пушаймон бўлдим. Афсуски, вақт ўтган эди...

Мен-ку шубҳали бир қараш натижасида зийрак қизнинг дил ярасини янгилаб юборганман. С. деган ҳаммасим эса воқеани батафсил айтиб, оғохлантиригимдан сўнг ҳам беморнинг дилини оғритадиган муомала қилган. Воқеа шундай содир бўлади.

Яқин бир дўстим қишлоқдан қўшнисининг хотинини оғир ахволда туғруқхонага олиб келибди. Менга хабар берди. Бордим. Дўстим қўшнисининг бошқа шаҳарда даволанаётганини, буни унинг ҳомиладор хотинидан сир тутганини айтди. Мен навбатчи врач С.ни бир четга чақириб олиб, воқеадан воқиф этдим. С. менга:

— Биз ҳаммага баб-баравар қараймиз,— деди.

Аммо ҳомиласи бевақт безовта қилаётган ҳалиги хотиннинг олдига кириб сўрабди:

— Ростдан ҳам эрингиз оғир касалми?..

Врачнинг болалар билан бўладиган муомаласи ҳам ўта зийраклик талаб этади.

Операциядан чиқишимни кутиб турган терапевт дўстим мени кўриши билан:

— Кетдик,— деди.

— Қаёққа?

— Кейин айтаман, каттақондан рухсат олдим,— деб мени қўлтиғимдан ушлади.

— Шошманг, кийиниб олай.

— Шарт эмас, машина тайёр, ғир этиб борасизу келасиз. «Ғир» этиб бордик. Дарвозадан киришимиз билан бизни кутиб олган уй соҳибасига дўстим:

— Мана бу кишини ҳозир операциядан олиб келяпман,— деди.

Икки қадам нарида қулоғини динг қилиб турган бола бу гапни эшитиб:

— Операция қиларкан, онажон, айтинг операция қилма-синлар!— деб тўполон қилиб юборди.

Яхши ҳамки, бир оздан сўнг боланинг отаси келиб уни юпатиб берди.

У киши бизга болани кўрқитибсизлар, дейиши ҳам мумкин эди. Биз унга ноўрин шикоят қиляпсиз дея олмасдик, бундай дейишга ҳаққимиз йўқ. Унутмаслик керакки, кўрқув — организмга баъзи бир дарддан кўра ёмонроқ таъсир қилади. Шу ўринда бир воқеа ёдимга келди.

Ешлигимизда ҳар биримиз ёнида ўткир пичоқ ёки устара олиб юрган катталардан кўрқиб юрганмиз. Чунки бир марта унинг қўлига тушганмиз. Мардон бобонинг қизиқ одағи бор. Ёш болани кўрдими — бас, қувлаб кетади. Болалар унга кўпинча тутқич бермайди. Баъзан қўлга тушиб қолишса, бунинг чолга қизиги йўқ. У ноилож, ҳа, кўрқмас экансан, ҳали шошмай тур, пичоғим уйда қолганини билдинг-а, деб у ён-бу ёнини пайпаслаб қўяди, холос.

Қўлга тушган болалар иккинчи қочмайдиган бўлади. Шу боисдан Мардон бобога қолса, болалар тутқич бермай қоча-верса, у ҳам қувлайверса.

Ўшанда ўн беш бола қишлоқ магазини олдида йиғилиб, ўйин қуриб турардик. Бир четда 13—14 ёшлардаги жуссаси йирик Жўра турарди. У лапашангроқ эди. Жўра кўпинча чўпон тоғаларига ёрдам бериш учун отарда юрар, шу боисдан ўқиши ҳам ҳаминқадар эди.

Уйинимиз авжига чиққан пайт кимдир тўсатдан ваҳимали

қилиб: «Мардон бобо келаяпти, ҳозир ётқизади!» деди. Ҳамма дув этиб қочди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Жўра қочолмай қолди, аксига олиб бирдан йиқилиб тушди. Бу пайт Мардон бобо жуда яқин келиб қолган эди. Унинг: «Тўхта!» дегани шундай қулоғи остида эшитилди. Жўра ўрнидан турмади, тура олмади ҳам: у ҳўшсиз ётарди.

— Мен қаердан билибман?— дерди бир ҳол бўлиб ўтириб қолган Мардон бобо титраб.— Сув сепинглар, пиёзни чайнаб юзига пурканглар.

Сув сепилди, пиёз ҳам пуркалди.

— Жўрка, Жўра, кўзингни оч.— деди биров бақириб.

— Жўрақул, Жўражон, кўзинганингни очгин,— деди Мардон бобо ҳам зорланиб. Бир оздан сўнг Жўра кўзини очди, ҳўшига келди. Мардон бобо кафтларини очиб кўрсатди:

— Кўрқма, Жўражон, мана, ҳеч нарсам йўқ. Кўрқмагин энди...

Жўра секин оёққа турди ва устини қоқиб, уйига жўнади. Шу воқеа сабаб бўлди Мардон бобо болалар билан ҳазиллашмайдиган бўлиб қолди...

Врач болани мумкин қадар ҳеч бир ҳадиксиз кўрик қилиши керак. Баъзан ота-она бизнинг ишни ҳаддан ташқари юзаки тушунади. Д. исмли боланинг отаси ранг-қути ўчган ҳолда жарроҳ ёнига келди:

— Болани операция қилсак соғайиб кетади, деган эдингиз. У операцияхонадан ҳўшсиз чиқди-ку?..

Бемор ҳамиша ҳақми, деган саволга мен «ҳа» деб жавоб бераман. Лекин ҳаётимда юз берган баъзи бир воқеаларни эслатиб ўтиш ниятим ҳам йўқ эмас.

Д. исмли қизчанинг онаси ординаторхонага авзойи бузуқ ҳолда кириб келди. Салом-алик пайти ҳам қовоғи очилмади. Аксинча, бирдан саволга ўтди:

— Қизимга нега грамури бермаяпсизлар?

Туйқусдан берилган бу саволдан аввалига ҳайрон бўлдим, сўнгра ҳаёлан «гап тагида гап бўлиши мумкин» деган фикрга бориб:

— Қизингизга грамури бериш шарт эмас,— дедим.

— Йўқ, шарт!— деди у ўчакишиб.— Яккаю ягона қизимга грамури топилмасан!..

Унинг гапини бўлдим:

— Биринчидан, мен ҳали топилмайди деганим йўқ. Қолаверса, қизингизни грамурига ҳақимиз ҳам дарддан холис қиламиз. Сўнгра бемор олаётган дориларни санай бошладим.

— Буларингиз бейфойда...

— Қизингизга грамури кераклигини қаердан билдингиз? — Ишхонамизда бир хотин худди шундай дарддан грамури ичиб тузланган экан.

— Биласизми, баъзи дориларни болалар учун имкони борица камроқ ишлатиш керак.

— Йўқ, грамури!

Ноилж унга бобомдан эшитган, Замон бойнинг туяси ҳақидаги ҳикояни айтиб беришга мажбур бўлдим:

— Биласизми, опа, ўтган замонларда бир бой яшаган экан. Унинг мингта қўйи ва битта туяси бор экан. Бой бўлишига қарамасдан у ўта ҳасис экан, нуқул касалликдан ўлаётган қўйини сўйдиаркан. Бойнинг ўн иккита фарзанди бир кўрпани ёпиниб ётишаркан. Кўрпа ҳам анча хизмат қилган экан; эрталаб ким уйғонса, кўрпанинг бир четини ағдариб ўтирмасдан, ўзига яқин бўлган йиртиқдан чиқиб кетаверар экан. Уша бойнинг туяси касал бўлиб қолибди. Бир кун, икки кун, йигирма кун ўтса ҳам туя ўрнидан турмабди. Ваҳимага тушган бой яқин-атрофга жар солибди:

— Кимда-ким Замон бойнинг туясини ўрнидан турғизса, битта қўйга эга бўлади!

Хабарнинг учинчи кунни қўшни қишлоқдан Чори Карвон деган бир киши бойниқига келиб:

— Туянгизни мен турғизаман!— дебди.

— Битта қўй бераман.

Чори Карвон ишга киришибди. У олдин бир қулоч темир қосовнинг бир учини обдан қиздирибди. Шундай қиздирибдики, темир чўғ бўлиб кетибди. Сўнг ўша темирнинг чўғини туянинг товоғига босган экан, туя бақириб, ўрнидан туриб кетибди. Чори Карвон қўйни олиб ҳовлидан чиқиси билан туя ўзини ташлаб юборибди. Бу сафар умуман ўрнидан турмабди. Ҳикояни эшитиб Дилоромнинг онаси шаштидан тушди.

— Айялиб кетай сизлардан, ўз билганингизча даволанг. Ишқилиб, қизим тузалса бўлди. Биз авом халқ, ким нима деса

ишонаверамиз. Ўзимиз кўр бўлсак-да, врачларга ўргатамиз. Мени кечиринг, укажон...

Гоҳида беморнинг кимигадири яхши кўриниш учун унга ҳеч бир алоқаси бўлмаган кишилар ҳам касалхона ҳовлисида изғиб юради, врачнинг қимматли вақтини олади, энг ёмони — майда-чуйда гапларга, ҳар хил миш-мишлар тарқалиб кетишига ўшалар сабаб бўлади.

Навбатчи врач хонасига башанг кийинган 30—35 ёшлар чамасидаги йигит кириб келди. У иш билан машғул бўлган врачларга тортинмасдан қўл узатиб, бир-бир кўришиб чиқди. Сўнгра хонанинг бир бурчагидаги креслога бемалол чўқди. Хонадагилар билан ялпайиб ўтирган жойида бош ирғаганча сўраша бошлади. Йигит ўзини шу вазоҳатга лойиқ ҳис этар ва бу ўринда ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаслиги керак деган маънода атрофга назар солар эди. Касалхонага иши тушган одамга ўхшамасди. У ҳар бир киши билан узундан-узун ҳол-аҳвол сўрашиб, бамайлихотир ўтиргани учун бўлим бошлиғи врачларнинг вақтини қизғанди.

— Ҳўш, хизмат?— деди у йигитга қараб.

— Бир болани кўргани келган эдик.

— Кимни?

— Шавкатжонни.

— Фамилиясини айтгин.

— Зарипов.

— Ҳа, шундай бола бор, даволаняпти,— деди бўлим бошлиғи гапни лўнда қилиб.

— Ишқилиб, яхшироқ қарашингизлар-да,— деди йигит чайналиб.

Орага нуқулай жимлик тушди. Бўлим бошлиғи яна йигитга юзланди:

— Шавкатни кўрасизми?

— Раҳмат, кўриб чиқдим. Сизларни ҳам бир кўриб кетай деган эдим...

— Бизларни ҳам кўриб бўлдингиз,— деди унга врачлардан бири ёзаётган касаллик тарихидан бош кўтармай.

Ниҳоят, бу гапдан, «бизга ҳалақит беряпсиз» маъносини англаб олган йигит, «Ҳўп бўлмаса, соғ бўлингизлар!» дея чиқиб кетди. Эртаси кун и яна келди. Бу сафар бўлим бошлиғи ундан сўради:

— Сиз Шавкатжоннинг дадасимизми?

— Йўғ-э,— деди йигит мийғида кулиб.— Шавкат жияним, мен унга тоға бўламан. Унинг касаллигини билсам бўладими?

— Биз боланинг касаллиги ҳақида фақат ота-онасига ахборот берамиз.

— Отасининг вақти тиғиз, доимо зарур иш билан бандлар.

— Шошадиган жойимиз йўқ, бола даволаняпти, дадаси вақт топиб келар, бўлмаса онасига айтамиз.

— Менга айтмайсизми?

— Йўқ, мумкин эмас.

Йигит мулзам бўлиб чиқиб кетди. Бир неча кундан сўнг касалхонага Шавкатнинг отаси келди. У киши врачлар билан самимий қиёфада ҳол-аҳвол сўраша бошлади.

— Кечирасизлар, хизматчилик, олдинроқ учрашиш имкони бўлмади. Нуқул сизлар ишдан қайтган пайтлар келдик. Ҳозир бир зум вақт топилиб қолди. Главкадан одам келган эди, шу боис шаҳарга йўлим тушди. Ҳай, ҳорманглар энди.

— Саломат бўлинг.

— Қалай, Шавкатжоннинг тоши эрий деб қолдими?

Отанинг бу сўзларидан барча ҳанг-манг бўлиб қолди. Бир оздан сўнг масала равшан бўлди-қолди... Бир неча кун давомида Шавкатжоннинг ҳолини сўраб юрган йигит Шавкатнинг дадаси раҳбарлик қилаётган ташкилотда экспедитор бўлиб ишларкан. У Шавкатнинг касалхонага бетоб бўлиб тушганини эшитиб, бу ерга бўзчининг моксидай қатнай бошлаган. Врачлар боланинг дардини ундан сир тутгани билан Шавкатнинг онасидан болада буйрак — тош касаллиги борлигини билиб олибди ва Шавкатнинг отасига яхши кўриниш учун Шавкатнинг дардига малҳам излай бошлади. Кимлардандир «буйрак тошини эритиш мумкин» деган гапни илиб олиб, Шавкатнинг дадасига: «У ерда менга таниш врачлар ишлашади, улар тошни эритишмоқчи, топилмас дорилардан ёрдам қилишларини тайинлаганман», деб ялтоқланган экан. Уша кун и врачлар унга Шавкатнинг касаллиги ҳақида, ундаги тош эрмайдиган хилидан эканлиги тўғрисида ва болани фақат операция йўли билан даволаш зарур эканлигини айтишди. Орадан кўп ўтмай Шавкат операция қилиниб касалхонадан соғайиб ҳам чиқди.

Баъзан эса арзимас нарсани рўқач қилиб олган беморлар яқин кишига шифокор устидан шикоят қиладилар. Очигини айтганда, бу хил инжиқлик такаббур раҳбарлар, айниқса уларнинг оилалари, яъни «янгалар» ўртасида мавжуд. Улар касалхонага шифо истаб эмас, гўё текширувчи каби кириб келадилар.

Шифокорларнинг ўзаро қуйидагича суҳбат қуришганини эслайман:

— Нозик табиатли опалардан бири бўлимга келиши билан, темир каравотда ётмайман, деб туриб олди. Сўнг уйдан диван олиб келишга рухсат бермаган врач устидан эрига, эри эса соғлиқни сақлаш системасидаги раҳбарга арз қилиб 20 йил ҳалол ишлаган жарроҳга маъмурий жазо олиб берди. Ахир беморни каравот даволамайди-ку!..

— Уни қўйинг. Биттаси бизнинг бўлимга кирмасдан туриб, менга алоҳида хона қилиб берасанлар, ҳамма нарса — чойшаб ҳам, кўрпа ҳам янги бўлсин, деб буюрган эди. Баҳоли қудрат кичикроқ хонага жой ҳам қилинди. Аммо ҳалиги табаррук зот палатага оёқ кўяр-қўймас галдаги талабга ўтди: беморларга мўлжалланган холодильникни унинг палатасига киритиб берармишман...

Беморларимиз бизнинг ёрдамимизга муҳтож. Биз врачлар ўзимизни оқлашга қанчалик уринмайлик, тортишадиган шеригимиз, яъни бемор жабрдийда, дили озор тортган инсон, бир сўз билан айтганда, у носоғ. Шунини унутмайлик. Мақсад беморни даволашдан иборат. Нима билан? Илиқ сўз билан, гиёҳ билан, тиғ билан, қунт билан, сабот билан, чидам билан...

## Тўртинчи бекат

Демак, илиқ сўз билан, гиёҳ билан, тиғ билан, қунт билан, сабот билан, чидам билан...

Хирург бўлганим учун бу бекатни устозлардан мерос қолган ҳикматли гапдан бошламоқчиман: «Бизда қўлдан олдин бош ишлаши керак!»

Нафақат жарроҳлар, тиббиёт оламининг ҳар бир вакили амалий билимга эга бўлмоғи даркор.

Шундай воқеа эсимда: пахтакорлар учун ташкил этилган дала поликлиникасига командировка этилаётган врачга катта ҳамшира бош врачнинг буйруғига асосан керакли дориларни зудлик билан тахтлаб беради. Врач ишга тушади. У дала поликлиникасидаги фаолиятининг иккинчи куни қабулга келган бемор студентни укол қилади. Студент тинчланиш ўрнига чинқира бошлайди. Маълум бўлишича, катта ҳамшира шошиб новокан ўрнига бошқасини қўйиб юборган экан.

Ҳақиқатда врач мутахассис сифатида у-бу нарса қўлидан келадиган бўлгач, тиббиёт оламида тугал ечимини топган жабҳа йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас деган буюк ҳикматни унутиб қўяди. Узини барчадан устун қўйиб, иззатталаб бўлиб қолади. Ана шу қусур оқибатда беморнинг соғлиғига салбий таъсирини кўрсатади.

К. деган врач беморнинг ярасини боғлаш пайти:

— Ярангизнинг нарёғи қорин бўшлиғи. Мендан бошқа одам боғласа, йирингни ичакларингизга ўтказиб юбориши мумкин,— деди.

Бу гапнинг эртаси куни К. графикка мувофиқ узоқ районга командировкага жўнатилди. Касалхонада қолган бемор эса қани энди ярасига бировни йўлатса. К.нинг ўзини топиб келасизлар, бошқа одамга боғлатмайман, деб туриб олди. Бу гапни у К.ни тарбиялаган жарроҳларга ҳам айтди. Бир неча бор тушунтиришлар оқибатидагина К.дан бошқа врач ҳам унинг ярасини боғлаш қобилиятига эга жанлигига беморда ишонч ҳосил қилинди.

Ақсинча, баъзида беморнинг тақдирига бепарқ қараш, унинг ҳаёти учун муҳим бўлган муолажаларни ишончсиз қўлларга топшириб қўйиш ҳоллари ҳам учрайди.

Навбатчилигимда тун ярмига яқин қўшни бўлимнинг оғир беморларини текшираётган чоғимда палатага семиз бир хотин кириб келди. Мен бирорта беморга бир гап бўлдимикин деб, унинг оғзига қарадим. У гап-сўзсиз тўрдаги тумбочка устида турган Жане шприцини олди.

— Тўхтаган!— дедим жиддий ҳолда унга қараб. Ҳалиги хотин бир оз тисланди. Менга ёрдам бериб турган ҳамшира гапга аялашди:

— Бу киши фурациллин олмоқчилар.

— Фурациллинни нима қилади?

— Уғлининг трубкасини ювиш учун.

— Қанақа трубка?— дедим ҳамширанинг гапидан ҳайрон бўлиб.

— Кўкрак қафасидаги трубка...

Шундан сўнг мен яра боғлашдан тўхтаб, хотинни залга чиқариб қўйдим.

Кейин ҳамширадан сўрадим:

— Ким рухсат берган унга?

— Мудирамиз. Анча бўлди, ҳар куни ўзи ювади.

Ҳамширанинг гапидан анграйиб қолдим.

— Ишонмасангиз, ана, палатага бориб сўранг, ёнидагилар айтишади.

Ҳа, ҳамшира ёлғон гапирмаётган экан. Ростдан ҳам 8-палатадаги С. деган уч ёшли боланинг онаси — ҳалиги аёл ўғлининг кўкрак бўшлиғига қўйилган махсус трубка орқали ҳар куни фурациллин юбориб, йиринглаган ўпкани ювар экан.

Уша оқшом бу муолажани мен бажардим. С.нинг онаси фақат «ўргатиб» турди, холос.

Эртаси куни беш минутликда кечаги масалани кўтарсам, бўлим мудирини кўпчиликнинг олдида уялади деб ўйладим. Аммо жавоб тамоман бошқача бўлди:

— У хотин сиздан ҳам, мендан ҳам яхши ювади...

Мураккаб ишни битта кондуктор хотинга топшириб қўйган олий маълумотли врачни муносиб таърифлаш учун ҳануз сўз топа олмайман.

## Бешинчи бекат

Бизда тиббиётнинг бир юз етмиш икки соҳаси бўйича мутахассис тайёрланар экан. Хўш, бу соҳаларда ҳамма бирдай жавлон урадимми? Биринчи мутахассиснинг бир юз етмиш иккинчига нисбатан ҳурмати қандай? Бир юз етмиш биринчи мутахассис ўзидан кейингисини қанчалик тан олади? Улар ҳамшира ҳам беморнинг тақдирини учун баб-баравар қизиқишадими? Бу саволларга жавоб ахтариш жараёнида бир воқеани эслагим келди. Уни менга марҳум устозим ҳикоя қилиб берган эди.

Энди ишга келган пайтларим. Чошгоҳда «тез ёрдам» касалхонамизга ёши анчага бориб қолган бир кишини олиб келди. Унинг аҳволи оғир эди. Бирин-кетин ўн икки мутахассис кўриб чиқишди. Ўн иккиси ҳам, беморнинг ҳозирги аҳволи бизга тегишли касаллик туфайли рўй бермаган, деган хулоса асосида ўн икки хил кўргазма беришди. Бемор эса кечга яқин ўн икки бўлими «фаол» ишлаб турган касалхонанинг қабулхонасида ёруғ жаҳонни тарқ этди.

Энди мана бу гапга қулоқ тuting:

Юқумли касалликлар шифохонасининг қабулхонасида навбатчилик қилаётган врач беморни кўриб, унинг онасига:

— Болангизнинг аҳволи оғир, шамоллаган. Шу босиб болалар касалхонасига олиб борасиз,— деди.

— Йўғ-э,— деди безовта она,— қишлоқ дўхтири болани ичи бузилгани учун сизларга жўнатган эди-ку?

— Бизга тегишли касаллиги ҳам бор, лекин ўпкаси чатоқ. Шунинг учун айтилган жойга боринг-да, ичи кетганини айтманг...

Шу ўринда биз қачондан бери бемордан четлаб ўтадиган, «отанг қариса қоч», қабилида иш тутадиган бўлиб қолдик дегинг келади! Ахир яқин-яқингача устозларимиз командировка пайти ёки отпусқа даврида ҳам иш жойидаги беморларнинг аҳволини сўраб туришмасмиди? Малака оширишдан ёки дам олишдан қайтиб ишга тушган куниеқ оғир аҳволда ётган беморнинг тақдирини нима бўлгани билан қизиқшмасмиди?!

Баъзан мутахассисларнинг ўзаро муносабатларини, улар ўртасидаги муомалани кўриб ажабланасан киши. Айрим ҳолларда эса ҳатто хўрлигинг келади.

Хирург шаҳардаги машҳур педиатрдан: «Илтимос, битта оғир беморимни кўриб қўйсангиз», дея илтижо қилган эди, педиатр қуйидагича жавоб берди:

— Узингизнинг болангиз бўлганида борар эдим, афсуски, вақтин зик...

Ҳақиқатда туппа-тузук мутахассис ҳам «қовун тушириб» қўяди. Обход пайти нейрохирург М. бемор болани кўрик қилатуриб:

— Энди унга ҳеч қандай укол керак эмас, чунки болани қайта операция қилиш лозим,— деди.

Бу гапдан боланинг онаси қотиб қолди:

— Нега ундай дейсиз, боламнинг аҳволи операциядан сўнг анча ўзгарди! Бу гапингиздан операция қилган дўхтурнинг хабари борми?

— Мен ундан сўраб ўтирмайман, операция нотўғри қилинган! Мана, рентгенда олинган суратда шундай кўришиб турибди.

— Вой шўрим!— деди она.— Наҳотки яна боламнинг миясини очилса? Иккинчи операцияни кўтарармикин, энди оёққа турётган эди-я...

Тунда районга чақирилган врач пешинга яқин иш жойига келса, боланинг онаси йиғлаб унинг олдига чиқди:

— Дўхтир, кўлингиздан келмас экан, нима қилардингиз уринибди!

— Тинчликми, опа?!— деди ҳеч нарсадан хабарсиз бўлган врач.

— Уғлимни нотўғри операция қилибсиз-ку!

— Ким айтди сизга бу гапни?

— Бўлим бошлигингиз.

— Қачон?

— Бугун обход пайти.

— Сиз палатада турунг-чи, мен бир оздан кейин кираман,— деб у бўлим мудирининг хонаси томон юрди. Мудир хонада ёлғиз эди.— Болани қайта операция қилиш керак дебсиз...

— Бўлмасам-чи, ана рентгенограммасига қаранг, осколками турибди.

— Шундай осколкдан операция пайти еттитасини олганман.

— Саккизинчисини ҳам олиш керак эди.

— Олардим, аммо кучли қон кетиш рўй берди. Боланинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида операцияни тезроқ тугатганман. Битта осколқа қолган бўлса бордир, аммо у миянинг пардасидан ташқарида турибди, кейинчалик мия қопқоғи сатҳигача кўтарилади.

— Кўтарилмайди.

— Кўтарилади!

Бу айтишув тортишувга, тортишув эса масалани бутун коллектив хирурглари ўртасида кўриб чиқишга сабаб бўлди.

Кўпчилик, бош нейрохирургни чақириб унинг фикрини билиш керак, деган қарорга келди. Бош нейрохирург келиб бола ҳеч қандай қайта операцияга муҳтож эмас, озод турган битта осколқа кейинчалик мия қопқоғи сатҳига кўтарилади, деган фикрни айтди.

Бола бир неча кундан сўнг касалхонадан соғайиб чиқди. Шундай қилиб, бўлим мудирни ординаторнинг хатосини «тўғрилайман» деб ўзининг обрўсини тўкди, холос.

Баъзан севган касб сабабли ишхонадагилар бир-бири билан бир оила фарзандлари каби иноқ бўлиб кетганига бировларни ишонтиролмайсан киши.

Устозим тўсатдан оғир дардга чалиниб қолди. Касалхонада унга ёрдам кўрсатилмади бошланди. Аммо, зарур бўлган чорани тадбирларнинг барчаси, уни даволаётган врачларнинг таъбири билан айтганда, ўз вақтида бажо келтирилаётган бўлса ҳам, беморнинг аҳволида яхшилик томонга ўзгариш кўринмас, аксинча, беморнинг аҳволи тобора оғирлашар эди. Одатда бундай пайт ҳар қандай беморнинг қариндош-уруғлари зир югуришлари табиий. Биров даволоччи врачга қараб: «Балки ноёб, топилмас дори керакдир?» деса, иккинчи бир киши бош врачга, юқорироқдан мутахассис чақирмайсизларми, деган таклиф билан муурожаат этади. Афсуски натижа бўлмади — А. 44 ёшида, врачлик фаолиятининг ўн саккизинчи йили ҳаётдан кўз юмди. Саксон ёшга яқинлашиб қолган чолу кампир бевақт ўлим туфайли хазон бўлган фарзанди доғида оқ чекишди. Мен уларнинг қайғусига қисман эса-да, шерик бўлдим. Мана шунга ҳам бир неча йил бўлибди. Улардан ҳануз хабар олиб тураман. Ҳар сафар борганимда қариялар кўзларида ёш билан: «Дўхтир ўғлим келди!» деб қарши олишади.

Бошқа соҳани билмайман-у, медицинада кадрларнинг ўртоқ бўлгани маъқул. Мутахассислики яхши эгаллаган врач кўп ҳолларда иш жойини ўзгартирмасликка ҳаракат қилади, ҳатто раҳбар вазифалардан ҳам воз кечади. И. деган хирург бош врачлик вазифасига ўтти тўғрисидаги тавсияни бир неча бор рад этганини яхши эслайман. Аксинча, шундай врачлар ҳам борки, мустақил иш бошлаганига уч-тўрт йил бўлмасданок

иш жойини, баъзан эса касбини ҳам бир неча бор ўзгартиришга улгуришади.

Яқинда бир воқеанинг шохиди бўлиб ҳайрон қолдим. Хирургия бўлимининг бошлиғи, ўттиз йил фаол ишлаган киши кеча институтни тугатган ёш врач С.га:

— Бугун навбатчи врачнинг бошига бир ташвиш тушибди, постда қолинг, табелга сизни ёзамиз,— деди.

— Қола олмайман,— деди гапни чўрт кесиб С.

— Ука, илтимос...

— Бўлмайди, дедим-ку.

— Сабаби борми?— деди бўлим бошлиғи сал қизишиб.

— Бор, индинга синфдошлар ўтириши, бугун бозор қилишим керак.

Шу воқеадан кўп вақт ўтмай, узоқ райондан касалхонамизга бир ёш врач кириб келди. У бемор олиб келган экан. Беморини топшириб бўлгач, С.ни сўради.

— Бирга ўқиганмисизлар?— дедим мен унга.

— У биз билан бирга ўқигани йўқ, курсма-курс бирга юрган, холос,— деди ҳалиги йигит афсус билан. Сўнгра менга маънодор қараб давом этди:— Эҳ, ака, қандай «аълочи» йигитлар хирургияга ўтолмай қолиб кетди. С.га ўхшаганлар эса, умрида бирор марта операцияда қатнашмаган бўлса ҳам, ўтиб олишди. Операция пайти ёрдам бериш у ёқда турсин, агар мустақил равишда қўлини юваолса мен исимини бошқа кўяман! Бўл-бўл экан, бор бўл экан-да!.. Институтга киришда ҳам, то уни тугатгунча ҳам пулни ишлашиб кун кўрди.

Унинг гапини бўлдим:

— Ўзи студент бўлса, мўмай пулларни қаердан топади?

— Тўғри, ўзида ҳеч вақо йўқ, ҳаммасига савдонинг қайси бир бурчагида ин қурган отаси балогаддон. Шаҳарда ишга қолишнинг ҳам ўзи бўлгани йўқ...

Йигитнинг гапига ярим ишониб, ярим ишонмай қўйдим.

Кўп ўтмай касалхонага бошқа ташкилотдан кўнғироқ бўлди:

— Маҳаллий комитет раисимисиз?— деб сўради кимдир.

— Ҳа.

— Сизларда бир врач ишлар экан,— деди-да, у С.ни сўради.

— Ишлайди,— деб тўғриси айтдим.

— Уша йигитнинг ҳужжатларини тўғрилаб райисполкомга келинг.

— Нима масалада эканлигини билсам бўладими?

— Уй-жой тўғрисида,— деди ҳалиги одам.

— Бизда уй-жой учун бир неча йилдан бери ишлаётган мутахассислар навбат кутиб туришибди-ку?

— С.га ёш мутахассис сифатида уй берамиз...

Шундай қилиб, С. ёш мутахассис сифатида квартиралик ҳам бўлди. Аммо у бизнинг ҳисобдаги бошпанага жойлашгач, уйига яқинроқ поликлиникани қўлай билиб, ишни ҳам ўзгартириб юборди. Шундагина мен унинг курсдоши айтган гапларига ишондим.

## Олтинчи бекат

Бу бекат табобат соҳасидаги раҳбарлари уларнинг буйруғини ижро этувчиларга бағишланади.

Ҳар бир системанинг, жумладан, медицинанинг ҳам ўзига яраша раҳбар ходимлари мавжуд. Тан олиш керак: бизнинг раҳбарларимиз асосан икки тоифадан иборат. Биринчи тоифа вакиллари кўпчиликни ташкил этади: улар аввал тиббиётни бирор соҳасида кўзга кўринган, ўз ишини пухта ўрганиб чиққан ва ниҳоят, коллектив тавсиясига мувофиқ бош врачлик вазифасини бажарётган ҳақиқий ташкилотчиларимиздир. Бундай раҳбарлар коллективнинг ҳар бир аъзосига ўзининг яқин кишисидек меҳрибон, унинг асосий мақсади — ҳар бир ходимнинг иш вақти унумли бўлишини таъминлаш.

Маҳкамов деган хирург касалхонанинг қайси бурчагида бўлса ҳам бекор ўтирган оқ халат соҳибини кўриб қолса, доим бир гапни айтар эди: «Наҳотки беморга ёрдам бериб бўлгансиз?» Унинг бу оддий лўқмасида, врач бемор учун қанча вақт ажратмасин, барибир кам деган мазмун ётарди.

Шундай бош врачлар борки, уларнинг иш принципи, айниқас давлатнинг пулини сақлаш ва сарфлаш бобидаги хатти-ҳаракатлари пешона тери эвазига топган пулни тийингача эҳтиётлаб юрадиган тежамкор кишиникига ўхшаб кетади. Касалхона мулкни ўзиникидай асрайди, у бошқаларни ҳам шун-

га ундайди. Хуллас, фидойи врачлар бўлгани каби фидойи раҳбарлар ҳам мавжуд.

Ҳар таёқнинг икки томони бўлганидек, фидойи раҳбарларнинг ҳам тескари тоифалари ҳаётимизда соя каби биз билан бирга яшамоқда. Мақсад — ўша иккинчи тоифа вакили бўлган, шухратпарастлик ва дабдабавозликни яхши кўрадиган амалдорни фож этишдан иборат. Бир донишманддан донолик сирларини сўрашганида: «Аҳмоқнинг тескарисини бўлмақ керак», деган экан.

Гап иккинчи тоифадаги раҳбарлар ҳақида кетаркан, уларнинг кўпчилиги институт бўсағасини тарк этиши биланоқ (баъзилари ҳатто талабалик йилларидан бошлаб) махсус машинада талтайиб юриш, хонанинг тўридаги катта столга тирсақ тираб виқор билан ўтириш орзусида эканлигини эътироф этмоқ лозим. Фикримни исботлашга ўтаман.

Институтни битириб учинчи йил ишлаётган врач Б. кунларнинг бирида тўри область соғлиқни сақлаш бўлимига кириб унинг мудирига:

— Мен битта илтимос билан келдим, — деди.

— Қанақа илтимос?

— Бизга медицина билим юртини берсангиз.

Область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудир аввал гап нима ҳақда бораётганини англамади.

— Гапингизни тушунмадим.

— Уша билим юртига директор ахтараётган экансизларку?..

— Ҳа, — деди бирдан ҳушёр тортиб мудир, — ахтараётганимиз рост, умуман яхши фикр...

Илтимосчи унинг гапини бўлди:

— Узим ҳам рози бўласиз деб ўйлаган эдим. Буйруқ қачон чиқади?

— Сиз ҳозирча бораверинг, бир киши билан гаплашиб, маслаҳатлашиб кўрай-чи.

Бу гапдан сўнг Б. хурсанд бўлиб ўрнидан турди.

— Раҳмат ака, менга унутилмас яхшилик қиляпсиз.

Мудир Б. ишлайдиган поликлиниканинг бош врачига кўнғироқ қилиб, «бўлажак директор»нинг таржимаи ҳолини сўради. Симнинг нариги томонидан келган жавоб ҳам ёмон бўлмади:

— Унга лавозим касали теккан.

Яхши ҳамки, Б. директорликка эришолмади. Акс ҳолда амал курсисидан шахсий манфаат йўлида фойдаланувчиларнинг сони яна биттага ортиши ҳеч гап эмас эди.

Қўнимсизлик деганда яна бир ҳолни эсдан чиқармаслик керак. Бу ўринда баъзи врачларнинг бошиқ бўламан деб иш жойини ўзгартаришини таъкидламоқчиман.

Ж. деган танишим мансаб деб йигирма йил мобайнида ўн тўққиз марта иш жойини ўзгартирган эди. Ж. ўринбосарликка кўтарилиб охири раҳбарликдан умид узди ва йигирма йилдан сўнг амалиётчи врач бўлишга қарор қилди.

Иккинчи тоифадаги раҳбарларнинг қизиқ одати бор: улар аксар ҳолларда шифохонанинг асосий фаолиятини эмас, касалхона ҳовлисини, биноларнинг кўрнинишни кўпроқ ўйлашади. Дарвозадан токи кабинетигача ярақлаб турса, ҳовлининг гулларини кўриб келган киши менга баҳо бераверади, мабодо ичкаридан бир ишқал чиқиб қолгудек бўлса, ўша жойдаги нохўрнинг қовушини тўғрилаб қутуламан, деган фикр уларнинг ҳамроҳи бўлади. Шу боис улар беморхонанинг асосий вазифасини иккинчи ўринга қўйишади.

Табобат раҳбарлари орасида фидойи врачлар қолиб, лаганбардор ва ишқамасларга ён босадиган Биринчиларни учратсам ёки улар ҳақида бир гап эшитсам, Кенжа бобо билан Қурбон бобо деган қарияларнинг нақллари беихтиёр ёдимга тушади.

Кенжа бобо нақл қилади:

— Биласанларми, мушукни ит нима учун ёмон кўради?.. Бир кун олапар қарасани, таргил мушук уйнинг тўридаги тахмонга чиқиб ётган эмиш. Бирпасдан сўнг мушук офтобга чиқибди. Эшикдан чиқиши билан уни олапар қувлаб кетибди. Ит: «Йиллаб уйни, ҳовлини кўриқлаб турган бўлсам-да, ҳали бирор марта ичкарига қадам қўйган эмасман, сен нима каромат кўрсатдингки, тахмонга чиқиб олсан?!» дермиш.

Қурбон бобо нақл қилади:

«Умрида тўрт марта кетмон урмаган Эшмўминни раисимиз ҳар қадамда ўзига шерик қилиб юришига сабаб — Эшмўминнинг қўйнида ҳаммиша тухум билан майиз бўлади».

## Еттинчи бекат

Кейинги йилларда мутахассисларнинг категорияларига мутасадди ташкилотларимиз томонидан жиддий эътибор берилиши бежиз эмас. Малакали врачлар моддий ва маънавий жиҳатдан тақдирланиб борилмоқда. Бу — табобат соҳасидаги камчиликларни йўқ қилиш ва медицина хизматини яхшилашда муҳим тадбирлардан бири бўлиб қолади. Бас, шундай экан, врачларга малака категорияси бериш жараёни билан боғлиқ баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтсак фойдадан холи бўлма-са керак деб ўйлайман.

Е. деган врачни яхши билар эдим. У институтни битиргач: шаҳардаги касалхонада қолиш йўлларини қидирди. Интернат-ура пайтида касалхонанинг қайси бўлимида бўш ўрин борлиги билан қизиқди. Ниҳоят, лабораторияда бўш ставка борлигини билиб, интернат-ура тугаш пайтида бош врачнинг қабулига кирди:

— Акажон, сизнинг касалхонангизда қолиб ишлаш бахтига муяссар бўлсам, армоним йўқ, — деди у илтижо билан.

— Э, ука, сизни қаерда ҳам олиб қолар эдим, жой йўқ-да! — деди бош врач унга жавобан.

— Бўш ўрин бор экан, йўқ деманг, илтимос.

— Бўш ўрин? — дея елкасини қисди бош врач. — Бўш ўрин қаёқда, ҳамма штат банд-ку!

— Лабораторияда...

— Ҳа-а, — деди бош врач, — лабораторияда ставкамиз бор, бир эмас, иккита, лаборант бўлишга розимисиз?

— Розиман, акажон, — энтикиб жавоб берди ёш врач.

Шундай қилиб, Е. шаҳардаги касалхонада лаборант бўлиб ишга жойлашди. Аммо икки йил ишлар-ишламас битта йўлланмага эгалик қилиб малака ошириш учун ўқишга жўнади. Ундан, ниятинг бошқача эди-ку, деб сўрашганида, ҳозирча илашиб олайлик, у ёғи ҳам бир гап бўлар, деб жавоб берди.

Ўқишдан келиб ҳам Е. миқ этмасдан эски жойида лаборант бўлиб ишлаб турди. Сал ўтмай бош врачнинг устидан имзосиз хат тушди. Унга қўйиладиган дачволар орасида «кадрларни ўз соҳасида ишлатмайди» деган даъво ҳам бор эди. Фактлари қисман тасдиқланган номсиз хат туфайли огоҳлантирилган бош врач ўз хатоларини тузатишга киришди. Жумладан, лаборант Е. га ҳам эндокринология бўлимидан ўриндошлик бўйича вазифа теғди. Яна беш йилдан сўнг Е. қон касаллик-лари бўлимида тўлиқ ставкада ординатор бўлиб олди ва категория олиш учун ҳужжат тайёрлашга киришди. Бошда Е. ўйлаб қолди: «Қайси соҳага ҳужжат топширсам экан?» Сўнгги мутахассислигим бўйича аттестациядан ўтай деган хулосага келди. Ҳужжатларда у институтни тамомлагандан буён гематология бўлимида фаол ишлаб келаётганлиги кўрсатилган эди. Характеристикани эса бош врач отпускага чиққан пайт олди. Барча ҳужжатларини кўтариб кадрлар бўлимига кирган эди, у ерда инспектор хотин бир оз тихирлик қилгандек бўлди, аммо иккита «опажон»дан кейин у ҳам касалхона-нинг шапалоқдек муҳрини Е. нинг ўзига узатди.

— Категория олиб қайтсангиз, қуруқ келмассиз?

Аммо Е. аттестация комиссиясининг синовидан ўтолмади. Ҳаққоний аттестация комиссияси мутахассисларнинг фаолиятига ҳар томонлама эътибор беради.

Ж. деган врач ўзининг билимдонлиги билан, иш пайтида қилган мураккаб операцияларининг хилма-хиллиги билан кўпчиликнинг диққатига сазовор эди. Бирдан комиссия аъзолари-дан бирови ундан сўради:

— Қанча шогирд тайёрлагансиз?

Бу саволга жавоб бериш ўрнига Ж. қазаришга тушди. Начора, бирорта ҳам шогирд этиштирмаган экан. Комиссия масаланинг шу томонини ҳам ҳисобга олиб, хулоса чиқарди.

Ҳа, чиндан ҳам фидойи врачлар энди тетапоя бўлаётган кадрлардан ўзларига лойиқ шогирдлар тайёрлаши, қолаверса, табобатнинг бугунги жумбоқларини ечишда баҳоли қудрат улуш кўшишлари лозим экан.

Касалхонамизда ишлаётган медицина фанлари кандидати-дан, илмий ишингизнинг натижаларини амалда қўллаётибсизми, деб сўраган эдим у:

— Бунга бизнинг шароитда имкон йўқ, — деб жавоб берди.

Янгилик дунёга келгандан сўнг пробиркаларда қолиб кетмасдан, халққа хизмат қилмоғи даркор.



Озод Шарафиддинов

# АБДУРАУФ ФИТРАТ

Абдурауф Фитрат ўзбек ва тожик халқларининг маданий ривожига салмоқли ўрин тутувчи ёрқин сиймолардан биридир. Унинг тақдири ҳам ғоят фожеали бўлган — у айни бой ҳаётий тажриба орттириб, қалами қайралиб, илҳоми тўлишиб турган бир чоқда Сталин истибдодининг қурбони бўлди. Оқлангандан кейин ҳам кўп йиллар мобайнида унинг асарлари нашр қилинмади, номи қора рўйхатлардан чиқмай келди. Сўнги йиллардагина қайта қуриш шарофати билан, ошкоралик ва демократиянинг қанот ёза бошлагани туфайли Чўлпон, Элбек ва бошқалар қатори Фитратнинг ҳам баъзи бир асарлари дунё юзиги кўрди, адабиётшунослар улар тўғрисида мақолалар эълон қила бошлашди. Булар, албатта, Фитратни адабиётимиз тарихидаги ўзининг қонуний ўрнига қайтариш борасида бошлаган ишларимизнинг дебочаси, холос.

Фитрат курашларга, изланишларга, алданишлар ва кашфиётларга тўла ҳаётий йўлини босиб ўтди. У 1884 йилда Бухорода туғилди, эски мактабда ўқиди, тарих, фалсафа ва адабиётдан чуқур билим олди, араб, форс, турк тилларини мукамал ўрганди. Айни чоқда, эски мактаб таҳсилини кўрган Фитрат ўзининг таъбири билан айтганда, «мутаассиб руҳоний» бўлиб етишган эди.

XX аср бошида бутун Шарқда бўлгани каби Бухорода ҳам ижтимоий фикрда жиддий уйғониш бошланиб, жадидчилик ҳаракати кучайди. Фитрат ҳам, «ёш бухороликлар» деб ном олган жадидларнинг сўл қанотиغا қўшилади ва орадан кўп ўтмай — 25 ёшида Туркияга ўқишга кетади. Истамбулда ўтказилган тўрт йиллик ҳаёт, турк маърифатпарварлари, адиб ва шоирларининг ижоди билан танишиши, европача фалсафа ва ижтимоий таълимотлардан ўрганиши Фитратнинг қарашларида кескин бурилиш ясайди — энди у Бухоро ҳаётидаги, Туркистон ҳаётидаги қолақликларни, бидъат ва хуррофатни аниқроқ кўради, жамият ривожига тўсиқ бўлиб ётган кучлар ҳақида теранроқ ўйлай бошлайди. Бу изланишлар Фитратни ислоҳотчилик йўлига олиб келади — у дин билан илмни бирга қўшишга интилади ва ижтимоий тузумни янгилаш ғояларини ўртага ташлайди. Бунда у, айниқса, феодал психологиянинг кўри-нишлариغا, диндаги, яшаш тарзидаги маҳдудликка қарши чиқади. Фитратнинг жамиятни ислоҳ этиш ҳақидаги ғоялари «Мунозарар ва «Баёнати сайёҳи ҳинди» деган публицистик рисолаларида ифодаланган. Бу китобнинг иккови ҳам биринчи марта форс тилида Истамбулда нашр қилинган эди. Кейинроқ эса (1913) Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий нашриётида

А. Н. Кондратьев деган одам таржимасида рус тилида босиб чиқарилади. Бу икки рисола Бухорода ҳам, Туркистонда ҳам ижтимоий фикрнинг ўсишига кучли таъсир қилди.

Фитрат 1913 йилда Бухорога қайтиб, ёш бухороликлар ҳаракатида фаол қатнаша бошлайди ва кейинроқ ошқора тарзда амир Олимхонга қарши кураш йўлига киради. Айни чоқда, у ҳам шоир, ҳам адиб, ҳам адабиётшунос, ҳам муаррих, ҳам тилишунос, ҳам публицист сифатида қалам тебратта бошлайди ва тез орада жамоатчилик ўртасида катта обрў қозонади. 1920 йилда Бухоро халқ республикаси тузилган, Фитрат янги ҳокимият составида бир неча йил маориф ишлари бўйича вазирлик вазифасини бажаради.

Абдурауф Фитратдан бой ва ранг-баранг мерос қолган. Кичкина бир муқаддимада унинг ижодий меросининг ҳамма қирраларини батафсил ёритиш бир ёқда турсин, ҳатто шунчаки санаб чиқиш ҳам амри маҳол. Шунинг учун мен фақат икки масала устидагина тўхтаб ўтаман.

Абдурауф Фитрат ўзига хос, юксак маҳоратли драматург эди. 20-йилларда у ўнга яқин драматик асарлар яратди ва уларнинг ҳаммаси ўша пайтда саҳналаштирилди. Буларнинг маданий ҳаётда катта роль ўйнаганини шундан ҳам кўрса бўладики, ҳар бир асар катта-катта мунозараларга сабаб бўларди ва ҳар гал бу асарлар муносабати билан тарихимиз ҳақида ҳам, адабий мерос ҳақида ҳам, кундалик ишлар тўғрисида ҳам жиддий мулоҳазалар айтиларди. Фитратнинг кўп асарлари тарихий воқеаларга бағишланган бўлиб, уларда тожик ва ўзбек халқларининг қаҳрамонлик анъаналари, чет эл босқинчиларига қарши кураши, эрксеварлиги, адолат ва ҳақиқатга ташналиги тасвирланган. Масалан, Фитратнинг Фирдавсий «Шоҳнома» асосида ёзилган «Зоҳроки морон» фожеаси 1919 йилдаёқ саҳнага қўйилганди. Шундан кейин 1920 йилда унинг «Бегижон», «Чин севиш» каби пьесалари қўйилади. «Чин севиш» ҳинд ҳаётидан олинган бўлиб, унда тараққийпарвар ҳинд ёшларининг ўз ватанларининг мустақиллиги учун кураши, инглиз мустамлакачиларига қарши фаолияти ҳикоя қилинган. Кейинроқ эса бу мавзуда Фитрат яна «Хинд ихтилолчилари» драмасини ҳам ёзди. Унинг тарихий драмалари ҳақида гапирганда «Темур соғанаси», «Абулфайзхон», «Арслон» каби асарларини ҳам санаш керак. 20-йилларда ва айниқса, 30-йилларда бу асарларни ғоявий жиҳатдан айблаган мақолалар кўп ёзилди. Уларда муаллиф ўтмишни идеаллаштиришда, миллатчилик ғояларини тарғиб қилишда айбланди. Ҳатто «Хинд ихтилолчилари»дан айрим парчалар

келтириб инглиз мустамлакачилари ҳақидаги гапни «бу руслар ҳақида айтилган» дейишдан ҳам тоймаган одамлар бўлди. Кейин эса бу мулоҳазаларнинг ҳаммаси Фитратни халқ душмани деб аташга, унинг қатл қилинишини оқлашга хизмат қилди. Мен бу мулоҳазаларни айтар эканман, албатта, бу билан Фитратнинг драмалари ҳар қандай камчиликлардан холи эди демоқчи эмасман. Уларнинг мазмунида ҳам баҳсли ўринлар бўлганидек, бадиий шаклида ҳам муайян нуқсонлар бор. Улар ҳақида истаганча гапириш, танқидий мулоҳаза юритиш мумкин, аммо уларнинг ҳеч қайсиси Фитратга қўрқинчли сиёсий айблар тақашга, унга дўқ қилишга, уни репрессия қилишга асос бермайди. Фитрат санъаткор сифатида ўзи тасвирлаётган воқелик парчаларига мустақил қарашга ҳам, ҳатто адашишга, хато қилишга ҳам ҳаққи бор.

Энди икки оғиз гап унинг илмий асарлари ҳақида. Фитрат ўзбек адабиётшунослигининг отаси бўлган. У классик адабиётимиздаги кўпгина сиймолар ҳақида қўлёзма манбалар асосида биринчи мақолаларни ёзган эди. Масалан, у Бедил, Яссавий, Турди, Машраб ҳақида биринчи мақолаларни эълон қилган, биринчи бўлиб, «Ўзбек адабиётидан намуналар» деган китобни ёзган. Бу китоб 1927 йилда Москвада нашр этилган бўлиб, ўзбек адабиёти ҳақида озми-кўпми системали тасаввур берадиган хрестоматия эди. Бу китоб 20-йилларда Ўзбекистонда ҳам жуда машҳур бўлган, ҳозир ҳам ўзининг илмий қимматини мутлақо йўқотмаган атоқли турк олими Исмоил Ҳикматнинг тўрт жилдлик «Турк адабиёти тарихи» китобидан андоза олиб яратилган. Фитрат мақолалари учун ҳам жуда кўп дакки еган, боши маломатдан чиқмаган эди. Умуман, ўша кезларда, шунингдек, 30-йилларда Чўлпону Фитратларни бир тепиб ўтиш, ўринли-ўринсиз бўлса-да, бир-икки жумла билан ҳақоратлаб, камситиб кетиш «яхши тарбия кўрган» одамлар учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланарди. Бунда таъналар асослими-йўқми, мунаққид ҳақиқатан хатога йўл қўйганми-йўқми — бунинг аҳамияти йўқ эди. Жумладан, Яссавий ҳақидаги мақола атрофида шундай бўлган эди. Фитрат бу мақолада ҳам гўё Яссавийни идеаллаштирган, унинг дунёқарашидаги мистикани ва бошқа жиҳатларни кўрмаган ёхуд атайин хаспўшлаган, уни йўқсуллар адабиётининг, яъни янги совет адабиётининг асосчиси деб атаган ва бу билан пролетар адабиётининг ривожига зарба бермоқчи бўлган. Шуниси қизиқки, мақола билан танишсангиз, бу айбларнинг ҳаммаси пуч эканини кўрасиз — Фитрат Яссавийнинг ўзини ҳам, ижодини ҳам жуда яхши биларди ва илмий жиҳатдан тўғри очиб беради, унинг зиддиятларини ҳам яхши кўрсатади. Фақат биргина шу мақола эмас, ёхуд фақат адабиёт масалаларига бағишланган тадқиқотлари эмас, Фитратнинг умуммаданият жуаммолари ҳақидаги, жумладан, шарқ музыкаси тарихига оид ишлари ҳам жуда катта илмий қимматга эга эди ва шарқшунос олимлар доирасида жуда юксак баҳоланарди. Шунинг учун ҳам Ленинград университети Ўрта Осиё олимлари ичидан биринчи бўлиб Фитратга профессорлик унвонини берган эди.

Ҳозир эътиборингизга ҳавола қилинаётган икки мақола Фитратнинг илмий меросида марказий ўрин тутмаса-да, унинг услуби ҳақида, Фитрат шахсиятининг баъзи бир қирралари тўғрисида яхши тасаввур беради.

«Тилимиз» деб аталган мақола 1919 йилда «Иштирокиюн» газетасида босилган. У пайтларда Фитрат «Чигатой гурунги» ташкилотининг етакчиларидан бири эди. Бу ташкилот ҳам сўнги йилларга қадар ашаддий аксилинқилобчи ташкилот деб баҳоланиб келинди, унинг аъзолари ҳам шунга кўра қўпорувчи, миллатчи,

душман одамлар эди. Ҳолбуки; буларнинг бари бекор, «Чигатой гурунги» ўша даврнинг етук олимларини уюштирган бўлиб, ўзбек тили ва ўзбек адабиётининг ривожини учун қайғурадиган маданий-маърифий тўғарак эди. Кейинги мақоласида Фитрат «Чигатой гурунги» учун «миллатчилик» хос эди, дейди. Бундаги «миллатчилик» сизни чалғитмай қўя қолсин — 1919 йилда «Миллатчилик» деган сўз 1927 йилдаги ёхуд 1937 йилдаги ва ҳаттоки, ҳозирги пайтдаги «миллатчилик» деган сўздан осмон билан ерча фарқ қиларди. У пайтларда бу сўзга сиёсий тус берилмас, у бор-йўғи халқпарварлик, миллатпарастлик маъносига ишлатиларди. Фитратнинг мақоласи ўзбек тилининг равнақини ўйлаб ёзилган. Ўша вақтда бундай мақола ғоят муҳим қимматга эга эди. Чунки адабий тилимиз жуда ғариблашиб қолган, бошқа чет тиллардан кирган сўзлар ҳисобида анча бузилиш даражасига бориб етган эди. Бунга амин бўлиш учун профессор Боровковнинг кейинроқ ёзилган «1905—1907 йилларда ўзбек адабий тили» деган китобини эслаш, кифоя. Унда конкрет мисоллар билан, газета ва китоблардан олинган беҳисоб намуналар билан тилининг ночор аҳволи аён кўрсатиб берилган. Шунинг учун 1918—19 йилларда ўзбек тилини софлаштириш, татбиқ қўламини кенгайтириш, унинг ҳамма ички имкониятларини рўёбга чиқариш ғоят муҳим эди. Айтганча, бу вазифа бугун ҳам ўзининг актуаллигини йўқотгани йўқ. Бугун ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан баъзи бир ўртоқлар орқа-олдиларига қарамай тилдаги мавжуд луғатларни бошқалари билан алмаштириш кўйига тушиб қолдилар. Буни билимдонлик билан қилинса — яхши, лекин билиб-билмай қилинадиган бўлса, фойдадан кўра зарари кўп бўлиши мумкин. Мен журналистика факультетида бир эълон ўқидим — «куллиётимиз касаба ташкилоти» деб ёзилпти. Бунда «куллиёт» сўзи «факультет» маъносига қўлланипти. Ҳолбуки, «кулли», «ҳамма, ҳаммаси» дегани; «куллиёт» эса «тўла асарлар мажмуаси» деган маънони билдиради. «Жомий куллиёти», «Навоий куллиёти» дейиш мумкин, «куллиёт жилдлари» деса бўлади, аммо «куллиёт касаба ташкилоти» деб бўлмайди.

Фитратнинг мақоласига қайтайлик. Унинг биринчи жумласиёқ мақоланинг чуқур бир дард билан ёзилганидан далолат беради.

«Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз тили қандай тилдир? Туркча.» Кейин эса муаллиф жуда кўп мисоллар билан, Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» каби асарига таяниб туриб, турк тилининг бойлигини далиллаб беради. Кейин эса нима учун бу тилнинг «бахтсизлиги»ни очади. Энг муҳими, бу тилнинг истиқболи ҳақида Фитрат умид ва ишонч билан қалам тебратади, тилга ғамхўрликни элу юртни севиш билан, ватанпарварлик билан боғлайди: «Турк улусини севамиз, лекин тили қабодир, мусиқаси тотсиздир, тарихи қоронғудир деганларнинг ҳам бир-икки таёқ еб қувилмоқлари керакдир».

Энди икки-уч оғиз гап «Ёпишмаган гажжаклар» мақоласи ҳақида. 1929 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасида эълон қилинган бу мақола Бойбулатовнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» китоби тақризига жавоб тарида ёзилган. Бойбулатов 20-йилларнинг иккинчи ярмида республика матбуотида анча фаол иштирок этган одам. Аммо унинг мақолалари кўпинча шунақа аччиқ-тирсик оҳанда ёзилардики, гўё муаллиф уни бутун дунёга зарда қилиб ёзгандай туюларди. Унинг деярлик ҳамма мақолалари фош қилувчилик руҳи билан суғорилган. Бойбулатов, айниқса, адабий мерос масалалари ҳақида кўп ёзган ва бу мақолаларнинг ҳаммасида ўта нигилистик позицияда турган. Фитратнинг мақоласида



айтилганидек, у жамики ўтмиш адабиётни «ахлатдан иборат» деб даъво қилган. Бойбўлатовнинг бундай қараши фақат бир-икки мақолада тасодифан кўриниб қолган хато фикрлар эмас, балки унинг дунёқараши, эътиқодининг моҳиятини ташкил қиладиган туб фикр эди. Бунга амин бўлиши учун унинг 30-йилларнинг бошида ёзилган ва рус ҳамда ўзбек тилларида эълон қилинган «Чиғатойизмми ёки пантуркизмми?» деган рисола-сини эслаш мумкин. Унда муаллиф узундан-узоқ чалкаш мулоҳазалардан кейин Алишер Навоийни мистик шоир деб, унинг ижодини зарарли деб эълон қилади ва ўтмиш адабиёт ҳақида илиқ гап айтган олимки бор, ҳаммасини пантуркизмда айблайди. Хуллас, Фитрат ана шу сохта олимнинг сохта қарашларини рад қилади ва унинг фикрларининг асоссиз эканини тавозеъ билан, сира қизишмай исботлаб беради. Албатта, бу мақолада олдинга сурилган фикрларнинг баъзи-бирлари бугун эскириб қолган. Жумладан, адабиёт тарихини даврлаштиришга оид фикрлар, ёхуд, «темурийлар савдо сармоясининг манфаатини ифодалаган» деганига ўхшаш тезислар шулар жумласидандир. Шунингдек, мақоланинг айрим жойлари Фитратнинг узлуксиз тан-

қид таъсирида жиндай бўлса-да, муросасозлик йўлига кира бошлаганидан далолат беради. Бунинг учун бу муҳтарам зотни ҳовлиқиб қоралашга ошиқмайлик. У пайтларда фақат Фитрат эмас, бошқа ҳар қандай ижодкорнинг ҳам бундан ўзга иложи йўқ эди. Айтганча, кўп ҳолларда замонга мослашиш ҳам уларни фожедан асраб қололган эмас.

«Ёпишмаган гажжаклар»нинг яна бир, эҳтимолки, яна бир эмас, асосий қимматли томони шундаки, у Фитратнинг ҳаёт йўли ҳақида, қарашларининг ўзгариши тўғрисида жуда қимматли маълумотлар беради. Жумладан, «Чиғатой гурунги» ҳақидаги маълумотлар гоёқ қимматли. Фақат бунда ҳам муаллифнинг «миллатчилик» ҳақидаги мулоҳазаларига биров танқидий муносабатда бўлмоқ керак.

Ўйлаймизки, бу икки мақола билан танишган журнал-хон адабиётимиз ва маданиятимизнинг бу улғу сиймосининг бошқа асарларини ҳам топиб ўқишга ўзида иштиёқ ва рағбат сезар. Ҳарҳолда, нима бўлганда ҳам бу икки мақола бугунги китобхоннинг адабиётимиз босиб ўтган мушукул ва чигал йўллар ҳақидаги тасаввурини бир даража бўлса-да бойитади.

Абдурауф Фитрат



# Ўйлаймиз

Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча. Шоирлик қилмоқчи эмасман, сўзнинг тўғриси шудир. Дунёни энг бой тили туркчадир, энг бахтсиз тили ёна худ<sup>1</sup> туркчадир. Бойларнинг бахтсизлиги совет ҳукумати чоғинда бўлгон бир ишдир. Бундан бурун бахтли эдилар деганлар тилимизнинг ҳолини билмасдан гапуралар.

Бир тилининг бойлиги у тилдаги сўзнинг кўплиги (касрати калимот)<sup>2</sup>, ундириш кенглиги (вусъати иштиқоқ)<sup>3</sup>, юсуп тугаллиги (мукамаллияти қавоид)<sup>4</sup> билан бўлур. Туркчада сўз кўплиги борми? (арабчиларимизча айтганда касрати калимот мавжудми?) Бу сўз букун эмас, неча юз йил бурун орага чиқмиш дея Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» отли китобиндан ўз жавобини олмиш. Навоийнинг китоби туркчанинг бойлигини очибгина билдира олмаса ҳам, туркчада сўз кўплигини (у) яхши биладир. Навоий ёлғиз «йиғламоқ»нинг турларини кўрсататурғон туркча сўзларнинг шунчасини ёзадир; инграмоқ, синграмоқ, инчқирмак, йиғламоқ, йиғламсинмоқ, ўқирмак, сиқтамоқ. (...) Мана сизга бир ҳодисанинг етти тури учун отким, ораларинда ингичка айирмалар бордир. Туркчада бу ҳол оз эмас. Арабча нуфуз, мурур, убуру; у тўғрисида туркчамизда ўтмоқ, кечмоқ, ошмоқ, ортонмоқ бор. Арабча амал қаршусинда, туркча тилак, истов, орхан бор. Арабча зарф ёнинда туркча идиш бор, совут бор. Арабча фан-да, манфаат ўрнинда туркча тосиш бор, унум бор. Арабча қалб ўтрусинда туркча юрак билан кўнгул бор. Арабча садр учун туркча кўкс ва кўкрак бор. Туркча луғат ёзмоқчи бўлгонимда туркча сўз бойлиги тўғрисида бундан ортиқ

ёзолмайман. Сўзни туркчада ундирик кенглиги (яъни «вусъати иштиқоқ») ға кўчираман. «Илм» ишининг (билимнинг) туркчасидан ундирилган сўзлар шулардир: бил, билар, билажак, билғуси, билгай, билса, билсачи, билай, билди, билибдир, билган, била бошлади, била ёзди, била олди, била турди, била берди, билиб, билгач, билгали, билмак, билиш, билув, билмов, билим, билги, билик, билгили, билғучи, билмакчи, билгур, билмагай, билмаган, билмай, билимсиз, билмас, билмаслик.

Мана сизга ёлғиз феъллардан 13 феъл, қўшма феъллардан 6 феъл. Қўшма феъллардан ҳар бирининг буйруғи, бўлиши<sup>5</sup>, ҳоли, келажак<sup>6</sup>, шарти, қўзғови<sup>7</sup> бор.  $13 \times 6 = 78$  бўлур. Бунларга уфт<sup>8</sup>, вақт, сабаб феъллари қўшилса, 81 та бўлур. Бунга исм<sup>9</sup> ва сифат ёзилгон 18 қўшилганда 99 сўз бўлур. Бу 99 тасида сўз толлуғи<sup>10</sup> буйруқдир (яъни бил сўзидир). Демак, туркчада бир томирдан 98 сўз ундириш эмиш. Эмди юсуп тугаллигига (мукамаллияти қавоидға) боқайлик.

Араб, форс, рус, немис, француз тилларидан қай бирининг сарф<sup>11</sup> китобларини олиб қарасак, кўраимизким бир сўзни ясамоқ учун бир қанча ёзилгон, ундан сўнг шул қоидадан ташқари қолгон (мустансно) сўзлар деб тўрт-беш сўз кўрсатилган. Турк сўзларинда эса, бундай сўз топилмайдуру. Юсупсизлик деган ҳоллар (истисноилик ҳоллар) туркча сарфда сира йўқдур. Тилимизнинг авжи тўғрисида ҳам бойлиги, тугаллиги билиндими? Эмди сўзни туркчанинг бахтсизлигини кўчираман. Турк тили шунча бойлиги, шунча тугаллиги билан бахтсизликдан қутула олмайшдир. Турк тили дунёнинг энг бахтсиз

тилидир. Туркчанинг бахтсизлиги араб босқини билан боғланмишдир. Араблар босдиқлари ўлгага<sup>12</sup> ёлғуз ҳукуматларини эмас, динларини, йўсунларини-да танитғон, ол(дир)ғон эдилар. Мусулмонликнинг туби, томири қурғон билан ҳадисдир. Шунинг учун янги мусулмонлар арабча ўранишни ўзларига вожиб деб билдилар, ўқидилар, ўргандилар, севдилар. Бундан кейин форсича ва туркча арабча бўғувига кириб қолдилар. Форс тилининг ҳоли бутунлай ёмонлашди. Форслар ўз тилларини ташладилар: ёлғуз китобларини эмас, ўзро ёзувларини ҳам арабча ёза бошладилар. Лекин бу иш кўб чўзилмади. Форс тили бир силкиниши билан ўзини араб бўғувидан қутқара олди. Форс тилининг бу силкиниши Эрон шоири Фирдавсийнинг чиқиши эди. Фирдавсий арабчалиққа қарши қайнағон, қизигон бир миллатчи эди. Уттиз йил тиришди, донгли «Шоҳнома» китобини ёзиб чиқорди. «Шоҳнома»ни ёзиб чиқарувдан Фирдавсийнинг иккита тилаги бор эди: Эрон улусини арабдан совутиб, эронли туйғусини бермак ва араб тилини Эрондан суриб чиқармоқ. Шунинг учун «Шоҳнома»нинг ҳар бир еринда эронлини мақтаган шоир арабчиққа келганда:

Заҳири шутур хўрдану сусимор,  
Арабро бажойи расндаст кор.  
Ки тахти Каянро кўнад орзу  
Туфу, бар ту, чарх кардан туфу!

деб қийқирмишдир. Бу сўзларнинг туркчаси шудир: Туя сути билан илон эти емакдан бошқа иш билмаган арабнинг иши, шу ерга чиқмишим, Эрон императорининг тахтини истайдир. О, шу ишга сабаб бўлган фалак туфу сенга, туфу!

Яна шунинг учундирким, Эронда арабча ҳоким бўлган бир замонда ёзилғон «Шоҳнома»да арабча сўзлар йўқ даражада оздир. Фирдавсий бу икки тилакни билиб, онглаб, ишга киришганини билдирмакчи бўлиб, ёзадирким:

Бас, ранж бурдам соли си,  
Ажам зинда кардам ба дини форсий

демишдир. Туркчаси: «Бу ўттиз йил ичинда кўп эмакчим<sup>4</sup>, Эронни форсича ёздигим шу китоб ила турғиздим», демакдир. Форси ишди шундай қилиб ёқасини қутқармиш. Лекин, бизнинг бахтсиз туркчамиз бир Фирдавсий етиштира олмамиш.

Дунёнинг энг бой тили бўлғон туркчамиз ёлғуз арабча қимруқлар<sup>14</sup> билан эмас, форсича тепкилари билан дахи эзилмишдир. Кўзларимизни тўрт очиб қарайлик, дунёнинг энг буюк ҳақими бўлғон ибн Сино туркдир. Иккинчи Арасту аталғон Форобий туркдир. Араб тилини мангулик тиргизиб келган Жавҳарий туркдир.<sup>15</sup> «Ваҳдати вужуд» фалсафасининг имомларидан бўлган Жалолиддин Румий туркдир. Форсий адабиётининг пайгамбарларидан бўлғон Низомий дахи туркдир. Шу ерда отлари ёзилғон кимсалар ёлғуз турк улусини эмас, бутун дунёнинг улғу кишилариндан эрурлар. Икки турк улуси бунларнинг асарлариндан осифланолмай<sup>16</sup> қолмиш, балки ўзларини ҳам яхшигина таниёлмай қолмишдир. Бунлар ўз билкиларини туркча ёзсалар эди, буюк турк улусининг ҳоли эҳтимолки бошқа турли бўлар эди. Бахтсизлик бунданда ортиқ бўлурмикин?! Турк ўғли турк бўлғон Маҳмуд Ғазнавий Фирдавсийни чақириб, турк эзилишини кўрсатғон «Шоҳнома»ни ёздурсин, дея ҳар йўлига бир олтур берсун. Шул бахтсизликдирким, турк ўғли бўлғон Усмоли ҳоқонлари ўз туйғуларини форсича шеър билан сўйлатмишдир<sup>17</sup>.

Яна шул бахтсизликдирким: Кафказия туркларининг ёқаларин тутмиш дея форс тилининг ҳурмати учун Саксон еринда (ўрнида) Ҳашитот дедирмишдир<sup>18</sup>.

Туркча бахтсиздир. Минг йилдан бери эзила келмишдир. Лекин, битмамишдир. Битмас, яшамиишдир, яшар. Негаким бойдир. Туркча яшамиишдир. Яшар, лекин ўзини араб, форс тиллариндан қутқара олурми, йўқми? Сўзни бу ерга етиргач, бармоғимни яранинг ўзагина босмиш бўлдим. Бу сўрдугимга икки турли жавоб келари белгилликдир. Ҳа, йўқ. Энди-шу йўқ деганлар билан юришайлик. Бунлар деяларким, туркча араб, форс тиллариндан қутулолмас, нечун? Мана далиллари: а) чунки араб, форс тиллари бойдир. Бунинг жавобини бердикким, туркча ҳам бойдир. Чунки, бу кунги турк дунёсининг билимли улғу ёзувчилари шу йўлга кирмишдир. Бунга жавоб берамизким: Турк дунёсининг улғу ҳакимлари бўлғон Форобий билан Абу Али ўз асарларини арабча ёзроға қўл қўйган эдилар. Сиз нечун уларнинг изидан чиқдингиз? Сиз Абу Алининг изидан чиққанда, биз-да сизнинг изингиздан чиқа олсак керак. Чунки тилимизда кўб нарсанинг оти йўқдир. Жавобимиз: Бу сўздан тилагингиз нимадир? Шул чоқда тилингиздаги араб, форс сўзларининг туркчаси топилмайдур, демакчи бўлсангиз сўзингиз янглишдир. Туркчани билмас экансиз. Ургангиз. Ҳозирги сўзларимиздаги арабча, форсчалардан бир нечаси учун туркча топилмайдур десангиз тўғридир. Биз ҳам уларни чиқармоқчи эмасмиз. Уларни олурмиш, лекин ўзимизники қилурмиш. Туркчалаштирурмиш. «Қоида»нинг туркчаси йўқдур. «Сарф»нинг-да туркчасин тополмадик. Иккисин дахи олурмиш. Лекин сиз каби «Қавойиди сарфия» демасдан «Сарф қоидалари» дермиш. Чунки, илмий истилоҳларнинг туркчаси йўқдир<sup>19</sup>.

Ким деди буну? «Шамс»нинг туркчаси «қўёш»дир. «Кавокиб»нинг туркчаси юлдузлардир. «Минвар»нинг туркчаси олов, ўтдир. «Саҳоби мунаввар» — ёруғ булут; «ҳандаса» — ўлчов хат, чизик, «зовия» — бурчак, пучмоқдир. «Кавкаби собита» — турғувчи юлдуздир. «Кавкаби зу-занаб» — қуйруқли юлдуздир.

Тузук бир неча истилоҳларнинг туркчасини бу кунгача тополмағонмиз, уларни сақлармиз. Чунки туркчамиз қабо (орқада)дир, дўққи (қўпол), адабиёт тили эмасдир.

Сўз бу ерга келдими, чидамоқ қўлдан келмас. Қаболик, дўққилиқ кўрсатмоқчи бўлиб деймишким: Сиз улусингизни севмайсиз. Шунинг учун турк улуси ва турк тилининг сиз билан иши йўқдир. Қаршингиздаги кишилар бу сўзни эшитиб ўтирмаслар, қиларини қиларлар. Мен улусимни жонимдан ортиқ севаман дерлар. Бунларнинг мана шу сўзлари қумучдир<sup>20</sup>. Тушингизда сиз бир хотинни севсангиз, тиришиб, жон чекишиб, куч билан уйига кирибсиз, ёнига суқулгандан кейин юзига қараб: «мен сизни кўп севаман, сиз кўп чиройликсиз, лекин шу кўзингиз кўп дўққидир, шуни чиқариб ташланг, бурнингиз ёмон ис берадир, шуни кесиб отинг», десангиз севгилингиз бўлғон хотин икки-уч таёқ уриб, сизни қувмасми? Албатта, қувар. Турк улусини севамиз, лекин тили қабодир, мусиқаси тотсиздир, тарихи қоронғудир деганларнинг ҳам бир-икки таёқ еб, қувилмоқлари керакдир. Лекин, турк тили бахтсиздир.

## Луғат ва изоҳлар

Мақола «Иштирокиюн» рўзномасининг 1919 йил 12 июндаги 132-сонида босилган. Кўпчиликнинг эътиборини тортгани, турли мунозараларга сабаб бўлгани учун шу рўзноманинг 23 август сонида Фитрат «Тилимиз» сарлаваҳаси остида яна чиқиш қилган ва турли хат, саволларга жавоб берган.

Кавс ичида берилган изоҳ ва таржималар Фитрат ёки рўзномачилар томонидан бажарилгандир. Кавс ( ) белгиси остида берилган сўзлар матбаада тушиб қолган сўзлар бўлиб, мазмун тушунарли бўлиши учун шу усул билан беришни лозим топдик. Матндаги айрим чалкашликлар, ўқилиши қийин, ўқилиш кетган сўзларни тиклашга урунилди. Бу йўлда камчиликлар бўлиши мумкинлигини сезганимиз ҳолда, муштарийлардан узр сўраймиз. Тушурилиши қийин бўлган сўзларнинг изоҳи қуйида берилди.

1. Ена худ — яна шу
2. Сўзнинг кўплиги (касрати калимот) — луғат қатлами ва унинг бойлиги назарда тутиляпти.
3. Ундириш кенглиги (вусъати иштиқоқ) — сўз ясалиши. Қуйироқда ундирик, ундирилган сўзлари ҳам бор.
4. Юсуп тугаллиги (мукаммаллияти қавоид) — тилининг грамматик қонуниятлар жиҳатидан мукаммаллиги, бутунлиги.
5. Бўлиши — феълнинг бўлишлилик категорияси.
6. Келажаги — замон категориясидаги ҳозирги-келаси, келаси замонлар.
7. Кўзғови — даража ёки нисбат категорияси.
8. Уфт — ўтмишлик назарда тутиляётган бўлиши мумкин.
9. Отларнинг эгалик ва келишикларда турланиши назарда тутиляпти.
10. Толлуқ(ғ) — ўзак, негиз маъносиди.
11. Сарф — морфология (айрим манбаларда грамматика ҳам шу сўз орқали изоҳ қилинган ҳоллар ҳам мавжуд).

12. Босдиқлари ўлкага — «араблар томонидан босиб олинган ўлкага» демоқчи.

13. Бу сўзнинг туркчаси мавжуд бўлса-да, Фитрат муомалада актив қўлланиладиган сўзни ишлатган. Буни муаллифнинг таъсирчанликини ошириш учун қилинган ҳаракати деб тушуниш мумкин.

14. Эмжаифим, қимруқ сўзлари ё матбаада нотўғри терилган, ёки бошқа сабаблар билан келтирилган бўлиши мумкин. Шунинг учун «эмжаифим»ни қийналдим, алам чекдим; «қимруқ»ни босиб олинган ўлкаларга сунъий киритилган, мажбурий истилоҳот деб тушуниш мумкин.

15. Ҳозирда турли хил «илмий жанжал»ларга сабаб бўлаётган бу фикрлар Фитрат томонидан қатъийлик билан (ўзи айтганидай «шоирлик қилиб» эмас) айтилган. Демак, муаллиф ишончли асосларга эга бўлган бўлиши тахмин этилади.

16. Осигланмоқ — фойдаланмоқ.

17. Усмон империяси давридаги (ундан кейин ҳам) айрим гуркий хоқонлар саройида форс тилининг амалда қўлланилиши истехзо қилляпти.

18. Кавказ турклари форс тили таъсирида саксон ўрнида ҳашот дейишади, шунга ишора.

19. Фитрат фикр бошланишида а) деб белги қўйган-у, бироқ кейинги б) ва бошқа белгиларни учратмадик. Матбаа хатоси бўлса керак.

20. Қумуч — ёлғон, асоссиз маъноларида қўлланилмоқда.

Абдурауф Фитрат




## Ўрток Бойбўлатовга очик хат

Дўстим, ойлар, йиллар тиришиб, бир асар чиқарган муҳаррир дўстларнинг шу асар ҳақидаги муҳокама-ларини тинглашдан, асарнинг камчиликларини ўрганишдан албатта, мамнун бўлади.

Менинг «Ўзбек адабиёти намуналари»<sup>2</sup> аталган арзи-мас бир асарим ҳақида фикрингизни билдирмаслик учун, анча уриниб, 3-сон газетни тўлдорганингизни кўриб мамнун бўлдим, ўқиб ҳам чиқдим. Ҳамма гапдан бурун Сизга ташаккуримни билдираман. Лекин, бахтга қарши мақолангизни шунчалар кенгайтиргансизким, кенглиги асл мақсаднинг йўқолишига сабаб бўлган. Бизда болалар орасида «Кўзини кўрмайди» деган бир ўйин бор: Бир бола кўзини қаттиқ боғлагандан кейин, қўлига узун бир таёқ олиб, ўртада туради. Бошқалар унинг оёғини олмоқ учун атрофдан ҳужум қиладилар. Таёқли бола таёғини кўтариб «кўзим кўрмайдир» деб, тез-тез айланаберадир, таёқ кимга тўғри келса, шунга тегадир. Мақолани ёзганда сизнинг қаламингиз ҳам шул кўзи кўрмас боланинг таёғига ўхшаган: айланган, айланган, кимга тўғри келса, шунга теккан, орада менинг китобим унутилган, жуда оз ўрин олган.

Ҳар ҳолда мақолангиз кўброқ менинг шахсимга қаратилгани муносабати билан жавоб тарзида эмас, дардлашув шаклида бир нарса ёзаман. Менинг асаримни бошлаб, тартибига эътироз қилганингиз кўриладир. Адабиёт тарихимизни қоплови, феодализм, савдо сармоясига каби даврларга ажратилишига қарши каби кўри-насиз. Лекин, ўз фикрингизни, яъни қандай тақсим қилиш лозимлигини ёзмагансиз. Адабиёт мутахассиси



ёки адабиёт тарихи билан машғул бир одам бўлса эдингиз, шу баҳона билан сизга ёпишмоқ мумкин эди. Лекин мен биламанким, сиз адабиёт тарихининг одами эмассиз, мақолангиз эса тасодифий бир ҳодисадир. Шунинг учун бу тўғрида маъзур кўраман сизни. Лекин, шуни айтиб ўтаманким, адабиёт тарихини тақсим қилишда марксизм усулининг талаб қилғони йўл, менинг тақсимимдир. Бу тақсимни ўзбек адабиёти тарихига татбиқ қилишнинг ўзи катта ҳам янги бир иш. Бунинг ҳудудини тайин қилишда баъзи янглишларнинг бўлиши мумкин. Лекин уларни кўрсатиб, исбот қилиб, сўнгра тил текшириш керак эди. Сиз мақолангизда бу томонга яқинлашган даврларни бир-биридан ажратган хусу-сиятларнинг йўқлигидан шикоят қилғонсиз, лекин сиз ҳар даврнинг намуналарини ўқидингизми? Масалан: Савдо сармоясига даври билан феодализм даврининг намуналари орасидаги шаклда ва мазмундаги айирма-ларни кўра олдингизми? Ёки кўриб, қаноатланингизми? Қаноатланган бўлсангиз сиз бу даврларни бир-биридан ажратган қандай хусусиятлар истейсиз (ки намуналари бўлмасин). Масаланинг у томонларидан (яъни энг муҳим ва фойдали томонларидан) мақолангиз сукут қилади. Ҳолбуки, шу томонларни очик кўрсатганингиздагина менинг китобимнинг камчиликларини кўрсатган ва менга бир нарса ўргатган бўлар эдингиз. Буни ҳам сизнинг адабиёт тарихининг одами бўлмасдан тасодифан майдонга чиққанингизга бағишлайман. Мақолангизда чиғатой адабиёти ва унинг пролетар адабиётига асос бўлиши тўғрисида кўброқ туриб, бор кучингиз билан ҳужум қиласиз. Фитрат сўз бошида «Чиғатой адабиёти пролетариат адабиётига асос бўладир», деган деб: қоровул қичқирасиз, ҳатто менинг бош сўзимда ўзингизга ёрдам қилгудек кўринган бир-

икки жумла ҳам келтирасиз. Чигатой адабиётининг пролетар адабиётига асос бўлишини даъво қилмоқ нари турсин, бош сўзимда чигатой адабиётини мафкура ёғидан ярамагонини сўйлаганман. Менинг намуналарим босилмаса эди, сиздан бошқа ҳеч кимнинг қўлида унинг нухалари бўлмаса эди, бош сўзимдан кўчирганингиз бир-икки жумланинг балки сизга фойдаси бўлур эди. Нима чораки, китоб Ўзбекистонда босилиб тарқалгон. Сизнинг мақолангизни ўқиғон ҳар ким, менинг бош сўзимни ҳам ўқий оладир. Ўқигач, сизнинг менга туҳмат қилиб тургонингизни ҳам англайдир. Мен сўз бошимдаги ибораларнинг масалага дахлдорлик қисмини тамоман кўчираман, янгидан ўқишингизни ва эътирозингизни шунга таянтириб, янгидан майдонга чиқишингизни талаб қиламан: «Биз ўзбекларнинг ва умуман Урта Осиё туркларининг тарихига оид арабий, форсий, туркий тилларда бир кўб асарлар ёзилган. Бироқ бу асарлар бизнинг сиёсий ҳаракатларимизни тор бир рамкада кўрсатмакдан бошқа ишга оз ярамоқдадир. Халқимизнинг, ўлкаимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолларига оид хабарларни бу асарлардан истаб топиш жуда қийиндир, баъзан мумкин ҳам бўлмайди, чунки йўқдир. Адабий тарихимизни текшириш эса, мана шу камчиликларни тўлдаришга катта ёрдам қилади. Феодалларнинг, умуман, ҳоким синфнинг омма билан муносабатларини, оммага қарашларини, зиёлиларнинг, шоирларнинг ҳоким синфга муносабатларини, ҳоким синф фойдасига қараб омmani қандай овутгонларини, олдагонларини, ҳоким синфнинг кайф-сафони (Бобирча айш ва фисқи) қайси даражаларга чиқоргонларини ёлғиз адабиёт тарихимизда кўришимиз мумкиндир.

Бундан бошқа, тарихий санъаткорларимизни текшириш, уларнинг тажрибаларидан кўрмоқ истаганимиз пролетар адабиёти учун, фойдаланиш ҳам керакисиз бир ҳаракат бўлмайди. Мана шу қисқагина изоҳот бу китобни қандай тилак билан тартиб қилганимизни билдирган бўлса керак».

Мана шу сўз бошимда менинг томондан айтилган гаплар. Мана шу гапларга эътирозингиз бўлса, айтишга ҳақлисиз. Йўқса, менинг сўзларимни бош-оёғини кесиб ташлаб, ўз мақсадингизга яроқлик бир ҳолга киргизиб, сўнгра эътироз қилишингиз илмий бир ҳаракат саналмайди.

Китобимнинг 3-бўлимига «Савдо сармояси» даври исмини берганимдан ҳам рози бўлмайсиз, шу ислохотнинг охирида каттакон бир? (сўроқ) аломати қўясиз. Биз Теурийлар даврини савдо буржуазияси даври деймиз. Теурийларнинг жаҳонгирлиги(ни) Урта Осиё савдо сармоясининг тараққийси билан изоҳ қилмоқчи бўламиз. Бунинг учун қўлимизда етарлик материаллар бор. Сиз шунга рози эмаслигингизни чиройли бир савол аломати билан ифода қиласиз, бу даврни нима деб атамоқ тўғрисида фикрингизни билдирмайсиз. Сиз шуни унутасизки, савол аломати қанча чиройли бўлса бўлсин, илм учун бир нарса бермайди. Бизнинг фикримизга қарши экансиз, фикрингизни билдириш. Айтингчи, Теурийлар даврига қандай исм берасиз?

Бундан сўнг мақолангизда менинг таржимаи ҳолимни текширишга киришасиз. Менинг бир вақтлар мутасаввуф, панисломист, пантуркист бўлганимни турли далиллар билан исбот қилмоқчи бўласиз. Планингиз яхши. Мақтанарлик план, агар сиз менинг «намуналаримни бурунги панисломиятликимнинг, пантуркистликимнинг давоми эканини, бу асарим билан мазкур фикрларнинг биттасини ўзбек оммасига тақдим қилганимни исбот қила олса эдингиз, ишингиз кўб муваффақиятли чиқар эди. Лекин, буни қила олмагансиз. Бу кун бир кўб кишиларнинг мозилари ҳақида гапириш мумкин. Лекин

бу гапиришига етарли эмас. Уларнинг мозилари билан бугунги ишлари орасидаги муносабат ва алоқани кашф этиш керак!

8-, 10-йилларда (яъни 18—20 йил бурун) ёзилган асарларимдан шоҳидлар келтирасиз. Азизим, менинг қўлимга қалам тутиб, асар ёзгонимга йигирма йил тўлгонини ўзингиз ҳам эътироф қиласиз. Бу йигирма йил орасида мен ўзбекча, тожикча юз ўн печатний листлик асар ёздим. (Мақолалар ҳисоб эмас). Буларнинг ҳаммасини Шўро ҳукуматига, пролетариат мафкурасига ярарлик асарлар эканини ҳеч вақт даъво қилмадим ва қилмайман-да. Ишнинг бу томонини англамоқ учун таржимаи ҳолимни ўзимдан тингланг.

Мен Осиёнинг энг қора диний марказларидан ва қора бир усули идорага тобеъ бўлган Бухорода 1884 йилда туғилдим.<sup>3</sup> Биринчи тарбияни эски усулдаги диний бир мактабдан олдим. Мактабдан чиққач, диний бир мадрасага кириб дарс олдим, намоз ўқидим, мутаассиб бир мусулмон эдим. Ҳатто Бухорода янги бошланган жадидлар ҳаракатига қаршилик ҳам қилдим. Сўнгра жадидлар ҳаракатига ораладим. У замондаги зеҳниятнинг таъсири эски жадидларнинг ташвиқ ва ёрдами билан Туркияга таҳсил учун бордим. Мана шу вақтларда мен диний реформа тарафдори эдим: динни фан билан келиштириш, фанга тўғри келмайтургон хурофот қисмини диндан чиқариш, динни тозалаш хаёлларига ишонган эдим. Воқеан эса, панисломизм-ғоясининг чуруган бир хаёл эканини кун сайин оча бордим. Панисломизмнинг бўлмағур хаёл эканини англагач, пантуркизм хаёлига берилдим. Бу вақтларда ёзганим асарларди диний реформистик фикрлари кўрилиб туради. Сиз эса, мазкур асарлардан менинг тасаввуф эканимни чиқарасиз. Тасаввуф билан озгина таниш бўлса эдингиз, у китобларда мазкур маслакнинг асарини кўра олмагонингизни ўзингиз онглар эдингиз.

Мен ҳеч бир вақт тасаввуфга мансуб бўлмадим. Лекин адабиёт тарихини текширувчи бир муаллим бўлгоним сифати билан тасаввуфни жуда кўб текширдим. Букун тасаввуфнинг ҳар томонини, энг қоронги сирларини биламан. Ҳатто, шу кунларда Урта Осиёда тасаввуф тарихи исмли бир китоб вужудга келтирмак учун тиришмакдаман. Тасаввуфнинг қандай заҳарли, қандай зарарли бир маслак эканини ҳар кимдан ҳам яхши билиб олгонман. Лекин, ҳеч вақт мутасаввуф бўлмагонман.

Сўнгралари ҳаёт мени пантуркизмда қотиб қолишда қўймади. Мен ўзбек миллатчисига айландим. 17-, 18-йилларда Урта Осиёда пантуркизм ҳаракати кучаймоқда эди. Айниқса, Тошкентда пантуркизм фикри билан суғорилган турли тўдалар ташкил бўлди.

Турк тилларини, турк адабиётини бирлаштириш шиори остида «иш» кўрилди. Мактабларда усмонли тили, усмонли адабиёти она тили дарслари ўрнида қабул қилинди. Мана шу ҳаракатга қарши ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида «Чигатой гурунги» ташкил қилинди. «Чигатой гурунги» ўзбек миллатчилиги: ўзбек тили, ўзбек адабиёти шиорлари остида пантуркист тўдаларга ва шунга берилган ўнг жадидларга қарши курашиди. Сиз «Чигатой гурунги» пантуркист эди», деб қичқирасиз. Айниқса, шу кунларда «Чигатой гурунги»ни пантуркист дейиш мода ҳолига кириб боради. Холбуки, «Чигатой гурунги» ўз замонида пантуркизм, панисломизм ҳаракатларига қарши курашмоқда эди. Сизга иккита факт кўрсатай: бутун мактабларимизда «Умумий турк тили, умумий турк адабиёти» ўргатиш учун Хадрада пулсиз дарс беришни эълон қилинди. Муаллимликка мен, Шокиржон Раҳимий, Каюм Рамазон тайин этилдик. Дарсга бир кўб

муаллимлар давом этмакчи бўлиб келдилар. У вақтларда Тошкент маориф шўъбасида пантуркистларнинг, тўдачиликнинг ёрдамчилари ҳукм сураб эди. Мана шулар бир дарсдан кейин бизни қувдилар, талабаларни тарқатдилар.

Бир кеча «Чигатой гурунги»нинг мажлиси бўлган эди. Гурунги аъзолари томонидан ёзилган асарларни ўқиб, муҳокама қилмоқда эдик. Тошкентнинг энг катта ташкилотининг бирида турган бир ўртоқ винтовка кўтариб келиб, мажлисимизга бирдан кирди. «Чигатой гурунги»нинг мақсадини сўради. «Сиз динга қарши фикр тарқатар экансиз. Муҳаммад пайғамбарнинг меърожини инкор қилар экансиз» деб тафтишга киришди ва бизни мундоқа йўлсиз ҳаракатлардан манъ қилиб кетди. Мана буларнинг ҳаммаси пантуркистларнинг ифвоси билан бўлар эди: «Мен» «Чигатой гурунги» пролетар мафкурасини тошир эди» демайман, буни даъво қилиш жинниликдир. Тўзук, «Чигатой гурунги» бевосита сиёсат билан машғул бўлмоқни истамади, ёлғиз тил, имло, адабиёт билан шуғулланди. Лекин, унинг айрим аъзолари, ўша вақтда сўл миллатчи эдилар. Шунинг учун айта оламизки, «Чигатой гурунги» жадидларнинг сўл қаноти бўлиб, у жадидлардан тил, имло, адабиёт ва динга қарши ҳам пантуркизм ва ўзбек миллатчилиги билан ажралар эди. Мана бу тафсилот «Чигатой гурунги»нинг кўрсатилган илмий ишларда пантуркист, панисломистларга нисбатан инқилобий йўл тутганини кўрсатади. Агар сиз «Бу илмий тўғаракнинг аъзолари ўзбек миллатчилари эдилар, шунинг учун бу тўғарак қарши қурулган бир ташкилот эди» десангиз, нон орасидан кир изламакдан бошқа бир иш қилмаган бўлурсиз. «Чигатой гурунги» 20-йилларгача давом қилди. Бу вақтгача унинг ўз олдига қўйган илмий юмушлари бажарилган эди. Янги имло шўро маориф комиссарлиги томонидан мактабларга киргизилган, шўро ҳукумати томонидан ҳар миллатнинг мактаб тили ўз она тилида бўлсин, деб эълон этилган асос билан ўзбек тили таъмин этилган эди. Бир тарафдан коммунистлар фирқасининг миллий масалани тўғри ҳал қилмоқда бўлгани ва мустамлакачилик асосларини емиришда кескин йўл тутгани кун сайин очик кўрина бошлаган, ўзбек миллатчиси бўлиб туришда ҳам маъқул бир сабаб қолмаган эди. «Чигатой гурунги» тарқалди. Унинг аъзолари битта-битта ўз хатоларини эътироф қила-қила фирқа сафига ўтдилар ва бор кучлари билан бу кунгача хизмат қилмоқдалар.

Энди ўзимнинг дин билан муносабатим ҳаққинда сўзлашайлик. Мен юқоридан айтганим каби бир вақтлар диний реформа тарафдори эдим. Динни хурофотдан ажратиш деган хаёлга берилган эдим. Мана шу диний реформа кетидан юриш, мени динсизликка олиб борди. Дин хурофотдан ажралса, нари томонда ҳеч бир нарса қолмаганини кўрдим. Диннинг фан билан ҳеч бир вақт келиша олмаганига ишондим ва шунинг натижасида диндан қайтдим, динга қарши фикр тарқатдим. Менинг динсизлигим ўзбеклар ва тожиклар орасида ҳаммадан бурун, ҳаммадан кўброқ машҳур бўлган бу нуқтани инкор қилиб бўлмайди<sup>6</sup>. Динсиз, худосиз бўлган бир кишининг мутасаввуф бўла олмаслигини онгламоқ учун жуда оз бир муҳокама кучи етарликдир, бу қадар муҳокама кучининг сизда борлигини, руҳсат берсангиз қабул қилайлик.

Мақолангизнинг бир ерида мени Туркия султонига мактуб ёзиш билан айблайсиз. Мен умримда Туркия султонига мактуб ёзмадим, бу менга тамоман туҳмат! 1908 йилда ёзганим бир асаримда Бухоро хонлигида ҳукм сурган диний таассубни ва шунга таянган идора усулини эслайсизми? У вақтда Бухорода бир калла 2 тийин эди. Ҳибс қилиш, ўлдириш, сангсор<sup>7</sup> қилиш

кундаги одатлардан эди. У замонларда китоб ёзишнинг ўзи «кофир»лик эди. Мен шу вақтларда биринчи асарни ёздим. Бухоронинг идора усулини, таълим-тарбия усулини, бир кўб расмий идораларни танқид қилдим. Бу китоб Бухорода тарқалар эди.

Унинг ноширлари бўлган Бухоро жадидларини таъликага туширмаслик учун амирга қаратиб бир сўз боши ёздим<sup>8</sup> ва шунинг билан, гўё, танқиднинг унга эмас, маъмурларига оид бўлганини кўрсатдим. Бу замондаги Бухоронинг ижоби эди<sup>9</sup>. Шунинг билан мени Бухоро амирининг тарафдори, дейиш ҳам мумкин эмас, меним Бухоро амирини қарши ҳар вақт курашганим ва курашган ташкилотларга раҳбарлик қилганимни билмаган йўқ.

Мақолангизнинг бир ерида менинг Бухоро коммунистлар фирқасининг фойдасига матбуот орқали хизматга киришганимни ҳайрон қолиб, буни «оппортунистлик» қилиш деб изоҳ қилмоқчи бўласиз. Кўриладирки, мақолангизда қайси масалада турмоқчи бўлган эсангиз, ҳеч биттасини яхши текшириб, тўғри ҳал қилишга урунмагансиз. Мен Бухоро коммунистлари билан ишлаган вақтда бухоролилар икки фирқага ажралган эдилар: Ёш бухороли инқилобчилар фирқаси, Бухоро коммунистлар фирқаси. Бу иккала фирқа орасида нуфуз жанжали кучли суратда давом қилар эди. Мен коммунист фирқасининг Бухоро инқилобига яқин турганини даъво қилиб, ёш инқилобчиларнинг ташвиқотига қарши курашдим ва Бухоро коммунистлари орасида қолиб ишладим. Ёш инқилобчилар ҳам менинг хизматимга толиб эдилар. Мен қабул қилмадим. Бунинг сабабини онгламоқ учун менинг шўро ҳукумати ва коммунистлар фирқаси билан бўлган муносабатимнинг тарихини текшириш керак. Мен ўзбек миллатчиси бўлган замонларда ҳар вақт шўро ҳукумати ва коммунистлар фирқасига хайрхоҳ бўлиб турдим. Бир вақтлар гинирал Коровиченко Туркистон губернатори бўлиб келди<sup>10</sup>. Муваққат ҳукумат билан большевиклар орасида кураш тезланган эди. Гинирал Коровиченко ерли миллатчилар билан келишув сиёсатини юргузар эди. Шу вақтларда Тошкентдан Самарқандга Чўқоев<sup>11</sup> бошлиқ уч кишилик бир ҳайъат келди. Ҳайъатнинг мақсади ерли ташкилотлар билан онглашмоқ, уларни большевик ҳаракати таъсиротига қарши ташвиқот қилмоқ эди. Мен Самарқандда «Хуррият»<sup>12</sup> газетасини чиқарар эдим. Ҳайъат келган кечанинг худди эртасида газетамда бир бош мақола ёздим. Афсуски «Хуррият» газетасининг шу номерини топа олмадим. Мақоламда «Курашнинг қайси томонига қўшилиш керак?» деган саволни қўйиб, ўзим сўл томонга қўшилишни ёқладим. Бу курашнинг «ўнг» томонидан бизга бир хайр йўқлигини даъво қилдим. Менинг бу даъватим каромат эмас, тажриба натижаси эди, чунки Бухоро амира билан бўлган жанжалимизда муваққат ҳукуматнинг тўппа-тўғри амир томонида турганини, бизнинг эса, рабобчилар томонидан, ишчи-деҳқон-солдат депутатлари совети томонидан ҳимоя қилинган нимизни ўз кўзим билан кўрган эдим ва коммунистлар фирқасининг миллат масаласини бутун дунёдаги сиёсий фирқаларга кўра тўғри ҳал қилганини яхши билар эдим. Менинг муҳаррирлигим остида чиққан мажмур «Хуррият» газетаси Самарқанд жадидларининг ношири афкори эди, сўнг замонларда бир бойнинг пули билан чиқар эди.

Мен шунга қарамасдан газетамни большевикларга хайрхоҳ бир нуқтада сақлашга тиришдим, большевик мақолаларига ўрин бердим. Самарқанддаги ишчилар ташкилоти билан «шўройи ислом»<sup>13</sup> орасидаги курашда

ишчилар ташкилотининг ношири афкори каби ҳаракат қилдим.

Қўқон мухторияти эълон қилинди<sup>14</sup>. Мен Самарқанд томонидан вакил бўлиб сайланганим ҳолда, Қўқонга бормадим, мухториятнинг ҳеч бир ишига иштирок қилмадим. Бутун Туркистон миллатчиларининг ғазабини келтириб: машҳур Колисов воқеасига<sup>15</sup> аралашдим. Бухоро амирига берилган ультиматум менинг қаламим билан ёзилди.

Колисов мағлубиятидан сўнг Самарқандда туролмай, Тошкентга бордим. Онда большевиклар томонидан чиқарилган «Иштирокиюн»<sup>16</sup> газетасига хизмат қилдим. Тошкентда эканимда «Шарқ сиёсати» деган бир китоб ёзиб, бутун Шарқ миллатчиларини шўро ҳукумати билан иттифоқ қилишга чақирдим.

Собиқ Туркистон, Туркистон жумҳуриятини бўлсин, Собиқ Бухоро жумҳуриятини бўлсин қонга бўяётган босмачилик ҳаракати узун бир муддат давом этди. Шу ҳаракатга очиқ-яширин суратларда ким ёрдам қилди, ким хайрхоҳлик кўрсатди, бу кун кераклик доираларга маълум. Мен эсам, шу ҳаракатларга яширин бир хайрхоҳлик ҳам кўрсатмаганимни ҳар вақт даъво ва исбот қила оламан.

Мана шуларнинг ҳаммаси менинг шўро ҳукуматига, коммунистлар фирқасига яқин турғонимнинг, Бухоро коммунист фирқасига хизмат қилғонимнинг «оппортунист»ликдан эмас, ўзимнинг мақолим<sup>17</sup> ва нуқтаи назаримдан келиб чиққанини кўрсатади.

Миллатчилиг замонида шўро ҳукуматига ва коммунист фирқасига хайрхоҳ бўлиб борган бир киши, мазкур фирқа ва ҳукумат томонидан миллат масаласини энг тўғри йўлда ҳал этилганини кўргандан кейин<sup>18</sup> яна қинғирлик қилиб турмас, албатта, мен ҳам бундан кейин ўз янглиғларимдан қайтиб, шўро ҳукуматига пролетар маданияти қуриши йўлида чин кўнглидан, бор кучим билан хизмат қила бошладим ва қилмоқдаман.

Маълумдирки, мен русчадан кучсизман. Ўзбек матбуоти эса, марксизм адабиётининг бой эмас. Шундай бўлгани ҳолда, мен бор кучим билан марксизмни ўрганишга ҳаракат қиламан, марксизм усулини илмиётда энг тўғри усул деб биламан ва ўзимнинг илмий ишларимни шу усулда олиб боришга урунаман. Сўнг тўрт-беш йилда ёзғоним «Арслон», «Умар Ҳайём» каби асарларимни, ҳатто тўққиз қилганингиз «Намуналар»даги даврлар тақсими шу йўл билан олиб боришга тиришдим... Мазкур ишларимда янглишлар бўлиши мумкин. Лекин буларни(нг) воқеаларини таҳлил қилганда бўлган янглишлардан ҳисоб қилиб, танқид қилиш, хато жойларини кўрсатиш керак. Ҳар бир янглиш янги янглиш деб ўйланган нуқтани, менинг йигирма йил бурунги панисломистлигим билан изоҳ қилиш тўғри илмий бир ҳаракат бўлмайди.

Азизим, Урта Осиёнинг оламга маълум бир маданияти бўлган, бу маданиятнинг туркий асарлари қолган. Бу асарларнинг ҳаммасига бирдан «ахлатлар» дейиш, сизнинг муҳокаманингизнинг кирлигидан чиққан янги бир истилоҳ бўлса керак. Сиз Самарқанднинг регистонига бориб, эски «ахлат»лардан санагонингиз мадрасаларга диққат қилинг, қаранг-чи: шуларнинг йиқилаётган битта минорасини сақламоқ учун пролетар давлати, шўро ҳукумати қанча пул сарф қилган. Урта Осиёнинг мана шу маданият асарларини, тарихини текшириш, уларнинг синфий моҳиятларини, санъатча қийматини майдонга чиқариш илмининг талабидир.

Мен ўзимнинг йигирма йиллик мутолаам, жуда кучсиз бўлмаган кутубхонам соясида шу йўлда ишламоқдаман. Албатта, ишларимда янглишлар бўлиши мумкин. Янглишларимни жой-жойи билан кўрсатиш керак, кўзни

юмиб, оғизни очиб сўкишининг илмий фойдаси йўқ.

Мақолангизда катта ҳарфлар билан «Маориф ва ўқитғувчи» журнали Фитратнинг ношири афкори эди, дейиш мумкин» деб ёзасиз. Буниси эмди уёт! «Маориф ва ўқитғувчи» Ромиздан бурун бор эди. Ромиз замонида ҳам давом қилди. У ҳар вақт маориф комиссарлигининг ношири афкори бўлиб давом қилди. Журналининг бутун давом муддатида мен ёзган мақоланинг сони ўнга бормайди. У қандай қилиб менинг ношири афкорим бўлсин?! Бир оз ўйланг, Ўзбекистоннинг марказида фирқа ва шўро идораларининг кўзлари остида чиққан бир журнал уч-тўрт йил менинг ношири афкорим бўлади-ю, шуни сиздан бошқа ҳеч ким онгламайди-ми? Сиз бу демагўйи (демаголик — Х. Б.) билан кимни таҳқир қилғонингизни ўйладингизми?!

«Маориф ва ўқитғувчи» журналида Яссави ҳақида<sup>19</sup> ёзганим мақоладан сўз очасиз. Мен у мақоламда Яссавини санъат ёғидан, мафкура томонидан қаттиқ танқид қилдим, унинг зарарли эканини, унинг таъсирига қарши курашмоқ кераклигини сўзладим. Ёлғиз унинг баъзи шеърларга алданиб, унинг йўқсуллар томонида турганини қабул қилмоқчи бўлдим. Сўнгалари эса, фикримнинг янглиш эканини онгладим. Сизга ёқмаган «Намуналар»нинг муқаддимасида Яссави ҳақида бошқача фикр юргүздим. Сиз «Намуналар» ҳақида танқид ёзганингиз ҳолда Яссави ҳақида унинг муқаддимасидаги сўзларимдан кўз юмиб, «Маориф ва ўқитғувчи»даги мақоламга ёпишасиз.

Бундан кейин Чиғатой адабиётининг «мундарижаси» ва «шакли» ҳақида фикр юргүзасиз. Бошлаб Чиғатой шоири деб Навойи билан Яссавини кўрсатасиз. Азизим, сизда Чиғатой сўзига қарши қизиқ бир ҳолат пайдо бўлган, ўзингизга ёқмаган ҳар кимни чиғатой деб сўзламоқчи бўласиз, ишнинг бир қадари чегарани оширдир. Яссави Чиғатой шоири эмас. У чиғатой адабиётининг бурун ўтган бир шоир. Сўнгра Навойидан намуналар олганда менинг тартиб қилғоним ва сизнинг танқид қилғонингиз китобдан олмайсиз-да Навойининг ўз девонидан, диний мавзудаги байтларни оласиз. Сизнинг у намуналарингизни кўрган киши менинг китобимдан олганингизни гумон қилади-да, менга ҳужумларингизни қисман ҳақли кўради. Сиз ҳам шуни истайсиз. Ҳолбуки, Навойининг динсиз бир шоир эканини мен даъво қилмадим, унинг диний парчалари бор ҳам кўбдир. Лекин менинг намуналаримдаги асарлари бу қатордаги асарлар эмас.

Навойидан олган байтларни таржима қилишингиз бир оз «вадудона» бўлган, кўби тўғри эмас. Сўнгра Навойи билан Яссавидан берганингиз намуналарга суяниб, «Чиғатой адабиётининг шаклидан ҳам фойдаланиш мумкин эмас» дейсиз. Лекин сиз шакл билан вазнини бир-бирдан ажрата олмагонсиз. Шакл деб вазн билан айрим сўзларни оласиз. Ҳолбуки, шаклга ифода тарзи, маъжоз, истиора ва шеърнинг бутун (поэтик) хусусиятлари кирадир.

Навойининг вазнидан фойдаланиш албатта мумкин. Мундан бошқа, Яссавининг вазнидир. Яссави ва Яссави мактаби шоирларида бормоқ вазнининг чиройлик намуналари бор, фойдаланиш мумкин. Сиз Яссавини Чиғатой шоирлари деб ҳам Чиғатой шоирларининг аруз вазнида ёзганлари бўйлаб, шу хатоларга тушгансиз. Ҳатто кўчирганингиз Навойи билан Яссави шеърлари орасида бўлган вазн айирмасига ҳам диққат қилмагансиз<sup>20</sup>.

ФИТРАТ

Идордан:— Фитратнинг бу мақоласи Чиғатой адабиёти масаласига оид бир неча муҳим пайтларини очиб

беради, бироқ бу билан чиғатойизм унсурлари ва уларнинг қолдиқлари билан кураш тамом бўлмайди. Идора, бу масала теварагида очган музокарани давом эттиришни лозим топади.

«Қизил Ўзбекистон», 1929 йил, 15—16 сентябрь. 215—216 сонлар.

## Луғат ва изоҳлар

1. Фитратнинг 1927 йили эълон қилинган «Ўзбек адабиёти намуналари» китоби муносабати билан «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси саҳифаларида Ж. Бойбўлатов чиқиш қилиб, фақатгина ушбу китобни эмас, умуман, Фитрат ижодини кескин танқид қилган эди. Бу очиқ хат унга жавобан ёзилган.

2. Абдурауф Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. I китоб. Самарқанд — Тошкент, 1927 йил.

3. Бошқа кўпгина манбаларда Фитратнинг туғилган йили деб 1886 йил санаси кўрсатилган. Хусусан, С. Айний шундай маълумот беради: «Абдурауф Фитрат Бухорий — туғилган йили 1304 ҳижрий» (яъни милодий 1886 га тўғри келади). Қаранг: С. Айний. Намунаи адабиёти тожик. М., 1926, III қисм. Шунингдек, Фитрат ҳаёт пайтида эълон этилган «Катта Совет қомуси»да ҳам шу сана келтирилади. Қаранг: Фитрат Абдурауф. БСЭ, М., 1936, т. 57, с. 656.

4. «Урта Осиёда тасаввуф тарихи» номли китоб ёзаётгани ҳақида бир неча бор маълумот беради, бироқ бу иш охиригача етмаган. Тугалланмаган қўлёзманинг тақдири эса номаълум. Фитрат томонидан келтирилган «заҳарли», «зарарли» сўзлари унинг тасаввуфга муносабатини белгиламайди. Бу фақат давр тақозоси билан юзага келган, ноҳақ танқиддан ўзини ҳимоя қилишнинг бир йўли, холос. Фитратнинг ўзбек адабиёти тарихи ҳақидаги қатор ишлари билан танишишнинг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди.

5. Юсуф Алиев (1891—1946) назарда тутилмапти. Туркистон Компартиясининг арбобларидан бўлиб, ўша пайтда Туркистон Ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари эди.

6. Бу ўринда динсиз сўзини атеист сўзи билан алмаштирамаслик керак. Чунки Фитрат томонидан ёзилган асарларни синчиклаб кузатганда бу нозик айирма очиқроқ кўринади.

7. Сангсор — тошбўрон қилиш.

8. Гап «Мунозара» хусусида кетяпти. Унинг эълон этилишига амир қарши бўлган. Шунда Фитрат амирга мактуб — сўзбоши ёзиб, асар эълон этилишига рухсат олган эди. Гарчи шундай бўлса-да, бу китоб «Оглашению не подлежит» тамғаси остида босилиб чиққан. Бундай усул билан Беҳбудий асарлари эълон этилиши учун ҳам рухсат олинган эди.

9. «Бу иш ўша замонда Бухоро учун ижобий ҳодиса эди» деб тушунилса мақсадга яқин келади.

10. Коровиченко — генерал-майор. Муваққат ҳукумат томонидан 1917 йилнинг сентябрида Тошкентга юборилган жазо экспедициясининг бошлиғи. У 24 сентябрда Туркистон ўлкасининг бош комиссари қилиб тайинланади. Тошкентда миллий-инқилобий ҳаракатларга тўсқинлик қилган аксилинқилобчилардан. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон ССР тарихи. «Фан», 1974, 270—275-бетлар.

11. Мустафо Чўқаев Самарқанддан Қўқонга боради ва кейинчалик «Қўқон мухторияти» ҳукуматининг бошлиғи этиб сайланади.

12. «Хуррият» Самарқандда 1917 йилнинг апрелидан бошлаб чиқа бошлаган рўзнома. Унинг муҳаррирлари Васлий, Беҳбудий, Сиддиқий ва Фитрат бўлган.

13. «Шўрои Исломи» — Унг жадидлар томонидан 1917 йил 1 апрелда чақирилган I қурултойда таъсис этилган жамият. Унинг режалари Мунаввар Қори нутқида баён этилган. Қаранг: «Турон» рўзномаси, 1917 йил, 30 апрель.

14. «Қўқон мухторияти» — 1917 йилнинг ноябрида Қўқонда IV ўлка мусулмонларининг қурултойида тузилган ҳукумат бўлиб, у 1918 йилнинг февралигача давом этган.

15. «Қолисов воқеалари» номи остида тарихга кирган ҳодисалар 1918 йилнинг мартада содир бўлган. Туркистон Халқ комиссарлар советининг раиси Ф. И. Колесов отряди билан бирликда ёш бухороликлар амирни ағдариб ташлаш учун қуроли қўзғолон кўтардилар. Қўзғолон муваффақиятсиз тугаб, амир халқдан ўч ола бошлаган.

16. «Иштирокиюн» («Коммунист») — Миллий ишлар халқ комиссарлигининг органи бўлиб, 1918 йил июндан Тошкентда чиқа бошлаган рўзнома.

17. Мақолим — эътиқодим маъносиди.

18. Фитрат ҳам бошқа замондошлари каби Ўзбекистон жумҳурияти вужудга келиши билан миллий масала «энг тўғри йўл билан ҳал этилди» деб ўйлаган эди. Қолбуки, ҳаёт ҳақиқати масала ҳали тугал ҳал этилмаган эканини кўрсатди.

19. Тилга олинган мақола «Маориф ва ўқитғучи»да босилган. Қаранг: Журналнинг 1927 йил 6—8 сонлари.

20. Фикрнинг нотугаллигидан ва Фитрат услубидан (у деярли ҳар бир илмий ишининг бошланишида тилга олинган истилоҳга қайтади ва кўпинча унга бўлган муносабатини такроран таъкидлаш билан тугаллайди) сезиладики, «хат»нинг давоми бўлган. Буни Фитрат замондошларидан Л. Азизода ва М. Раҳим қизи тасдиқлаган. Мақоланинг якуни рўзномачилар томонидан «қайчиланган» бўлиши мумкин. «Идорадан» номи остида берилган редакция мақолачадан рўзноманинг ўша пайтдаги адабиётга нисбатан туган «позиция»сини билса бўлади.

Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Болтабоев





Юрий Папоров

# САҲРО ҚУЁШИ

# ЧАРОҒОНМИ?

Кимки босмачиларга қарши кураш тарихи билан жиддийроқ қизиққан бўлса, ҳамиша ғалати бир ҳолдан довдираб қолади: тарихий ишлар, романлар ва воқеалари кескин фильмлардаги гап бир бошқаю оқсоқол ва ёшулларнинг гапи бутунлай бошқача. Ўз-ўзидан бир савол доимо кундаланг турган ва то ҳамон кундаланг турмоқда: бизга бўлган воқеани эмас, бошқа нарсани ўқитишмаганмикан, тарихий далилларни четлаб ўтиб гапириш кимгадир лозим бўлган нарсаларни айтиб келишмаганмикан?

Мен Туркменистонда туғилиб, вояга етганман. Ҳарбий гарнизон ташлаб кетган Хива шаҳрини 1926 йилда босмачилар қўққисдан эгаллаб олишганда, онам билан мени бир ўзбек ариққа бекитиб, устимиздан туятовон бостирган ва шу боисдан тирик қолганмиз. Кейинги ўн йил мобайнида архивларни синчиклаб ўрганиб чиқдим ва эндиликда имоним мутлақ комилки, агар бизнинг олим ва санъаткорларимиз босмачилар ҳақида, бу ҳаракатнинг келиб чиқиши ҳамда узоқ давом этганлиги ҳақида рост гапни айтганларида эди, ўша пайтдаги зийрак сиёсий ва ҳарбий арбобларнинг Урта Осиёдаги вазиятнинг ўзига хослигини, бу ерда яшовчи кўп уруғли халқлар руҳияти ва турмуши, ҳаётининг негизларини тушуниш лозим деган ҳайқириқларига қулоқ тутганларида эди, бизнинг ҳақиқий тарихимизда қора доғлар бу қадар кўп бўлмаган бўларди.

«Саҳронинг чароғон қуёши!» Ҳайрато! — дейди адиб, хўп асо! — дейди эстрада артисти, бебаҳо! — дейди фахр ила сино ходими. Дарҳақиқат, бу кинони кўриб ким ҳам жунбушга келмайди дейсиз! Кўплаб совет кишилари завқ-шавқдан ларзага тушишган ва табиийки, улар... тарихий ўйдирмалар, ёлғон-яшиқлар, ҳақиқатнинг ғирт ёлғон талқини руҳида тарбия топишган. Зеро, бир пайтлар «Кубан казаклари», «Олтин юлдуз кавалери» ана шу руҳда тарбия берган эди.

«Саҳронинг чароғон қуёши» фильмининг режиссураси, оператор иши, актёрлар ўйини, ҳатто картина директорининг меҳнати — ҳаммаси эътиборга лойиқ, бироқ мавзунинг баёни, унинг талқини — ёлғон. Сценарий муаллифи — ўз ишининг устаси ва ундан нимаики куттишган бўлса, ҳаммасини усталик билан адо этган. Усталик билан алдаган, Александр Твардовский ёзганидек, «алдагандир шодон, хўп бошлаб».

Лотин Америкаси мамлакатларида худди шунга ўхшаш воқеага дуч келганимда, Голливуд томонидан Лотин Америкаси мамлакатлари тарихи мавзуда яратилган конкрет фильмларни кўрганимда, дарҳол шундай гаплар қулоғимга чалинган эди: «Шунинг учун ҳам у Голливуд, шунинг учун ҳам улар буюк миллатки, бизни ва бизнинг тарихимизни сохта-

лаштириш ҳисобига ўзларини улуғлашади». Мен бунга англаган ва ўз ҳукимини чиқариб қўйган эдим. Бироқ, — шунақа тарбия кўрганман-да, — ўзимизда ҳам худди ўшандақа ҳолни кўриб елкамга ел тегмаган, бирор мўйим ҳам қилт этмаган эди. Фақат... фақат яқиндагина, Қайғисиз Отабоев ҳақидаги роман устида иш бошлаб, архив ҳужжатларини ўрганар эканман, ҳақиқий хабарлар миқдори сифат босқичига ўтганини сезмай ҳам қолибман ва бундан... уялиб кетдим. Худди шу кезларда қайта қуришнинг ҳаётбахш шабадалари эсиб қолди.

Бу шабада тазйиқида кумдан қурилган бинолар қулаб, омонат иморатлар очилиб қолди. Ҳақиқат шуъллари ярқираб, хаста жойларимизни рентген нурлари каби аниқ-тиниқ кўрсата бошлади.

Бу хасталиклардан бири Иттифоқимиздаги миллий муносабатлар аҳволи бўлиб, уни сукут сақлаш билан яхшилаб бўлмайди. Кимлардир, биринчи навбатда, худди аввалгидек, ҳамон турғунлик даврининг анъаналаридан халос бўла олмаган Урта Осиё жумҳуриятларининг айрим партия ва ҳукумат раҳбарлари Москванинг тинчлантириш учун, «шундоқ ҳам ишга кўмилиб қолган» КПСС ва Иттифоқ ҳукумати раҳбарларини ҳаяжонга солмаслик учун йиртилиб қолган муносабатларга гулдор жумлалардан тўрмоқ солишга уринмоқдалар. Хўш, олимлар-чи? Эҳтимол, бизларга шу қадар қулфатлар олиб келган даврнинг нуқсонларини эътироф этиш, ўз айбларини ошқора тан олиш, ва ниҳоят, халқнинг кичик бир қисми бўлмиш турли даражадаги раҳбарларнинг эмас, балки бутун халқ оммасининг эътироф ва эҳтиромига сазовор бўлиш учун бу олимларда етарли жасорат йўқдир?..

Урта Осиёда босмачилик тарихидан гап очиш, ўтмишнинг бу саҳифаларини ёлғондан тозалаш миллатлараро масалани ҳал этишнинг муҳим йўлларида биридир. Тагин шу боисдан ҳам менинг имоним комилки, Совет Шарқининг шаҳарларида, хусусан қишлоқларида ҳар гал бўлганимда, турли ёш ва турли касбдаги кишилар ўз аجدодлари ҳақида албатта ҳикоя қилиб беришади. Улар ўзларининг етти пуштини ғурур ва ифтихор билан номма-ном санашар экан, «босмачиларга қарши кураш» даврида ҳалок бўлган аждодларини қайғуриб хотирга олишади.

Бу хотира — Совет Шарқидаги кишиларнинг қалби ва онгида чўкиб ётган оғир бир юкдир? Ва бизнинг бугунги вазифамиз — ўша пайтда неки бўлган бўлса, қандай бўлганлигини, нега бўлганлигини рўй-рост айтиш, керак бўлса... айбимизни тан олишдир. Албатта тан олиш керак!



1917 йилнинг сентябридаёқ мусулмонларнинг 2-курултойи Туркистонда мухториятни жорий этиш программаси ва планини муҳокама қилиш масаласини кўйган эди. Рухонийлар ва бир қанча шаҳарлардаги маҳаллий аҳолининг ўзига тўқ қисми, хусусан, Фарғона водийсининг (водийда 382 масжид, 42 мадраса, 6 минг диний ходим бор эди) йирик иқтисодий ва сиёсий маркази ҳисобланмиш Қўқон шаҳри аҳли Советларнинг ҳокимият учун муваққат ҳукумат билан олиб бораётган курашидан фойдаланмоқчи бўлишди. Бу арбоблар мусулмон аҳолининг оқпошо зулмидан халос бўлиш, мустақиллик борасидаги интилишларидан фойдаланиб, аввал мустақил Қўқон хонлиги, сўнг Урта Осиё халифалиги тузишни хаёл қилишди. Уларнинг шиори остида маълум бир кучларнинг бирлашуви натижасида, Туркистонда Совет ҳокимияти мавжуд бўлишига қарамай, 4-Фавқулодда ўлка мусулмонлар курултойи қақирилди ва курултой томонидан ҳукумат сайланди. 1917 йилнинг декабрида, Мухаммад пайгамбарнинг таваллуд тантанаси кунларида ушбу Қўқон ҳукумати Туркистоннинг қарийб барча шаҳарларида ўзининг тан олиншини талаб қилиб намоийишлар ўтказди. 1918 йилнинг 29 январидан 30 январига ўтар кечаси Совет ҳокимияти тарафидаги қуролли кучлар Қўқон ҳокимиятига қарши кураш бошлади, моҳиятан бу Россияда биринчи бўлиб бошланган граждандар уруши эди.

Ушбу воқеалар шоҳиди Д. Е. Коновалов бундай деб ёзади: «Қўқон Мухторияти»ни бостиришда кўпинча ўзганинг тўйида тўйиб олмоқчи бўлган тасодифий, безори ва ҳатто жиноятчи кимсалар иштирок этишди (зеро, кишиларни саралашга вақт йўқ эди)».

Худди мана шу воқеалар босмачилик ҳаракатининг туғилишига сабаб бўлди, деб таъкидлайди тарихчиларимиз. Дарҳақиқат бу босмачилик ҳаракати эдимки? — бу олимлар олдидаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммодир.

Бу вақтга келиб Туркистон Улка Халқ Комиссарлар Совети Тошкент шаҳар думасини тарқатиб юборган, собиқ генерал-губернаторлар идорасини тугатган, буржуа газеталарини тақиқлаб қўйган, пахта захираларини мусодара этган, нефть қазиб олишни, балиқчилик саноатини, «Хива» кемачилик жамиятини, барча босмаҳона ва матбааларни мусодара қилган, ФК (ЧК) тузган, масжидни давлатдан ва мактабни масжиддан ажратишни эълон қилган эди. Ана шу сўнгги тадбир Туркистон шароитида шошмасошарлик, ҳатто Октябрь инқилоби учун тўғридан-тўғри зарарли тадбир эди. РСФСР ХКСнинг В. И. Ленин томонидан имзоланган «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» Мурожаати вазиятни бир қадар юмшатгандай бўлди. Бу Мурожаатноманинг моҳияти икки-уч сатрда ўз ифодасини топган эди: «Сизлар ўз миллий турмушларингизни эркин ва ҳеч қандай тўсиқсиз қураверинглар. Бунга сизнинг ҳақингиз бор. Шуни билингки, сизларнинг ҳуқуқларингиз, Россияда барча халқларнинг ҳуқуқлари каби, инқилоб ва ўзининг органлари — Ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари советларининг бутун куч-қудрати билан кўриқланади». Бу гап тез орада тилдан-тилга кўчиб тарқаб кетди. Ушбу Мурожаат, хусусан, Октябрь инқилобининг халоскорлик сиёсатини жон-дили билан қабул қилган маҳаллий зиёлиларни илҳомлантириб юборди.

Бироқ В. И. Ленин Туркистонда вазият ғоят мураккаб эканлигини ва бу мураккабликнинг сабабларини жуда яхши англади, шунинг учун ҳам у 1918 йилнинг кўкلاميда Тошкентга П. А. Кобозев бошчилигидаги бир гуруҳ тажрибали партия ходимларини жўнатди. Доҳийнинг топшириғи аниқ-равшан эди: мазкур миллат ўртаасирчиликдан буржуа демократиясига ёки буржуа демократиясидан пролетариат демократиясига ўтиш йўлининг қайси босқичида турганлигини бирор дақиқа ҳам унутмаган ҳолда, ўлкани советлаштиришда ўзига хос ёндошиш; рус пролетариати билан меҳнаткаш деҳқоннинг яқинлашувини қийинлаштирадиган, жуда кучли бўлган маҳаллий аъёнларни ҳисобга олиш. Кобозевнинг асосий вазифаси мусулмон пролетариатини мусулмон буржуазиясидан ажратиб олиш ва мусулмонлар Советларини тузиш учун мусулмонлар орасида олиб борилаётган ишларни кучайтиришдан иборат эди.

Совет Туркистонининг ўша пайтдаги раҳбарлари орасидан ўртоқ Кобозев амалда ўзига тарафдор топа олмади. Фақат Лениннинг обрў-эътибори туфайлигина у 1918 йилнинг апрелида Тошкентда Умумтуркистон ишчи ва мусулмон депутатлари Советларининг 5-курултойини ўтказишга муваффақ бўл-

ди. Курултой Туркистон ўлкасини РСФСР таркибидаги мухтор жумҳурият деб эълон қилди ва «ўлкадаги барча халқлар умумжаҳон ишчилар синфи ишининг фаол курашчилари сафидан ўрин ола билишлари учун мусулмон пролетариат оммасини ўлкадаги бунёдкорлик ишига кенг жалб этишнинг ниҳоятда зарурлиги ҳақида»ги боб қабул қилди. Бироқ на ўлка ҳукумати таркибига, на Совет ҳокимиятининг ўлка органларига меҳнаткашлар оммаси ва маҳаллий зиёлиларнинг вакиллари жалб этилмай қолаверди. Бу эса Совет ҳокимиятига қарши ташвиқот ишининг асосий манбага айланди ва у ўз навбатида босмачи тўдалари деб аталадиган ҳаракатнинг ўсиб боришига сабаб бўлди.

Ўртоқ Кобозев олиб бораётган кураш ғоят мушкул аҳволда қолганлиги иқир-чиқиргача бутун Тошкентга маълум бўлди, демак, бу вазият ўлкада не-не асрлардан бери ғоят ажойиб равишда қўлланб келинган оғзаки ахборот орқали бутун Туркистонга тарқалди. Бу кураш ғоҳида жуда кескинлашиб кетди. Бинобарин, Тошкентда 1905 ва 1917 йилларда бўлиб ўтган инқилобий воқеаларнинг фаол иштирокчиси, ХКС раиси Ф. И. Колесовнинг сафдоши А. А. Казаков бир гал қизишиб кетиб бундай деган эди: «Менга қара, Кобозев, сен ўзингни ўзинг отиб ташла, биз эса сени қаҳрамонлардек дафн этамиз. Сен бизга ҳалақат беряпсан!» Кобозев унга: «Йўқ, мени сен отиб ташлай қол, сўнг менинг ўртоқларим сени суд қилишади. Охир-оқибатда менга ҳайкал қўйишади, сени эса ёдга ҳам олишмайди. Менинг йўлим ғалаба қилади!» — деб жавоб берган эди.

Уқувсиз, тўғри йўлдан узоқ бўлган Ф. И. Колесовнинг, шунингдек унинг сафдоши А. И. Фроловнинг ҳаракатлари Ашхобод кўзғолонининг келиб чиқишига сабаб бўлганлиги шубҳасиздир. Зеро, бу кўзғолоннинг дастлабки шiorлари: «Совет ҳокимияти учун, бироқ баъзи яроқсиз комиссарларга қаршимиз», «Совет ҳокимияти учун, бироқ большевикларга қаршимиз» қабилардан иборат бўлса, кейинчалик «Табсиқ курултойи учун!» деган шior ўртага ташланди. Кўзғолоннинг советларга қарши ошкора жабҳага айланиши табиий эди. Буюкбританиянинг ишғолчи қўшинлари шундоқ ёнма-ён турган ва бу кўзғолондан ўз манфаати учун фойдаланишга уринаётган бир пайтда бошқа йўл бўлиши мумкин эмас эди. Буюкбритания қўшинлари худди ана шундай қилди — ўз гуруҳларини Каспий ортига олиб кирди.

1919 йилнинг январида «ким катта, ким кичик, ким кучлироқ, ақллироқ» деган масалани ҳал этиш учун «Тошкентда партия ходимлари ўртасидаги кураш давом этди» ва табиийки, бу кураш Тошкентдаги совет ҳарбий комиссари К. П. Осиповнинг исёни учун қулай шарт-шароит туғдирди, натижада жуда кўп-лаб партия ва совет ходимлари, жумладан, ўн тўрт Туркистон комиссари ҳалок бўлди. Бу исён Совет ҳокимияти душманларининг жабҳасини кучайтириб юборди, ўлкадаги маҳаллий аҳолининг Совет ҳокимиятига қарши ўсиб бораётган ҳаракат тегиримонига тағин сув қўйди.

Айни пайтда Туркистонда ғалла монополиясининг амалга оширилиши, бозорларни тақиқлаш йўли билан озиқ-овқат диктатурасининг ўрнатилиши, ғаллани эркин сотишнинг маън этилиши оғир оқибатларга олиб келди, зеро, Туркистоннинг ўзига хос шароитида бу тадбирларни вақтинча амалга оширмай туриш лозим эди. 1919 йилнинг январида озиқ-овқат тақсимотининг монополия ва диктатура билан алмашинуви асосли равишда оловга мой қуйиб юборди.

Жойларда зўрға тузилаётган Советлар билан аҳолининг яқинлашувиغا Туркистонда озиқ-овқат тақсимотини жорий этишдан иборат яроқсиз тажриба энг катта тўсиқ бўлиб қолди ва шубҳасиз, босмачилик деб аталадиган ҳаракатнинг янада кучайишига олиб келди.

Бунда Россияга хос схема ҳам маълум даражада роль ўйнади: шоҳна ағдариб ташлаган ишчи ва деҳқонлар инқилобининг озиқ-овқат отрядлари ўз олдиларига қўйган вазифани максималистларча апил-тапил ҳал этишни, эртага нима бўлишини ўйлаб ҳам ўтирмай, тўғрироғи, ўйлашга имкон топмай тезроқ мақсадга эришишни инқилобнинг мезони, порлоқ келажакнинг гарови деб билдилар. Уларнинг имтиёзли эканликларини англаган бу гуруҳлар маданий ва сиёсий даражасининг пастлиги шунақанги манзарани вужудга келтирдикки, яхшиси, бу ҳақда далиллар тили билан гапирган маъқул.

Мана, масалан, бизнинг қўлимизда архивдан олинган шундай гувоҳлик бор. Бу гувоҳлик ҳар эҳтимолга қарши фавқулод-

да долларнинг олдини олиш учун тузилган Туркистон Революцион Ҳарбий Совети Ҳарбий-сиёсий экспедицияси ҳузурдаги алоҳида бўлим ва ФК (ЧК) ходими, Совет Туркистонининг ўша йиллардаги раҳбарларидан бири, Н. А. Паскуцкий нутқидан олинган. У Туркистондаги муаммоларнинг ҳақиқий моҳиятини англаб етса-да, ҳамisha ҳам ўзига тарафдор топа олмаган, хусусан, ўлкага эндигина келган ҳарбийлар орасидан ҳамфикр орттиролмаган эди.

«Ҳозир (1920 й. XI — Ю. П.) нималар содир бўлаётганини — тақсимотни ёки монополия — қатъий айтиш мушкул, баъзи кент ва қишлоқларда тақсимот ишлари олиб борилляпти, баъзиларида эса аҳолидан ҳатто бир ҳафтага етгулик ҳам дон-дун қолдирмай бор ғаллани тортиб олишяпти... Суйбўйи музофотида барча ғалла тортиб олинди, баъзи кентлардаги деҳқонлар озиқ-овқат тақсимотини бажариш учун ҳатто қўшни кентлардан ғалла сотиб олиб топширишга мажбур бўлишди... Озиқ-овқат тақсимоти билан шуғулланаётган ходимлар Совет ҳокимияти вакилларига хос бўлмаган айш-ишрат, бузуқлик билан шуғулланмоқдалар. Улар тез-тез қишлоқларга келиб, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ҳеч қандай тил-хатсиз, пул тўламасдан олиб кетадилар... Тақсимот учун йиғиб олинган ғалла махсус қурилмаган, омонат омборларга тўқилади, натижада чириб, нес-нобуд бўлиб кетади. Бунинг شوҳиди бўлиб турган деҳқонлар кўп ҳолларда тақсимотни бажаришдан бош тортадилар». «Тақсимотни бажаришдан бош тортадилар» жумласини «қўлга қурол олиб, тоққа чиқиб кетишга мажбур бўладилар» деб тушуномқ лозим.

Собиқ штабс-капитан, мардлиги ва жасурлиги учун Биринчи жаҳон урушида 4 та Георгий крести, граждандар уруши даврида Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган Д. Е. Коновалов Туркистоннинг Қўқон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятларида жанг қилган эди. У ҳам Туркистонда озиқ-овқат тақсимоти қандай олиб борилаётганлиги ҳақида ўз фикрларини ёзиб қолдирган: «Ўзимнинг шахсий кузатишларим ва қўлимдаги кўплаб маълумотларга қараганда, жуда кўпдан-кўп ҳолларда озиқ-овқат тақсимотининг бутун оғирлиги қашшоқ аҳоли елкасига тушяпти, бойлар эса қандайдир алоҳида йўллар билан (бу йўлларнинг қандайлиги уларнинг ўзларига тагин, менимча, баъзи озиқ-овқат тақсимоти гумашталарига аён) қўлларидоги ғалланинг катта қисмини яшириб қоляптилар. Озиқ-овқат борасида олиб борилаётган бу ишлар бизнинг камбағаллар ҳамда ўртаҳол деҳқонларга таяниб қурмоқчи ва мустаҳкамламоқчи булган биномизнинг пойдеворини ювиб кетади».

Ўртоқ Коновалов Фарғона армия группаси қўмондонлиги вазифасини топишар экан, 1921 йил 4 апрелда Туркфронт қўмондонлигига берган рапортини шундай хулосалайди: «Босмачилик ҳаракатини тугатишда озиқ-овқат органларининг олиб бораётган ишлари жиноят, катта тўсиқдир. Улар эса ҳалом эскичасига, аввалдан белгиланган рисола бўйича ишлашмоқдалар». «Фақат ҳарбий кучларнинг ўзи билан босмачиликни бутунлай тугатиш МУМКИН ЭМАС» Хужжатдаги бу жумла ости йўғон кўк қалам билан чизиб қўйилган ва унинг ёнига: «Тўла қўшиламан!» деб ёзилган. Бу белги Туркфронт қўмондонини В. С. Лазаревичники бўлиб, у рапорт ва резолюцияга: «Ўрт. Коноваловга тўлиқ қўшиламан! 4.V.21 й.» — деб имзо чеккан эди.

Ишни ўнглаб олиш учун В. И. Ленин ва РКП(б) МК Туркистонга кучли партия ва совет ходимларини муттасил жўнатиб, кўпинча Иттифоқ РХС орқали БМИК (Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети) таркибини ва РСФСР ХКС Турккомиссия раислари ҳамда таркибини алмаштириб, Туркфронт қўмондонлари, РХС аъзоларини ўзгартириб турдилар. Шунинг учун ҳам «қалпоқ билан уриб ағдарамиз», «борамиз, кўрамиз, ғалаба қиламиз» деган фикрдаги кўпдан-кўп кишилар тегирмонга тушган дондек эзилиб кетдилар, чунки уларнинг кўпчилиги ҳақиқий воқеликка етарли баҳо беришни истамас ёки, эҳтимол, буни англаб етишмаган эди.

Шу ўринда, менимча, В. И. Лениннинг ғоят тўғри, Шарқда совет сиёсати ғоялари қандай амалга оширилиши ҳақида ўз мақсадини ғоят аниқ ифодалаган қуйидаги пайгамбарона сўзларини келтириш жоиз. В. И. Ленин бу хатни 1921 йилнинг сентябрида БМИК ва РСФСР ХКС Турккомиссия раисининг ўринбосари сифатида Тошкентга юборилган А. А. Иоффега жўнатган эди: «Маҳаллий халқларнинг ишончини қозониш, қозонганда ҳам уч ва тўрт карра қозониш, бизлар империалистлар

эмаслигимизни, бизлар империализм томонга оғиб кетишга асло йўл қўймаслигимизни исботлаш бизнинг бутун Weltpolitik<sup>1</sup> учун ғоят муҳим. Бу — жаҳоншумул масала, муболағасиз жаҳоншумул масаладир.

Бу масалада жуда вазмин бўлиш керак. Бунинг Ҳиндистонга, Шарққа таъсири бўлади, бу масала билан ҳазиллашиб бўлмайди, бу масалада 1000 ҳисса эҳтиёткор бўлиш лозим».

«Минг ҳисса эҳтиёткор бўлиш лозим» — бу қўрқиб эмас эди, албатта, бу — ишни чуқур билиб, омилкорлик билан, маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилиш дегани эди. Дарҳақиқат, бу ерда худди ана шундай ҳаракат етишмас эди, Ленин вафот этгач эса бори ҳам бутунлай чиппака чиқди. Лениннинг ана ўша кўрсатмаларидан чекиниш Урта Осиё жумҳуриятларида бугунги кундаги миллий муносабатлар кескинлигининг сабабларидан бири сифатида қаралмоғи лозим.

Уша пайтдаги Туркистон раҳбарларининг вазиятни англаб етмаганидиган фойдаланган «босмачилар» 1921 йилнинг охири — 1922 йилнинг бошларида завод ва фабрикаларни, темир йўлларни вайрон қилишга, асбоб-ускуналарни талон-торож қилишга, барча ғалла захираларини ташиб кетишга киришдилар. Натижада 1922 йилнинг 1 майига келиб 180 пахта тозалаш заводидан атиги 4 таси ишлаб турди, 18 ёғ заводининг ҳаммаси тўхтаб қолди. Умумий экин майдонининг учдан икки қисми қисқарди, пахта майдони 10 баробар камайиб кетди. Фарғона аҳолисининг учдан бири қисқарди.

Бу пайтга келиб Туркистонда маҳаллий кадрлардан ТуркМИКнинг раиси А. Раҳимбоев, ТКП МКнинг секретари Н. Тўрақулов, ХКС раиси Қ. Отабоев, Ф. Хўжаев, Хидиралiev, Т. Ҳақимов, Н. Хўжаев, М. Серғозиев, С. Қосимхўжаев, А. Икромов ва шу каби сиёсий жиҳатдан чиниққан раҳбарлар етишиб чиқди. Улар ленинча сиёсатни бутун ноҳиклиги, чуқурлиги билан англаб етишди ва бу сиёсатни амалга ошириш учун ўзларини аямай кураш олиб боришди.

Фикрларим асосли бўлиши учун 1922 йил 18 июлда Тошкентда бўлиб ўтган ТуркМИК 4-пленими 5-мажлисида нутқ сўзлаган ана шундай ленинчилардан бирининг гапларини келтириб ўтishни ўринли деб ҳисоблайман. Мажлисни ТуркМИКнинг раиси Абдулло Раҳимбоев олиб борди. Қуйида мажлис стенограмма ёзувини келтираман.

«РАИС: Уртоқлар, мажлисини очиб деб эълон қиламан. Стенографисткадан ташқари партия аъзоси бўлмаганларнинг мажлисдан чиқиб кетишларини сўрайман. Навбатда босмачилар масаласи турибди. Уртоқ Отабоевга сўз берилади.

ОТАБЕОВ: Уртоқлар, босмачилик бизнинг Туркистондаги, эҳтимол, бутун Шарқдаги барча ишларимизда улкан бир маломатдир. Хўш, 4 йил давомида босмачиликнинг наинки тугатилиши, балки, аксинча, унинг Фарғонада авж олиши, қўшни вилоятларга ёйилиб, бутун Самарқанд вилоятини, Сурхондарё ва Туркманистон музофотларининг маълум қисмини қамраб олганлиги нима билан изоҳланади? Бу шу билан изоҳланадими, бизнинг 4 йил мобайнида олиб борган барча ишларимиз бу ердаги маҳаллий аҳолининг асрлар давомида шаклланган турмуши тарзига, урф-одат ва аънаваларига бутунлай зид эди. Вазият билан ҳисоблашшга ўқувимизнинг йўқлиги ҳаммамизнинг умумий касаллигимиздир: биз у ёки бу даражада раҳбар ҳисобланар эканмиз, мазкур касаллик қўшни мамлакатлар олдида бизнинг жуда мушкул аҳволга тушишимизга олиб келди.

Хато ва камчиликларимизни, Фарғонада ҳамон давом этаётган ярамасликларни яқол тасаввур қилиш учун бизга қўшни бўлган мамлакатлар билан олиб бораётган ишларимизни қисқача тавсифлаб ўтиш лозим деб ҳисоблайман. Форс (Эрон — тарж.)даги инқилобий ҳаракатни олиб кўрайлик. 20-йилда биз улкан муваффақиятларга эришганимизни яхши биласиз: Каспийортидаги оқгвардиячилар устидан ғалаба қозонган бизнинг қўшинларимиз уларни бутунлай тугатиш учун Энзелини эгаллаб олишди. Ана шу пайтда бизнинг «Инглиз империализмига қарши кураш» шиоримиз форс аҳолисига жуда тушунарли эди, чунки улар ўнлаб йиллар мобайнида инглизлардан зулм чекиб келишган эди, шу боисдан ҳам бу шиор форс аҳолисида

<sup>1</sup> Жаҳоншумул сиёсатимиз.

ҳамдардлик туғдирди ва дарҳол ўзига жалб этди.

Бу курашда биз улкан форс инқилобчиларидан бири бўлмиш Кучукхон<sup>1</sup> билан боғландик ва биргаликда бутун Хуросон вилоятини эгаллаб, инглизларни Машҳаддан чиқа бошлашга мажбур қилдик. Қачонки биз жиндай каттароқ муваффақиятга эришгудек бўлсак, кўққисдан коммунист эканлигимиз эсимизга тушиб қолади, зеро коммунистнинг хон авлодидан бўлган, мурасасоз, меньшевизмга мойил ва ҳ. к. Кучукхон билан неча пуллик иши бор! Шунинг учун ҳам биз уни, ҳаммадан аввал унинг ўзини ағдариб ташланган деб эълон қилдик, аини пайтда Кучукхон билан кетган ҳарбий қўшинларга суянмоқчи бўлдик. Кучукхон эса дарҳол бизга қарши уруш эълон қилиш имкониятини бой бермади, оқибатда эса биз Форсни тарк эттишга, чиққан жойимизга қайтишга мажбур бўлдик. Шундай қилиб, Форсдаги барча ишларимиз, қўлга киритган ҳамма ютуқларимиз бутунлай барбод бўлди.

Агар орангизда бирон-бир киши Форсдаги аҳвол билан, у ерда ҳукм сураётган қашшоқлик, аҳолининг мутаассиб ва қолоқлиги билан, форс меҳнатқашларининг тарқоқлига ва жоҳиллиги билан таниш бўлса, унга у ерда синфий табақаланишдан гап очиб бутунлай бемаънилик эканлиги ўз-ўзидан аён дидир.

Эндиликда биз Хивани олиб қарайдиган бўлсак, бу ерда биз олиб борган ишнинг чиппака чиқиши Форсдагидан ҳам қай-ғулироқдир. Сизга маълум, Октябрь инқилобидан сўнг биз Хивани нима қилиб бўлса-да, инқилобийлаштирмоқчи бўлдик. Бизнинг йўлимизга аввалги хонлик даврларида бош нозир бўлган Жунаидхон тўғаноқ бўлди.

Биз Хива хонлигининг пойтахти бўлмиш Хива шаҳрини эгалладик, хоннинг ўзини асир олдик, бироқ Жунаидхонни узоқ вақт дафт этолмадик, бордию бир бахтли тасодиф ёрдам бермаганида уни тор-мор қилиш ҳам гумон эди. Жунаидхонга қарши курашга кўққисдан унинг душманлари ҳисобланиш Фуломали ва Қўшмамад деган туркман йўлбошчилари қўшилиб қолишиди. Натижада биз икки уруфнинг ўзаро курашувига эришдик, Жунаидхон эса Фуломали ва Қўшмамад ёрдамида бизнинг Қизил Армиямиз томонидан ҳарбий қўшилма сифатида янчи ташланди.

Ана шу дастлабки муваффақиятлардан сўнг биз тағин Хивада мавжуд шарт-шароитни мутлақо билмаслигимизни ва бу шароит билан ҳисоблашишга лаёқатимиз йўқлигини намоён этдик, бурнимиздан нарини кўролмай қолдик.

Мен барча тафсилотларни гапириб ўтирмайман, фақат Хивада азалдан бир-бирига рақиб бўлган, хусусан, ўзаро сув талашиб низолашиб келган икки уруф — ёвмид ва ўзбеклар яша-шини айтиб ўтишим керак. Ўзбеклар қулоқнинг бошида бўлганлиги учун сувдан истаганга фойдаланишар, этагда яшовчи ёвмидлар эса сирқинди сувларни ичишга мажбур эди. Сувнинг бундай адолатсиз тақсимланиши ҳаммиша турли англашилмовчиликларга, низо-жанжалларга, кўп ҳолларда эса қуролли тўқнашуларга сабаб бўлиб келган. Ана шу душманлик янги-гина ташкил топган ҳукуматга — Нозирлар Советига ҳам кўчиб ўтди.

Туркманлар, жумладан, Фуломали билан Қўшмамад ҳам кирган Нозирлар Советида бу икки йўлбошчига қарши нифоқлар бошланди. Уларга давлатнинг душмани деб, гўё улар тўнтаришга ҳозирлик кўришяпти ва ҳ. к. деб айб қўйишди. Афсуски, Федерациянинг<sup>2</sup> Хивадаги собиқ мухтор вакиллари бўлмиш Шокиров ва Малишев ўртоқлар ҳам бу нифоққа қўшилиб кетишди ва натижада Жунаидхонни тор-мор этишда бизга ғоят катта хизмат қилган Фуломали ва Қўшмамадни бутун гуруҳи билан тугатишга қарор қилинди. Уларни бутун қўшини билан тугатиш мақсадида, гўё яқин орада Бухорога юриш учун тайёр-гарлик кўриляпти, барча йигитларингиз билан дарҳол Хивага етиб келинг, дея махфий хабар етказишди.

Мен Фавқулудда трибуналга (ўзим ҳам унинг аъзоси эдим) топширилган тергов материаллари орқали ушбу воқеа тарихи билан батафсил танишиб чиққанман.

Ҳеч нарсадан шубҳаланмаган Қўшмамад ва Фуломали ўз йигитлари билан Хивага бемалол кириб келишади ҳамда ҳозирлаб қўйилган биноларга жойлашишади. Шу кечанинг ўзида

бизнинг қизилармиячилар кўққисдан Қўшмамадга ҳужум қилиб, уни ҳибсга олишади ва йигитларини қуролсизлантиришади. Ҳибсга олинганидан бир неча соат ўтгач, Қўшмамад ўзининг яқин ёрдамчилари томонидан чопиб ташланади. Фуломали эса қочиб кетади.

Фуломалининг қочиб кетгани маълум бўлгач, унинг изидан жазо отряди жўнатилади, бу отряд ўз йўлида дуч келган бир неча қишлоқни ер билан яқсон қилади.

Бундан хабар топган ёвмид аҳолиси ҳамма нарсасини ташлаб, кимдир отда, кимдир туяда, кимдир қўқизда, кимдир пою пйёда хотин-халаж ва бола-чақалари билан Туркман вилояти томон йўл олишади, сувсиз саҳрода минглаб қақирим йўл босиб, Хазар денгизига чиқиб олишади ва Форсга бориб кўним топишади.

Ана шу воқеа бизнинг нақадар саводсиз эканлигимизни, на ижтимоий қучларни, на улар ўртасидаги ўзаро муносабатни ҳисобга олишда уқувимиз йўқлигини яққол кўрсатади.

Ушбу барча ҳодисаларнинг оқибати ўлароқ эришган натижа-миз шундан иборатки: 1) ёвмидлар бутунлай хароб бўлди, 2) Жунаидхон мисолидаги босмачилик ҳамон давом этмоқда, 3) туркман аҳолиси ёппасига ларзага тушди.

Энди, ўртоқлар, Бухорони олиб кўрадиган бўлсак, бу ерда ҳам шарт-шароитни мутлақо билмаслигимиз яққол кўриниб турибди, ҳолбуки, бизнинг ана шу шароитда ишлашимизга тўғри келади. Биз Қизил Армиямизнинг кучи ёрдамида бундан икки йил аввал қарийб бутун Бухорони эгаллаган эдик, бизнинг икки йиллик бошқарувимиз мобайнида у ерда шу қадар ноқулай вазият вужудга келдики, натижада бутун Бухоро аҳли Совет ҳокимиятига қарши қўзғала бошлади.

Бундан бир неча кун аввал мен Бухорода бўлдим ва ушбу қисқа муддатда шу нарсани аниқлаб етдимки, бу ерда ҳам биз ўзимизнинг уқувсиз сиёсатимиз билан аҳолининг ўзимизга қарши қўзғалишига сабаб бўлибмиз. Мисол тариқасида бир жуда ўринли далилни келтиришим мумкин. Бухоро инқилобининг моҳиятини тушунтирар экан, нотиқлар бизнинг инқилобимиз бошқа инқилоблардан шуниси билан фарқ қиладик, бу инқилоб фақат амиргагина эмас, аини пайтда Худога ҳам қарши қаратилган, деб жаврашяпти. Бу гапни шаҳри шариф ҳисобланган Бухорода, дин ғоят мустаҳкам ўрин олган, бутун турмуш тарзи тўлалигича диний асосга қурилган, аҳолиси ўта диндор ва мутаассиб ҳисобланган Бухорода айтишяпти! Табиийки, бу ҳолда биз бутун аҳолини ўзимизга қарши қўзғай-миз.

Ҳозир, баъзи бир ён беришлар, яъни Бухорода қозикалон-ликнинг тикланиши, вақфларнинг қайтариб берилиши ва бошқа қатор мурасасозликлар натижасида аҳоли аҳволи руҳиясида маълум ўзгаришлар рўй берди, эндиликда у босмачиликни тугатиш ишига бевосита иштирок эта бошлади ва шубҳасиз, Бухорода босмачиликка қарши кураш ниҳоясига етказилади.

Энди, қўшни жумҳуриятларда олиб бораётган ишимизнинг қисқача тавсифидан сўнг, Фарғонадаги ишларимизга ҳам тўхталиб ўтишни шарт деб ҳисоблайман.

Фарғонада Совет ҳокимиятини узоқ вақт маҳаллий аҳоли билан тил топиша олманган темирйўл ишчилари ўрнатдилар. Совет ҳокимияти ўрнатилиши билан бир пайтда Фарғонада мусулмон зиёлиларининг бир гуруҳи уламолар билан биргаликда мусулмон жангчи ва дехқонларининг қурултойини чақирди. Ана шу қурултойда Туркистон Мухториятининг ҳукумати сайланди. У барча босқинчи ва ўғриларга афви умумий бериб, уларни Фарғонада ташкил топган миллий армия сафига киришга даъват этди. Дарвоқе, бу сафга собиқ қароқчи ва ўғри, чор ҳокимияти томонидан сургун қилинган ҳамда инқилобдан сўнг қайтиб келган Эргаш ҳам таклиф қилинди. У кўрбоши қилиб тайинланди. Бунинг маъноси — Қўқон шаҳри мудофаасининг бошлиғи демакдир.

Бу тўдани тугатиш учун Қўқонга Совет ҳокимияти томонидан ўртоқ Перфильев бошчилигидаги отряд жўнатилади ва у шаҳарни қамал қилишга киришди. Мухтор ҳукумат ислом динини, Мухтор ҳукуматнинг миллий озодлигини ҳимоя қилиш учун, барча мусулмонлар озодлигини ҳимоя қилиш учун мусулмонларни миллий армия сафига киришга даъват этди. Дарҳақиқат, атрофдаги қишлоқлар бу қақирққа лаббай деб жавоб беришди ва Қўқонга кетмон, болта, ов милтиғи ҳамда шу каби бошқа қуруллар кўтариб олган оломон оқиб кела бошлади. Жанг уч кун давом этди. Шу орада Мухтор ҳукумат ғойиб бўлди, Эргаш ҳам қочиб кетди. Шаҳар эгалланганда у ерда

<sup>1</sup> Кучукхон Мирзо — Гилондаги (Эрон) империализмга қарши партизанлик ҳаракати раҳбарларидан бири.

<sup>2</sup> Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси.

фақат ёрдамга келган қишлоқ аҳли қолган эди. Энг кўп жабрни ҳам ана ўшалар кўрди.

Бизнинг отряд ёппасига дашноқлардан иборат эди ва улар вужудга келган вазиятни тезда англаб етиб, дарҳол пул тўплашга тушиб кетишди. Қирғин асосан тижорат аҳлига қарши олиб борилди. Барча маҳаллий савдогарлар отиб ташланди, уларнинг мол-дунёси оморлар ва вагонларга ташиб келтирилди, неки қолган-қутган бўлса, ҳаммаси ёқиб юборилди. Аҳоли зўрланди, талон-тарож қилинди, шаҳар эса вайрон этилди.

Бундай шафқатсиз қирғинни кўрган Фарғона аҳли мухториятчиларнинг, большевиклар талончи, босқинчи, улар ҳеч нарсани тан олишмайди, динга ҳам, Худога ҳам қарши боришади, деган гапларига ишонч ҳосил қилишди.

Мухторият тугатилгандан сўнг совет тузуми иш бошлади. Советлар Ишчи-деҳқон ва Қизилармия советлари деб аталарди, ҳолбуки, маҳаллий аҳоли орасида ишчилар йўқ эди, натижада совет аппаратлари маълум муддат маҳаллий аҳолидан ажралиб қолди. Бу аҳволнинг ўнгиланиб кетишига чор ҳокимияти томонидан мардикорликка олинган ва эндиликда қайтиб келган ерли ишчилар ёрдам беришди.

Сизга яхши маълумки, 1916 йилги мардикорликка олиш маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўлган, Самарқанд ва Ёттисува вилоятларида бир қанча кўзғолонлар бўлиб ўтган эди. Фарғонада кўзғолонлар бўлмади, аҳоли жуда эҳтиёткорлик билан сафарбар қилинадиганларни улгуржи сотиб олди, яъни у ўзига ўзи махсус солиқлар солди ва йиғилган пулга Фарғонада бижғиб ётган қиморбозлар, кисавурлар, бекорчи-хўжалар, хуллас, ҳар хил қаланғи-қасанғиларни ёллади. Бир йил ўтгач улар ўз уйларига қайтишди ва «ҳақиқий ишчилар» сифатида маҳаллий Советларга жалб этилишди. Фарғонада Совет ҳокимияти ана шундай бир вазиятда ташкил топди.

Хўш, у ерда бизнинг сиёсий фаолиятимиз қай йўсинда олиб борилди? Бизнинг «Йўқолсин эски дунё, йўқолсин буржуазия!» деган шиоримиз ҳаётга тахминан қўйидагича жорий этилди. Биз эски дунё деганда барча мачит ва мадрасаларни тушундик ва уларни бекитиб қўйдик; қози ва уламоларни ҳибсга олдик; диний хурофотга қарши курашимиз шундай ўз ифодасини топдики, Марғилонда Совет ҳокимиятининг вакиллари мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръонни ёқиб юборишди; Андижондаги Жомеъ масжиди мусулмон отрядларининг қўналғаларига айлантирилди ва у ерда баччавозлик авж олиб кетди.

Бизнинг отрядларимиз масжидларга ҳужум қилиб, намоз ўқиб ўтирган эшон ва уламолар ҳастага бомбалар ташлашди. Натижада уламо ва эшонларнинг ҳаммаси босмачилар томонига ўтиб кетишди.

Маҳаллий бойларни оврупо буржуазияси қаторида ҳисоблардик ва ҳибсга олиб, авахта қилдик, маълум миқдорда товоп тўлаганларинигина чиқариб юбордик. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтишим лозимки, ўртоқ Ленинга қилинган суиқасд Фарғонада бою боёнларнинг қатағон қилинишига сабаб бўлди. Уларни биз: «Сиз, аблаҳлар, Ленинга суиқасд қилдингиз!» — дея ҳибсга олдик. У ерда синфий кураш ана шу зайилда давом этди.

Хўжалик соҳасидаги ишларга келсак, сизга яхши маълумки, Фарғона ёппасига деҳқончилик ва ҳунармандчилик ўлкаси ҳисобланади, биз эса бу ерда «Коммуна»лар эълон қилдик. Бу ҳақда маълум декрет бўлиб, бутун ерлар ва энг кичик ҳунармандчилик корхоналаригача мусодара қилинди, натижада жуда кўп кишилар ишсиз, бир парча нонга зор бўлиб қолди. Бунинг устига инқилобнинг дастлабки даврларида кўплаб пахта тозалаш заводлари бекилганини қўшадиган бўлсак, Фарғонада дарҳақиқат барча соҳаларда — ҳам хўжалик, ҳам сиёсий, ҳам ташкилий соҳаларда жуда оғир вазият юзага келди. Табиийки, бу кадрларнинг ҳаммаси дарҳол босмачиларга қўшилиб кетди.

Шунинг ҳам айтиш керакки, биз ана шу тадбирлар билан бир пайтда отларни сафарбар этдик, мажбурий меҳнатни жорий қилдик, кишиларни Қизил Армия сафларига сафарбар этдик. Шулар билан мувозий равишда ғалла монополияси, озиқ-овқат тақсимоти каби тадбирларни амалга ошира бордик, нати-

жада барча деҳқон ва ҳунармандлар совет тузумига, совет тартибларига қарши кўзғалди ва босмачилар тарафига ўтиб кетди, дастлабки даврларда босқинчилик руҳидаги бу ҳаракат эндиликда сиёсий мазмун касб этди. Шунинг таъкидлаш лозимки, 1919—1920 йилларга келиб Фарғонада қароқчилик, босмачилик эмас, балки ўзига хос халқ исёни вужудга келди.

4 йил мобайнида биз бу ҳаракатга ҳатто тўғри баҳо беришни ҳам билмадик, у халқ кўзғолони бўлган ҳолда биз уни босмачилик деб атадик. Босмачилик моҳиятан талончилик деган маънони билдиради, бизнинг ушбу ҳаракатга берган нотўғри таърифимиз масалани ҳал этишда нотўғри ёндошувларга олиб келди. Ва алаҳолиқабат 4 йил давомида биз бу ҳаракатнинг бирон-бир жиҳатини тугата олмадик.

Совет ҳукумати тобора кучайиб бораётган бу кўзғолонга юзма-юз келиб қолганида, бу кўзғолон йирик шаҳарларда янада мустаҳкамланди ва совет ҳукуматига қарши кураш олиб борди.

Дастлабки даврларда бизнинг Қизил Армия бўлинмаларимиз ягона қўмондонликка бирлашмаган бўлиб, ҳар бир шаҳарда босмачиларга қарши алоҳида-алоҳида кураш олиб борарди. Қизил Армия отрядлари асосан дашноқлардан иборат бўлиб, уларни маҳаллий аҳоли билан боғлаб турадиган ҳеч қандай ришта йўқ, бинобарин, арманлар ўз касб-корига кўра тижорат аҳлидан иборат бўлиб, кундалик ҳаётда маҳаллий аҳоли билан рақобатда бўлар ва бу рақобат душманчиликни тўғдирар эди. Биз худди ана шу отрядлар билан босмачиликка қарши кураш олиб бордик, бу ҳаракат эса ўша пайтда шу қадар кучли эдики, улар бизнинг ҳар қандай отрядга қарши жанг қила олар, ҳар қандай ҳужумга бас кела олар эди. Кўп ҳолларда маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланган босмачилар ғолиб бўлиб чиқишар эди.

Маҳаллий ходимларнинг етишиб чиқиб, ерли тинч аҳолини фақат талон-тарож қилиш ва зўрлаш билан шуғулланаётган бизнинг ушбу отрядларимизга қарши норозилик билдиришлари учун кўп йиллар керак бўлди.

...Сизга шунинг айтишим лозимки, биз босмачиликни бир пайтнинг ўзида ҳам ўт, ҳам қилич билан тугатмоқчи бўлдик. Ана шу мақсадда «босмачилик билан заҳарланган» катта-кичик қишлоқларни шафқатсиз вайрон қилдик, уларнинг аҳолиси эса Совет ҳокимиятидан тобора узоқлашди борди. Бутун Фарғонани ишғол этишимиз ҳам ҳеч қандай ёрдам бермади. Бир пайтнинг ўзида Фарғонага 30 минггагача қўшин ташланди, барча йирик қишлоқларни Қизил Армия гарнизонлари эгаллаб олди. Аҳоли бизга душман бўлиб қолди, босмачилар эса бу гарнизонларни осонгина тор-мор қила бошладилар, натижада биз қишлоқлардан қўшинларимизни олиб чиқиб кетишга мажбур бўлдик.

Фарғонани тозалаш чиқиш деб аталадиган системани амалга ошириш мақсадида бутун Фарғона бўйлаб алоҳида бригада-ларни қўйиб юбордик. Босмачилар бундан ҳам ғалвирдан тўкилган сувдек омон қолаверди. Кураш жараёнида босмачилар жуда катта тажриба орттиришган бўлиб, бизнинг заиф жойларимизни жуда яхши билиб олишган эди; уларнинг разведкаси ажойиб ишлар, бизнинг отрядларимиз қай тарзда ҳаракат қилаётганидан мунтазам хабардор бўлиб туришар ва ҳамиша ўз вақтида жўнаб қолишарди. Биз уларнинг устига бостириб борганимизда эса улар жанг қилиб ўтирмасдан уч-кур отларида турли томонларга тарқаб кетишар эди. Ёки, бизнинг отрядларимиз келаётганидан хабар топшиган захоти уй-уйларига қайтишар, қурол-яроғларини яшириб қўйиб, отрядларимизни тинч аҳоли сифатида кутиб олишар, хизмат қилишар, ем-хашак, озиқ-овқат билан сийлашар, қайтиб кетаётганимизда эса орқадан ҳужум қилиб қолишарди. Баъзан бизнинг отрядларимизни 20—30 қақиримгача таъқиб қилиб боришар, ҳамма ёқ боғ-роғ бўлгани учун уларни пайқаш қийин эди.

Бундай ҳол Қизил Армиямиз жангчиларининг руҳига жуда ёмон таъсир қилар, улар ғазабга миниб, кўп ҳолларда бутунлай тинч аҳолини қириб ташлашар эди.

Барча ана шу воқеалардан сўнг ҳам қўмондонликда, ҳам Қизил Армия жангчиларида, аҳолининг ҳаммаси босмачи, деган собит фикр пайдо бўлди.

Худди ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб жазолаш сиёсати олиб борилди. Гаровга олиш тажрибаси ҳам хийла узоқ давом этди. Шунчалик кўп кишилар гаровга олиндики, бутун Фарғонада қамаш учун ҳақ топилаётган бўлди. Гаровга олинганларни гуруҳ-гуруҳ отиб ташлаш ҳам босмачилик ҳара-

<sup>1</sup> «Дашнакцютюн» арман буржуа Миллатчилик партиясининг аъзо-лари.

катини тўхтата олмади. Ҳадемай Фарғонада босмачилар билан алоқадорликда шубҳаланмаган бирон-бир маҳаллий ходим қолмади.

Ниҳоят, бизнинг жазолаш сиёсатимиз босмачиликка қарши курашнинг янги системаси билан — барча босмачиларни ҳисобга олиш ва қайд этиш системаси билан амаллаштирилди. Ушбу борада ишлаб чиқилган кўрсатмага биноан Чеканинг маҳаллий органлари маҳаллий аҳолидан сўраш орқали босмачиларни қайд этишга киришдилар.

Босмачилар сотқинларни дарҳол сўйиб кетишини билган маҳаллий инқилобий кўмиталар бутунлай бегона исм-шарифларни тузиб беришар эди. Бу рўйхат бўйича босмачиларни тутиш ниҳоятда қутилмаган оқибатларга олиб келди. Умрида босмачилик қилмаган одамларни олиб кета бошладилар.

Айни пайтда Туркфронт штаби армияни соғломлаштириш учун қатор тадбирларни амалга оширди. Фарғонадан дашноқ отрядлари жуда катта тартибсизликлар билан зўрга олиб чиқиб кетилди. Армиянинг ўзида қатъий интизом ўрнатилди, ишонсиз кишилар чиқариб ташланди. Қўмондонлик ягона раҳбарият остида бирлаштирилди. Айни пайтда партия томонидан аҳолини тинч меҳнатга даъват этувчи қатор сиёсий кампаниялар қабул қилинди.

Тинимсиз жанг-жадаллардан ғоят толиққан Фарғона аҳолиси дарҳол бу вазиятдан чиқиб олиш йўлларини излаётган бўлса ҳам Совет ҳокимияти томонига ўтиб, босмачи тўдаларининг бошлиқлари — кўрбошилари умуий таъқиб этиш ишига қўшилишди.

Ниҳоят, 1921 йилнинг августида, Туркистон Советларининг Х қурултойида Фарғона босмачилари диний, хўжалик ва сиёсий масалаларга тааллуқли қатор шартларни қўйган ҳолда Совет ҳокимияти билан тинч музокаралар олиб боришни таклиф этиб мурожаат қилди. Уларнинг шартлари шариатга йўл бериш, мачит, мадраса ва мактабларни очиб қўйиш, қозилар маҳкамасини тиклаш, бозорларга, деҳқончилик хўжалиги ва хунармандчилик корхоналарига эрк бериш ҳамда босмачи отрядларини Қизил Армия сафига қабул қилишдан иборат эди.

Музокараларда барча тинч аҳоли иштирок этди, ва демак, босмачилар қўйган бу талаблар айни пайтда аҳолининг ҳам талаби эканлигига шак-шубҳа йўқ эди.

Биз барча шартларни рад этдик. Ҳолбуки, биз учун жуда қулай фурсат келган эди. Биз ундан фойдалансак, аҳоли билан узил-кесил битим тузишимиз ва вилоятни тинчлантиришда улкан ютуқларга эришимиз мумкин эди. Тадбиркорлик билан, оқилона музокара олиб борганимизда эди, сўзсиз, босмачилар сафи парчаланиб кетган бўлур эди. Ана шу қисқа муддатда содир бўлган икки ҳодиса эътиборга лойиқ. Биринчи бўлиб таслим бўлган нуфузли кўрбошилардан бири бўлмиш Бойтуман, таслим бўлганларни авф этиш ҳақидаги буйруқдан четлаб ўтилиб, 40 йигити билан ҳибсга олинди ва авахта қилинди. Совет ҳокимияти томонидан Фарғона отрядининг кўмондони ўртоқ Зиновьев қабул қилган кўрбошиларининг иккинчи тўдаси дарҳол қўлга олинди ва отиб ташланди.

Ана шу икки далил тагин аҳолини биздан узоқлаштириб юборди, босмачилик эса янги куч-қудрат билан хуружга чиқди. Бироқ бу музокаралар биз учун беҳуда кетмади. ТуркМИК кейинги ойлarda қабул қилган қатор декретларда аҳоли талаби бир қадар ҳисобга олинди, бизнинг ишимизда «сиёсий ён беришлар» деб аталадиган янги йўналишни вужудга келтирди; қозилар маҳкамасининг тикланиши, вақфларнинг қайтариб берилиши, мадраса ҳамда мактабларнинг очилиши ва ҳоказолар ана шу тадбирлар самарасидир.

Бу сиёсий ён беришлар аҳолининг мўътадил хўжалик юртишига имкон берувчи янги иқтисодий сиёсатга мос бўлиб тушди. Буларнинг ҳаммаси аҳоли онгида Совет ҳокимиятига нисбатан жиддий бурилиш ясади. Ҳожимат Эшон бошчилигидаги руҳонийлар ҳам аста-секин босмачилар билан алоқани уза бошладилар, ҳолбуки, ана шу даврга қадар Ҳожимат Эшон босмачиларнинг ғоявий раҳнамоси ҳисобланар эди. Қўлаб муридлари бўлган муқаддас руҳоний Ҳожимат Эшоннинг омма кўз ўнгига советлар томонига ўтиши, уламо ва эшонлар анжумани, кейин эса Фарғона руҳонийларининг мурожаат ва қақиримлари тинч аҳолини ҳўшёр бўлишга ундади.

Айни пайтда ТуркМИКнинг таслим бўлган кўрбошилар ва уларнинг йигитларини авф этиш, уларнинг шахсий хавфсизлиги ҳамда мол-мулкнинг дахлсизлигини таъминлашга кафолат бериш ҳақидаги декрети эълон қилинди.

Аҳоли босмачи тўдаларининг бошлиқларидан Совет ҳокимиятига таслим бўлишни қатъий талаб қила бошлади. Шу аснода аҳоли билан босмачилар ўртасида кескин ниҳоқ келиб чиқди, баъзи жойларда аҳолининг ўзи босмачиларни қириб, уларнинг тўдаларини йўқ қила бошлади. Кейинги жараёнлар босмачиларни ўз ҳаёт манбаларидан жудо қилди, аҳоли уларни қўллаб-қувватлашдан бош тортиди; босмачилар муттасил талончилик билан шўғулланишга мажбур бўлишди, натижада халқ вакиллари ўзларини босмачилардан муҳофаза этишни сўраб Совет ҳокимиятига мурожаат қила бошладилар. Бизга у ёки бу қишлоққа Қизил Армия жангчиларидан гарнизонлар берилишини, гарнизоннинг барча таъминотини ўз зиммаларига олажакларини сўраб қўлаб талабар туша бошладилар. Уларнинг илтимосларини адо этишга қўмондонликнинг имконияти йўқ эди, чунки Фарғонада қўшинлар сони у қадар кўп эмас, гарнизонлар билан таъминланган қишлоқларда эса улар шу қадар ўзбошимча эдики, маҳаллий аҳоли муттасил бу гарнизонлар устидан шикоят қилиб келар эди. У ёки бу қишлоқда гарнизон қолдиришнинг узоқ вақт имкони бўлмади. Кўп ҳолларда қолдирилган гарнизонлар ҳарбий топшириқни бажариш учун ўзи жойлашган қишлоқни тақдир ҳукмига ташлаб, бошқа районларга йўл олар, шундай пайтда дарҳол босмачилар ёпирилиб келар ва қишлоқдаги барча нуфузли кишиларни сўйиб кетишар эди. Шунинг учун ҳам қишлоқдан гарнизон қўзғалиши биланоқ аҳоли ҳам мол-мулки, уй-жойини ташлаб у билан бирга чиқиб кетар, бу эса ўз навбатида оғир, чорасиз оқибатларга, очлик-яланғочликка олиб келар эди. Бизнинг ёрдамимиздан ҳафсаласи пир бўлган аҳоли ўз-ўзини ҳимоя қила олиши учун қурол-ярғоқ берилишини талаб қила бошлади. Афсуски, ҳарбий қўмондонлик бу қурол-ярғоқларнинг босмачилар қўлига тушиб қолишидан чўчиб, аҳоли илтимосини рад қилди. Ушбу барча муваффақиятсизликлар, талончиликлар, босмачилар қирғини, умуий тушқунлик ва умидсизликни аҳоли аллоҳнинг жазоси деб баҳолади. Бутун Фарғонада диний кайфият жуда кучайиб кетди. Оммавий равишда ҳажга жўнаш ҳаракати бошланди.

Алоҳида-алоҳида кишилар, мусулмон гуруҳлари; кўп ҳолларда бутун бошли қишлоқ аҳли ўз хўжалиklarини тугатиб, рўзғордаги игнагача сотиб, фарзанди йўқлар хотинидан ажрашиб, поездга ўтиришарди-да, Маккага йўл олишарди. Маккага ҳаж қилиш шу қадар авж олиб кетдики, бутун Фарғона хавф остида қолди. Ана шундай бир вазиятда менинг раислигимда босмачиликка қарши кураш Махсус комиссияси тузилди ва у 1922 йилнинг 15 февралда Фарғонага етиб борди.

Биз Фарғонада қуйидаги аҳволга дуч келдик. Бутун вилоят босмачилар қўлида. Совет ҳокимияти фақат шаҳарлар ва темирйўл ёқаларидагина мавжуд эди. Вилоят маркази ҳисобланган, Фарғона группасининг штаби ва хийла салмоқли ҳарбий бўлинмалар жойлашган Қўқон шаҳрининг фақат ярми бизнинг қўлимизда эди.

Қоронғи тушиши билан эски шаҳар босмачилар қўлига ўтар, орани кичик бир сой ажратиб турса-да, бу томонда жуда катта кучлар тўпланган бўлса-да, нариги томондан эшитилаётган қичқириқлар, вой-додларга ҳеч ким эътибор бермас, ёрдам кўрсатиш учун ҳеч қандай чора-тадбир кўрилмас эди.

Босмачиларни ўта қўрқоқ талончилар деб баҳолаган кўмондон, улар эски шаҳарга ҳужум қилганларида мен уйда баймайлхотир ухлайверман, чунки босмачиларнинг сойдан буюққа ўтишга юраклари бетламайди, деб айтди. Ихтиёрида ФКнинг отряди бўлган Махсус бўлимнинг бошлиғи нариги томондан нажот сўраб қилинган илтижоларга, вой-додларга ёрдамга бориш жуда хавфли, чунки босмачилар ҳамisha пистирма қўядилар, дея ошқора тан олди. Шаҳардан икки қақиримча нарида, Авғонбоғ деб аталадиган жойда босмачиларнинг илғор кузатувчилари муттасил навбатчилик қилиб турган, уларни дафъ этишни эса ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган.

...Андижон шаҳрида аҳвол бундан ҳам баттар эди. Уезд инқилоб кўмитаси аъзолари босмачилар ёғдириб турган ўқлар остида иш олиб борар, кечқурун соат 5 ларда ҳаммалари янги шаҳарга йиғилиб олиб, катта кўчанинг мулошидан босмачилар билан отшиб чиқар эдилар. Жалолобод шаҳри ана кетди, мана кетди бўлиб турган, Уш шаҳри эса ташқи дунёдан бутунлай узилди қолган эди.

Биз вилоятни илк бор жуда катта таваккал қилиб айланиб чиқдик. Биз ўтгандан икки соат кейин Горчаково станциясига босмачилар ҳужум қилишган. Аслида бу бизга қарши қара-

тилган зарба бўлиб, фақат жиндай кечикишган эди.

Вилоят билан танишиб чиққач, биз шундай қатъий хулосага келдикки, агар Фарғонада аҳолининг ўзи босмачиларга қарши курашга жалб этилмаса, уларни ҳарбий йўл билан тугатиш мумкин эмас. Нуқул овруполиклардан иборат бизнинг ҳарбий отрядларимиз босмачиларни фарқлай олишмайди. Жуда катта тайёргарлик билан берилган жанг зарбалари ҳам ё беҳуда кетади, ёки арзимас муваффақият келтиради, холос. Бунинг сабабини босмачиларнинг тактик жиҳатдан устмонлиги билан изоҳлаш мумкин: улар биқиндан ҳужум қилар, ҳеч қачон очиқ жангга киришмас, паст-баландни беш қўлдай билишар, керак бўлганда учқур отларига миниб, дарҳол уй-уйларига тарқаб кетишар эди. Масалан, бизнинг отрядимиз куппа-кундузи илгариллаб бораётганида кўққисдан босмачиларнинг шафқатсиз ўқ ёмирига ҳам келиб қолишади. Уз навбатда Қизил Армия жанглари дуч ҳужумга ташланишади, бироқ душман ўрнига паранжи ёпиниб тинчгина кетаётган ўзбек аёлига, кетмон чопиб турган деҳқонга, новвойга ёки масжид олдида ўтирган оқсоқол чолга ва шу кабиларга дуч келишади. Улардан, ҳозиргина ўқ узган босмачилар қаёққа ғойиб бўлди, деб сўрагудек бўлсанг, қўллари билан бирон томонга ишора қилишади, бироқ Қизил Армия аскарлари жиндай нари юрғач, дарҳол орқадан ўқ узишади. Шундай қилиб, босмачилар турли-туман усуллардан фойдаланишади, ҳар қандай қизил аскар улар ўйлаб топган айёрликнинг осонгина қурбони бўлиши мумкин. Босмачиларнинг бунақанг тактикаси кўп ҳолларда жуда оғир оқибатларга олиб келди, бизнинг отрядларимизнинг тинч аҳолига ҳужум қилиши уларга қўл келарди, чунки биздан озор топган аҳоли ҳамisha босмачиларни қўллаб-қувватлай бошларди.

Ана шундай бир вазиятда бу боши берк кўчадан чиқиб кетишнинг ягона йўли аҳолининг ўзини босмачиликка қарши курашга жалб этиш эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди, зеро, фақат аҳолигина босмачиларнинг ўзига хос жиҳатларини, уларга қарши қанақанги муқобил кучлар қўйиш лозимлигини билар эди.

Баъзи бир районлар билан, аҳоли ва унинг кайфияти билан танишиб чиққач, биз Фарғонада аҳоли ўз-ўзини ҳимоя қилишни ташкил этиш учун фурсат етилганлигига ишонч қилдик. Ўз-ўзини ҳимоя қилишни ташкил этишда биз асосан стратегик шарт-шароитни ҳисобга олдик: Фарғонада икки турдаги босмачилик ҳаракати мавжуд эди. Войдийа — ўзбеклар, тоғда — қирғиз босмачилари. Бу ҳаракатни тугатиш учун аввало ишни ҳамisha босмачи тўдалари қатнайдиغان тоғдаги доволарни қаттиқ қўриқлашдан бошлаш лозим эди.

...Фарғонада ишларни ташкил қилиш жараёнида уламолар, эшонлар, қози ва бошқа нуфузли шахсларни босмачиларга қарши курашга жалб этдик, улардан отряд бошлиқлари, оддий милиционерлар сифатида фойдаландик. Шу тариқа бутун халқнинг кўнгилли ҳаракатини кўзгаб юбордик ва босмачиларни ҳаёт манбаларидан маҳрум этдик. Биргаликда иш олиб бориш натижасида кўнгиллилар билан Қизил Армия жангчиларининг, кейинроқ эса аскарларимиз билан аҳолининг бир-бирига яқинлашувига эришдик. Биз Қизил Армияга нисбатан аҳоли муносабатларининг яхшиланувига эришдик, ҳатто аҳоли Қизил Армияга озиқ-овқатдан ёрдам бера бошлади. Беш ой мобайнида олиб борган фаолиятимиз натижасида: 1) йигитларининг умумий сони 1851 та бўлган 38 йирик ва ўртача қўрбошиларни тугатдик. 1256 та милтик тортби олинди; 2) бутун Уш уезди босмачиларидан тўла-тўқис тозаланди. Андижоннинг ҳам 29 волостидан 23 таси тозалаб чиқилди. Қўқон шаҳрига қўшинларимиз мустаҳкам ўрнашиб олди. Қўқон уездининг эса учдан бир қисми тозаланди. Марғилон уездининг ярми тозаланди. Ҳаммасини жаъмлаб айтганимизда, Фарғонадаги босмачилик ҳаракатининг 50%и тугатилди. Шубҳа йўқки, аҳолини курашга жалб этишдан иборат биз бошлаган иш шу тариқа давом эттирилса, янаги йилнинг охирларига бориб босмачилик батамом тугатилади».

Шундан сўнг Туркистон Халқ Комиссарлар Советининг раиси, ТуркМИК Президиумининг аъзоси, Туркистон КП МК секретариатининг аъзоси Қ. О. Отабоев Самарқанд ва Туркманистон вилоятларида босмачиликка қарши курашнинг аҳоли ҳақида хикоя қилади. Мажлисда ўша пайтдаги Туркистон Шўролар жумҳуриятининг деярли барча раҳбарлари иштирок этишади ва Абдусатторов, Хўжаев, Хидиралиев, Шомансуров, Чорипирлиев, Скалов, Паскуцкий, Гельфгог ҳамда Берзинлар сўзга чиқишади. Улардан ҳеч бири Қ. С. Отабоев нутқида баён этил-

ган позицияга ҳам, фактларга ҳам ҳеч қандай эътироз билдиришмайди. Пленум ўртоқ Отабоевнинг Фарғонада олиб бориغان фаолияти учун миннатдорчилик билдиради ва унинг номини Қизил тахтага ёзишга қарор қилади, Комиссиянинг Фарғона ва Самарқанд вилоятларида босмачиларга қарши курашда туганган сиёсий йўлини тўғри деб толади.

Ҳўш, биз юқоридаги фикрларга яқин бирон-бир нарсани қаерда ҳам ўқиганмиз? Тонна-тонналаб чиқарилган китоблар — қомуслар, илмий ишлар, дарслик ва романларнинг қайси саҳифасидан Совет Туркистони тарихига оид ҳақиқатни топиш мумкин? А. И. Зевелев, Н. А. Поляков ва Л. В. Шишкиналарнинг «Босмачилар» ҳақидаги «Босмачилик: тарихий ҳақиқат ва сохталаштирувчиларнинг уйдирмалари» деган китоблари ёлғон-яшққдан тўқилган гулчамбардан бўлак нарса эмас. Тарихимизнинг қайғули йиллари ҳақида ёзилган бу «фундаменталь иш» бугунги кунда шу ҳолида чиқмаслиги керак эди. Бу «иш»нинг пайдо бўлиши партиядо қайта куришга қарши бўлган кучлар мавжудлигининг ёркин далилидан бўлак нарса эмас. Қайта қуриш, шак-шубҳа йўқки, бутунлай бошқа асарнинг — «Босмачилик: сохталаштирувчиларнинг уйдирмалари ва тарихий ҳақиқат» деган асарнинг яратилишига йўл очади.

Дарвоқе, Урта Осиеда босмачилик 1922 йилдан кейин ҳам роса ўн икки йил давом этди. Босмачилик ҳаракати яшовчанлигининг чуқур сабаблари ҳали очиб берилганича йўқ, бильакс, бу сабаблар фирт ёлғон талқин қилинди, юқорида келтирилган ҳужжатлар шундай дейишимизга тўла асос беради.

Тарихчиларимизнинг таъкидларига қўшиладиган бўлсак, қуйидаги саволга қониқарли жавоб бериш мумкин эмас: ўн минглаб, ҳатто юз минглаб деҳқонларни оёққа турғизган, сеvimли машғулотларини, уйларини, оилаларини ташлаб, ўзларига озодлик, тинчлик, тенглик, ер ва сув берган янги ҳокимиятга қарши қўлга қурол олиб курашишга мажбур қилган қандак анги куч эди ўзи? Инглиз-америка империалистларими? Бундай талқин фақат Вишинскийни, Кагановични, Сталинингни қониқтирган бўлиши мумкин, бу талқин бир пайтлар ВКП(б) Қисқача курсини ўқиган китобхонларнигина қаноатлантирган бўлиши мумкин.

Бугунги кунда эса битта инглиз элчиси, майли, ўнтаси дейлик, борингки ана юзлаб инглиз жосуслари (бизнинг тарихшунослигимизда далиллар ниҳоятда кам, мулоҳазалар эса жуда кўп, гўё худди шундоқ бўлиши керакдек) қарийб йигирма йил мобайнида босмачилик ҳаракатини илҳомлантириб туришини эплай олишига чиппа-чин ишонадиган тўпорини топиш қийин.

Бунинг ҳақиқий сабаби шундаки, ишчи-деҳқонлар ҳокимиятининг ажойиб ғоялари Туркистонда бу ўлкани билмайдиган, унинг қадимий, асрлар давомида яратилган маданиятини, фавқулодда гўзал меъморчилигини, ўзига хос тароватга эга бўлган шеъриятини, устувор анъаналарини англамайдиган, англашга ҳаракат ҳам қилмаган кишилар томонидан амалга оширилди. Бундай кишилар «Бутун зўрлик дунёсини ер билан яқсон қиламиз...» деган нуқта назардан келиб чиқиб, ушбу ўлкани синфий кураш қаричи билан ўлчамоқчи бўлдилар, баъзан эса В. И. Лениннинг «Россия держимордалари» деган ифодасидан фойдаланиб, ана шу ролни бажармоқчи бўлдилар. Инқилоб дохийсининг оқилона, нозик, олижаноб миллий сиёсати ўшаларга қолганмиди?

Мана энди қанчалик мураккаб ва аччиқ бўлмасин, Урта Осие жумҳурияларида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиш тарихи ҳақидаги бор ҳақиқатни айтадиган фурсат келди. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ! Бундан мақсад турли халқларни бир-бирига қарши қўйиш эмас, балки ҳақиқатни айтиш орқали уларни бирлаштиришдир. В. И. Лениннинг ўз содиқ сафдоши А. А. Иоффега берган топширигини тағин бир бор эсга олайлик. Менимча, Лениннинг ушбу васиятига оғишмай амал қилиш босмачиликка қарши курашнинг ҳақиқий тарихини рўй-рост очиб беришнинг энг яхши омили, мавжуд миллатлараро муаммоларни ҳал этишнинг муҳим гаровидир.

«Юность» журналининг 1990 йил 1-сонидан  
Усмон ҚУЧҚОР таржимаси.

<sup>1</sup> Держиморда — Гоголнинг «Ревизор»идаги қаҳрамон; бу ерда «миргазаб» маъносига — тарж.

Дилшод Нуруллаев



## «Эврика!» демаган файласуф

— Буюк кашфиёт!  
— Мисли кўрилмаган буюк кашфиёт!  
— Инсон заковатининг мўъжизаси!..  
— ТАСС ахборотидан..  
— «Рейтер» хабар қилади..  
— «Франс-Пресс» маълумот беришича..

Тўхтанг, тўхтанг, Америка Колумб томонидан аллақачоноқ очилиб, космик кемаларимиз Зухро бағрини тилишга тайёрланаётган бир пайт яна қанақа буюк кашфиёт бўлди у?..

— Рақнинг давоси топилибдими? — дея энтикиб жойидан туриб кетади врач.

— Бе-э, терма командамиз жаҳон чемпионни бўлиш усулини ўйлаб топган! — деб лужма ташлайди футбол ишқибози, суюкли командасининг содиқ мухлиси.

— Йўқ! Прогулчиларга қарши кураш!.. — деб худди мажлисдагидек бармоғи билан ҳавони чўрт, кесади касабани союз аъзоси...

Лекин биз куйида ҳикоя қилмоқчи бўлган «кашфиёт»нинг ҳеч қанақа «Рейтер»у «Франс-Пресс»ларга алоқаси йўқ, бирор кимса энтикиб: «Буюк, мисли кўрилмаган!» ёки «Инсон заковатининг мўъжизаси!», дея наҳ урмаган ҳам у ҳақда, эгасидан бўлак ҳеч кимнинг хабари ҳам йўқ ундан — оддий, дунёдаги деярли барча инсонларга хос «ҳеч ким кашф этмаган «Америка»ни очишга уришиш»дек муқаррар ички эҳтиёждан келиб чиққан, холос, бу кашфиёт...

Жаҳонгир бугун одатдагидек барвақт чиқди ўқишдан. Лекин ни-

магадир одатдагига хилоф равишда йўлни шундоққина бекат биқинидаги кинохона томон бурмади: касса дарчаси қошида чумолидек уймаланганча ур-сур қилиб икки серияли янги ҳинд фильмига билет олишга уринаётган оломонга ҳасад билан бир қараб қўйди-да, хўрсиниб йўлида давом этди. Ҳатто пешонасига «мороженое» деб эзиб қўйилган дўкон олдида ҳам тўхтамади у бугун — бошини бурганча худди кўрмагандек ўтиб кетди. «Ҳозир келиб харид қилади», деган одатий хаёлда оғзининг таноби қочганча ён томонидаги темир кутидан музқаймоқ чиқарган таниш магазинчи аёл ҳам донг қотди жойида. Мижозининг ноодатий қилигидан ҳайрон, қўлидаги музқаймоқни қоғоз-поғози билан ланг очик оғзига тикди.

Ахир қаяқдан билсин у, Жаҳонгир ўқишга кирсам бўлди — маза қилиб ўйнавераман, деб ўйлаганини-ю, лекин умидлари пучга чиқиб, бугун, ўқишнинг биринчи куниданоқ аллақанақа семинар эзиб келишни уйга вазифа қилиб беришганини. Уйдагилар ҳам билишмайди; йўқса ҳайрон бўлишмасди Жаҳонгирнинг кела солиб ҳар кунгидек магнитофонини вараңглатмасдан, диванга чўзилганига; ҳайрон бўлиб эшик тирқишидан мўралашмасди. Ахир хаёл сураётган эди-да Жаҳонгир, Ньютон ёки Эйнштейн даражасида бўлма-са ҳам, ишқилиб, бош қотираётган эди. Бир пайт ёстиқдан бошини кўтарди эринибгина қўлини чўзиб телевизор тугмасини босди. «Ойнаи жаҳон» бир неча муддат визиллаб, худди ишлагиси келмаёт-

гандек хўмрайиб турди-ю, охири «шиғ» этиб ёришди...

Жазирама қумтепалар оша бир туя лўкиллаб кетяпти. Устида — унинг лўкиллашига монанд чайқалиб бораётган туякаш. Атрофда эса ҳеч зоғ йўқ. У ер-бу ерда яккам-дуккам сарғиш саксовул билан шувоқ кўзга ташланади. Туя ҳануз лўкиллаганча кетиб бормоқда... Ана, олдинда қудуқ кўринди. Тўхтаб дам олишармикан-а, бир оз? Ахир йўлга чиққанларига қанча бўлди-ю, бирор ерда тўхтаб дам олишгани йўқ. Ахир чарчоқ, ташналик, ҳордиқ деган нарсалар ҳам бор-ку ҳаётда?! Туяга қолса-ку... Аммо на илож, тўхташ-тўхтамаслик — биргина туякашнинг измида. У эса...

Ер — мисли копток. Шундай экан, бу чўлларнинг адоғи ҳам йўқ. Кетаверади туя лўкиллаганча; кетаверади, кетаверади, тўхтамайди...

Жаҳонгир миясига келган ажойиб фикрдан сакраб туриб кетди. «Эврика! Эврика!» деб қичқириб юборишига сал қолди, лекин ўзини босди — ҳаммомда, сув тўлдирилган тоғоранинг ичида эмас, ўзининг хонасида, пардек юмшоқ диван устида ётгани эсига тушди бирдан. Устига-устак, девор-дармиён қўшнилари ҳам ўша — уни курси: «Неварамни бераман-да, шу болага!», деб юрадиган Рузвон хола, унинг қичқиригини эшитиб, «Ие, жинни экану бу бола?!», деб неварасини беришдан айниб қолмасин тагин.

Бўлак ҳеч нарсани ўйламади у. Бир дақиқа ҳам ўтказмай кашфиётини амалда қўллашга киришди — тез юриб рўпарадаги китоб жавонига яқинлашди...

Нега бузоқнинг югургани сомонхонагача? Нима учун ароқхўр қўлига пул тегида дегунча берган ваъдасини унутди? Нима сабабдан ит суяк берилган заҳоти ҳуришдан тўхтади? Бу саволларнинг жавоби битта: дунёдаги барча ҳодисанинг ниҳоси бор!.. Бузоқнинг югургани — сомонхонагача. Ичмайман деб тавалло қилган пиёнистаннинг тавбаси — кейинги моянагача. Итнинг ҳуриши — суякка етишгунича. Студентнинг яллеси эса...

## ТАНИШУВ

Лайло ШАРИПОВА. Шеърлар . . . . .	12
Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ. Шеърлар . . . . .	13
Рустам ЭРГАШЕВ. Девордаги сурат. Ҳикоя . . . . .	14
Эркин АБДУРАҲМОН. Ойнадаги акс. Ҳикоя . . . . .	16
Хосият РУСТАМОВА. Шеърлар . . . . .	18
Фаррух ҲАМИД. Шеърлар . . . . .	18
Жамолиддин МУСЛИМ. Шеърлар . . . . .	19
Исажон СУЛТОНОВ. Авазбойлик тантилари. Ҳикоя . . . . .	20
Мавлуда ИБРОҲИМОВА. Фарид(а)нинг икрори. Фантастик ҳикоя . . . . .	26
Ҳасан ва Ҳусан ТУРСУНОВЛАР. Нигоҳ. Фантастик ҳикоя . . . . .	30
Зоҳир АВАЗ. Шеърлар . . . . .	41
Тулқин ШОДМОН. Шеърлар . . . . .	44

## НАСР

Тўхтамурод РУСТАМОВ. Пифагор теорема- маси. Ҳикоя . . . . .	49
--	----

## НАЗМ

Боқий МИРЗО . . . . .	25
Азиз САИД . . . . .	40
Оймомо ОБИДОВА . . . . .	44
Асрор МУМИНОВ . . . . .	47
Юсуф ЖУМАЕВ . . . . .	48

## ПУБЛИЦИСТИКА

Муҳаммад ВАЛИ. Яна иншо ҳақида . . . . .	42
Шухрат НЕЪМАТ. Гар тилар бўлсанг мурод . . . . .	45
Қилич НУРМУҲАМЕДОВ. Тиббиёт бекат- ларида . . . . .	56
Юрий ПАПОРОВ. Саҳро кўёши чароғон- ми? . . . . .	72
«ЕШЛИК» ПОЧТАСИ . . . . .	46

## НИГОҲ

Дорилфунун қизлари . . . . .	39
------------------------------	----

## ТАНҚИД ВА АДАБИЕТШУНОСЛИК

Дарсликлар талабалар нигоҳида . . . . .	33
Озод ШАРАФИДДИНОВ. Абдурауф Фит- рат . . . . .	63
Абдурауф ФИТРАТ. Тилимиз. Епишмаган гажжаклар . . . . .	65,67
ТИЛ САНДИФИ . . . . .	32

## ЕЛПИҒИЧ

Дилшод НУРУЛЛАЕВ. «Эврика» демаган файласуф . . . . .	79
--	----



# ЕШЛИК

«Молодость»  
ежемесячный  
литературно-художественный,  
общественно-политический журнал  
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ  
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ  
Мусаҳҳиҳ: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:  
700113, Тошкент, Катортол кўчаси, 60-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 78-94-05  
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83  
Масъул котиб — 78-97-07  
Наср бўлими — 78-97-58  
Назм бўлими — 78-77-16  
Публицистика, адабий танқид ва  
санъат бўлими — 78-17-47  
Фотомухбир — 78-97-58

Редакция ҳажми 12 босма табоқдан ортиқ  
роман ва 8 босма табоқдан зиёд қиссалар  
қўлёзмасини қабул қилмайди.  
Ҳажми бир босма табоққача бўлган асарлар  
муаллифларига қайтарилмайди. Редакция ўз  
тавсиясига кўра амалга оширилган таржима  
асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.  
Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан  
олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 23.03.90 й. да туширилди.  
Босишга 17.04.90 й. да рухсат этилди.  
Р—09055. Офсет босма, 1-офсет қоғози  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Қоғоз ҳажми 5,25 босма табоқ  
Шартли босма табоқ — 8,82  
Нашриёт табоқ ҳисоби 12,6  
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76  
Тиражи 315142 нуска  
Буюртма № 2861.  
Баҳоси 50 тийин  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмахонаси.

«Ешлик» № 5. 1990.